

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Ў.Хусанходжаев, И.Аҳмедов, Х.Файзиев, Ш.Байматов**

**ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
РЕЖАЛАШТИРИШ  
ДАРСЛИК**

5340700 - Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши) бакалавриат таълим йўналишида ўқитиш учун мўлжалланган.

**ТОШКЕНТ-2019**

**УДК: 626/627.**

**Муаллифлар:** Ў.Хусанходжаевв, И.Ахмедов, Х.Файзиев, Ш.Байматов

**“Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва режалаштириш”**

Дарслик.Тошкент, ТАҚИ-2019.

Ушбу, “Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва режалаштириш” номли дарсликда гидротехника қурилишини ташкил қилиш ва режалаштириш асослари ёзилган.

Дарслик амалдаги фан дастури асосида ёзилган бўлиб, олий таълим муассасаларининг 5340700 - Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши) бакалавриат таълим йўналишида ўқитиш учун мўлжалланган.

Ундан турдош таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар, магистратура мутахассисликлари магистрантлари ва соҳанинг мутахассислари ҳамда барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:**

т.ф.н. **Л.Х.Ирмухамедова** - ТИМИ, “Гидромелиоратив ишларини ташкил этиш ва улар технологияси” кафедраси доценти.

т.ф.д. **А.Баҳодиров** - ТАҚИ, “Қурилиш технологияси ва ташкилиёти” кафедраси мудири.

## **КИРИШ**

*Боши билан шўнгиги кирмаса ҳар дам,  
сув остида дурни топарми одам!*

*Алишер Навоий.*

Инсоният тараққиётида гидротехниканинг ўрни бекиёсдир. Сув оқимини бошқариш, аҳоли ва саноатни электр энергия билан таъминлаш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа айrim мақсадларида гидротехникага мурожаат қилинади.

Гидротехника турли хил мақсадларда сувдан фойдаланиш саволларини ўрганиш, ҳудуд ва аҳолини ҳамда иқтисодиёт объектларини муҳофаза қилиш учун кўриладиган мураккаб муҳандислик фанлари мажмуасини билдиради. Гидротехниканинг асосини гидротехника иншоотлари ташкил этади. Гидротехника иншоотлари-тўғонлар, гидроэлектростанциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қиргоқларини, каналлар ва ўзанлари қиргоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлардир.

Гидроэнергетика ресурслари табиий, экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаи бўлгани сабабли улардан фойдаланишни ҳар томонлама кенгайтириш республикамизнинг замонавий тараққиёт стратегиясига мосдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон гидроэнергетика соҳаси 36 та гидроэлектростанцияларни ўз ичига олади, улардан 25 таси қирқ-саксон йил муқаддам ишга туширилган ва ўзининг техник ресурсларини деярли ўтаб бўлган, асбоб-ускуналар ва иншоотлар модернизация ва реконструкцияга муҳтождир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури

тўғрисидаги ПҚ-2947-сонли қарори республикамизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланувчи гидроэнергетик ресурслар улушкини ошириш, янги экологик тоза ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида қабул қилинди.

Шунинг учун етук ва рақобатбардош кадрларни етиштириш бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг асосий давлат аҳамиятидаги масаласи ҳисобланади.

Бўлажак кадрлар ўз соҳаси тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши келгуси фаолияти учун мустаҳкам замин бўлади. Гидротехник иншоотлар ҳисобланган гидроэлектростанциялар сел ва сел-сув омборлари, хизмат йўллари, насос станциялар ва уларга етарлича бўлган малакали ишчилар, инженер – техник ходимлар ва раҳбарлар фаолият кўрсатаётган комплекс учун оқил, билимли, юқори малакали ва тажрибали бошқариш ходимлари зарур.

Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон халқлари гидротехника бошқаруви бўйича тарихий тажрибага эга. Тарихий манбалар ва археологик тадқиқотлар Марказий Осиёда гидротехника ривожланишини, сув ресурсларини бошқаришни эрамиздан олидинги 3000-2500 йилларга боғлайдилар. “Ўзбекистон Ирригацияси” энциклопедиясида Александр Македонский (356-323 милоддан олдинги йиллар) қурдирган иншоот тўғрисида маълумот бор. “Ўзбекистон Ирригацияси” тўпламида Самарқанд вилоятида ҳозиргача харобалари сақланиб қолган Хонбанди (XI аср), Абдуллахонбанди (XVI аср), Зарафшон дарёсидаги сув айиргич иншооти (XVII аср)нинг сақланиб қолган қисмлари ота боболаримизнинг юксак ақл заковатли ва юқори тажрибали эканликларидан далолат беради. Буюк шоир Алишер Навоий ўзининг “Фарход ва Ширин” достонида сув чиқариш масаласини халқнинг асрий орзузи деб ёзган бўлса Шоҳ Бобур авлодалири 1527 йили Хиндистондаги Қизил қалъа саройида чуқурлиги 145м бўлган

ичимлик суви қудуғини қурдирған ва у ҳозирги вақтгача сақланиб қолған. Марказий Осиё ҳудудида яшаш учун курашнинг асосий йўли сув ва уни бошқариш бўлиб келган. Давлат иқтисодини бошқаришда дарёдаги сув сатхини ўзгариши ўлчов қилиб белгиланган. Бунга буюк ватандошимиз Аҳмат ал Фарғоний Нил дарёсига қурган сув ўлчаш иншооти 1150 йилдан ошиқ ишлаётганлигини қўрсатиш мумкин. Сув оқимини ростлаш, тақсимлаш, дарё ўзанини мустаҳкамлаш ва бошқа шунга ўхшаш иншоотларни қуришда “тўғончилар” ва шунга ўхшаш номлар билан аталувчи, маҳсус тажрибага эга бўлган мутахассислар ишлаган. Ўтмишда кадрлар масаласигаadolatli ёндашишган. Ариқ муроби, оқсоқоли ва шу каби лавозимлар мавжуд бўлганки, уларни халқнинг ўзи тажрибали ва билимдон кишилардан сайлашган. Магистрал каналлар оқсоқолларини давлат ваколатли органлари томонидан тайинлаганлар (XIX аср), уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда вазифалари белгиланган.

Гидротехника иншоотлари қурилиши умумий ишларга нисбатан ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Одатда қурилиш ишлари кўп маблағ талаб қиласидан бўлади. Иншоотларининг иқтисодий қўрсаткичларига сугориш тармоғининг иш тартиби, дарё гидрографи, қишлоқ хўжалиги сугориш тартиби, ер ости сувларининг ҳолати, йил фасллари, марказий аҳоли пунктларидан олисда жойлашганлиги, инженерлик коммуникация мавжудлиги, ишлаб чиқариш базаларининг мавжудлиги ва шунга ўхшаш манбалар таъсир этади. Шу сабабли қурилишни ташкил қилишда оптималь вариантларини топиш учун тадқиқот ўтказиш, асослаш ва режалаштириш зарур бўлади.

Қурилишнинг аниқ муддатларда бажарилиши, ишларнинг қанчалик узликсиз режимда амалга оширилиши қурилиш моддий техник таъминотининг аниқ ва пухта режалаштирилганлиги ва ташкил этилганлиги билан боғлик. Ер ишларини бажарувчи механизмлар учун, транспорт ишларини бажарувчи воситалар учун, бетон ва темир-бетон ишларини бажарувчилар ҳам ноқулай

табиий шароитларда бўлади. Шу сабабли моддий-техник таъминотни яхши ташкил қилиш қурилиш амалиётида жуда муҳим иқтисодий ва амалий аҳамиятга эга.

Қурилиш ишларини амалга ошириш учун қурилиш сувини бартараф қилиш иншоот қурилиши учун қулай шароит яратиш демакдир. Акс холда қурилиш ишларини бажариш қийинлашади ёки умумиан бажариб бўлмайди. Қурилиш сувини ўтказиш иншоотини тўғри танлаш ва ундан фойдаланиш қурилиш таннархини камайтиришга омил бўлади.

Курувчилар посёлкасини ташкил қилиш йирик қурилиш обьектларида қурилиш комплексининг ажралмас қисми ҳисобланади. Курувчилар посёлкаси асосий қурилишда бажариладиган ишлар ва уларда банд бўлган ишчилар сони асосида лойиҳаланади. Курувчилар пасёлкаси учун селитеб ҳудуд майдони, қўшимча яшовчилар, хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари ҳисобланади.

Гидротехника иншоотлари қурилишида илмий тадқиқот ва лойиҳа - қидиув ишлари бўлажак иншоотни ёки бажариладиган ишни сифати, тўғрилиги ва баҳосини аниқлайди. Тўғри тадқиқот қилинган ва асосланган варианtlар олдинга қўйилган мақсадни амалга оширишнинг гаровидир. Иншоотлариниг узоқ ва ишочли ишлаши ҳам илмий тадқиқот ва лойиҳанинг қанчалик сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Дарслик Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва режалаштириш” фанининг дастури асосида ёзилган бўлиб, олий таълим муассасаларининг 5340700 Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидроэлектро-станциялар қурилиши) бакалавриат йўналишида ўқитиш учун мўлжалланган.

Ундан турдош таълим йўналишларидаги талабалар, магистратура мутахассисликлари магистрантлари ва соҳанинг мутахассислари ҳамда барча қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

## **І БОБ. ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ТҮГРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

**Калим сўзлар:** гидротехника, гидроэнергетика, қурилиш, режалашириши, ташкил қилиши, бошқарии, раҳбарлик, материал, меҳнат, календар режса, техника, механизм, участка, бригада, звено, бўлинма, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат, нархнома, таъминот, хизмат, транспорт, сарф, ҳаражат, ҳуқуқ, иши, ииҷчи, норма.

### **1.1. Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва режалашириш. Унинг мақсад ва вазифалари түгрисида умумий тушунчалар**

Ер юзида жамият ривожланишининг асосини сув хўжалиги ташкил этади. Тарихий ривожланган Миср, Хиндистон, Хитой, Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда инсоният жамиятининг ривожланишида сув ресурси асосий омил ҳисобланган. Дунёдаги йирик шаҳарлар, масалан, Пекин, Шанхай, Дехли, Москва, Париж, Лондон, Америка қитъаси шаҳарлари ва бошқа қўп шаҳарлар йирик дарёлар атрофида барпо этилган. Сув инсонни тўйдиришга, кийинтиришга ва тозалашга хизмат қиласи. Шундан сувни инсоннинг биринчи зарур манбай деб қараш асосли бўлади. 70 йил умр кўрган инсон тахминан 45-50 тонна сув ва сувли маҳсулот истемол қиласи. 1кг буғдой этиштириш учун 1-3 м<sup>3</sup> ёки тонна, 1кг пахта ҳосили (хомашё) этиштиришда буғдойга нисбатан ўртача икки марта қўп сув сарфланади. Тирик мавжудод танасининг асосий қисмини ҳам сув ташкил этади. Форс-тожик тилларида сўзлашувчи ҳудудларда “оби-хаёт” атамаси сувга нисбатан ишлатилади. Бу жуда ҳам мукаммал маъноли атамадир, чунки унинг маъноси сув ҳаёт демакдир. Сув – ҳаёт, ер хазина – сув гавҳар, “сув ҳаёт” манбай каби мазмундаги шиорлар, ҳалқ мақоллари жуда тўғри ва тўлиқ мазмунга эгадир.

Меҳнатни ташкил қилиш-бу бажарувчилар (ишчи инженер техник ходим ва хизматчилар) меҳнати билан боғлиқ бўлган асосий ишларни, меҳнатни илмий ташкил этиш талабларига мос келадиган шароитларда бажаришдир.

Ишни ташкил қилиш – бу маълум ишни инженер техник ходим раҳбарлигига жамоа томонидан бажаришdir. Бунга ишни техник ҳужжатлар билан таъминлаш, янги технологияни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, такомиллаштириш, тўлиқ механизациялаш, оқим усулларини тадбиқ этиш, ишни барча керакли манбалар билан таъминлаш, меъёрлар ва лойиҳа талабларини бажариш, иш сифатини назорат қилиш ва қабул қилиш киради.

Қурилишни ташкил қилиш – бу кенг қамровли ва мураккаб йўналиш бўлиб иншоот комплекси бўйича барча ишларни бир бутун ўзаро боғлиқлигини таъминлашdir, қурилишни тўлиқ бажариш учун барча керакли манбаълар билан таъминлашdir, қурилишни белгиланган муддатда ишлатишга топширишdir. Қурилишни ташкил қилишга қўйидагилар киради: қурилиш обеъктларини битказиш навбати ва муддатини режалаштириш, қурилиш даврида керакли манбалар билан узлиksиз таъминлаш, қурилиш ишлаб чиқариш базаларини тузиш ва ривожлантириш, барча ишловчиларни маданий оқартув ва яшаш жойлари билан таъминлаш ҳисоби ва қурилиш сифатини назорати, қурилишни ишлаб чиқаришга топшириш.

Режалаштириш – бу яқуний мақсад бўйича барча аниқ имкониятларни ҳисобга олиб ишни бажариш муддати, кетма – кетлиги, тартибини аниқловчи тадбирларни олдиндан белгиланишидир. Уларни ишлаб чиқариш жараёни режелаштириш деб тушунилади.

Бошқариш-бу белгиланган вазифани бажариш мақсадида техник, иқтисодий, табиий ва бошқа қонунларга асосланиб ишлаб чиқариш жамоасига таъсир этишdir.

## **1.2 Гидротехника бошқарув тизими тўғрисида тарихий маълумотлар**

Буюк алломалар Ахмад-ал Фарғоний (797-861йй), Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850йй), Абу Наср Фаробий (873-950йй), Абу Райхон Беруний (973-1048йй), Абу Али ибн Сино (980-1037йй), Бурхониддин Марғилоний (...1197йй) ва бошқалар келажак авлодлари учун математика, астрономия,

геодезия, геология, география, бошқарув, тарих, тилшунослик, архитектура фанлари бўйича қўплаб илмий ишланмаларни қолдирганки, булар қурилиш соҳасининг асосини ташкил этади. Фанда маълум бўлган ишланманинг гидротехника бўйича тарихий маълумотини Аҳмад ал-Фарғоний яратганлиги, ишланма ҳам қурилиш ва эксплуатацияга боғлиқлиги, унинг асосида бутун мамлакат иқтисодиётини бошқариш амалга оширилганлиги инсоният тарихида катта аҳамиятга эга. У иншоотнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, у сув, туз ва умуман атмосфера таъсирига деярли бардош берганлигини таъкидлаш асосли бўларди. Сув ўлчаш иншооти ҳозирги кунга қадар иш ҳолатида сақланганлиги жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Иншоот Нил дарёсининг Египит(Миср) мамлакати худудида жойлашган бўлиб 1150 йилдан ошиқ вақт ишлатилмоқда. Иншоотни ишлатишда фойдаланиш учун “Миқёси жадид” қўлланмаси яратилган.

Марказий Осиёда гидротехника ишлари узок тарихга эга. Сув ресурсларини бошқариш бўйича маълум даражада тажриба тўпланган. Гидротехника иншоотлари, сипоялар, чорпоялар, сардобалар, кўприклар, сув олиш иншоотлари қурилиши амалиёти Марказий Осиё номи билан боғланади. Гидротехника соҳасини бошқаришда ҳар доим ҳам соҳа мутахассислари шуғулланган, улар маълум даражада билимга эга бўлган.

Марказий Осиёда сув хўжалиги регионни ривожаланишида асосий омил бўлганлиги сабабли давлат аҳамиятида бўлган. Сув ресурсларини инсон манфаатига бўйсндириш учун доимий интилишлар бўлган. Бу жараён гидротехник иншоотлар қуриш билан узвий боғлиқдир. Қадимий Хоразмда (Х-XI аср) Амударёдан сув олиш учун канал қурилиши, Зарафшон воҳасида туннел қурилиши, Эрамиз бошида Чигир (сув қўтариш қурилмаси) ихтиро қилиниши, Фарғона водийсида сув оқимини йўналтирувчи “сепоя”, “чорпоя”, ”лабигар” қурилмалари ихтиро қидинган ва амалда қўлланилган. Уларнинг айримлари яқин вақтларгача (70-йилларгача) сақланиб келган. Корислар инсон манфаати учун қурилган ва ишлатилган. Бу вақтларда сув омборлари

қурилиши амалда мавжуд бўлган. Гидротехника қурилишига Темурийлар давлати, Темур бошқарувидаги ҳудуарда ҳам катта аҳамият берилган. Темур раҳбарлигига Қобул (Афғонистон) атрофида суғориш тизими, Кавказда яратилган суғориш магистрал каналнинг узунлиги 70км, кенглиги 10м ва чуқурлиги 4м сув сарфи  $25\text{-}30\text{m}^3/\text{s}$ ) гидротехника қурилишининг қанчалик тарихий асоси борлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳудудида гидротехника ишлари ривожланишининг сўнги босқичини ўтган асрнинг 30 йилларига боғласак хато қилмаган бўламиз. Ҳудудда аҳоли сонининг ўсиши билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга зарурият келтириб чиқарди. Ўзбекистон ҳудуди сув хўжалигининг дала лабараториясига айлантирилди. Бу вақтларда Сирдарё, Амударё, тоғ дарёларининг сувини бошқариш билан боғлиқ улкан ишлар қилинган. Катта Фарғона канали, жанубий Фарғона канали, Мирзачўлдаги каналлар, қатор сув омборлари бунга мисол бўла олади. Катта Фарғона каналининг қурилиши жаҳонни хайратга солган. Ишни тўғри ташкил қилиниши натижасида 270км узунликдаги канал бошланғич сув сарфи  $98\text{m}^3/\text{s}$ . билан 1939йил атаги 45 кунда қуриб битказилган.

Республикамизда сув таъминотини яхшилаш, гидроэнергетикани ривожлантириш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Шу асосда яқин йиллар ичида ишга туширишга мўлжалланган Тошкент вилояти ҳудудида Паркентсой, Қизилсой ва Тоштепа, Жиззах вилояти ҳудудида Караман сув омборлари қурилишлари бошланган ва улар давом эттирилмоқда. Булардан ташқари Қашқадарё вилояти ҳудудида Гулдара ва Аяқчисой ва Самарқанд вилояти ҳудудида Булунғур сув омборлари пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда қуввати 240 МВт ли Муллалак ГЭС, 200 ва 400 МВт қувватли ЮқориПскем ва Пскем ГЭСларининг техник иқтисодий асослаш ишлари босқичи бажарилмоқда.

### **1.3. Қурилиш жараёнида меҳнатни илмий ташкил этиш**

**Калит сўзлар:** гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил қилиш, бошқарииш, раҳбарлик, меҳнатни илмий ташкил этиши, иши жараёни, тежсаи, техника, механизм, участка, бригада, звено, бўлинма, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат, узликсиз, механизация, энергия.

#### **1.3.1. Қурилиш бўлинмаларида меҳнатни илмий ташкил этиши**

Меҳнатни илмий ташкил этишнинг (МИТЭ) туб моҳияти ишчи кучи, меҳнат воситалари ва технологияларини фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг илғор тажрибаларини ишлаб чиқаришда иш унумдорлигини оширишни таминлаш учун фойдаланишда самарали ўзаро мувофиқлаштириш ва уни ҳаётий заруриятга айлантиришdir.

**Меҳнатни илмий ташкил этишнинг принциплари.** Меҳнатни илмий ташкил этишнинг принципи МИТЭ ишлаб чиқаришнинг барча бўғин ва элементларига жорий этиш унинг асосий принципи ҳисобланади. Бунга меҳнатни, ишни ва қурилишни ташкилий бўғинлари киради.

Халқ хўжалигига салмоқли ресурслар борки улардан тўғри, илмий техника ва ишлаб чиқаришнинг илғор тажрибалари асосида фойдаланилса кўп ижобий ютуқларга эришиш мумкин. Сув ресурсларидан фойдаланиш Республика бўйича бир киши бошига ўртacha  $2100 \text{ м}^3/\text{йилни}$  ташкил этади. Бу ривожланган мамлакаиларга нисбатан солиштириб кўрилганда икки ва ундан кўп мартани ташкил этади. Шу каби маълумотларни машиналардан фойдаланиши, техника ва бошқа воситалардан фойдаланиш, айниқса иш кучидан фойдаланиш бўйича ҳам келтириш мумкин. МИТЭ нинг натижавий **мақсади** инсоннинг яшаш фаровонлигини яхшилашдир. Шу мақсадга эришиш учун МИТЭнинг **вазифаларини** тўрт гурухга бўлинади: иқтисодий, санитар-гигиеник ва руҳий физиологик, илмий ва ташкилий вазифалардир.

МИТЭнинг иқтисодий вазифаси ишлаб чиқаришда материал, меҳнат ва пул маблағларидан ҳар томонлама тежамли ва унумли фойдаланиб натижада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва сифатини оширишдир.

МИТЭнинг санитар-гигиеник ва руҳий психиологик вазифалари инсоннинг ишлаши ва яшashi учун меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда иш қобилиятини бутун иш вақтида сақлашни таъминлаш ва охир натижада ишнинг юқори сифатли бўлишини ва иш унумдорликка зарурӣ асосни яратишдир.

МИТЭнинг ижтимоий вазифаси меҳнат жамоасида меҳнатга онгли ёндашиш, жамоа аъзолари ўртисида ўртоқларча яхши мухитни яратиш, ижодий меҳнатни ривожлантириш учун шароит яратишдир.

МИТЭнинг ташкилий вазифаларига меҳнатни ташкил этиш ва қурилиш ишлаб чиқаришининг даражасини илғор лойиҳаларни жорий этиш, иш жойларини ташкил этиш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш, меҳнатни ташкил этиш ва меъёrlаш ҳамда ишдаги йўқотишлиарни, маъромларни, кадрлар қўнимсизлигини яхшилаш учун ташкилий йўлларни тадқиқот қилиш. Ҳар қандай ишларни режалаштиришда, иншоотлар қурилишини лойиҳалашда МИТЭ вазифалари ҳисобга олинган бўлиши керак, чунки тугатилган лойиҳалар ёки режалаштирилган ишлар амалга оширилаётган жараёнда бажариш меҳнатини ўзгартириш қийин. Бу лойиҳадан чеккага чиқиш бўлади. Шу сабабли амалиётда унга йўл қўйилмайди.

Қурилиш бўлинмаларида меҳнат жараёнига тўғридан тўғри боғлиқ бўлган ташкилий тадбирлар МИТЭнинг асоси ҳисобланади. Техник ва технологик масалалар МИТЭнинг таркибий қисми бўлмай фақат у билан узвий боғлиқдир. МИТЭ фақатгина техник масалаларгагина эмас, у иқтисодий, эстетик ва эргономик масалаларга ҳам асосланади(эргономика-бу фантехниканинг алоҳида бўлими бўлиб, инсон организмининг анатомик ва физиологик хусусиятларини иш қуроли ва воситаларига мувофиқ келишини ўрганувчи соҳасидир).

Курилиш бўлинмаларида МИТЭ бўйича ташкилий тадбирлар қуидаги йўналишларда олиб борилади: иш жойини ташкил этишни такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш, меҳнатни тақсимлаш, илгор меҳнат усуслари ва услубларини тадбиқ этиш, меъёрлашни ва иш ҳақи тўлашни такомиллаштириш, моддий ва маънавий қўллаб қувватлашнинг рационал услуг ва шаклларини тадбиқ этиш, иш унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ишчиларнинг маданиятини ва малакасини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш. Кўрсатилган масалалар бўйича ечимлар йўналишлари етарлича кенг ва кўпdir.

Иш жараёнини ташкил этиш МИТЭ бўйича ишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Иш жойи деб маълум ишни ёки маҳсулот ишлаб чиқариш учун жараённи амалга ошириш учун ишчи(инсон) ва техник восита турадиган ёки ҳаракатланадиган ҳудуд тушунилади. Иш жараёнини ташкил этиш бу маълум иш жойини меҳнат қуроли ва воситалари билан таъминлаш ва уларни маълум тартибда жойлаштиришdir. Улар асосан уч элементни: режалаштириш, жиҳозлаш ва иш жойига, ўзига хизмат кўрсатиш.

Иш жойини режалаштириш - бу ишлаш учун хавфсиз, эргономик, меҳнат қуроллари ва воситаларини фойдаланиш ва ишлатиш учун оптимал(қулай), ишчининг ҳаракатланиши учун қулай бўлган майдонни ажратиш кўзда тутилади. Иш жойини жиҳозлаш-бу асосий ва қўшимча зарурий жиҳозларни таъминлашdir. Бунга машиналар, инженерлик коммуникациялари (энергия, алоқа, сув ва бошқалар), асбоблар ва мосламалар, приборлар, иш мебеллари, сигнализация ва бошқалар киради. Иш жойига хизмат кўрсатиш - бу ишлаётганга барча зарурий хизмат турларини ташкил қилишdir. Булар: транспорт хизмати, таъмирлаш, созлаш, хўжалик ва техник шароитларdir.

Иш жойида МИТЭ тадбиқ этиш учун меҳнат жараёнини ташкил этиш ва технологик харитани тадбиқ этишга катта аҳамият берилади. Технологик харита деб қурилиш жараёни технологиясини ва ташкил этилишини белгиловчи лойиҳавий ҳужжатга айтилади.

Технологик харита қурилишнинг ишлаб чиқариш лойиҳаси таркибига киради. У қурилиш ишлаб чиқаришини ва меҳнатни ташкил этишда илғор тажрибаларни, прогрессив технологияларни ҳисобга олиб турлаш ва мөъёрлаштириш воситаси ҳисобланади. Харита оддий ёки мураккаб(комплекс) қурилиш жараёни учун тузилиб алоҳида ёки кўпчилик(ёки кўп ихтисосли ишчилар бригадаси) учун тузилади. У қурилишнинг бир қисми ёки бутун ҳаммасини қамраб олиши мумкин. Шу сабабли технологик харитани умумлашган ёки деталлашган шакллари ҳам амалиётда қўлланилади.

Қурилиш ишлаб чиқаришида меҳнат жараёнининг харитаси асосий ҳужжат ҳисобланади. У ишчилар меҳнатини илмий асосда яхши ташкил қилиш шароитларини белгилайди ва тартибга солади. Хариталарни ишлаб чиқаришнинг илғор тажрибали мутахассислари, илмий бўлинмалар, алоҳида илмий тадқиқот институтлари ишлаб чиқади, белгиланган тартибда расмийлаштиради.

Ишлаб чиқилган харита бўйича илмий тадқиқотда белгиланган тартиб асосида тадқиқот ўтказилади. Олинган маълумотлари илмий(статистик ва бошқа) ишланмадан ўтказилади. Олинган натижалар асосида тавсия этиш материаллари тузилади. Ўзбекистонда гидротехника ва сув хўжалиги бўйича АЖ. “Гидропроект”, АЖ“Ўзсувлойиҳа”, ООО“UZGIP”, “Иrrигация ва сув муоммалари илмий тадқиқот институти” ишлаб чиқариш учун ишланмалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.

### **1.3.2. Иш жараёнлари ва уларни ташкил этишга қўйиладиган талаблар**

Иншоот ва биноларни қуриш -бу инсон фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб инсоннинг технологик ва ташкилий комплексни амалга ошириш натижасида хосил бўлади. Бу комплекснинг асосий элементи иш жараёнидир.

Иш жараёни асосан икки гурухга бўлинади: Қурилиш ва йиғиш жараёнлари. Қурилиш жараёнига қурилиш майдони тасарруфида бино ва иншоотларни қуриш билан боғлиқ ишлардир. Бунга ер, бетон, йиғиш, тош ва бошқалар киради. Йиғиш жараёнига барча тузилма бетон, темир-бетон

жиҳозлар(метал ва бошқа)ни йиғиш билан боғлиқ ишлар тушинилади. Уларнинг бирлашувини қурилиш - монтаж ишлари деб тушинилади.

Иш жараёни таркибий қисмлардан иборат. Улар иш муомиласи (операция), иш услуби ва иш ҳаракатидир.

Иш усули – бу маълум мақсадни амалга ошириш учун бир нечта иш ҳаракатларининг мужассамлашиб (бирлашиб) яқуний мажмуасидир. Иш жараёни белгиланиши, бажариш услуби, бажариш мураккаблиги ва тақорланиши бўйича классификацияларга бўлинади.

Иш жараёни бажарилишининг мураккаблиги бўйича комплекс ва оддий(содда) бўлиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, иш жараёнини ташкил қилишда кўп фактор ва омилларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб иш жараёнини ташкил қилишга қўйидаги талаблар қўйилади:

- *паралеллик* - бу меҳнат жараёнида иштирок этувчи барча омилларни бир вақтда иштирокини қўрсатувчи тушунча. Буни таъминлаш иш унумдорлигини ўсишига, вақтни тежалишига олиб келади. Шу сабабли иш жараёнини ташкил этишда паралелликка алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир;

- *тежаси* – бу иш жараёнидан зарур бўлмаган ҳаракатларни ва усулларни қисқартиришдир. Бу кўп жиҳатдан иш жараёнида иштирок этувчилар таркибига боғлиқ. Булар машина-механизмлар, асбоб-ускуналар ва иш ҳаракатлари бўлиши мумкин;

- *узликсизлик* - бу иш жараёни иштирокчиларининг вақт бўйича узликсиз тартибда ўз вазифаларини бажариш билан баҳоланади. Буни таъминлаш иш унумдорлигини оширишга олиб келади. Шунинг учун ҳам иш жараёнини ташкил қилишда раҳбарлардан ва инженер техник ходимлардан алоҳида эътиборни талаб этади;

- *режалаштирумок ва огоҳлантирумок* - бу иш жойига хизмат кўрсатишни режалаштирганлик ва огоҳлантирганликдир. Бунда асосий ва қўшимча

ишларни қатъий тартибини, вақтини белгиланади. Бунга бўйсаниш иш вақтини йўқотишни кескин камайтиради;

-ишичи ва унинг ҳаракатланишига қулай ҳолат - бу меҳнат физиологияси қонуниятларига асосланади;

-ишининг бажарадиган ишига мувофиқ келиши - бу ишчининг руҳий, малакавий ва касбий билими бўйича бажарадиган иш характеристига тўғри келишидир. Амалиётда касбини севиш деган ибора ишлатилади. -меҳнат тезлигини оптималлаш - бу бирлик бажариладиган ишга энг кам ақлий ва жисмоний энергия сарфини ишлатиш билан эришилади, маҳсулот етиштиради ва ҳоказо.

### **1.3.3. Меҳнат унумдорлиги ва қурилишни механизациялаш**

Меҳнат унумдорлиги деб - инсонларнинг онгли ва мақсадли фаолияти натижасидаги яратувчанлиги тушинилади. Қурилишда кишилар меҳнат унумдорлигининг ўлчови маълум вақт бирлигига яратган (етиштирилган) сифатли тайёр маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Масалан, бир соатда, сменада, кунлик, ойлик, йиллик ва бошқалар. Ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақти меҳнат талаблик деб тушунилади. Қурилишда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган иш миқдорини ҳажмда ёки пулда ҳам ҳисобланади. Бажарилган иш миқдорини ҳажмда ўлчаниши натура шакли ҳам деб айтилади. Бу шакл асосан бажарувчилар(ишчи) ёки соҳа бўйича инженер техник ходимлар учун ишлатилади. Шундан бажарилган иш миқдорини физик ҳажм бўйича қўйидагича ифодаланади

$$B_{\text{физ}} = V_{\text{физ}} / T_{\text{м.с}} \quad (1.1)$$

Бу ерда:  $V_{\text{физ}}$ -ишлаб чиқариш миқдорини физик ҳажм билан белгиланиши;  $V_{\text{физ}}$ -қурилиш маҳсулоти ҳажми, физик ҳажмда;  $T_{\text{м.с}}$ -маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфи (киши-соат, киши-куни).

Ишлаб чиқариши пулда белгиланиши асосан қурилиш монтаж ташкилотлари, бошқармалари ва вазирликлар ҳамда статистик ҳисоботлар учун амалга оширилади. Уни қўйидагича ҳисоблаш мумкин

$$B_{\text{сум}} = \sum_{i=1}^{i=m} \Pi_i V_i / N_p \quad (1.2)$$

Бу ерда:  $B_{\text{сум}}$  -бир ишчининг маълум вақт ичидаги ишлаб чиқариш миқдори, сўм/ой, сўм/йил ва бошқалар;  $\sum_{i=1}^{i=m} \Pi_i V_i / N_p$  -бажарилган ишнинг умумий смета баҳоси, сўм;  $\Pi_i$ -I ишнинг бирлик баҳоси;  $V_i$ - ишнинг ҳажми (миқдори);  $m$  - ҳар хил ишларнинг турлари;  $N_p$  - кўрилаётган вақт ичидаги ишчиларнинг ўртача сони.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий факторлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: илмий техника прогресси, меҳнаткашларнинг маданий техник даражасини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ишлайдиганларни меҳнатидан моддий ва маънавий манфатдорлигини ошириш.

Ишни механизациялаш. Ишни механизациялашганлик даражаси механизмлар ёрдамида бажарилган иш ҳажмини ( $V_{\text{ум}}$ ) умумий иш ҳажмига ( $V_{\text{м.и}}$ ) нисбати билан баҳоланади

$$Y_{\text{и.м.}} = (V_{\text{м.и}} / V_{\text{ум}}) 100\% \quad (1.3)$$

Меҳнатни механизациялашганлик даражаси механизмлар билан бажариладиган ишларда банд бўлган ишчилар сонини ( $N_{\text{м.и}}$ ) умумий ишчилар сонига ( $N_{\text{ум.и}}$ ) нисбати билан аниқланади

$$Y_{\text{м.и.}} = (N_{\text{м.и}} / N_{\text{ум.и}}) 100\% \quad (1.4)$$

Механизациялашганлик даражаси қурилишни қай даражада машина механизмлар, механизация воситалари билан тўлалигини билдиради ва меҳнатни механизмлар билан қуролланганлик кўрсаткичи билан характерланади. Механизмлар билан қуролланганлик даражаси меҳнатга, ишга ва қурилишга тааллуклидир.

Меҳнатни механизмлар билан қуролланганлик даражаси қурилишдаги машина ва механизмларнинг баланс баҳоси йиғиндиларини қурилишдаги ишчилар сонига нисбати билан белгиланади. Аниқроқ ёритиладиган бўлинса

қурилишдаги бир ишчи ҳисобига машина ва механизмлар баҳосидир. У қуйидагича ифодаланади

$$M_m = S_{k,m} / N_{i,p_0} \quad (1.5)$$

Бу ерда:  $M_m$  - қурилиш машина ва механизмларининг умумий баланс баҳоси;  $N_i$  – шу ишда(қурилишда) банд бўлган ишчилар сони.

Ишнинг механизмлар билан қуролланганлиги ( $M_u$ ) қурилишда банд бўлган машина ва механизмларнинг баланс баҳосини қурилишда йиллик бажарилган ишларнинг пулдаги ифодасига нисбати билан характерланади:

$$M_u = S_{k,m} / S_{u,u} \quad (1.6)$$

Бу ерда:  $S_{k,m}$  – қурилишдаги машина ва механизмларнинг баланс баҳоси;  $S_{u,u}$  – бажарилган ишларнинг йиллик қиймати, масалан, млн.сўм.

Меҳнатни энергия билан таъминланганлик даражаси маълум қурилишдаги машина ва механизмлар қуввати йифиндисини ишчилар сонига нисбати билан характерланади

$$\vartheta_m = P_{yu} / N_{p_0} \quad (1.7)$$

бу ерда:  $P_{yu}$  - и қурилишдаги банд бўлган машина ва механизмларнинг қуввати, одатда унинг ўлчов бирлиги кВт ёки О.К. бирлигига ўлчанади.

Ишнинг энергия билан қуролланганлиги ( $\vartheta_p$ ) маълум қурилишдаги машина ва механизмлар қувватининг бир йилда бажарилган ишларнинг смета баҳосига нисбати билан ифодаланади.

$$\vartheta_p = P_{yu} / S_{u,p_0} \quad (1.8)$$

Бу ердаги белгилашлар ҳам юқоридаги каби бўлади. Унинг ўлчов бирлиги кВт/млн.сўм каби белгиланади.

### ***Назорат саволлари***

1. Қурилишида меҳнатни илмий ташкил этишининг мақсад ва моҳияти нимада?
2. МИТЭ нинг вазифалари нималардан иборат?
3. МИТЭ да ташкилий тадбирлар ҳақида нимани биласиз?
4. Иши жараёнини ташкил этишининг элементлари нималар?

5. Иш жараёнини ташкил этишига қўйиладиган талаблар?
6. Иш жараёнининг турларини айтинг?
7. Меҳнат унумдорлиги нима?
8. Ишни ва меҳнатни механизацияланганлик даражаси қандай аниқланади?
9. Меҳнатни энергия билан қуролланганлик даражаси қандай аниқланади?
10. Такомиллашган иш юритиш усуллари ҳақида нимани биласиз?
11. Қурилишида меҳнатни илмий ташкил этишининг мақсад ва моҳияти нимада?
12. МИТЭ нинг вазифалари нималардан иборат?
13. МИТЭ да ташкилий тадбирлар ҳақида нимани биласиз?
14. Иш жараёнини ташкил этишининг элементлари нима?
15. Иш жараёнини ташкил этишига қўйиладиган талаблар?
16. Иш жараёнининг турларини айтинг?
17. Меҳнат унумдорлиги нима?
18. Ишни ва меҳнатни механизацияланганлик даражаси қандай аниқланади?
19. Меҳнатни энергия билан қуролланганлик даражаси қандай аниқланади?
20. Такомиллашган иш юритиш усуллари ҳақида нимани биласиз?

## **П БОБ. ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИДА ТЕХНИК МЕЬЁРЛАШ**

**Калит сўзлар:** гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил қилиши, бригада, звено меъёр, ҳужжат, меъёрий ҳужжат, нархнома, таъминот, хизмат, транспорт, сарф, харажат, ҳуқуқ, иш, ишчи, норма, хронометраж.

### **2.1. Техник меъёрлаш тўғрисида умумий тушунча ва меъёрларнинг турлари**

Қурилиш жараённида учрайдиган режалаштириш, ташкил қилиш, ишлаб чиқариш, меҳнат сарфи, хомашё ресурслари ва маблағ масалалари техник меъёрларга асосланган ҳолда ечилади. Шунингдек, техник меъёрлар қурилишда ишчилар меҳнатини ташкил қилиш, хисобга олиш ва иш ҳақини

белгилашга хизмат қиласы. Техник мөңгерлар асосида амалий иш унумдорлик, қурилишни бажариш учун сарфланадиган вақт, маблағ, материал, энергия ва бошқа ресурслар микдори аниқланади. Қурилишларда амалдаги замонавий техника ва технологияга асосланган, ўртача тараққиётли (ўртача яъни, энг кам ёки рекорд күрсаткич эмас) техник мөңгерлар қўлланилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда илғор техника ва технологияларни иш услубларини, ташкил қилишни яхшилаш, барча ишчи ва ходимлар учун муқобил бўлишилиги демакдир. Ишлаб чиқилган ва тегишли даражада тасдиқланган мөңгерлар соҳа қурилиши ва лойиҳалаш амалиётида қўлланилади.

Меңер – бу меҳнат ховфизлигини таъминлаган ҳолда, санитар – гигиеник талабларни қаноатлантирган ҳолда бир бирлик микдорда иш бажариш ёки бирлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт ёки ресурслар (материаллар, энергия, сув, меҳнат сарфи ва бошқа) микдорига айтилади.

Мөңгерларни ишлаб чиқиш билан маҳсус ташкилотлар масалан, “Ўзшаҳарсозлик” ва бошқа ташкилотлар шугулланадилар. Қурилиш амалиётида техник мөңгерларнинг қуидаги турлари қўлланилади: вақт меңёри, меҳнат сарфи, ярим фабрикатлар, жиҳозлар, энергоманбалар (электр энергияси, сув, буғ, сиқилган ҳаво ва бошқалар).

Вақт меңёри ( $H_{в.м}$ ) – бу маълум мутахассис ёки ишчи томонидан ишни ташкил этишни ва техникани замонавий даражасига тўғри келадиган даражада иш қуроллари ва услубларини қўллаб бирлик микдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки бирлик микдорда иш ҳажмини бажаришдир. Вақт меңёри вақт ўлчов бирлигига, масалан, мин, соат, смена, ой ва шу кабиларда ўлчанади.

Меҳнат сарфи меңёри ( $H_{м.с}$ ) – бу меңёр меҳнат талаблик ёки бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфи микдоридир. У киши – соатда ўлчанади. Бу “Бирлик мөңгерлар ва баҳолар” да вақт меңёри, меҳнат сарфи мөңгерлари билан белгиланиши қабул қилинган. Маълум ишлар ишчилар (звено) томонидан бажарилади. Бундай ҳолатлар “Бирлик мөңгерлар ва

баҳолар”да умумий яъни звенодаги ишчилар меҳнати сарфларининг йиғиндиси шаклида қабул қилинган. Бунда ишни ёки қурилишни бажариш учун календар вақт меъёрдаги миқдорни ишчилар сонига бўлиш билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш меъёри ( $H_{u/q}$ ) – бу вақт бирлигидаги маълум мутахассислик ва малакага эга бўлган ишчи ёки ишчилар томонидан бажарилиши керак бўлган иш ҳажми ёки маҳсулот миқдоридир. У вақт бирлигидаги ўлчанади. Уни керакли ташкилотларни, тегишли лойиҳа ва илмий тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

Унумдорлик меъёри ( $P_v$ ) - бу машина ёки механизм ёрдамида вақт бирлиги ичида бажариш керак бўлган иш ҳажми ёки маҳсулот миқдоридир. У ҳам вақт бирлигидаги ўлчанади, масалан, соатда, ойда ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш меъёри ва вақт меъёри ўртасида тескари пропорционал боғланиш бор, яъни:

$$H_{u/q} = 1/H_{v,m} \quad (2.1)$$

Машина вақти меъёри ( $H_{v,m}$ ) – бу бир бирлиқдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки бирлик ҳажмдаги ишни бажариш учун машина томонидан сарфланадиган вақт миқдоридир. Машина вақти соат ёки сменада ифодаланади. Агар машинага бир неча кишидан иборат звено хизмат кўрсатса, у ҳолда машина вақти билан ишчилар вақти орасида қуйидаги боғлиқлик бор:

*Вақт меъёри = Машина вақти меъёри ва звенодаги ишчилари сони.*


Материал сарфи меъёри ( $Q_{m,c}$ ) – бу бир бирлиқ ҳажмдаги ишни бажариш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар (энергия, материал, сув ва бошқалар) миқдоридир.

Техник меъёрлар вақти – вақти билан янгиланиб ҳамда тўлдириб турилади.

Меҳнат сарфи меъёрини ишлаб чиқиш қуйидаги кетма – кетликда: қурилиш жараёнини дастлабки ўрганиш, қайсики меъёрлашга киради; қурилиш жараёнини нормал амалга ошириш учун шароитни белгилаш (қандай

усул, асбоблар, машиналар, қандай ташқи шароитда иш олиб борилиши), қурилишни замонавий техника ривожланиши ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ҳақиқий мос келадиган; маълум ишни бажариш учун звено таркибини белгилаш, бир нечта қурилишларда иш вақтини тақсимлаш ва давомийлигини хисобга олиш бўйича кузатувни ташкил этиш; олинган маълумотларни тизимлаш, тахлил этиш ва қайта ишлаш; техник меъёрни лойиҳалаш; ишлаб чиқариш шароитида меъёрларни текшириш.

Техник меъёрларни лойиҳалаш деб қурилиш ишлаб чиқаришининг замонавий ютуқларини қаноатлантирадиган қурилиш жараёнининг ташкилий техник шароитини аниқлаш тушунилади. Бу жараён меъёрни тузиш демакдир. Қурилиш ёки монтаж жараёнини характерловчи шароитлар мажмуаси қурилиш жараёнининг “нормали” деб тушунилади. У жараённинг иш операцияларига мақсадли тақсимланиши, иш жойини рационал ташкил этилишини кўрсатади. Ҳар бир қурилиш жараёни “нормали”ни тузиш натижасида кенг ҳаракатланади, бунда жараённи ёритиш, уни бажаришни усул ва методлари қўлланиладиган асбоблар, ишчи – бажарувчилар иқлим шароити ва бошқа томонлари ёритилади.



2.1 – расм. Ишчининг вақт сарфи.

Иш вақти сарфини ўрганиш. Иш вақти сарфини ўрганиш иш жараёнидаги йўқотишларни аниқлаш билан баҳоланади. Иш вақти – бу қонун билан

танафуслар ва тушликни ҳисобга олмай белгиланган иш сменасининг давомийлигидир.

Курилиш монтаж жараёнларини ва иш вақти сарфини тадқиқот қилиш учун визуал кузатув ва автоматик ҳисобга олиш қўлланилади. Булар хронометраж, фотоҳисоб, иш куни фотографияси, техник ҳисобга олиш, кинога олиш ва телевидениядир.

Хронометраж – бу қурилиш жараёни даврий такрорланадиган ишчи элементларининг давомийлигини ўрганиш учун қўлланилади. Хронометраж танлаб ёки ёппасига(умумий) ўтказилади. Хронометражнинг танлаб ўтказилиши қурилиш жараёнининг айрим элементини кўп марта ўлчанади, ёппасига ўтказишда эса иш жараёнининг барча элементлари бўйича ўлчов ўтказилади. Вақт 0.2-1.0с. аниқликда ўлчанади. Олинган маълумотлар математик статистика методи билан ишланади.

Фотоҳисоб – бу маълум иш жараёнини бажаришда иш вақти сарфининг барча шаклларини ҳисобга олишдир. Бу умумлашган меъёрни тузиш учун меъерий кузатувнинг асосий методидир, ўлчов аниқлиги 5-30с. Улар алоҳида элемент ёки бажарувчилар (звено, бригада) устида олиб борилади.

Фотография (вақт ёзуви) – бу бригадани иш билан бандлик (юкланганилиги) даражасини аниқлаш учун иш кунини расмга олишдир. Буни бўш туришнинг сабабини аниқлаш ва уни бартараф қилиш мақсадида ўтказилади. Кузатув бир сменадан кам бўлмаган вақтда 1-2 минут аниқлик билан ўлчанади.

Техник ҳисобга олиш – бу амалдаги меъёрнинг бажарилишини текшириш учун фойдаланилади. Бутун иш куни давомида кузатув бир вақтнинг ўзида 3-4 звенода ёки бригадада 5-10 минут аниқлик билан ўтказилади. Техник ҳисобга олиш натижалари бўйича белгиланган меъёрдан сезиларли чеккага чиқишининг сабаблари аниқланади.

Кузатув натижаларини ишланмаси ва регистрацияси қабул қилинган намунавий бланкаларга бажарилади. Кузатув натижалари математик

статистика методи билан ишланади, ундаги тасоддикий қийматлар ташлағын юборилади, қолганларининг ўртача арифметик қиймати аниқланади, ўртача арифметик қийматдан максимал рухсат этиладиган чеккага чиқиш аниқланади (2.2).

$$e_{\max} = \pm K(Q_{\max} - Q_{\min}) \quad (2.2)$$

Бу ерда:  $Q_{\max}$  ва  $Q_{\min}$  - ўлчавларнинг максимал ва минимал қийматлари; К – ўлчовлар сонига боғлиқ коэффицент, бу агарда ўлчов сони 4,5,6,7-8,9-10,11-15,17.-30,31-53,54 бўлганда К мувофиқ равшда 1,4; 1,3; 1,2; 1,1; 1; 0,9; 0,8; 0,7; 0,6. га teng қабул қилинади.

### **Материал ва ресурслар сарфини меъёrlаш**

Материаллар (ресурслар) сарфи деб – бу ташкилий технологик ва технология тараққиёти шароитида бирлик ҳажм, ишни бажариш ёки бирлик микдор маҳсулот ишлаб чиқариш учун етарли бўлган микдор тушунилади. Материал ресурсларни тўғри меъёrlаш моддий техник таъминотни кафолатли фаолият кўрсатиш учун кафолатдир ва унга хизмат қиласи. Қурилиш материалларини меъёrlашнинг қўйидаги методларини белгилаш лозим:

- ишлаб чиқариш тажрибавий;
- лаборатория тажрибавий;
- аналитик ҳисоблаш.

Материалларни меъёrlашнинг ишлаб чиқариш тажрибавий методида материаллар сарфи ҳақиқий объектда амалга оширилади. Унда маълум ишни, қурилишни бажариш жараёнида барча ташкилий – техник шароитларни ва меҳнат муҳофазаси шароитларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот қилинаётган материал сарфи ҳисобга олинади. Бу метод асосан қурилишда маълум материал бўйича йўқотишларни тузатишни имконияти кам бўлган турлари бўйича қўлланилади, масалан, бетон қоришимаси, сочиувчан материаллар, эритмалар, бўёқлар ва бошқа шунга ўхшашлар.

Тажриба – лаборатория методи асосан ишлаб чиқариш шароитида эмас, аксинча лабаратория шароитида материаллар сарфини ўлчовлари ва тажрибалари ўтказилади. Бу маълум даражада амалиётда, ишлаб чиқариш шароитидан фарқ қиласди. Шуни ҳисобга олиб лаборатория тажриба ишларини ўтказишда максимал даражада шароитни ишлаб чиқаришга яқинлаштиришга ҳаракат қилиш лозим.

Аналитик – ҳисоблаш методи бу назарий характерга эга. Бунда материаллар сарфи ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ҳисоблаш ишларини бажаришда албатта маълумотлар тўплаш ва бошқа ишончли маълумотларга асосланади. Қурилишда материалга (ресурсга) бўлган талабни аниқлаш ҳамда режалаштиришда сарф меъёрларининг икки хили қўлланилади. Булар йириклишган ва ишлаб чиқариш сарфлар меъридир. Материал сарфини йириклишган меъёрлар одатда қурилиш – монтаж ишларининг маълум суммасига, масалан, 1 млн. сўмга тўғри келадиган миқдордир. Бу асосан қурилишни ташкил қилиш лойиҳаларида қўлланилади.

Уларни бошқа асосий ишдан бошқа жойларда ишлатилиши мумкин. Материалларни йўқотишлар асосан уларни ташишда, саклашда бўлади. Йўқотишларнинг айримларини тузатиш мумкин. Шунинг учун у сарф меърида ҳисобга олинмайди. Меъёрда фақат бартарф қилиб бўлмайдиган ёки қийин тузатиладиган йўқотишлар ҳисобга олиниши керак. Материаллар сарфининг техник асосланган меъёрларнинг структураси қуйидаги ифода (2.3) билан белгиланиши мумкин.

$$Q_n = Q_r + \sum(q_1 + q_2) + \sum(q_3 + q_4), \quad (2.3)$$

Бу ерда:  $Q_r$  - материал сарфининг соф меъёри;  $q_1$  - барча чиқиндилар;  $q_2$  – фойдаланиладиган чиқиндилар;  $q_3$  – барча йўқотишлар;  $q_4$  – бартараф этиладиган йўқотиш.

## **2.2. Лойиҳаланаётган иншоотлар, бинолар, ёки уларнинг навбатини куришни бошланғич нархини шартномавий жорий нархларда аниқлаш**

Ҳисоб – китоблар ШНҚ 4.01.16-09 ва “Курилиш – монтаж ишларига манба ҳисоб – китобларни (ва ҳолати) тузиш учун услугий тавсиялар” асосида бажарилади. Объектни шартномавий жорий нархлардаги қурилиш қиймати – бу қуидагилар асосида аниқланадиган пул миқдори:

- қурилиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг нархини ҳисоблаш асосида;
- ўхша什 объектлар нархи ёки лойиҳага (ишчи лойиҳага) мувофиқ уни амалга ошириш учун зарур бўлган бирлик қувватига teng бўлган солиштирма ҳужжатлар асосида.

Бошланғич нарх – буюртмачи ёки ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланадиган танлов савдоларининг предметининг ҳисобий нархи.

Жорий шартнома қиймати – танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган танлов савдолари предмети нархи.

Объект нархини манбалар усулида аниқлаш учун дастлаб алоҳида (локал) манбалар ведомости, объект манба ведомости, ишлар ҳажми ведомости ташкил топган йиғма фондлар ведомости тузилади.

Алоҳида манбалар ведомости – бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади ва ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжатларни ишаб чиқишида аниқланган ҳажмлар асосида иншоот бўйича алоҳида иш турлари ва харажатларига ёки умумқурилиш майдонидаги ишларга тузилади. Объектлар учун манба ведомости ўз таркибиغا бутун объект бўйича алоҳида ресурс ведомоситидаги маълумотларни бирлаштиради ва буюртмачилар, пудратчилар ўртасида қурилишни ҳозирги шартномавий қиймати бўйича ҳисоб – китобларни амалга ошириладиган смета ҳужжати ҳисобланади. Корхоналар, бинолар, иншоотларни қуриш учун йиғма ресурслар ведомости корхоналар, бино ва иншоотларни янги қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жихозлаш учун объекtlар бўйича ресурс ведомостлари асосида тузилади. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ишлари ва ресурслар ведомости

корхона, бино ёки иншоотни қуришда атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилганда тузилади.

Бундан ташқари, қуйидаги ҳаражатлар турлари ҳисобланади:

- қурилиш ишчиларининг меҳнат ҳаражатлари;
- қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш ҳаражатлари;
- транспорт ва сақлаш ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда, материаллар, қурилиш конструкциялари ва буюмларини сотиб олиш учун ҳаражатлар;
- бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари;
- буюртмачини бошқариш ҳаражатлари.

Манба усулидан фойдаланилганда объектни бошланғич нархи қуйидаги формуладан аниқланади:

$$C = (C_o + C_m + C_{zn} + C_{zm} + C_n + P_n + C_p) \cdot K_p \quad (2.4)$$

бунда:  $C_o$  - тугалланган қурилишда асбоб – ускуналар, мебель ва ускуналар учун ҳаражатлар;

$C_m$  - ижтимоий сүгурта тўловларини ҳисобга олган ҳодла асосий иш ҳақи ҳаражатлари;

$C_{zm}$  – машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳаражатлари;

$C_n$  - бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари;

$P_n$  – пудратчининг бошқа ҳаражатлари;

$C_p$  – қурилиш обьектини қурилиш даврида сүгурта қилиш ҳаражатлари;

$K_p$  – келгуси йилда қурилишда прогноз баҳоларни ошириш индекси асосида аниқланган хавф коэффициенти.

Иш ҳақи ҳаражатлари обьектнинг қурилиши меъёрий мураккаблигини 1 киши- соат (сумда) жорий нархи ва ижтимоий сүгурта бадали миқдорини ҳисобга олевчи коэффициентга кўпайтирувчи йўл билан қуйидаги формуладан аниқланади:

$$C_{zn} = T \cdot C_q \cdot K_{cc}, \quad (2.5)$$

бунда:  $C_{zn}$  - қурилиш обьектини меъёрий мураккаблиги;  $T$  - манба сметадан аниқланади, киши-соат;  $C_q$  - ишчиларни ўртacha соатдаги иш ҳақи, обьектни

бошланғич нархини аниқлашда регион бўйича қурувчиларни бир ойлик ўртача иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб ҳисобланади;  $K_{cc}$  - ижтимоий суғурта бадали микдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ўртача соатлик иш ҳақи қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_u = Z_{mc} : \Phi, \quad (2.6)$$

бунда:  $Z_{mc}$  – регион бўйича қурувчиларни ўртача ойлик иш ҳақи, ҳисоблаш вақтидан олдинги 12 ойлик статик маълумотлар асосида аниқланади.

$\Phi$  – Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг маълумотлари асосида аниқланадиган ўртача ойлик иш вақти жамғармаси.

Амалдаги нархларда машина ва механизmlардан турига қараб фойдаланиш харажатлари қиймати, объектни бошланғич қийматини аниқлашда қўйидаги формуладан аниқланади:

$$C_{em} = \mathcal{E}_m \cdot \Pi_{np}, \quad (2.7)$$

бунда:  $\mathcal{E}_m$  – машина ва механизmlардан фойдаланиш хажми, соатда;  $\Pi_{np}$  – машина ва механизmlардан фойдаланишни жорий нархлари, соат/сўм.

### 2.3. Ишчилар меҳнатини ташкил қилиш

**Касб ва мутахассислик.** Иш жараёнлари ҳар хил касб ва мутахассисликка эга бўлган ишчилар томонидан бажарилади. Касб – бу меҳнат фаолиятининг тури бўлиб у билим ва тажрибага боғлиқдир. Масалан, йигувчи, машинист, қурилиш ишчиси ва бошқалар.

Мутахассислик – бу ишчининг тор доирасидаги махсус билимлари ва қобилиятидир. Бир касбга бир нечта мутахассислик ишчилари кириши мумкин. Ишчининг маълум соҳа бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаши унинг малакасини характерлайди. Ҳозирги вақтда ишчиларнинг ва ходимларнинг малака даражаси (разяди) бўйича иш ҳақи тўлаш ва шунга боғлик ҳолда иш характеристи белгиланади. Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан (ЯТС) фойдаланади.

Ягона тариф сеткаси (ЯТС) – бу шкала 22 та разрядга бўлинган, бу ишчиларнинг турли гурухларни иш ҳақларини тариф коэффициенти орқали малакасига боғлиқлигини кўрсатади. Ишчи ходимни мансаб – маошини аниқлаш учун уни разрядига мос келувчи тариф коэффициенти ўрнатилган минимал иш ҳақига кўпайтирилади. ЯТС қўллаш барча бюджет орқали молиялаштириладиган, шунингдек, ўз фаолиятини хўжалик ҳисобига амалга оширадиган давлат ва давлат акциядорлик корхона ва ташкилотларга мажбурийдир. Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилаш ҳукуқи берилди.

Ўзбекистон Республиксидаги меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси

Иш ҳақи, разрядлари	Тариф коэффициентлари	Иш ҳақи, разрядлари	Тариф коэффициентлари
1.	2,476	2.	6,115
3.	2,725	4.	6,503
5.	2,998	6.	6,893
7.	3,297	8.	7,292
9.	3,612	10.	7,697
11.	3,941	12.	8,106
13.	4,284	14.	8,522
15.	4,640	16.	8,943
17.	4,997	18.	9,371
19.	5,362	20.	9,804
21.	5,733	22.	10,240

Президент Фармонига кўра 2019 йил 1-январдан бошлаб иш ҳақи ягона тариф шкаласи тариф коэффициентларини қайта кўриб чиқиш ва ошириш кўзда тутилган. Унга кўра биринчи разрядли тариф шкаласи 15%га, иккинчиси 10% ва учинчиси 5% га ошиши керак.

Бундан ташқари қурилиш амалиётида ишчиларнинг малака даражаси 6 та разряд билан боғланиши маълум (2.1-жадвал).

**2.1-жадвал**

Меъёрий база кўрсатгичлари	Малака даражаси					
	I	II	III	IV	V	VI
Тариф коэффициентлари	1,000	1,085	1,186	1,339	1,542	1,796

#### **2.4.Бригада ва звеноларнинг турлари.**

Қурилиш бригадаси икки ёки ундан ошиқ звенодан ташкил топади. Звенолар ишнинг тури, ҳажми ва характеристи асосида ташкил топади.

Звенога ишни бажаришга тааллуқли соҳа бўйича малакали ишчи раҳбарлик қиласида. Звено бошлиги асосий ишдан озод қилинмайди. У звено таркибидаги ишчиларга бажарилиши керак бўлган ишнинг характеристи бўйича ишчиларнинг тажрибаси ва уқуви бўйича тақсимлайди. Қурилиш амалиётида айрим иш турлари борки у бажарувчидан алоҳида билим ва тажрибани талаб этади. Шу сабабли ҳар бир ишчига қўйиладиган вазифа звено бошлиги томонидан яхшилаб ўйлаб, ҳамма факторлар ҳисобга олинниб шундан сўнг тақсимланиши керак.

Масъулиятли, жавобгарлик даражаси юқори бўлган ишларни бажариш учун тегишли даражадаги қобилиятга ва масъулиятга эга бўлган ишчига юкланиши керак, чунки тажрибасиз ишчи томонидан сифатсиз иш бажарилиши ишлаб чиқаришда бракка олиб келиши мумкин. Қурилишда кўп ишлар ёпилиб кетадиган характеристерда бўлади. Шу сабабли у ерда бракка йўл қўйиб бўлмайди.

Қурилиш бригадалари бажарадиган ишнинг характеристи ва қўйилган вазифалари бўйича махсуслашган ва комплекс турларга бўлинади. Махсуслашган қурилиш бригадаси бир турли ишни бажарадиган турли хил мутахассисликлардан бир касбга бириккан ишчилардан ташкил топади(масалан, бетончилар бригадаси, ёғочсозлар, арматурачилар ва ҳакозо). Комплекс бригадалар турли хил соҳа ишчиларидан ташкил топиб бир неча тур (комплекс) ишларни амалга ошириди.

Бригададаги ишчилар сони бажарадиган иш характеристи, ҳажми, мураккаблиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади ва бир неча ўн кишидан иборат бўлиши мумкин. Бригадага топшириқни иш устаси (мастер) ёки иш юритувчи (прараб) томонидан берилади. Ишни берилиш даврийлиги ишнинг характеристидан, ишни бажарилиш жараёнинг ҳолатидан, иш юритувчи, участка бошлиғи, ташкилот раҳбариятининг иш тажрибаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида комплекс бригадаларнинг имкониятлари махсуслашган бригадаларга нисбатан бир мунча яхшироқ бўлади. Комплекс бригадалар кўп турли ишларни амалга ошира олиш, уларга кўпроқ иш ҳажмлари топиш, ташкилотга танловларда қатнашиш имконияти яратади. Уларда иш унумдорлигининг юқори бўлиши амалиётда тасдиқланган.

## **2.5. Асосий меъёрий ҳужжатлар**

Меъёрий ҳужжатлар илм – фан, техника ва қурилиш амалиётида янги ютуқлар пайдо бўлиши билан доимий янгилаб турилади ва вақти – вақти билан қайта қўриб чиқилади.

Амалдаги тизимга мувофиқ меъёрий ҳужжатлар идоравий ва республика миқёсидагиларга бўлинади.

Республика миқёсидаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари қуйидагиларни белгилайди: ташкилий – услугий меъёрлар ва қоидалар; лойиҳалашни техник меъёрлари, қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш қоидалари; иқтисодий меъёрлар.

Идоравий қурилиш меъёрлари, тармоқлар бўйича маҳсус идоралар (вазирликлар, концернлар, уюшмалар ва бошқалар) томонидан тасдиқланган ушбу уюшмаларга тегишли бўлган корхона ва ташкилотларда фойдаланиши учун мўлжалланган қурилиш меъёрлари. Ушбу меъёрлар томонидан халқ хўжалиги тармоғини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашга, муҳандислик изланишларга, қурилишга, қурилиш конструкциялари, буюмлари ва материалларига, бино иншоотлар ва конструкциялардан фойдаланишга бўлган талаблар белгиланади. Ушбу талаблар Республика миқёсидаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қарама-каршилик кўрсатмаслиги ёки уларни такрорламаслиги керак.

Идоравий қурилиш меъёрларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлатлараро қурилиш меъёрлари (ДҚМ) ва лойиҳалаш ҳамда қурилиш бўйича давлатлараро қоидалар тўплами (ДҚҚ), МДҲ мамлакатларининг стандартлаштириш ва техник жиҳатдан меъёрлаштириш бўйича давлатлараро илмий-техника комиссияси кўмагида ишлаб чиқилган давлатлараро қурилиш меъёрлари (ДҚМ) ва лойиҳалаш ва қурилиш бўйича давлатлараро қоидалар тўплами (ДҚҚ) 1.01.01.-96 “Қурилишда давлатлараро меъёрий хужжатлар тизими. Асосий ҳолатлар”, Ўзбекистон Республикаси территориясида қурилиш вазирлигининг буйруғи асосида амалда фойдаланишга рухсат этилди.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳоказолар стандартларига, шунингдек, ушбу хужжатларни ишлаб чиқишида бевосита иштирок этмаган назорат органларининг хужжатларига зид бўлмаслги керак.

Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик меъёрлари классификаторига кўра ШНҚ(шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари) ва ҚМҚ тизими 5 қисмга бўлинган, уларнинг ҳар бири ўз навбатида гурӯҳларга бўлинади. ШНҚ ўз шифрига эга, яъни “ШНҚ” гурӯх рақами (иккита рақам), бир-биридан нуқта

билан ажратилган ҳужжат рақами (иккита рақам) ва ҳужжатни тасдиқлаш йили (охирги икки рақам) бириктирилган чизик. масалан, ШНҚ 3. 01. 01. – 03.

ШНҚнинг “Ташкил этиш, бошқариш, иқтисодиёт” номли биринчи қисми олтита гурухни ўз ичига олади ва уларнинг барчаси гидротехника қурилиши билан боғлиқ: 01 – қурилишда меъёрий ҳужжатлар тизими; 02 – лойиҳалаш ва муҳандислик изланишларни ташкил қилиш услубияти ва иқтисодиёти; 03 – қурилишни ташкил қилиш, қурилишни бошқариш; 04 – лойиҳалаш ва қурилишни давомийлик меъёри; 05 – қурилиш иқтисодиёти; 06 – ташкилотлар ва мансабдор шахслар тўғрисида низом.

ШНҚнинг “Лойиҳалаш меъёрлари” номли иккинчи қисми турли бино ва иншоотларнинг лойиҳалаш меъёрлари, шу жумладан, 06 – гидротехника ва энергетика обьектлари ва мелиоратив тизимлар ва обьектларни ўз ичига олган 12 та гурухни қамраб олади.

ШНҚнинг “Қурилиш ишларини бажаришни ташкил этиш ва қабул қилиш” номли учинчи қисми турли иншоотларнинг тегишли масалаларини ўз ичига қамраб олган 9 та гурухдан иборат.

ШНҚнинг “Смета меъёрлари”нинг тўртинчи қисми турли хил қурилиш ишлари ва конструкцияларини таннархини аниқлаш учун мўлжалланган меъёрлар ва қоидалар алоҳида гурухлардан иборат.

ШНҚнинг “Моддий ва меҳнат ресурслари харажатлари меъёрлари”нинг бешинчи қисми тўртта гурухдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири гидротехника қурилиши билан боғлиқ: 1 – материал сарфи меъёри; 02 – қурилиш техникаси, асбоблар ва механизмларга бўлган эҳтиёж меъёрлари; 03 – лойиҳа қидирув ишларини меъёrlаштириш ва иш ҳақи; 04 – лойиҳалаш ва қуришни давомийлик меъёри.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар тизими улар ишлаб чиқарилгандан сўнг кучга киради. Ҳозирча янги тизим бўйича барча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқарилмаганлиги учун янги ҳужжатлар тизими билан параллел равишда ҳам қайта ишланмаган ва янгиси билан алмаштирилмаган, илгари тузилган

хужжатлар ҳам кучга эга. Қуидаги гидротехника қурилиш соҳасида фойдаланилаётган баъзи бир асосий меъёрий хужжатлар келтирилган.

ШНҚ 3.01.01-03 Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш

ҚМҚ 2.06.01-97. Дарё гидротехника иншоотлари.

ШНҚ 4.02.06-04 Бетон ва темир бетон қўйма конструкциялари.

ШНҚ 4.02.01-04 Ер ишлари.

ҚМҚ 2.06.06-98. Бетон ва темир бетон тўғонлар.

ШНҚ 4.04.16-14 Автомобил билан юк ташиш.

### ***Назорат саволлари***

1. *Меҳнат сарфи нима?*
2. *Машина вақти меъёри нима?*
3. *Ишлаб чиқариш меъёри нима?*
4. *Материал (ресурс) сарфи меъёри нима?*
5. *Вақт сарфи меъёрининг таркиби тўғрисида нимани биласиз?*
6. *Меъёрий ҳужжатларнинг кадай турлари бор?*
7. *Меъёрий ҳужжатлар қандай ташкилотлар томонидан тузилади?*
8. *Хронометраж қандай жараён ёки фаолият учун қўлланилади?*

## **ІІІ. БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ –ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*Калим сўзлар:* гидротехника, қурилиш, ташкил қилиши, бошқарииш, буюртмачи, тадбиркор, мулк, бозор, участка, бригада, звено, жараён, вақт, қўйма корхона, акционерлик жамият.

### **3.1. Тадбиркорлик асослари**

Тадбиркорлик - қонунда белгиланиши бўйича фуқаролар ва улар бирлашувининг мустақил фаолияти ва ташаббуси бўлиб моддий жавобгарлик остида таваккал қилиб фойда олишни кўзлаб қилаётган ҳаракатидир.

Бу тушунчада тадбиркорликни мувофақиятли ривожланишига таъсири этадиган асосий шарт етишмайди. Булар қулайлик, барқарор ҳуқуқий мұхит ва ижтимоий сиёсий мұхит.

Бозор иқтисодиёти мувофақиятининг моҳияти тадбиркорликни ривожланишида:

-мұлк ҳуқуқи(әгалик ва тасарруф этиш), ўз мулкига, ишлаб чиқарадиган маҳсулотларига(күрсатадиган хизматларига) даромадига мұлк ҳуқуқи;

-фаолият танлаш эркинлиги ва уларни амалға ошириш эркинлиги.

Бу шарттар мұлкчиликнинг турлича бўлишини хосил қиласи ва натижаларга етказади. Тадбиркорликнинг фаолиятлари қонунлар билан чекланади., меҳнаткашлар ҳуқуқи билан мувофиқлаштирилади(меҳнат қонунлари), давлат олдидаги масъулияти(солиқ қонунчилиги), меҳнат мұхофазаси ва техника хавфсизлиги.

Улардан ташқари ёзилмаган қонунлар мавжуд. Эркин тадбиркорлик жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлиги бизнес ва жамият ўртасида мувозанат сақлашга хизмат қиласи.

Бозор-бу товар айланиши сфераси, талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири бўлиб натижада товар(хизмат) баҳосини аниқлайди.

Қурилиш бозорнинг истъемолчилари бўлиб инвесторлар, қурувчилар ва ресурс таъминотчилари ҳисобланади.

Бозор шароити ишлаб чиқарувчилардан ўз истъемолчилари талабидан келиб чиқиб ўзининг қўрқмасдан таваккал билан қўйидагиларни аниқлаши лозим:

-қайси истъемолчи учун ишламоқда;

-қайси, қанча ва қачон маҳсулот етказиш;

-фойда олиш билан бирга истъемолчини қониқтирадиган қандай технологиялар ва ресурслардан фойдаланиш.

Тадбиркор ҳар қандай ишни ҳўжалик шартномаси, янги фойда билан тутатишни эркин танлайди. Рақобатчилик янада сифатли ва тежамли ишлашни

тақазо этади. Қаттиқ рақобатчилик фаолиятни рағбатлантирувчи бўлиб ривожланиш двигатели ҳисобланади.

Курилиш бозорини шартли равища қурилиш тайёр маҳсулот бозори (бино ва иншоотлар), бажарувчилар бозори, ресурслар бозори материаллар, жиҳозлар, кредитлар интелектуал маҳсулот, меҳнат ресурси ва бошқаларга ажратиш мумкин.

Бозор меҳнат тақсимотининг самарали механизми.

Курилишга тегишли бозорни турли белгилари бўйича классификацияга ажратиш мумкин. Лойиха ва қурилиш подрядини инвестицион подрядлар бозорига, қурилиш механизмлари, жиҳозлар, транспорт таркиби –қурилиш ресурслари бозорига. Меҳнат биржаси ва ташкилотлар(иш кучи талаби ва таклифи, уларни тайёрлаш, реклама фаолияти ва қурилиш фирмаларига кадрларни таклиф қилиш меҳнат бозори тизимини ташкил этади. Инвестицион, ипотека ва коммерция банклари, биржа фондлари ва бошқа фондлар, қайсики қурилиш фаолиятини кредитловчи, молия-кредит тушунчасини ҳосил қилувчилар ёки капитал ссудалар бозорини ҳосил қилувчилардир.

Бозордаги ҳолат **сотиб олувчилар**, **сотиб олувчилар бозори** тушунчасини, агарда сотувчилар таклифи сотиб олувчилар талабидан юқори бўлса, аксинча **сотувчилар бозори** - агарда талаб таклифдан ошса тушунилади. Бундай ҳолатлар маҳсулотлар (хизматлар) бозорига маҳсулот нархини ошишига ёки пасайишига таъсир этади.

Бозордаги асосий иштирокчилар ўзаро мулоқат қилишлари (сотувчи-харидор; таъминотчи-истъемолчи; инвестор-бажарувчи; буюртмачи-бажарувчи). Айрим ҳолатларда воситачилар иштирок этадилар. Бундай воситачилик оралиқ савдо бозори тушунчасини ҳосил қиласи, турли хил инвестицион бозорларни таркибига киритади: қурилиш ресурслари бозорлари; технологик ва муҳандислик бозорлари; қурилиш бажарувчилари бозорлари; кўчмас мулк бозорлари. Ташкилий улар мустақил иш кўрадилар.

Бозор маркетинг ва ривожланишнинг маркетинг стратегияси тушунчалари билан алоқадор.

Бозор иқтисодиётнинг маркетинг концепцияси. (Market-бозор)-сотувчилар талабига мувофиқ товар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бозор концепцияси. Маркетинг фаолияти истъемолчилар сотиб олувчилар фаолиятини чуқур ўрганишдан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талабни ишлаб чиқишдан, маълумотлар комплексини яратишдан, сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишдан (реклама, кредит ва б.) иборат бўлади.

Қурилиш ташкилоти маркетинг хизмати:

-қурилиш бозорини буткул ўрганади, буюртмачи ва истъемолчиларнинг потенциал талабини аниқлайди;

-потенциал буюртмачилар билан алоқани ўрнатади;

-ишни бажариш учун ресурс тъминотчиларини танлайди;

-талабни реклама билан рағбатлантиради (уй, квартира ва б.).

Реклама фаолияти –маркетинг фаолиятининг маълум мураккаб вазифаси хисобланиб истъемолчи талабини шакллантириши ва рағбатлантириши керак, унда аммовий ахборот воситаларидан фойдаланади.

Турли оммавий тадбирлардан(виставкалар, кўргазмалар, симпозиумлар ва б.) хам фойдаланади. Реклама истъемолчиларни ишонтира оладиган, фирма обрўйи, таклиф этилаётган объектлар тўғрисида маълумотларни аҳамиятлиligини кўрсата олиши керак.

Ахборот имкониятларидан ташқари истъемолчини қизиқтирувчи йўллардан фойдаланиш керак(совға ва б) Бунга кредит, рассрочка, кам фойизли кредит ва бошқалардан фойдаланилади. Қурилишда истъемолчи талабига биноан отделга қилиб бериш, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатиш, кафолат ва бошқалардан фойдаланиши керак.

Маркетинг хизматини ишларидан бири назорат ва таҳлил, харажатларни солиштириш ва навбатдаги таклифлар ишлаб чиқишидир.

### **3.2. Қурилишда хўжалик ва подряд усуллари**

Қурилишнинг хўжалик усули агарда ишни бажариш корхона куч ва воситалари томонидан бажарилса; подряд усули деб доимий ҳаракатдаги қурилиш ташкилоти томонидан шартнома асосида иш бажарилса; аралаш усул деб маълум ишни бажаришда ҳар иккала усул ҳам иштириок этса. Бунда қурилиш(иш) ни бир қисми бошқа ташкилот томонидан шартнома асосида бажарилади. Хўжалик усулининг сезиларли камчиликлари бор. Янги қурилиш учун янгидан қурувчилар жамоасини шакллантириш, қурилиш ишлаб чиқариш базаларини ташкил қилиши лозим. Уларни ишни тугатиш билан тарқатиб юборилади, ишлаб чиқариш базаларини ҳам. Қурилиш ташкилоти учун асосий фаолият бўлмаган йўналишда шу йўналиш технологияси ва ташкил қилиш тармоғи ривожланмайди.

Хўжалик усули билан ишлашда малакали иш кучи, қўл меҳнати юқори ва уларнинг асосида иқтисодий кўрсаткичлар паст бўлади. Бу усул билан ишни капитал қурилиш бўлинмалари (бошқармалари) бажаради. Улар давлат кооператив корхоналари ва ташкилотлари ҳамда анча кичик бўлинмалар-қурилиш участкалари ва бригадалари бўлади. Анча йирик корхоналар таркибида қурилиш-монтаж бошқармалари бўлади. Бундай ҳолатда ишни бориши ва натижаси пудрад усулига яқинлашади.

Хўжалик усулининг устунлиги уни бошқарувидаги тезкорлиги. Бу жорий таъмирлаш-қурилиш ишларини бажарилишида, иш қуролларини, ишлаб чиқаришни қисман реконструкция қилишда жуда зарур. Хўжалик усулини қўллаш мавсумий қурилиш ва ишларни бажаришда ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қурилишнинг подряд усули хўжалик усулига нисбатан бирқанча устунликларга эга. Улар доимий малакали ишчи жамоасига эга бўлишлик, қувватларни ва моддий-техник базаларини тузиши, ишни бажариш технологиясини такомиллаштириш, иш сифатини ошириш, қурилиш муддатини қисқартириш ва таннархни пасайтиришда мужассамлашган. Подряд усули илғор усул ҳисобланиб қурилиш соҳасида 90% дан ошиқ

қисмини эгаллайди. Ишлар буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги шартнома асосида бажарилади. Хўжалик ва подряд усулида бир обьектда ишни бажарилса биринчиси буюртмачи ва иккинчиси бажарувчи ҳисобланади

Подряд шартномаси қурилишда подряд шартномаси қоидалари билан, лойиҳа-қидирав ишлари қоидалари ва фуқаро қонунчилиги билан мувофиқлаштирилади. Шартнома бўйича подряд ташкилоти обьектни ўз кучи ва қуввати билан лойиҳа асосида бажариши, белгиланган вақтда ишлатишга топшириши керак, буюртмачи эса қурилиш майдонини ва бошқа шартномада келишилган қувватларни, воситаларни, хужжатларни (loyiҳa смета) белгиланган вақтда подряд ташкилотига тақдим этиши керак.

Одатда буюртмачи умумий қурилиш ташкилоти билан ишни бажариш тўғрисида шартнома тузади. Бу ташкилот бош пудратчи (генподрядчик) ҳисобланади. Бу ташкилот ҳам айрим ишларни бажаришда бошқа подряд ташкилот билан буюртмачи сифатида шартнома тузиши ва ишни бажариши ҳам мумкин. Субподряд ташкилот сифатида ишни бажариш буюртмачига нисбатан 3-босқич ташкилот ҳисобланади.

### **3.3.Буюртмачининг бошқарув органлари**

Буюртмачи жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Унга қурилишни мажбурияти ва ҳукуқи юкланди. Мавжуд корхоналарда капитал қурилиш бўлими (бошқармаси ОКС, УКС) ташкил этилади. Уларга буюртмачи ҳукуқи ва мажбурияти юкланди. Янги обьект қурилишида маҳсус орган қурилаётган обьектлар дирекцияси тузилади. Шаҳар қурилиши шароитида ижро ҳукумат(маҳаллий ҳукумат) қошида шаҳар қурилиши амалга оширилиши учун ягона буюртмачи сифатида фаолият кўрсатадиган орган тузилиши мумкин. Бу ҳудуд бўйича шаҳардаги барча қурилишларни марказий ягона бошқарувини бажаради. Иш ҳажмидан келиб чиқиб қурилиш бўлими, бошқарма ва бош бошқармалар бўлиб маҳаллий ижро органи (хокимият) қошида фаолият (ОКС, УКС, ГУКС каби) кўрсатади. Кўрсатилган шакллар

давлат ва муниципиал қурилишларга характерлидир. Шахсий қурилишлар буюртмачи хохиши бўйича амалга оширилади.

### **3.4 Қурилишда мулкчиликнинг ташкилий шакллари**

Конституция ва мулкчилик қонунларига мувофиқ республикада мулкчиликнинг иккита: давлат ва хусусий шакллари фаолият кўрсатмоқда.

Давлат мулкчилиги-бунинг таъсисчилари турли даражадаги хукумат органлари ҳисобланади. Бу корхоналарнинг мулки давлатга қарайди. Низоми давлат томонидан тасдиқланади, унга хўжалаик юритиш ва мустақиллик хукуқини беради. Раҳбар хизматчи(наём) ҳисобланади ва давлат олдида тўлиқ масъулиятга(жавобгарликка) эга бўлади.

Хусусий мулкчиликнинг қурилишда қуидаги ташкилий –хукуқий шакллари фаолият кўрсатади.

А. Акционерлик жамиятлари:

- а. очик турдаги;
- б. ёпик турдаги.

Б. Акционер бўлмаган қурилиш ташкиотлари:

- а. масъулияти чекланган ширкат хўжаликлари;
- б. масъулияти чекланмаган ширкат хўжаликлари;
- в. қурилиш фирмалари;
- г. кичик корхоналар;
- д. уюшмалар ва бошқалар.

Бозор шароитида шахсий тадбиркор йирик корхоналар билан рақобатлашишда мувофақиятларга эришиши мумкин, шу жумладан қурилиш хизмати кўрсатишда ҳам. Шахсий тадбиркорликда тезкорлик, баҳо, устама харажатларни йўқлиги, ташқаридан белгиланган тартибининг йўқлиги унинг имкониятларидандир. АҚШда 70 % қурилиш фирмаларида ёлланма ишчилар

йўқ. Улар асосан хусусий буюртмаларни бажарадилар. Мулкдор малакасини ва кафолат(страховка)ни тасдиқловчи рухсатнома(лицензия)си бўлиши керак.

**Қўшма корхоналар(СП)** –маҳаллий ва хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳамкорлигига шартнома асосида ташкил этилади, маблағ сифатида пулдан ташқари мол-мулклар ҳам бўлиши мумкин. Шартномада хўжалик фаолияти ва фойдани тақсимлаш кўрсатилади. Корхона ўз кучини турли ташкилий юридик шакллар билан қўшилиши мумкин.

**Холдинг** –бу тадбиркорлик шакли бўлиб турли хил компаниялар акциялар пакетларини сотиб олиш йўли билан улар фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва дивидент шаклида даромад олиш мақсадида ташкил этилади. Бундай компаниялар йирик инвестицияларни талаб этади, шунинг учун амалда бир неча жисмоний ва юридик шахслар капиталини бирлаштирадилар. Улар структураси бўйича ТРЕСТ га яқин, аммо корхоналарни бирлашуви молиявий томондан чекланади. Холдинг компанияси устида турувчи, қайсики акциялар пакетига эга бўлган компания турди, қайсики ўз-ўзидан паст турдиган ва оралиқ компаниялар орқали фаолият юритади.

**Уюшма(ассоциация)** юридик шахсларнинг мустақил хўжалик юритиши ва бошқарувини сақлаган ҳолда ихтиёрий бирлашувидир., Уюшма ихтиёрий равишда берилган вакиллардан фойдаланади.

**Концерн** –уюшмалардан катта масштаблиги билан фарқ қиласи, у ўз таркибига илмий тадқиқот, лойиҳа ишлаб чиқариш, ўз банкини киритади. Концерн йирик хўжалик вазифаларни ечади, илмий тадқиқотдан тайёр маҳсулотни ечишгача бўлган фаолиятни амалга оширади.

### ***Назорат саволлари***

1. *Курилишда тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти нима?*
2. *Курилиш бозори тўғрисида айтинг?*
3. *Бозор иқтисодиётининг маркетинг концепцияси нима.*
4. *Курилишининг хўжалик ва подряд усулларини айтинг.*
5. *Буюртмачи ва бажарувчи? Шартнома нима?*

6. Қурилишда мулкчилек шакллари қандай?
7. Акционерлик жамиятлари. Уларнинг турлари қандай?
8. Ширкат, кооператив ва шахсий корхоналар нима?
9. Қурилишда холдинг, уюшма, концерн нима?

## IV БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

**Калим сўзлар:** гидротехника, гидроузел қурилиши, ташкил қилиши, буюртмачи, тадбиркор, мулк, бозор, инвестор, девелопер, қурувчи, таъминот, хизмат, маркетинг, сарф, харажсат, қўйима корхона.

### 4.1. Қурилиш ташкилоти тизими ҳақидаги тушунча

#### 4.1.1. Қурилишдаги иштирокчилар

Қурилиш - миллий иқтисодиётнинг энг йирик сектори бўлиб, у самарали кучлар ва халқ фаровонлиги даражасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Қурилишда бир неча минг одамлар ишлайди, бевосита корхона ва ташкилотлар, саноат тураг-жойлар ва гидротехника қурилиши ишлари билан бевосита банд бўладилар. Лойиҳанинг асосий иштирокчилари юридик ва жисмоний шахслар яъни, ҳар қандай давлат, жамоат, хусусий ташкилотлар ва жисмоний шахсларни ўз ичига олади.

**Инвестор** (инвестор) - иқтисодиётда инвестициявий капиталдан даромад олиш учун (лойиҳа, корхона ва бошқалар) узоқ муддатли капитал қўйилмаларга эга бўлган юридик шахс тушунилади. Инвестор ишлаб чиқувчи бўлиши ҳам мумкин.

**Девелопер** (инглизча сўз бўлиб, to develop ривожлантириш демакдир) инвесторнинг турли кўриниши, шаҳар ёки шаҳар ташқарисидаги ерларни ривожлантиришга сармоя киритган ҳамда (худуд, йўлларни ривожлантириш) кейинчалик қурилган ёки ривожланмаган ҳудудларни сотиш билан шуғулланган шахс.

**Қурувчи** – расмий равишда муайян объект қурилишида иштирок этувчи жисмоний ёки юридик шахс. Иншоотнинг архитектуравий режаси асосида лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлайди, қурилишга рухсатнома олади ва иш жараёнини назоратга олди. Қурувчи ишни пудратчилар ёрдамида амалга оширади, қурилиш ишлари тугатилгандан сўнг, объектни қабул қилиб олади ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига топширади.

У маҳсус корхоналарни (бошқарув фирмаси ва б.) ёки мутахассисларни жалб қилган ҳолда мижознинг вазифаларини ўзи бажариши мумкин.

**Буюртмачи** – кўчмас мулк обьектини қурилиши учун пудрат ёки давлат шартномасини тузади, пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилган буюртмаларни тарқатади, иш мобайнида молиялаштиришни таъминлайди, шунингдек тайёр бўлган бино ва иншоотларни қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. Бир киши ҳам инвестор, ҳам қурувчи, ҳам буюртмачи бўлиши мумкин. Агар хорижий инвестор мавжуд бўлса, буюртмачи унинг вакили бўлади.

**Фойдаланувчи** – мулк ҳуқуқи обьектидан фойдаланган ёки фойдаланиш ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахсдир.

**Фойдаланувчи ташкилот** – обьектнинг техник эксплуатациясини амалга ошириш ҳуқуqlари хусусий мулк эгаси (кўпроқ инвесторнинг) зиммасига кирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Инвестицион жараён қатнашчилари ўртасида тузилган шартномаларда бошқа турдаги тартиблар белгиланмаган бўлса, операцион ташкилот фойдаланувчиларининг манфаатларини ифоаловчи ҳисобланади.

**Лойиҳаловчи** – ишлаб чиқиш ва қуриш, реконструкция қилиш ёки техник қайта жиҳозлаш, янги мижозлар учун, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан шартнома тузиш ишлари билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахслардир. Уларга муҳандислик-геология, геодезия ва қурилиш ишлари учун бошқа тадқиқотлар билан шуғулланувчи корхоналар киради.

**Пудратчи** – турли объектларни қурилиши бўйича комплекс ишларини бажарувчи юридик ва жисмоний шахслардир. Пудратчи қонуний лицензияга эга бўлиши керак. Буюртмачи билан шартномани бош пудратчи тузади. Шартномага мувофиқ пудратчи лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга оширади. Муайян иш турларини ёки алоҳида объектларни қуриш ишларини бажариш учун бош пудратчи субпудратчилар ташкилотларини жалб қиласди (қурилиш, монтаж, санитария, электротехника, асбоб-ускуналарни ўрнатиш, йўллар, тармоқларни қуриш, механизациялашни ташкил қилиш ва бошқалар). Бошпудратчи нафақат ўз иш жойидаги жараёнларга (одатда умумий қурилиш), балки субпудратчиларнинг иш фаолиятларига ҳам жавобгардир; барча субпудратчилар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ички тартиб ва хўжалик фаолиятига тўсқинлик қилмасдан амалга оширилади.

Буюртмачи бир нечта пудратчи билан бевосита шартномалар тузса, уларни асосий пудратчилар деб аталади.

**Менежер** - инвестиция жараёнигининг барча ёки алоҳида босқичларида бошқарув функцияларини бажарувчи профессионал менежер, юридик ёки жисмоний шахс.

**Лойиҳа-менежери** (Project Manager) – қурилишдаги иштирокчиларнинг хўжалик – иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилмасдан, иш берувчининг манфаати учун бошқарув функцияларини бажаради.

**Таъминловчи** (етказиб берувчи) - Қурилиш жараёнида зарур бўлган маҳсулотлар (материаллар, иншоотлар) билан таъминловчи юридик ёки жисмоний шахс. Кенг маънода, иқтисодиётнинг барча тармоқларидағи қурилиш ишлари учун кўпроқ ёки камроқ маҳсулот этказиб берувчилардир.

**Транспорт тизимини ташкиллаштирувчи** - пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича моддий-техника ресурсларини ташқи ва ички транспортда ташишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс.

**Банк** - молиявий битимлар орқали кредит ва ҳисоб-китоб ва бошқа банк хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Қурилишда инвестиция банки узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиради.

**Илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштирувчи** - вазирлик ва идораларнинг кўрсатмаларига биноан ёки буюртамачилар, лойиҳаловчилар ва пудратчилар билан бевосита илмий-тадқиқот ишларида шартномалар тузувчи юридик ёки жисмоний шахс.

#### **4.1.2. Гидротехник қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг ўзига хос қонуниятлари**

Қурилиш ишлаб чиқаришининг биринчи ўзига хос хусусияти обьектлардан обьектгача доимий равишда ҳаракатланадиган ишлаб чиқариш обьектлари (ишчилар, машиналар ва бошқалар) маҳсулотларнинг ҳаракатчанлиги ва ҳудудий мустаҳкамлиги ҳисобланади. Катта ҳудуддаги обьектларнинг тарқалиши корхоналар раҳбарларининг мажбурий автономияларини белгилайди, ахборот алмашинувини мураккаблаштиради, оператив шовқин ва бошқарувни чеклайди.

Таққослаш учун ишлаб чиқариш корхоналарида асбоб-ускуна ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш стационар шароитида давом этмоқда. Бу хусусият ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатади ва ишлаб чиқаришнинг давомийлиги ва ритмини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдиради.

Иккинчи хусусияти – асосий гидроузел қурилмасини тури ва тузилишининг маҳаллий табиий шароитга юқори даражада боғлиқлиги (топографик, геологик, гидрологик, иқлимиy) факат мана шу қурилишга хослигидир. Иккита турли гидротехник қурилмани қуриш учун бир хил табиий об-ҳаво шароитларини топиш жуда мушкул, хатто бир тумандаги дарёдан ҳам топиш қийин. Ҳар хил дарёлардаги маҳаллий иқлим шароитлари турлича бўлиб, улар бир-биридан тубдан фарқланади.

*Топографик шароитидаги фарқлар иншоотнинг тузилишидаги, қурилишнинг ишлаб чиқариш базаларини жойлаштирилишидаги тафовутларга ва уларни асосий иш ҳажми тўпланган ердан узоқлашишга олиб келади.*

Текис оқадиган дарёлар учун тинч топографик шароитларда дарё ёқасидаги ўтлоққа асосан бетон қурилмаларини ўрнатиш характерли бўлади (ўтлоқзор тузилмалари) ва ёрдамчи корхонани шу туманнинг бевосита асосий иш жойи яқинига қурилади. Тоғ олди ёки тоғли ҳудудларда жойлашган гидроузеллар учун бетон қурилмаларини дарё ўзанига (ўзан қурилмалари) ёки соҳил бўйича (қирғоқ тузилмалари) ўрнатиш характерлидир. Бундай ҳолатда топографик шароитнинг мураккаблиги туфайли қоидага кўра ёрдамчи корхоналар кўпгина майдонларга тарқатиб юборилади, улар асосий иш жойидан анча узоқда бўлади.

*Муҳандис-геологик шароитлардаги тафовутлар қурилма турлари ва тузилишининг турли-туманлиги, маҳаллий хом ашёлар (материаллар) бетон, темирбетон ва бошқалардан фойдаланишни талаб этади. Бу ўз навбатида асосий ишнинг ҳар хил турларини амалга ошириш, (бетон, тупроқдан қилинган) қурилиш техникаси тури ва қувватига мос келувчи ашёлардан фойдаланиш, керакли ёрдамчи корхоналар қурилиши зарурлигини кўрсатади.*

*Иқлимий шароитлардаги фарқлар* аввало ишни фойдали ва сифатли амалга ошириш учун ишчилар меҳнати ва турмуш тарзини ташкил қилишдаги тафовутларга сабаб бўлади. Масалан, об-ҳаво шароитига қараб, қишки бетонлаш ишларни ташкил қилишнинг турли чора-тадбирлари, сув ўпириб кетган жойларни тўлдириш ва қишиш шароитига мос қуруқ усууллардан фойдаланиш ишларини йўлга қўйиш ва шу каби ишлар кўзда тутилган.

Иқлимий шароит – шароитлар ишчиларнинг (ишлаб чиқарувчиларнинг) ҳам меҳнат унумдорлигига таъсир этади, иқлим шароитлари анча оғир бўлса, ишчилар ҳаракатининг чекланганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги пасаяди, исиниш учун қўшимча даврий танаффуслар ёки бошқа эҳтиёжларни қондириш зарурлиги пайдо бўлади.

Иқлим шароитлари бино ва иншоотларни ишлатишга ҳам таъсир кўрсатади. Бу уларнинг конструктив компоновкасида (дизайни ва яратилишида) тафовутларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси бир хил турдаги ечимларнинг амалда йўқлигига олиб келади ва индивидуал конструктив компоновка ҳамда турли гидроузеллар учун ташкилий – технологик ечимларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Гидроузеллар таркибидаги иншоотлар турли-туманлиги, такрорланадиган обьектларнинг амалда йўқлиги. Бу ўзига хослик бошқа қурилишларга нисбатан обьектларни қуриш бўйича турли технологияларни, қурилишни ташкил қилишга бўлган ўзгача ёндашувни келтириб чиқаради (жумладан узлуксиз). Ҳар қандай гидроузел қоидага кўра кўп мақсадли ҳисобланади, шунинг учун унинг таркибидаги ўзининг белгиланган вазифасига мувофиқ турли хил қурилмалар бўлади: сувтиргаги (плотиналар, дамбалар), сув ўтказувчи (сувни оқизиб юборадиган) плотиналар, тунеллар, қувур ва трубалар, сув қабул қилувчи ва сув ўтказувчи (сув қабул қилгич, трубопроводлар – сув қувурлар, тунеллар, каналлар), энергетик (ГЭС бинолари, ГАЭС насос станциялари) ва бошқаларни эксплуатация қилиш (фойдаланиш) ишлаб чиқариш (бошқариш корпуслари, ёрдамчи иншоотлар ва ҳоказо).

Қурилиш жараёни мобайнида қурилаётган гидроузел орқали дарёning сув сарфини ўтказиб юбориши ташкил этишининг зарурлиги (қурилиш сув сарфини ўтказиб юбориш деб аталади).

Гиротехника қурилишининг бу хусусияти дарё ўзанида жойлашган асосий иншоотнинг қурилишини ташкил қилишга анча кучли таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда қурилган гидроузеллар қоидага мувофиқ комплекс мақсад (вазифа)га эга. Улар бир вақтнинг ўзида халқ хўжалигининг бир қанча вазифаларини бажарадилар, халқ хўжалигининг кўпгина соҳалари манфаатларига аҳамият берадилар ва уларни ҳисобга оладилар хусусан энергетика, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар.

Қурилишда шерик бўлган пудратчилар – субпудратчилар объект қурилиши бўйича бажариладиган ишларнинг бир қисмини ўша вақтнинг ўзида амалга оширадилар ва қурилиш маҳсулотининг асосий яратувчи генпудратчининг технологияси ва ишни ташкил қилиш жараёнига кириб, бир вақтнинг ўзида у билан бирга ўша механизация воситалари ёрдамида унинг асосий фондларидан фойдаланадилар (вақтинчалик бино ва иншоотлар).

Шу билан бирга субпудратчи – ташкилотлар ўз хусусий кўрсаткичларига эга бўлсаларда, уларнинг кўрсатмалари ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этувчи генпудратчи (бошпудратчи)лар кўрсаткичларига мос келмайди, шунингдек улар ишлаб чиқаришнинг якуний - мақсади – объектларни ишга туширишга етарлича қизиқиш билдирамайдилар. Кўп сонли субпудрат ташкилотлар ва улар орасидаги ўзаро мураккаб технологик алоқалар қурилиш соҳасини (ишлаб чиқаришнинг) бошқариш жараёнларида ўта эҳтимоллик хусусиятларини келтириб чиқаради.

#### **4.1.3. Капитал қурилишни ташкил этиш асослари**

Қурилиш халқ хўжалигининг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик қурилиш объектларининг ўз белги – хусусиятларига ва мўлжалланишига кўра, қурилишнинг бир қатор кенжаним) соҳаларга – яъни гидроэнергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, турар жойлар, мелиорация ва шу каби кўринишдаги соҳаларга бўлинишини белгилаб беради. Бу кўринишдаги ўзгаришлар қурилишни бошқариш органларини қисман ташкил қилиб, тузиб чиқилишига мос келади, бунда *объектнинг белгилари* бўйича алоҳида қурилиш ташкилотларининг ихтисослаштирилиши келиб чиқади. Қурилиш соҳаси ҳудудий белгиларига кўра гурухланувчи қўп сонли ташкилотлар, корхоналар ва хўжаликлардан иборат.

Шундай қилиб, қурилиш бошқариш органларини ташкил этилиши учун ҳудудий ва соҳага оид тамойиллар бирлигидан фойдаланиш керак бўлиб, бу ҳолат қурилиш ташкилотларини бошқарилишини шакллантиришда ҳудудий

даражалар билан юқори даражаларнинг бирлаштирилиши ҳисобга олинади. Шу билан бирга, қурилиш ташкилотларида тузилишнинг технологик тамойиллари ҳам ўз ўрнига эга.

Гидроэнергетика қурилиш соҳасининг бошқарилиши бир нечта бошқариш марказлари томонидан амалга оширилади.

“Узбекгидроэнерго” Республика миқёсидаги агентлик ЎзР ВМга бўйсунади ва ижро ҳокимиятининг органи ҳисобланиб, гидроэнергетика соҳасида давлат сиёсатини юритиш функциясини бажаради.

Стандартлаш ва метрология бўйича агентлиги лойиҳалаш, қурилиш ва ундан фойдаланиш меъёрий ҳужжатларини тасдиқлашни амалга оширади.

Қурилиш вазирлиги қурилишда меъёрий ҳужжатларнинг янги тизими ишлаб чиқилишини яъни техник регламентлар ва миллий стандартларни Республика миқёсида ишлаб чиқилишини бошқаради.

Бу барча органлар қурилишга билвосита иқтисодий ва хуқуқий ресурслар воситасида таъсир кўрсатади ва алоҳида ташкилотларнинг тезкор – тақсимот тавсифидаги фаолиятига аралашмайди, бироқ у меъёрий ҳужжатлари, қарорлар, қурилишнинг барча иштирокчилари учун мажбурий ҳисобланган кўрсатмалар ва қўлланмалар доирасида ўрнатилган хуқуқий ваколатлари чегарасида, идораларга бўйсунишдан мустақил ва хусусий мансубликдан эркин ҳолда функция бажариши белгиланган.

### ***Назорат саволлари***

1. Асосий ҳудуддаги қурувчиларнинг қисқа характеристи қандай?
2. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этувчи корхоналарнинг қандай маҳсус қонуниятлари мавжуд?
3. Қурилиш асосий иштирокчиларининг қисқача тавсифи.
4. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
5. Капитал қурилишни ташкил қилишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

**6. Гидроэнергетика қурилишларини қайситашкилотлар ёки вазирликлар бошқаради?**

#### **4.2. Лойиха тұғрисида умумий түшүнчә ва унинг қурилишдаги аҳамияти**

*Калит сұздар:* лойиха, лойихалаш, лойиха ташкилоти, институт, гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил қилиш, бошқарыш, меъёрий ҳужжат, нархнома, таъминот, хизмат, сарф, харажат, ҳуқуқ.

Лойиха деб қурилишнинг мақсадга мувофиқлигини техник – иқтисодий асослаш, ҳисоблар, чизмалар, смета ва белгиланган қурилишни амалга оширувчи бошқа ҳужжатлар түплами тушунилади. Лойихада күзда тутилган ишлаб чиқариш қувватларини қисқа муддатда ишга тушириш учун қурилишни ташкил қилиш ва технология масалари кам харажатлар билан күпроқ халқ хўжалиги самарасини олиш ҳамда қачон, қаерда ва қандай қуриш ҳисоблари бажарилган бўлиши керак. Лойиха асосида объектнинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари аниқланиши керак. Унда қабул қилинган вариантнинг иқтисодий самарали бўлиши аниқланади, алтернатив вариант билан таққосланади. Гидротехника қурилишида ва умуман қурилиш амалиётида йирик объектларни лойихасиз қуришга рухсат этилмайди, улар лойихасиз молиялаштирилмайди. Лойихалар лойихалаш гурӯхлари ёки лойиха институтлари томонидан тузилади.

##### **4.2.1. Лойихалаш босқичлари ва таркиби**

Лойиха ишини бажарилиши характеристи бўйича лойиха олди ва лойиха босқичларига бўлинади. Гидротехника қурилишнинг лойиха олди босқичида сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш схемаси, техник иқтисодий асослаш ёки техник иқтисодий ҳисоб амалга оширилади. Техник иқтисодий асослаш одатда буюртмачилар томонидан бажарилади. Бунда жойнинг келажак ривожланиши, яъни саноатни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини жойлашиши, хизмат кўрсатиш, уларнинг асосий объект билан боғланиши каби масалаларни кўрилади. Кўрилган босқичда минтақадаги сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, яъни сув истемолчиларининг зарурияти

хисобга олинади. Буларга саноатни, аҳолини ва суғориш учун сув таъминоти хисобланади. Сув тошқинлари эътиборга олиниши лозим. Буларни хисобга олиб перспектив ва зарурий объектлар аниқланади.

Техник иқтисодий асослаш ёки хисоблаш ўтказилган бино ва иншоотлар шартли равшда сарфланадиган капитал маблағ миқдорига қараб ўта йирик ва мураккаб, йирик ва мураккаб ҳамда бошқаларга фарқланади.

Лойиха ишлари босқичи техник иқтисодий асослаш (ТИА) ёки хисобини тузиш ва уни тасдиқлангандан сўнг бошланади.

ТИА буюртмачининг топшириғи бўйича бош лойихачи ташкилот томонидан амалга оширилади. Лойихани келишиш бош лойихачи томонидан бажарилади. Унда барча қизиқувчи (боғлиқ) ташкилотлар розилигини олиши керак. Лойиха таркиби меъёрий ҳужжатлар асосида тузилади.

Лойиха қуидаги қисмлардан иборат бўлади:

- а. тушунтириш ёзуви;
- б. табиий шароити;
- в. иқтисодий қисми;
- г. асосий иншоот;
- д. қурилишни ташкил қилиш;
- е. смета ҳужжатлари;
- з. лойиха паспорти;
- и. патент изланиви;
- к. ишга тушириладиган комплекслар.

Лойиханинг қисмлари аниқ ва тугалланган шаклда бўлиши керак. Вариантларни хисобга олиб асосий лойиха ечимлари асосланади ва характерланади. Маълум бўлимларида буюртма ва тармоқ хусусияти келтирилади. Унда технологик ускуналар, қурилиш деталлари, буюртмаларни жойлаштириш учун тузилмалар ва материаллар, уларни тайёрлаш ва таъминлаш тартиби келтирилади.

Тасдиқланган лойиҳа ишчи хужжатларини ишлаб чиқища объектнинг қурилиш архитектура принциплари аниқлаштирилади, қурилишни бажариш хужжатлари кенгайтирилади. Ишчи хужжатлаштириш ўз таркибига белгиланган қоида ва шакл бўйича тузиладиган ишчи чизмалар, сметалар ва қурилиш ҳамда монтаж ишларининг қайдномасини, материалларга истемол талаби йиғма қайтномасини, материаллар меҳнат сарфлари ҳисоби, ускуналар турлари, қурилишнинг ишчи чизмалари паспортини олади. Ишчи чизмалари умумлашган ва деталлашган шаклларда бўлади. Масалан, қурилиш монтаж ишларини бажариш учун чизмалар, иншоот чизмаси ва бошқалар.

Лойиҳалаш ва қурилиш амалиётида кўпроқ намунавий лойиҳаларни ишлатишга харакат қилинади, чунки бунда лойиҳалаш ишларининг қиймати маълум даражада камаяди. Бу умумий қурилиш ишларида тахминан 90-95% гачани ташкил этади. Сув хўжалиги қурилиш ишларида асосий иншоотларини қуришда кўпчилик ҳолатда алоҳида лойиҳалар ишлатилади. Иншоотлар табиий шароити, характеристи, бажариладиган вазифалари ва бошқа томонлари билан бир бирига тўғри келмайди. Тармоқ қурувчилар посёлкаси ва алоҳида биноларгина намунавий лойиҳа асосида бажарилади.

Лойиҳа ишларининг нархини пасайтириш мақсадида намунавий лойиҳаларни жойга боғлашга алоҳида эътибор берилади.

#### **4.2.2. Мұхандислик қидируви (МҚ)**

Амалиётда гидротехник обьектлар қурилишининг лойиҳасини бажариш учун уларнинг жойлашадиган ҳудуди бўйича қўплаб маълумотлар йиғилиши лозим. Бу маълумотлар лойиҳани мукаммал ва амалий чиқиши учун омил бўлади. Шу сабабли қурилиш обьекти ҳудудини ўрганиш учун МҚ ўтказилади. МҚнинг асосий вазифалари обьектни лойиҳалаштиришнинг, қурилиш ва ишлатишнинг иқтисодий асосланган ва техник житҳадан тўғри вариантни танлаш учун маҳаллий шароитни ўрганишdir.

МК характери бўйича 3 турга бўлинади: инженер-техник, техник иқтисодий, экологик. Қидирув ишларининг таркиби ва миқдори (хажми) лойиханинг қандай босқичда бажарилаётганлигига, объект жойлашган регионнинг қанчалик даражада ўзлаштирилган ва ўрганилганлигига боғлик. Қидирув ишлари асосан лойихани техник-иқтисодий асослаш учун бажарилади. Инженер-техник қидирувининг асосий мақсади – бу тўғриҳисоб олиб бориш ва лойиҳа учун фойдаланиш мақсадида табиий шароитни буткулўрганишдир. Бу материаллар иншоотни жойлаштиришда, қурилиш майдонини ташкил қилишда ҳамда қурилишни ташкил қилишни лойиҳалаш учун асосий манба бўлиб хизмат қиласди. Бу ишлар лойиҳани техник иқтисодий асослаш босқичида бажарилишини ҳисобга олиб қидирувни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш лозим. Акс ҳолда маълумотлар етишмаслиги сабабли лойиҳа ечимлари етарлича асосланмайди, қурилишни смета баҳоси, қурилиш муддати ҳам етишмовчиликдан мустасно бўлмайди. Улар лойиҳа сифатини пасайишига олиб келади. Инженер – техник қидирувининг таркибига типографик, иқлим, геологик, гидрогоеологик, тупроқ ва санитаргиеник қидирув киради. Техник иқтисодий қидирув лойиҳа объектнинг иқтисодий хусусиятини ўрганиш учун ўтказилади. Қурилиш минтақасини иқтисодий шароитини, ҳудуднинг ривожланиши келажагини, қурилишни хомашё, қурилиш материаллари билан, электр энергия билан, ёқилғи ва бошқа материаллар ҳамда меҳнат ресурси билан таъминлаш масалалари қидирувининг предмети ҳисобланади.

Экологик қидирув ва тадқиқот қурилиш минтақасини экологик тизим билан ўзаро боғланишини ўрганишга қаратилади, сув ресурсларини ва керакли табиат муҳофазаси тадбирларини салбий оқибатларини бартараф этишга йўналтирилади. Қидирувининг барча турлари teng ва муҳум аҳамиятга эга бўлиб иншоот параметрларини аниқлашда, қурилиш майдонини, транспорт йўлларини электр узатиш линияларини танлашда қўлланилади.

Қидиув ишларини одатда етакчи лойиҳа ташкилоти амалга оширади. Агарда бу ишлар катта ҳажмли миқдорда ўтказиладиган бўлса шартнома асосида маҳсус қидиув ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Қидиув ишларининг йўналишлари бўйича тегишли давлат ташкилотларининг розилиги олиниши керак, масалан, сув таъминоти ёки канализация бўйича давлат назорат идорасининг қидиув материалларидан фойдаланиш қулайлигини яратиш мақсадида объектнинг паспорти тузилади ва унда техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар берилади.

#### **4.2.3. Лойиҳа ишлари**

Лойиҳа ишлари амалиётидан маълумки сув хўжалиги, гидротехник қурилишлар ва гидроэнергетика соҳасида бино ва иншоотларини лойиҳалаш ишлари сарфи капитал харажатларининг ўртача 2,5 фоиз қисмини ташкил этади, айрим объектларда эса 4 фоизгacha этади. Лойиҳа ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисидаги қонунга асосан ташкил этилади. Уларнинг йўналиши ва мақоми белгиланади.

Лойиҳа ишларининг юқори сифатида бажарилиши лойиҳа ташкилотларининг хусусиятларига боғлик. Лойиҳа ташкилотлари маҳсуслашган бўлади. Улар 2 кўринишда: тармоқ лойиҳа ташкилоти масалан, “АО”. Гидропроект, Сувлойиҳа каби ва технологик хусусиятли лойиҳа ташкилотларидир. Тармоқ лойиҳа ташкилотлари тармоқ хусусиятига маҳсуслаштирилади. Улар асосан тармоқнинг буюртмаси ва топшириғига асосан фаолият кўрсатади. Технологик хусусиятли лойиҳа ташкилотлари халқ хўжалигига бажарилиши керак бўлган лойиҳанинг технологик қисминигина бажаради, масалан, қурилиш, транспорт, техник – иқтисодий, табиат муҳофазаси ва бошқалар. Лойиҳалаш амалиётида лойиҳа ташкилотлари комплекс принципида фаолият кўрсатиши маълум устунликларга эга. Ундаги объект бўйича барча масалалар бир лойиҳа ташкилоти томонидан бажарилади. Бу объектдаги барча масалаларни бир бири билан боғлешда қулайликларга эга бўлади. Лойиҳа обьектидаги барча масалаларни ва уларни бажараётган лойиҳа

бўлинма ва ташкилотлари ишларини координациялаш бош лойиҳачи ташкилот томонидан бажарилади. Бош лойиҳачи ташкилот лойиҳани сифати ва бажарилиш муддати бўйича маъсул ҳисобланади. Бош лойиҳачи ташкилот хар бир иншоот лойиҳаси бўйича лойиҳа бош муҳандисини тайинлайди. Лойиҳа бош муҳандиси тегишли лойиҳани сифати ва бажарилиши учун маъсул ва жавобгар шахс ҳисобланади. Объектнинг барча қисмлари бўйича бажарилаётган ишларни координациялади. У лойиҳа ишларини бажарилиши бўйича ташкилотчи, бажарувчи ва назоратчи функцияларини бажаради. Лойиҳа бош муҳандиси объект лойиҳасининг қисмлари бўйича муҳандисларни аниқлайди. Уларнинг хуқук ва мажбуриятларини аниқлайди. Айрим кичик иншоотларини лойиҳалаш ишларини амалга ошириш мақсадида жойларда лойиҳа гурухлари ҳам ташкил этилади. Улар тармоқ ва маҳаллий хусусиятлари асосида фаолит кўрсатадилар. Қурилиш амалиётда лойиҳа ечимларини тўғри бажарилишини таъминлаш мақсадида муаллифлик кўзатуви амалга оширилади. Муаллифлик кузатувини лойиҳа ташкилоти бажаради. Бу грух қурилиш жараёни даврида лойиҳадан чеккага чиқишларини ўз вақтида аниқлаш ва белгиланган тартибда тузатиш учун ўз таъсирини кўрсатиши керак.

#### **4.2.4. Лойиҳани келиши ва тасдиқланиши**

Тузилган лойиҳа меъёрий ҳужжат бўйича, белгиланган тартибда тасдиқланади. Йирик иншоотлар қурилиш лойиҳаси тармоқ вазирлиги, Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади. Тасдиқланишидан олдин тегишли экспертизага берилади. Қурилиш лойиҳасининг йириклигига боғлик ҳолда буюртмачи томонидан тасдиқланиши лозим.

Лойиҳанинг “қурилишни ташкил қилиш” қисми ҳамда смета ва чизмалари ҳам бош бажарувчи ташкилотнинг буюрмачиси томидан келишилади. Буюртмачининг топшириғига асосан лойиҳачи қурилишининг лойиҳа смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Буюртмачилар

ва бош бажарувчи ташкилот ўртасида лойиха бўйича келишмайдиган фикрлар пайдо бўлса бу масала белгиланган тартибда юқори ташкилот томонидан кўриб чиқилариди. Тасдиқланган лойиха (ишчи лойиха), яъни иншоотнинг лойихаси қурлишни режалаштириш ва молиялаштириш учун асос бўлади, шу жумладан капитал қурилишни бажариш учун ҳам.

#### **4.2.5. Қурилишни ташкил қилиш ва ишни бажариш лойихаси**

Объект қурилиши ишлаб чиқилган қурилишни ташкил қилиш ва ишни бажариш лойихаларига тўлиқ мос келиши керак.

Қурилишни ташкил қилиш лойихаси ҳамма ишлар комплексини ташкиллаштириш, капитал қўйилмаларни режалаштириш, қурилиш тайёргарлигининг ташкилий техник масалаларни ечиш учун асос хисобланади.

Гидротехник иншоот қурилишга тааллуқли қурилишни ташкил қилиш лойихасида қўйидаги масалалар ҳал этилади:

- қурилиш материаллари учун керакли манбаларини аниқлаш ва материалларни ташиш учун транспорт турини ва қулай йўлларни аниқлаш;
- қурилиш учун зарур бўлган энергия мабаларини аниқлаш ва бошқа сув, иссиқлик кабилар, уларнинг манбалари;
- норуда материалларини аниқлаш;
- ёрдамчи кохоналар ва иншоотлари таркибини аниқлаш;
- қурилиш ва ишлатиш кадирларни жойлаштириш учун яшаш пасёлкаси таркиби, қурилишдаги ишчи хизматчилар сонини аниқлаш;
- қурилиш хўжалиги бош режасини тузиш;
- инженерлик тармоғи ва қурилиш ички транспорт камуникациясини лойихалаш;
- вақтинчалик иншоотларини лойихалаш;
- бошқа иш турлари кетма-кетлигини бажариш услубини технологик схемаларини белгилаш;

- қурилиш учун манбаъларга бўлган истемол талабининг календар режасини тузиш;
- капитал маблағларни тақсимлаб қурилишни молиялаштириш графикини тузиш.

Алоҳида мурраккаб шароитларга, янги технологияларни биринчи марта қўлланиш шароитларда календар графикка қўшимча комплекс таромоқли график тузилади. Ишни бажариш лойиҳаси, лойиҳанинг ишчи чизмаларини ишлаб чиқиши босқичида амалга оширилади. У қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси асосида бажарилади. У раҳбариятга қурилиш монтаж ишларини тўғридан тўғри олиб бориш учун хизмат қиласи ҳамда хисобот, назорат ва қурилишни бажаришни тезкор режалаштириш учун ҳам хизмат қиласи. Қурилишнинг ишни бажариш лойиҳаси бош бажарувчи ташкилотнинг бош муҳандиси томонидан тосдиқланади. Унинг қисмлари эса тегишли субподрият ташкилотларининг бош муҳандислари томонидан бош бажарувчи ташкилот билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

#### **4.2.6. Ишни бажариш ва қурилишни ташкил қилиш лойиҳаларини иқтисодий баҳолаш**

Ишни бажариш ва қурилишни ташкил қилиш лойиҳаларини иқтисодий баҳолашдаги асосий кўрсаткичлари қурилиш монтаж ишларининг таннархи, қурилиш монтаж ташкилотлари ишлаб чиқариш фондларининг ва айланма воситаларининг қийматлари, қурилиш монташ ишларининг бажарилаш муддати ва меҳнат талаблиги хисобланади.

Ишни бажариш ва қурилишни ташкил қилиш лойиҳаларини иқтисодий баҳолашда иккита усул қўлланилади.

1. Умумий (мутлоқ) иқтисодий самарадорлик усули.
2. Солиштирма самарадорлик усули.

Умумий (мутлоқ) иқтисодий самарадорлик ( $\mathcal{E}_k$ ) фойданинг ( $P$ ) капитал маблағлар умумий самарасига нисбати каби хисобланади.

$$\mathcal{E}_k = \frac{\Delta \Pi}{\sum \Delta K} = \Delta \Pi / (\Delta K_f \pm \Delta K_{ay}) \quad (4.1)$$

бу ерда:  $\mathcal{E}_k$  – капитал маблағнинг умумий иқтисодий самарадорлик коэффиценти.  $K_{pr}$  – асосий ишлаб чиқариш капитал маблағнинг ҳисобига олинадиган фойда  $K_{ob}$  – айланма воситалар маблағи ҳисобига олинадиган фойда. Мутлоқ самарадорлик кўринишига сарфланган маблағни қоплаш кўрсаткичини аниқлайди.

$$T = \frac{\sum \Delta K}{\Delta \Pi}; \quad T = \frac{1}{\mathcal{E}_k} \quad (4.2)$$

Ҳар бир қурилиш ёки иш лойиҳасини танлашда юқоридагилардан фойдаланиб қайси вариант самаралироқ бўлса уни қабул қилинади.

Лойиҳа вариантларини солиштириш аксарият ҳолларда келтирилган сарфлари орқали бажарилади:

$$Z_i = E_H K_i + I_i \rightarrow \min \quad (4.3)$$

$$\text{ёки} \quad Z_i = K_i + T_u I_i \rightarrow \min \quad (4.4)$$

Бу ерда:  $K_i$ - бир марталик харажатларнинг йигиндиси,  $I_i$ -жорий харажатлар (курилиш монтаж ишларининг нархи, ишлатиш учун сарфлар) ҳар иккаласи ҳам солиштираётган вариантлар асосида бажарилади.  $E_H$ -капитал маблағ самарадорлигининг меъёрий коэффиценти,  $T_u$ -капитал маблағнинг меъёрий қоплаш муддати.

Бу халқ ҳўжалигини ривожланиш даражаси билан белгиланади. Унинг қиймати Ўзбекистон шароитида асосан 0,12(алоҳида ҳолларда 0,15) қабул қилинади. Иқтисодий самарадорликни солиштириш қушимча маблағларнинг қоплаш муддатлари бўйича ҳам аниқлаш мумкун.

$$T = (K_1 K_2) / (I_2 - I_1); \quad (4.5)$$

бу ерда:  $K_1$  ва  $K_2$ -асосий ва айланма капитал маблағларнинг миқдорлари солиштирилаётган вариантлар бўйича.  $I_2$ - ва  $I_1$  – солиштирилаётган вариантлар бўйича жорий харажатлар /таннарх/.

Агарда таққосланаётган варианлар бўйича капитал маблағлари ва жорий харажлар йиллар бўйича ҳар хил бўлса у холда кейинги йиллар капитал маблағи ва сарфлари базис йиллар ёки базис йилининг бошига келтирилиб ҳисобланади. Уни қуидагича ҳисоблаш мумкин

$$K_{i\tau} = K_t \frac{1}{(1+E_{nn})^t} = K_t \cdot \rho_{npt} \quad (4.6)$$

Бу ерда:  $E_{nn}$ - маълум йилининг базис йилига (бошига) келтирилган сарфлар,  $K_t$  - йилнинг ҳақиқий сарфлари;  $\rho_{npt}$  - келгуси йиллар сарфларини базис йили бошига келтириш коэффиценти;  $E_{nn}$  меъёрий миқдор, қиммат Е каби аниқланади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб ва  $K_n$  билан қуидагича ёзиш мумкин.

$$\mathcal{Z}_{i\tau} = E_n K_{i\tau} + I_{i\tau} \rightarrow \min \quad (4.7)$$

ёки

$$\mathcal{Z}_{i\tau} = K + T_n I_{i\tau} \rightarrow \min$$

Бу ерда:  $\mathcal{Z}_{i\tau}$ ,  $K_{i\tau}$ ,  $I_{i\tau}$ -маълум (i) варианитни ҳисобга олиб исобланадиган қийматлари.

$$K_{i\tau} = \sum_{t=1}^{t=T_i} K_i \rho_{npt}; \quad I_{i\tau} = \sum_{t=1}^{t=T_i} I_{it} \cdot \rho_{npt} \quad (4.8)$$

бу ерда:  $K_{i\tau}$ ,  $K_{it}$  маълум (i) вариант учун йиллик капитал маблағ ва сарфлар,  $T_i$ -курилиш муддати.

Таққосланаётган варианлар ҳар хил қурилиш муддатига эга бўлса у холда кўшимча фойдадан олинадиган бир марталик самара аниқланади, қайсики қурилиш ишлари муддатидан олдин бажарилса, шароит ва доимий сарфларни камайтиришдан, битказилмаган қурилиш миқдорини камайтириш ва капитал маблағнинг тўғри ва самарали тақсимлашдан асосий фондларни озод қилиш ҳисобига бўлади.

$$\Delta \mathcal{E} = \Delta \mathcal{E}_v + \Delta \mathcal{E}_u + \Delta \mathcal{E}_f \quad (4.9)$$

$\mathcal{E}$  – қурилиш муддатидан олдин ишга тушириш ҳисобига олинадиган бир марталик самара,  $\mathcal{E}_v$  – шу вақтда объектни ишлатишдаги бир марталик самара,

$\mathcal{E}_u$  – шу вақтда доимий мавжуд бўлган устама сарфларни камайтириш ҳисобига ҳосил бўладиган самара,  $\mathcal{E}_f$  - шу вақтда асосий ишлаб чиқариш фондларини озод бўлишидан олинадиган иқтисодий самара.

$$\mathcal{E}_v = P_t(T_1 - T_2); \quad (4.10)$$

бу ерда:  $P_t$ - обеъктни муддатдан олдин ишлатишга топшириш даври учун фойда (ўрта йиллик).

$$\mathcal{E}_u = H(1 - T_2/T_1); \quad (4.11)$$

бу ерда:  $H$  – қурилишнинг лойиҳавий муддати ( $T_1$ ) давридаги устама сарфлар.

$$\mathcal{E}_f = E_n(K_1 T_1 - K_2 T_2); \quad (4.12)$$

бу ерда:  $K_1$  ва  $K_2$  – таққосланаётган вариантлар бўйича қурилиш даври учун қурилиш ташкилоти балансида бўлган асосий фондлар ва айлантирма воситалар миқдори.

#### 4.2.7. Лойиҳа ишларини автоматлаштириш

Лойиҳани автоматлаштириш деб лойиҳа ишларига автоматикани қўллаш тушунилади. Ҳозирги вақтда лойиҳа ишларига ҳар хил русумдаги автоматик усуллар қўлланилган. Лойиҳани автоматлаштиришдан ташқари компьютерлаштириш ишлари амалга оширилган. Лойиҳада чизма ишлари ҳам автоматик тизимда бажарилиши йўлга қўйилган.

САПР автоматик режимда ва инсон билан алоқасиз ЭХМ (электрон ҳисоблаш машиналари)да ишлаши мумкин. САПР нинг ишлаш шароитидан келиб чиқиб уни гидротехника иншоотларини лойиҳалашда иншоотнинг бир қисмини лойиҳалаш учун қўллаш мақсадга мувофиқдир. Одатда лойиҳачи ЭХМ билан мулоқатда ишлайди. Шунинг учун лойиҳачи иншоот тўғрисидаги керакли маълумотларни оператив тарзда олиши керак. САПРдаги лойиҳа дастурлари қурилиш обьектининг модели ҳисобланади.

Лойиҳа ишларида автоматлашган тизимни қўлланилиши иншоот бўйича бир қанча вариантларни тезда ишлаб чиқиши имкониятини беради. Шунинг асосида таннархи арzon вариантларни танлашга асосланади.

## ***Назорат саволлари***

1. *Лойиҳа тўғрисида умумий тушунча ва сув хўжалигидаги аҳамиятини айтиб беринг.*
2. *Лойиҳалашининг лойиҳа олди босқичида қандай ишлар бажарилади?*
3. *Лойиҳалаш босқичида қандай ишлар бажарилади?*
4. *Лойиҳанинг таркиби тўғрисида нималарни биласиз?*
5. *Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши ёки ҳисоби нима мақсадда ва қачон ўтказиласида?*
6. *Лойиҳа бош муҳандисининг ваколатлари нима?*
7. *Лойиҳини бажарииш ва тасдиқлаши кимлар ўртасида амалга оширилади?*
8. *Қурилиши ташкил қилиши лойиҳасининг мақсад ва вазифалари нима?*
9. *Лойиҳаларнинг турлари ва улардан фойдаланиши тўғрисида нимани биласиз?*

### **4.3. Қурилиш майдонини ташкил қилиш**

**Калим сўзлар:** гидротехника, қурилиши, қурилиши майдони, режалаштириши, ташкил қилиши, бошқарииши, меъёрий ҳужжат, нархнома, таъминот, хизмат, транспорт, сарф, харажат.

#### **4.3.1. Қурилиш майдони тўғрисида умумий тушунча ва унинг аҳамияти**

Гидротехника обьектлари қурилиши фуқаро қурилишдан ўзининг хусусиятлари билан фарқланади. Қурилиш обьектининг табий шароити ва инженерик характеристики бўйича маълум мураккабликка эга. Шу сабабли қурилиш майдони тўғрисидаги маълумотлар сув хўжалиги ва гидротехника қурилиши йўналишдаги мутахассислар ва ходимларнинг ўрганиши зарур бўлган эҳтиёж хисобланади.

Гидротехника қурилиш обьектлари асосан сув йўлларида, чўл характеристири ва аҳоли яшаш жойларидан олисда бўлиши билан характерланади. Қурилиш майдони асосан сув, яъни дала ёки каналлар ўзани ёки ҳавзасида жойлашганлиги сабабли ундан сувнинг қурилиш ишларини олиб боришга таъсири хисобга олинади. Ер усти ёки ости сувининг қурилиш жараёнига

салбий таъсири бартараф қилишга қурилиш умумий смета баҳосининг анчагина қисми сарфланиши лозим бўлади. Бу муаммони ҳам тўғри ҳал қилиш қурилиш таннархини арzonлаштиришга олиб келади.


Қурилиш майдонида асосий объект ва унинг барча ишлаб чиқариш базалари, хизмат кўрсатиш корхоналари ва ҳатто қурувчилик посёлкаси жойлаштирилади. Буларнинг қурилишдаги иштироки, илмий асосланганлиги асосий объект қурилиш суратига тўғридан тўғри таъсир этади. Қурилиш майдонидаги барча объектлар ва иншоотлар асосий объект қурилишига хизмат қилади. Шу сабабли қурилиш майдонини илмий ва иқтисодий асосланган тарзда ташкил этиш замонавий қурилиш амалиётининг асосий талабидир.

#### **4.3.2. Қурилишнинг бош плани (режаси)**

Қурилиш бош режаси қурилиш майдонининг умумлаштирувчи режаси бўлиб, унда қурилишнинг барча доимий ва вақтинчалик иншоотлари: асосий иншоот, қурилиш суви сарфини ўтказиш иншооти, ишлаб чиқариш базалари, сув таъминоти ва канализация, электр таъминоти, қурилиш ички йўллари, қурувчилик даимий ва вақтинчалик яшаш жойлари кўрсатилади. Қурилиш бош планини тузиш учун топографик ва инженер – геологик съемкалар хизмат қилади.

Қурилиш бош плани муҳим ташкилий ҳужжат ҳисобланади. У қурилаётган иншоот коплексининг бадий архитектурасини шакллантиради. Қурилиш - технологик жараёнларини бажариш шароитини яратади, У қурилиш лойиҳа - смета ҳужжатининг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг бажарилиши ва деталланганлик даражаси, қурилиш майдонининг ўлчамларига боғлиқ. Мужассамлашганлик даражаси қурилиш майдони ўлчамларига, текислаш ишлари ҳажмига, қурилиш ички йўллари миқдорига ва инженерлик коммуникацияларига, қурилиш ички ташиш ишлари харажатларига боғлиқ. Йирик иншоотлар қурилиш майдони 250-500 га.ни ташкил этади.

Қурилиш бош плани - бу қурилиш майдонининг барча иншоортларни йиғувчи режасидир. Унда асосий иншоотлар қурилиш сувини ўтказиш иншооти, ишлаб чиқариш базалари, сув таъминоти ва канализация, электр таъминоти, қурилиш ички йўллари, қурувчилар посёлкалари кўрсатилади. Қурилиш бош планинн тузиш учун инженер - геологик ва топографик материаллар асос бўлади. Бундан ташқари қурилиш бош планини тузиш учун асосий иншоотнинг бош плани, қурилиш сувини ўтказиш иншоотларининг жойлашиши, тўсиқлар плани, каналлар, туннеллар, ишлаб чиқариш базаси ҳам бўлиши керак.



**4.1-расм. Гидроузелнинг бош плани.**

- 1.Гидроузелга келадиган йўл.
- 2.Кемалар қатнашиши учун қурилмалар.
- 3.Навбадтаги тўсиқ.
- 4.Навбадтаги тўсиқ.
- 5.Кема тўхташ жойи.
- 6.Чап қирғоқдаги қурилиши участка.
- 7.Карьер.
- 8.Шагал қум омбор хўжалиги ва бетон завод.
- 9.Егоч тахта омборхонаси.
- 10.Ишчилар поселкаси.
- 11.Ишчиларга янги қурилаётган тураг жойи.
- 12.Темир бетон полигон.
- 13.Механизмлар таъмирлаши базалари.
- 14.Омборхона.
- 15.Компрессор станцияси.
- 16.Кўмир мбори.
- 17.Саноат

ва қурилиши базаси.18.Гидромонтаж базаси.19.Курилиши машиналарни таъмирлаши. 20.Автобаза.21.Омборхона.22,23.Махсус қурилиши базалари.Энергомонтаж базаси.

Бош плани, йўллар, юқори кучланишли электр ўтказгичлари тармоғи, сув олиш иншооти плани, қурувчилар посёлкаси бош плани, фильтрлаш станциялари, оқаваларни тозалаш иншоотлари, конлар жойини билиш зарур. Алоҳида объектларнинг қурилиш кетма – кетлигини ҳам билиш зарур, қурилиш бош планини лойиҳалаш олдиндан қурилиш майдонининг схемаси сифатида бўлади. Унда юқорида кўрсатилган инженерлик иншоотлари схема тарзида белгиланган бўлиши керак. Топографик асос сифатида картографик материаллар хизмат қиласи, Уларнинг масштаби 1:25000 даи 1:100000 гача бўлади. Техник иқтисодий ҳисоб (ТИХ) босқичида бажарилиш мукаммаллиги ошиб боради. Лойиҳалаштиришда қабул қилинган ечимлар деталлаштирилади. Асосий иншоотнинг тузилиши ва компановкаси аниқлаштирилади. Бу ишлар юқори аниқликда бажарилади. Юқоридаги материаллар асосида қурилиш майдонидан ер ажратиш расмийлаштирилади. Лойиҳалашнинг охирги босқичи учун 1: 1000, 1:2000; 1:5000 ва камдан-кам 1:10000 масштабдаги картографик материаллар ишлатнлади. Ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишида қурилиш майдонидаги барча объектлар вертикал ва горизантал боғланади. Шундай қилиб қурилиш бош плани қурилиш майдонидаги барча объектларни кўрсатувчи ҳужжат ҳисобланади. Объектларнинг ўзаро боғланишини белгилайди. Гидротехника қурилиши амалиётида қурилиш майдонини тўғри ташкил қилиш ишлари олиб боришни, объект қурилишининг таннархини белгиловчи ҳужжат ва иш ҳисобланади. Қурилиш майдонини ташкил қилиш асосан қуйидагиларни ҳисобга олиб борилади:

1. Техник иқтисодий кўрсаткичлар.
2. Жойнинг табиий шароити.

3. Экологик шароити.
4. Қурилиш тури ва объектлар характери.
5. Жойнинг гидрологик, гидрогеологик, топологик ва хўжалик шароитлари.
6. Қурилишни ташкил қилиш.

#### **4.3.3. Қурилиш майдони объектлари жойини танлаш ва жойлаштириш**

Қурилиш майдони объектлари жойини танлаш ундаги ишлаб чиқариш базаларининг асосий иншоот ва ўзаро технологик боғланишини, транспорт шароитини, энерготаъминотини, табий шароитини (топографик, геологик, иқлим): қурилиш – архитектура талабларини қурилишни ривожлантиришнинг тартибини ва келажагини ҳисобга олишни талаб этади. Шунга асосан лойиҳани ишлаш олдидан бўлажак қурилиш худудини жойлаштириш нуқтаи назардан текширув ўтказилади, унинг натижасида қурилиш майдони учун яроқли майдон аниқланади. Унда қурилиш майдонини магистрал транспорт йўллари билан боғловчи йўллар, майдоннинг баланд-пастликлари, инженер – геологик ва гидрологик (грунтларни қурилиш хусусиятлари, сизот сувининг мавжудлиги ва сифати, эҳтимолий сув босиши, тошқин келиши, ер кўчишлари ва бошқалар) сув ва энергия таъминоти кабилар ўрганилади.

Қурилиш майдонини ташкил қилишда унинг вариантлари тузилади, иқтисодий жиҳатдан солиштирилади, арzon ва бажариш учун қулай бўлгани танланади. Қурилишнинг бош режаси майдонига жойлаштириладиган ишлаб чиқариш базаларининг турлари уларнинг ўзаро технологик боғланишини аниқлайди. Қурилиш ички транспорти аниқланади. Бунда маҳаллий қурилиш манбалари, хом ашёлари бор жойга яқин қилиб қайта ишлаш корхоналари лойиҳалаштиради, чунки хом ашё материалларини (шағал, қум, тош ва бошқа) ташиш учун транспорт харажатлари кам бўлишини таъминлаш лозим. Асосий обьект қурилиш иншооти тайёр маҳсулот етиштирувчи ишлаб чиқариш

корхоналарига яқин бўлиши керак. Масалан, бетон заводи, арматура ва қолип тайёрлаш цехлари, компрессор ва насос станциялари. Давлат магистрал йўлларини ҳисобга олиниши зарур.

Ишлаб чиқариш базаларининг жойи шу туманда, шу майдонда унинг қўшимча ёрдамчи корхоналарини жойлаштириш, иншоотларини жойлаштириш мумкин бўлсин. Жойнинг рельефи ҳисобга олиниши керак.

Агарда рельеф ишлаб чиқаришнинг барча қўшимчаси ва ёрдамчи корхоналарини бир майдонга жойлаштириш имкониятини бермаса, у ҳолда иккита ва ундан кўп алоҳида майдрнларга жойлаштирилади. Бунда норуда материаллар конлари яқин қилиб, уларни қайта ишлаш корхоналарини унга боғлаб жойлаштирилади. Асосий объектдан ташқари, олисроқда асосан омбор хўжалиги, автотранспорт конхоналари жойлаштирилади.

Агарда қурилиш майдони дарё ўзанининг икки қирғоғида жойлашган бўлса масалан, Сўх сув омбори қурилиши майдонида асосий ишлаб чиқариш базалари дарёning бир қирғоғига, участка ишлаб чиқариш базалари иккинчи қирғоғига жойлаштирилган.

Қурилиш майдонида ишлаб чиқариш базаларини мужассамлаштиришда (жойлаштиришда) асосий талаблардан бири ишлаб чиқариш базаларини унинг истемолчиларига яқинроқ бўлиши таъминланиши керак. Булардан ташқари технологик оқимларни имконияти борича бир – бири билан кесишмайдиган, жой реъефини имконияти борича ўзгартирмасак, инженерлик ва конструктив ечимларни унификациялаш, корхоналарни мавжуд технологияси бўйича блакировкалашни ҳисобга олиш керак. Алоҳида корхоналарни жойлаштиришда қуйидаги мулоҳазаларни ҳисобга олиш лозим: бетон хўжалиги билан асосий иншоотлар ўртасидаги масофа яқин бўлиши, шу билан бирга уни чанг чиқарувчи корхона сифатида шу ҳудуддаги шамол йўналиши ҳисобга олинади. Чунки, асосий объектда ишловчилар, ишчилар пасёлкасида яшовчилар, маъмурий ходимлар чанг оқими йўналишида бўлиши

мумкин эмас. Қурилиш майдонига кириш ва чиқиш йўллари асосий юк оқими бўладиган томондан қўйилиши керак.

Норуда материалларни қайта ишлаш корхоналари бетон хўжалиги билан боғлиқ технологик линияда бўлгани учун улар бир –бирига яқин жойлашиши, имконияти борича технологик транспортлардан фойдаланиш принципида жойлаштириш керак. Бу тайёр маҳсулот омборларининг аксарият ҳолларда бирлашишига олиб келади.

Умуман уларнинг иқтисодий томонидан варианtlари кўриб чиқилади ва қулай бўлган варианти қабул қилинади. Махсус субподрят ташкилотларининг базалари ҳам ўз истемолчиларига яқин жойлашиши керак: гидромеханизация базаси сув билан қуриладиган иншоотга ёки сув билан қазиладиган жойга; гидромахсускурилиш – цементли ёки ер ости ишининг жойига, гидромахсус электромонтаж – ГЭС қурилиши майдонига ва ҳаказо.

Ёғочни қайта ишлаш корхонаси майдоннинг ташқарисида ёки чекка қисмига унга келтирадиган материалларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак. Уни жойлаштиришда шамолнинг йўналишини ҳисобга олиш талаб этилади.

Ёқилғи мойлаш материаллари базалари қурилиш майдонига кириш ёки чиқиш жойида ва автомобил базаларига яқин жойлаштириши шарт. Уни ташкил қилишда ёқилғи қурилиш, ювиш – автобаза технологик боғланиш бажарилиши шарт.

Портловчи моддалар омборлари қурилиш майдонидан ташқарида ёки иложи бўйича бошқа обьектлардан маълум маъсофада хавфли зонани ҳисобга олиб жойлаштирилиши керак. Сув олиш иншоотлари қурилиш майдонидан ўтадиган сув манбанинг юқори қисмида жойлаштирилиши керак. Агарда қурилишда ишлатиладиган сув ер ости манбаи бўлса, у ҳолда сув минораси қурилиш майдонининг энг юқори қисмига жойлаштирилиши зарур. Таъмирлаш устахоналари автомобил базаларига, моддий тоъминот базаларига яқин ва бир майдонда жойлаштирилгани маъқул. Агарда қурилиш

майдонига темир йўл киритилган бўлса ишлаб чиқариш базалари унинг атрофига бир чизик кўринишида жойлаштирилиши иқтисодий жиҳатдан самаралироқдир. Шунга мувофиқ қурилиш ички транспорти ва у билан боғлиқ бўлган масалалар ечилади. Бунда ташиш йўллари минимал, яъни энг қисқа характерга эга бўлиши керак.

Норуда материаллар конлари (шагал, қум, тош) инженер – геологик қидиув натижалари асосида аниқланади. Қурувчиларни, аҳоли яшаш ҳудудларини жойлаштиришда алоҳида эътибор ва талаблар қўйилади.

Чунки, қурилиш ишлари тугатилгандан сўнг ҳам аҳоли яшаб қолади. Шунинг учун табиатнинг тозалигига, экологик шароитига, транспорт хизматининг қулайлиги ва хавфсизлиги каби талаблар тўлиқ мос келадиган жой бўлиши керак. Шу билан бирга қурувчилар посёкаси асосий қурилиш обьектига яқин бўлиши таъминланади.

Қурувчилар посёлкасини жойлаштиришда унинг келажақда кенгайиши ҳам ҳисобга олиниши керак. Қурувчилар посёлкаси ва умуман аҳоли яшаш зоналари темир йўл линиясидан ажратилган бўлиши керак, уни кесиб ўтилишига йўл қўйилмайди. Аҳоли яшаш жойини танлашда инженерлик коммуникациялари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилиши керак, бажариладиган ишлар ҳажми кам буладиган вариантини танлаш лозим. Аҳоли пунктининг жойини танлашда геологик, гидрогоеологик, гидрологик шароитлар ҳисобга олинади. Геологик шароитни ўрганиш иншоотлар қурилишида бажариладиган ишлар турини аниқлайди. Уни ҳисобга олиш иншоотлар мустаҳкамлигини таъминловчи асос бўлади. Ер ости сувларининг режимини ўрганиш қурилиш ишларининг турини ва ўтказиладиган тадбирларни аниқлайди. Қурилиш пайтида ер ости сувини чиқариш ва пастлатиш ишларини бажариш зарурятини аниқлайди. Иншоот қурилишига ва унинг таннархига сезиларли таъсир кўрсатади. Гидрологик шароит, яъни тошқин сувларни пайдо бўлиши, дарёнинг сув режими қурилиш ишларининг бажарилиш босқичларига таъсир этади. Аҳоли яшаш жойларини танлашда сув

тошқинлари пайдо бўлишини ва сув сатҳини қўтарилиши зоналари ҳисобга олинади. Аҳоли яшаш посёлкалари дарё тошқинларидан тўлиқ ҳавфсиз жойда бўлиши таъминланиши керак.

Лойиҳалаш босқичларида қурилиш бош планидан ташқари қурилиш ишлаб чиқариш базаларининг бош плани ишлаб чиқилади, унда доимий ва вақтинчалик қурувчилар посёлкаси, қурилиш материаллари конлари, вақтинчалик гидротехник иншоотлар кўрсатилади. У план маълум даражада кичик масштабларда (1:10000, 1:25000, 1:50000) тузилади.

Қурилиш майдонидаги объектларини жойлаштиришнинг фанда шартли равишда аталадиган горизонтал ва вертикал турлари бор.

Горизонтал – жойлаштириш деб қурилиш бош режасида объектларни ўзаро боғлиқлигини ва боғланишини давлат геодезик триангуляция тармоғи билан боғлаб режали жойлаштириш тушунилади. Қурилиш майдонининг алоҳида объектларни координациялаш ва горизонтал боғланишда шартли белгиланадиган қурилиш координат тизимидан фойдаланилади. Қурилиш координат тизими топографик съёмка ўқлари билан бир чизиқда ёки устмуст тушиши шарт эмас. Уни съёмка тизимига киритиш ва чиқариш учун қайта ҳисобланади. Қурилиш майдони объектларини горизонтал жойлаштириш лойиҳаси, қурилиш майдонининг ягона архитектуравий ечими сифатида объектларни бажариладиган вазифасига қаралади. Асосий объектлар ва иншоотлар ўртасида оралиқ масофалар талаб даражасида қўйилади. Бу масофалар инженер-техник коммуникация иншоотларини ўтказиш учун етарли бўлиши керак.

Вертикал жойлаштиришда қурилиш майдонининг лойиҳавий рельефини ташкил қилиш, бино ва иншоотларнинг баландлик белгиларини, автомобил ва темир йўл транспорти юриш қисмларининг сатҳларини ўрнатиш, ер усти сувини кетказиши ташкил қилиш, қирғоқларни ва қурилиш майдонини ювиш, сув босишига қарши тадбирлар тушунилади. Вертикал жойлаштириш шундай бўлиши керакки бунда объектлар орасида транспорт-технологик

алоқалар учун қулай шароит яратилсин, бажариладиган иш ҳажмлари кам бўлсин, табиий реълеф сақлансин, ер усти сувларини йиғиш ва чиқариб ташлаш қулай бўлсин.

Вертикал жойлаштиришнинг Зта тизими мавжуд: ёппасига, танлаб ва аралаш. Ёппасига жойлаштирища қурилиш майдони бўйича барча объектларни жойлаштириш кўзда тутилади. Бунда териториядан сувни кетказиш новлар орқали амалга оширилади. Қолган қисмларда табиий реълеф сақланиб қолинади. Бу тизимнинг камчилиги асосан бино ва иншоотлар оралиқ масофаларининг ҳаддан ташқари кенглигидир. Аralаш жойлаштириш. Қурилиш майдонида юқорида кўрсатилган талаб ва ёппасига жойлаштириш тизими қўлланилади. Юқорида кўрсатилган барча тизимларда жойлаштиришга қурилиш майдони ерининг геологик шароити сезиларли таъсир кўрсатади.

Вертикал жойлаштиришнинг барча схемалари 2 гурухга бўлинади: террасасиз ва терросали. Террасасиз схемада жойлаштирилган асосий текисликлар сатҳи ва реълеф кескин ўзгармайди. Терраса схемасида жойлаштириш текисликлари тик тушиш ёки кўтарилиш билан боғланади.

#### **4.3.4. Қурилиш майдони учун ер ажратиш**

Мавжуд қонунчилик бўйича қурилиш майдони учун ер ажратиш 2 босқичда бажарилади: олдиндан объектнинг жойлашиши ва мўлжалланган ўлчамлари асосида майдон келишиш учун расмийлаштирилади, бу лойиҳа қидирув ишларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиласи, сўнг тасдиқланган лойиҳа асосида қурилиш бошланишидан олдин ер участкасини ажратиш тўғрисида якуний расмийлаштирилади.

Бўлажак қурилиш иншоотини буортмачиси бош лойиҳачи ташкилот билан биргаликда ер ажратиш учун "ер тузиш иши" ни тайёрлайди. Унинг таркибига ердан фойдаланувчининг қурилиш жойи кўрсатилган режаси, иншоот бош плани, ердан фойдаланувчи билан келишиш баённомаси, тупроқ хulosаси, маҳаллий ҳокимиятнинг ерни баҳолаш комиссияси акти, қишлоқ хўжалиги бошқармасини, ўрмон хўжалигини, санэпидстанцияни, ёнғин химояси, ички

ишлар бошқармасини, бассайн инспекциясини, вилоят йўл бошқармасининг темир йўл бўлими, ер ажратиш тўғрисидаги вилоят ҳокимлиги қарори, вилоят қишлоқ хўжалиги хulosаси, тегишли вазирлик келишуви киради. Ер учаскасини танлаш учун шу ерда фойдали қазилмалар ва унинг саноати йўклиги тўғрисидаги геологик комиссиянинг хulosаси бўлиши керак. "Ер тузиш иши" таркибига майдонни танлаш бўйича маҳсус комиссиянинг акти киради. Комиссия таркибига иш билан боғлиқ бўлган барча ташкилотларнинг вакиллари киради. Комиссия раиси сифатида вилоят ҳокимининг тегишли муовини белгиланади.

Юкоридаги тартибда тайёрланган "Ер тузиш ишини" тасдиқлатиш учун тегишли вазирликка ёки вазирлар маҳкамасига юборилади. Тасдиқланган "Ер тузиш иши" асосида қурилиш майдони ташкил қилинади.

### ***Назорат саволлари***

1. Қурилиш майдони нима ва қандай мақсадда ташкил этилади?
2. Қурилиш майдонини кимлар ташкил этади?
3. Қурилиш бош режасини қандай тушунасиз?
4. Қурилиш майдонини ташкил этишида нималарни (қандай кўрсаткичларни) ҳисобга олинади?
5. Қурилиш майдонини ташкил қилиши лойиҳанинг қайси босқичида кўрилади?
6. Ишлаб чиқарии базалари ва қурилиши ўртасида қандай боғлиқлик бор?
7. Горизантал эйлаштириши нима?
8. Вертикал жойлаштириши нима?
9. Қурилиш майдони ва қурилиш бош режасининг нима фарқи бор?
10. Қурилиш майдони учун ер ажратишни қандай тушунасиз?

### ***4.4. Қурувчилар посёлкасини ташкил қилиш***

**Калит сўзлар:** қурувчи, қурилиш поселкаси, уй, бино, конейнер, селетиб ҳудуд, ёрдамчи корхоналар, гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил

*қилиши, бошқарии, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат, меъёрий ҳужжат, нархнома, таъминот, хизмат, транспорт, сарф, харажат, ииши, ииичи, норма.*

#### **4.4.1. Қурувчилар поселкасини аҳамияти ва зарурити**


Қурувчиларни уй билан таъминлаш ва замонавий талабларга тўғри келадиган маданий оқартув хизматини кўрсатиш қурилиш ривожланишига сезиларли таъсир қўрсатади. Яшаш биноларини ишга тушириш ва уларнинг эгаларига мақсадли бериш қурилишда ходимлар қўнимсизлигига барҳам берувчи ва қурилишни керакли мутахассислар билан таъминлаш манбай хисоблананади. Қурилишда ёш кадрлар билан ишлаш учун кўпроқ имконият яратилади. Булар ҳаммаси қурилишни ташкил қилишнинг асосий қисмларидан биридир. Инсон меҳнатининг самарали бўлиши, ишга меҳр қўйиши, жисмоний ва руҳий бақувват бўлиши унинг шахсий-оилавий ҳаёти ва унинг ҳолати билан чимбарчас боғлиқдир.

Қурилиш ишлаб чиқаришига ва ундан ишчиларга қурилиш ва ёрдамчи ишларни бажариш учун яшаш жойлари зарур бўлади. Қурилиш объектигининг қаерда жойлашганлиги, ҳудуднинг характеридан келиб чиқиб қурувчилар поселкаси ташкил этилади. Қурувчилар поселкаси ишчи – хизматчи ва ёрдамчи ходимлар учун барча шароитларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Қурилишга ташкилий техник тайёргарлик бўйича ҳудудлар ўзлаштирилмаган, кам ўзлаштирилган ва ўзлаштирилган бўлади. Шунга асосан ҳудудда ташкил этиладиган қурувчилар поселкасининг таркиби ва даражаси аниқланади. Ўзлаштирилган ҳудудларда асосан омбор, маъмурий ва санитар – зарурый биноларни режалаштирилади.

Кам ўзлаштирилган ҳудудларда юқорида кўрсатилган мақсадларда бино ва иншоотлардан ташқари ишлаб чиқариш ва қисман яшаш мақсадидаги бино ва иншоотлар ташкил этилиши лозим. Ўзлаштирилган ва кам ўзлаштирилган ҳудудларда ишчилар ва ходимлар асосан ўз шахсий уйларида яшайдилар. Шу

сабабдан уларга иш вақтида зарур бўладиган бино ва иншоотлар қурилиши кўзда тутилади. Ўзлаштирилмаган худудларда барча турдаги хизмат қўрсатиш, яшаш ва ёрдамчи бинолар зарур бўлади ва уларни режалаштирилади. Шу сабабдан қурилишга сарфланадиган капитал маблағларининг сезиларли қисми қурувчилар посёлкасини барпо этишга ажратилади. Қурилиш амалиётида қўлланилаётган барча зарурий хизмат қўрсатиш, яшаш ва маданий оқартув бино ва иншоотлари режалаштирилган қурувчилар поселкасининг намунавий схемаси қўйида кўрсатилган(расм).



**4.1-расм. Қурувчилар поселкасининг намунавий схемаси.**

1 – бригада будкалари; 2 – асбоб ускуналар контейнери; 3 – участка бошлигининг контораси; 4-прораблар контораси; 5 – чилангарлар навбатчилик будкаси; 6 – электриклар навбатчилик будкаси; 7 – клуб хонаси; 8 – қуритиш хонаси; 9,10 – ювениш хоналари; 11 – кладовкалар ўтказиш жойи; 12 – устахона; 13 – кўргазма тахтаси; 14 - спорт майдончаси; 15 – мажлислар ўтказиш жойи; 16. – ўтириш жойлари; 17 – саҳна.

#### **4.4.2. Қурилишни ва конструктив компоновка ечимины ташкил қилиш**

Гидротехник амалиётида қурувчилар учун яшаш шароитларини яратиш ўз босқичларига эга. Қурилишнинг дастлабки тайёргарлик даврида, қурувчилар яшаш жойлари кўчма характердаги бинолардан ташкил топади. Шу сабабли уларни вагон, контейнер каби ва йиғма-ешиладиган тузилмалардан ташкил этиладиган уйлар билан таъминланади(мисол учун Тұямуйин сув омбори қурилишида контейнер уйлар йиғилиб ишчилар поселкасини ташкил этган эди). Бунда санитар меъёрлар талаби бажарилиши лозим, яъни ичимлик суви, иссиқлик, электр токи, оқова(канализация) ташкил этилиши лозим. Яшовчилар учун яшаш ва дам олиш муассаслари ташкил этилади. Қурилишнинг навбатдаги босқичида доимий характердаги бино ва иншоотлар барпо этилиши лозим. Доимий характердаги бинолар капитал характердаги қурилиш билан амалга оширилади. Шу сабабли барпо этилган бино ва иншоотлар асосий қурилиш тугагандан сўнг келажакда аҳоли яшаш марказлари, саноат корхоналари жойлашган ҳудудга айланади. Бунга мисол сифатида Хоразм вилоятидаги Питнак поселкасини кўрсатиш мумкин.

Лойиҳалашнинг умумий қоидалари бўйича аҳоли яшаш жойи қўйидаги функционал зоналарга бўлинади – селитеб, саноат – коммунал ва ташки транспорт.

Поселканинг селитеб ҳудудига аҳоли яшаш бинолари билан бирга маданий – оқартув ва умум фойдаланадиган яшил зоналар киради. Бошқа зоналар поселкадан ташқарида жойлашади.


Ишчилар поселкасини жойлаштириш учун ҳудуд танлашда асосий иншоот элементларининг жойлашишини, ишлаб – чиқариш базалари, транспорт алоқалари ва коммуникацияга қулайлиги, ишлаб чиқариш базалари ва селитеб ҳудуднинг ўзаро жойлашиш қулайлиги ҳисобга олинади. Селитеб ҳудуд: табиий қулай ва санитар шароитга эга бўлиши керак. Ҳудуд ишлаб чиқариш зонасидан яшил зоналар ва дараҳтлар билан ажралиб туриши керак

хамда уни ташкил қилишда энг кам иш миқдори сарфланиши лозим. Ишлаб чиқариш базалари ва асосий қурилишнинг селитеб худудида экологик ва хўжалик таъсири ҳисобга олиниши керак. Чиқиндиларни кетказиш, чанг ва ишланган газларни шамол вақтида ҳосил бўладиган йўналиш, худудни сув босиш ёки ер ости сувларининг кўтарилишидан ҳосил бўладиган хавф албатта ҳисобга олиниши керак.

Селитеб худуд лойиҳалаш амалиётида меъёрий кўрсаткичлари бўйича қабул қилинади.

Селитеб худуд ўз навбатида аҳолининг кўп камлигига боғлиқ холда кичик худудларга, яъни микрорайон, маҳалла ва шунга ўхшашлар бўлиши мумкин.

Лойиҳа ишларини бажаришда қурилиш ишлари учун календар режа ва ишчи кучи ҳаракати графиги қурилиди.



4.2 – расм. Қурилиш ишлари учун ишчи кучи ҳаракати графиги.

Қурилиш жараёнининг ишчи кучи ҳаракати графигида(8.2-расм) ишчиларнинг (бир вақтда ишлайдиган) энг кўп сони ( $N^{max}$  ) ва ўртача муаллақ ( $N_{ypt}$ ) сони ҳисобланади, унда қўйидаги ифодадан фойдаланилади.

$$N_{ypt} = \frac{N_i \cdot t_i}{T_{kyp}} \quad (4.13)$$

Бу ерда:  $N_i$  - маълум, яъни ҳисоблаш даврида иш жараёнларининг ўзгариши бўйича унинг сон қиймати ўзгаради;  $t_i$  - тааллукли равшда вақт

ўлчови.  $T_{kyp}$  - қурилишнинг умумий муддати, унинг сон қиймати мантиқан

$$T_{kyp} = \sum t_i \text{ бўлиши лозим.}$$

Қурувчилар поселкасидаги хизмат кўрсатиш корхоналарининг қув-ватини  $N_{ypt}$  бўйича қабул қилинади. Поселкадаги яратилаётган бино ва иншоотларни хисоблашда ҳам юқоридагини хисобга олиш зарур.

#### **4.4.3. Қурилишда ишловчилар сонини аниқлаш**

Қурилишда умумий ишлайдиганларни асосан икки гурухга бўлинади. Биринчи гурухга қурилиш-монтаж ишларида ишлайдиганларнинг барчаси ва уларнинг ёрдамчи хўжаликларида ишловчилар киради. Иккинчи гурухга хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардагилар киради. Масалан, транспорт корхоналарида, гаражда, корхоналар устахоналарда, коммунал-яашаҳ хўжаликларида, йўлларни эксплуатация қилишда, электр тармоқларида ишловчилардир. Ишловчиларнинг умумий сони қўйидагича аниқланади.

$$N_{kyp} = N_1 + N_2 \quad (4.14)$$

бу ерда:  $N_1$  ва  $N_2$  1- ва 2- гуруҳ ишчиларнинг сони.

Ҳар бир ишдаги қурилиш кадрларининг сони ишчининг ишлаб чиқариш меъёри ва иш унумдорлиги орқали аниқланади. Ишчининг ишлаб чиқариш меъёри – бу меҳнатни тўғри ташкил қилинганда маълум малакали ва касбли ишчи ёки ишчилар томонидан бирлик вақт давомида бажарилган иш ҳажми ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдоридир.

Ишчилар сонини ишлаб чиқариш меъёри ва меҳнатнинг иш унумдорлигига мувофиқ қўйидагича аниқлаш мумкин:

- қурилиш – монтаж ишларининг йиллик ҳажми бўйича ва бир ишловчига ўртача йиллик ишлаб чиқариш меъёри бўйича, пул бирлиги;
- бирлик иш ҳажми ёки иншоотга ўртача иш кучи физик ҳажми бўйича;
- меъёрий хужжатлар бўйича иш кучига иш унумдорлиги меъёрининг миқдори асосида физик ҳажми бўйича.

Кўрсатилган ҳар бир усулларнинг қўйилган мақсади ишнинг номенклатураси ва ҳажми ҳақидаги маълумотларнинг аниқлигига боғлиқ ҳолда устун қўлланиш жойи бор. Биринчи усул одатда қурилишни ташкил қилиш лойиҳасининг дастлабки босқичида қўлланилади, қайсики бунда ишнинг тўлиқ турлари ва ҳажми тўлиқ маълум бўлмайди ва қурилишнинг умумий баҳоси йириклишган кўрсаткичлар бўйича аниқланган бўлади; иккинчи усул жамлашнинг ҳар хил вариантлари бўйича иш кучига заруриятда, аниқроқ солиширишда қўллаш мақсадга мувофиқдир; учинчи вариант лойиҳа босқичида, ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишда иш кучига заруриятни кенгроқ аниқлаш учун қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ишловчиларнинг сонини умумлашган кўрсаткичлар бўйича ҳам аниқланади. Қурилишнинг умумий сметаси баҳоси лойиҳада ҳисобланади ва вақт бўйича календар графиги тузилади. Улар маълум меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Меъёрий ҳужжатларда ишчининг ишни бажариш меъёри миқдори аниқланади. Қурилиш – монтаж ишларининг ҳар бир тури бўйича ва иш унумдорлигини ошишини ҳисобга олган ҳолда ишчиларнинг ишлаб чиқариш миқдори қўйидагича аниқланди.

$$W_{ti} = W_{0i} (1 + C)^{(t-1)} \quad (4.15)$$

бу ерда:  $W_{ti}$  - t йил бўйича i- ташкилотда ишловчиларнинг йиллик ўртача ишлаб чиқариш миқдори сўм/(к.йили);  $W_{0i}$  - йиллик ўртача базис ишлаб чиқариш миқдори, қайсики маълум ёки шунга ўхшаш қурилиш ташкилотида йил бўйича эришилган ишлаб чиқариш миқдори, сўм/(киши-йил); t-базис йилларининг сўнги йилгacha бўлган сони; C-режалаштирилган меҳнат унумдорлиги. Шунда 1-гурух ишловчиларнинг сони

$$N_1 = \sum_{i=1}^n S_{ti} / W_{ti} \quad (4.16)$$

бу ерда:  $S_{ti}$  - бир ишловчининг t – йил бўйича  $W_{ti}$  - ишлаб чиқариш миқдорига эга бўлган i- қурилиш ташкилоти томонидан бажарган қурилиш монтаж

ишларининг йиллик ҳажмлари. Яқин ҳисоботлар учун ўхшаш обьектлар бўйича бутун қурилишга аниқланадиган курувчи ишчиларнинг ўртача иш унумдорлиги миқдори қабул қилинади, шунда

$$N_1 = S_t / W_t \quad (4.17)$$

бу ерда:  $S_t$  - t йилдаги қурилиш монтаж ишларининг умумий ҳажми  $W_t$  - ишчининг йиллик ўртача муаллақ, ишлаб чиқариш миқдори.

Иккинчи гурӯҳ ишловчиларнинг сони маълум корхона штат жадвали ёки унинг ўхшаси бўйича аниқланади. Қурилиш амалиётига бу гурӯҳ ишловчилар сонини биринчи гурӯҳ ишловчилар сонидан ўртача 40 % қабул қилинади ва у қўйидагича аниқланиши мумкин.

$N_2=0.4N_1$  ва ишловчиларнинг умумий сони

$$N=N_1+N_2=1.4N_1 \quad (4.18)$$

Айрим ҳолатларда қурилишдаги меҳнат сарфи унинг бирлик смета солиштирма баҳолаши орқали аниқланади.

Меҳнат сарфининг умумий миқдорини қўйидагича аниқлаш мумкин

$$T_{kyp}=T_{kyp.ac}K_1K_2K_3 \quad (4.19)$$

бу ерда:  $T_{kyp}$ -йиллик умумий меҳнат сарфи, киши/кун;  $T_{kyp.ac}$ -йиғма сметанинг барча бўлимлари бўйича асосий ишларга меҳнат сарфи;  $K_1$ -ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш коэффиценти;  $T_2$ -хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш коэффиценти;  $T_3$ -бошқарув ходимларини меҳнати сарфини ҳисобга олиш коэффиценти бўйича инженер техник ходимлар, хизматчилар ва бошқалар киради(фанда  $K_1=1.45$ ,  $K_2=1.45$   $K_3=1.18$  бўлишини тавсия этилади).

Ишловчиларнинг сони қўйидаги ифода бўйича аниқланади

$$N_{kyp}=T_{kyp}/m \quad (4.20)$$

бу ерда:  $m$ -йилдаги иш кунлари сони.

Аниқ ҳисоблашларни бажаришда бир ишловчининг иш бажариш, унинг бажарган ишининг физик ҳажми ҳисобга олинади.

Лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида меҳнат сарфининг умумий миқдорини қуидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$T_{k,m} = (T_\phi - T'_{\delta u}) K_1 K_2 K_3 \quad (4.21)$$

бу ерда:  $T_\phi$ -асосий иншоотда ишнинг физик ҳажми бўйича меҳнат сарфи;  $T'_{\delta u}$ -ийғма сметанинг бошқа ишлар боби бўйича қурилиш монтаж ишларини бирлик суммасига меҳнат сарфи.

#### **4.4.4. Поселканинг яшаш майдони ва аҳоли сонини ҳисоблаш**

Ҳар бир мамлакатда аҳоли яшаш жойларини ташкил этишда ўз талаб ва шартлари мавжуд. Улар бўйича маълум меъёrlар ва кўрсатмалар ҳамда тартиблар мавжуд. Поселкаларда яшовчиларнинг характеристи бўйича, янги поселкаларни ташкил қилишда аҳолининг меҳнат фаолияти асосида қуидаги гуруҳларни белгилаш мумкин: шаҳар ташкил этувчиilar, хизмат кўрсатувчиilar ва фаолиятсизлардир.

Шаҳар ташкил этувчиilarга шаҳар ташкил этиш аҳамиятидаги ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарда ишловчилар киради. Бунга барча саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш-монтаж ташкилотлари, корхоналар, ташқи транспорт муасссалари киради. Хизмат кўрсатувчи аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарида ишловчилар киради. Аҳолининг фаолиятсиз қисмига болалар, нафақахўрлар, ўқувчиilar, талабалар, уй бекалари, инвалидлар ва бошқа шунга ўхшашлар киради.

Аҳолининг лойиҳавий сони умумийдан шаҳар ташкил этувчиilarнинг солиштирма миқдори бўйича қуидагича ҳисобланади.

$$H=100N/\Pi, \text{ ёки } H=Nn \quad (4.22)$$

бу ерда:  $H$  – аҳолининг лойиҳавий сони;  $N$ -шаҳар ташкил этувчи кадрларнинг мутлоқ сони;  $n$ -аҳолининг лойиҳавий сонидан шаҳар ташкил этувчиilarнинг солиштирма миқдори %;  $n=100/\Pi$ -шаҳар ташкил этувчиilarдан аҳолининг умумий сонига ўтказиш коэффиценти.

Қурилиш – монтаж ташкилотларини кадрлари одатда икки кўринишида поселкаларга жойлаштирилади: доимий ва вақтинчалик.

**Доимий поселкаларнинг яшаш майдони ва аҳоли сонини аниқлаш.**  
Доимий поселкаларга бир йил ва ундан ошиқ вақт қурилишда ишловчилар жойлаштирилади.

Шаҳар ташкил этувчиларга доимий поселка кадрларидан ташқари қурилиш обьектларини эксплуатация қилувчилар ва таъмирловчилар ҳам киради, маҳаллий аҳоли бошқа жойдан яшаш майдонига эга бўлади.

$$N = (N_{k.m} - N_{m.a} + N_s) P_E + N_T P_T \quad (4.23)$$

бу ерда:  $N_{k.m}$ -маълум вақтдаги доимий қурилиш-монтаж кадрларининг сони;  $N_{m.a}$ -маҳаллий аҳоли сони;  $N_s$ -обьектларни эксплуатация қилувчи доимий ходимларнинг умумий сони;  $P_E$  ва  $P_T$  – ҳисоблаш даврига эксплуатация даврига эксплуатация ва таъмирлаш ходимларининг қисми,  $N_T$  -ишлиши давридаги таъмирлаш –созлаш ходимларининг сони.

Қурилиш тармоғида ишловчиларнинг миқдори ўзгариб туради. Шунинг учун қурилишнинг салмоқлиги, характеристидан келиб чиқиб унда якка ва оиласвий қурувчилар бўлиши мумкин. Шу сабабли ўтказиш коэффицентларини қуидагича ҳисоблаш мумкин:

$$H_i = N_i n_i; \quad (4.24)$$

бу ерда:  $H_i$  – поселканинг маълум груп аҳоли сони;  $N_i$  – тааллукли шаҳар ташкил этувчилар грухининг сони (ишловчилар сони);  $n_i$  – маълум груп ишловчилар учун ўтказиш коэффиценти.

Ҳар хил шаҳар ташкил этувчилар грухи учун туриш яшаш майдони ( $f_i m^2/\text{киши}$ ) белгиланади. Шундан маълум груп аҳоли учун яшаш майдони қуидагича аниқланади.

$$F_i = H_i \cdot f_i \quad (4.25)$$

Бу ерда:  $H_i$ -поселканинг доимий рўйхатдаги аҳоли сони;  $f_i$ -бир киши учун меъёрий майдон.

Доимий поселканинг умумий майдони

$$F = \sum F_i = \sum H_i f_i \quad (4.26)$$

бу ерда:  $H_i$  – маълум доимий аҳоли гуруҳининг умумий сони;  $f_i$  – маълум гуруҳ аҳолига солиштирма меъёрий майдони.

Вақтингчалик поселканинг аҳоли сони ва яшаш майдонини аниқлаш.

Вақтингчалик ишчилар, қайсики қурилишнинг энг кучайган вақтида ишлайдиганлар доимий поселканинг аҳоли сонига ҳисобланмайди. Шунинг учун уларни қурилиш базаси балансидаги вақтингчалик инвентар биноларга жойлаштирилади. Шу сабабли вақтингчалик поселкаларнинг аҳоли сони( $N_{ea}$ ) қўйидагича аниқланади.

$$N_{ea} = N_{ym.a.c} \cdot N_{dc} \cdot N_{yac} \quad (4.27)$$

бу ерда:  $N_{ym.a.c}$ -пик йил учун қурилиш – монтаж кадрларининг умумий сони;  $N_{dc}$ -доимий поселкага жойлаштириладиган қурилишнинг доимий кадрлари сони;  $N_{yac}$ -үй жойи бор қурилишда вақтингчалик ишловчи маҳаллий кадрларнинг умумий сони.

Вақтингчалик поселкасининг аҳоли сони ва яшаш майдони доимий поселканини каби ҳисобланади.

Вақтингчалик поселка қурилишининг бошланғич босқичида барпо этилади. Шу сабабли унинг яшаш майдони қурилишининг тайёргарлик босқичида ва қурилишнинг пик (энг кучайган) даврида ишловчиларни жойлаштириш учун етарли бўлиши керак. Вақтингчалик яшаш майдони лойиҳанинг қурилишни ташкил қилиш босқичида режалаштирилади ва бош бажарувчи билан келишилади.

### ***Назорат саволлари***

1. Қурувчилар поселкасини ташкил қилишига заруриятнинг моҳияти нимада?
2. Поселкада жойлаштириладиган бино ва инишоотларнинг таркиби ва миқдори қандай аниқланади?
3. Қурувчилар поселкаси қандай ҳудудлардан тузилади ва улар ҳақида тавсиф беринг.
4. Поселканинг бинолари қурилиши қандай принципда амалга оширилади?
5. Бино ва инишоотларни экологик тавсифланг.

6. Поселкани барпо этишида ҳудудни ўзлаштирилганлиги қандай ҳисобга олнади?
7. Поселкани ташкил этиши қурилишини қайси босқичда бажарилади?
8. Курувчиларнинг яшаши учун қандай бинолар ва инвентарлар мавжуд?
9. Курувчилар поселкасининг аҳоли сони қандай аниқланади?

#### **4.5. Қурилишда сув чиқариш ва пасайтириш ишларини ташкил қилиш**

**Калим сўзлар:** сув, грунт, сув чиқариш, кетказиши, сатҳ, пасайтириши, қудук, фильтр, насос, ҳовуз, тиндиргич, гидротехника, қурилиш, меҳнат, календар режса, техника, механизм, участка.

##### **4.5.1. Қурилишда сув чиқариш ва пастлатиш ишларининг моҳияти ва унинг зарурияти**

Қурилиш амалиётида иншоотга сувнинг таъсирини ўрганиш ўз тарихига эга. Иншоотлар ер усти, ости ва ҳаводан бўлаётган намликнинг таъсирида мустаҳкамлигини камайтиради ва ишлаш муддатини қисқартиради. Шу сабабдан қурилиш тарихида иншоот ва биноларнинг пойдеворини мустаҳкам қуришга катта аҳамият берилган. Қурилиш ишларини бажариш бўйича халқда йигилган кўп тажрибалар бор. Масалан, бино қурилишини иссиқ кунларда амалга ошириш, бинолар фундаменти остини кўтариб қуриш, деворга сув таъсирини ўтказмаслик учун ҳар хил табиий материаллардан фойдаланиш каби тадбирлар амалга оширилган.

Қурилиш амалиётида сувнинг қурилиш жараёнига ва иншоотга таъсирини бартараф қилиш бўйича босқичлари мавжуд: қурилишни бошлашдан олдин, қурилиш даврида ва ундан сўнг. Улар турлари бўйича очиқ ва ёпик ҳамда уларнинг бирлашгани кабилар.

Замонавий қурилиш амалиётида қурилиш таннархи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У кўплаб ташкил этувчиларга боғлиқ, қурилиш материаллари, қурилишни бажариш усуллари, технологиялар ва бошқа ташкилий масалалардир. Амалиётда ҳар доим қуруқ иқлим шароити механизм ва ишчиларни қулай шароитда ишлатиш, қурилиш материалларидан фойдаланиш

ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларни бажаришга этибор берилган ва шу шароитни яратишга ҳаракат қилинганди.

Иншоот фундаменти жойлашадиган қазилмани ҳавза деб тушунилади. Шу жойда ҳосил бўлган сувни уни қуритиш мақсадида чиқариб ташлаш “сув чиқариш” ва шу жойда сув ҳосил бўлишининг олдини олишни “сув пастлатиш” деб тушуниш мумкин.

Ҳавзани қуритишни икки босқичга бўлиш мумкин: ҳавзада сув тўпланган ҳолатда уни тўсиқлар билан тўсиб ичидағи сувни чиқариб ташлаш ёки сув остидан грунтни қазиб олиб сўнг сувни чиқариб ташлаш.

Ҳавзани чукурлаштиришда ва навбатдаги ишларни бажариш учун ҳавзани грунт ёки тўсиқдан сингиб ўтаётган сувни кетказиб туриш ва тўсиб ҳавзага сув тушушига йўл қўймаслик мумкин.

Ҳавзани қуритиб туришнинг сув ости, бетон қўйишида кессон усули, жойни яхлатиш, цементлаш, силикатлаш каби йўллари мавжуд. Аммо уларни гидротехника иншоотлари қурилишларида техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили бўйича кам қўлланилди.

#### **4.5.2. Ҳавзани қуритиш усуллари ва уларни қўлланилиши**

Қурилиш амалиётида ҳавзани қуритишнинг икки асосий усули қўлланилди. Очиқ ҳавза усули ёки очиқ сув чиқариш, бунда ишлар ҳавза туби ва деворлардан ҳосил бўлаётган сувни қуритиш билан бир вақтда бажарилади. Сизот суви сатҳини сунъий пастлатиб уни қудуқлар орқали чиқариб ташлаш ва ҳавзага сув тушишга йўл қўймаслик мумкин.

Ҳавзани қуритиш усулларини танлашга қуйидаги факторлар таъсир этади:

- ҳавзанинг сизот суви ва ер усти сувларининг сатҳига нисбатан чуқурлиги;
- геологик ва гидрогеологик шароитлар(ҳавза грунти, сизот сувнинг тартиби ва бошқалар);
- ҳавзага яқин жойлашган сув оқимларининг тартиби;
- иншоот тури ва унинг ўлчамлари.

Очиқ ҳавзадан сув чиқаришда уни күтариш баландлиги қўп бўлмаганлиги учун унга тайёргарлик ишлари ҳам сезиларли қўп бўлмайди. Лекин, бу усулни қўллашда ҳавзага сизиб келаётган сув ҳавза туби ва айниқса деворларини деформацияга олиб келувчи оқибатларни келтириб чиқармаслиги керак. Грунт деформацияси унинг таркибидаги майда зарраларни сизиб ўтаётган сув таъсирида ювилиши натижасида содир бўлиши мумкин. Суффозия ҳолати бўлмаслиги керак. Акс ҳолда ҳавза деворларининг мустаҳкамлиги камаяди, грунтни тутиб туриш қобилиятини камайтиради. Натижада иншоот салбий ходисаларга дучор бўлиши мумкин.

Сизиб ўтаётган сувнинг гидродинамик босими грунт фильтрация коэффицентига ( $K_\phi$ ) тескари ва унинг тезлигига тўғри пропорционал бўлади.

$$P = \gamma \cdot \frac{1}{K_\phi} \frac{dQ}{dF} = i\gamma_0 \quad (4.28)$$

Унинг сон қиймати градиентнинг сув зичлигига кўпайтирилганига teng. ВОДГЭО маълумотлари бўйича боғланган грунтлар учун бузадиган градиент ўз қийматига яқин бўлади, яъни


$$\gamma_a = \gamma - 1 \quad (4.29)$$

бу ерда:  $\gamma_0$  - қаттиқ грунт зичлиги.

Сизиб ўтаётган оқимнинг рухсат этиладиган градиенти  $I_{pyx}$ , қайсики унда ҳавза деворлари мустаҳкамлиги сақланади, грунтнинг механик таркиби билан боғлиқ ва у бир таркиблилилк коэффиценти билан характерланади.

$$E = \frac{D_{60}}{D_{10}} \quad (4.30)$$

Грунтлар учун  $E < 10$  бўлса  $I_p=0.4$ ;  $E=10-20$  бўлса  $I_p=0.2$  ва  $E > 20$  бўлса  $I_p=0.1$  ga teng бўлади.



**4.3- расм. Ҳавзадан сув чиқаришда бажариладиган ишларнинг асосий усуллари.** a, f-очик ҳавзадан сувни насослар ёрдамида чиқариш; b-ҳавзадан сизот сувини пастлатиш ; d-ҳавза атрофига лойсимон грунтлар , цемент аралашмалари билан тўсиқ экран ҳосил қилиш;e-ҳавза грунтини цементация, битумлаштириш, силикатлаштириш ва музлатиш; f-ҳавзадан насос ёрдамида сувни чиқариш; g- тушиш кудуғи ва насосини қўлланиши; h-сув остида бетонлаштириш;i,j,k-фильтрация суви градиентини аниқлаш учун схемалар; m-грунтнинг бир таркиблилик коэффицентини аниқлаш графиги.

Ҳавза грунти градиентининг ҳақиқий қиймати қуидагича аниқланиши мумкин.

$$I_\phi = \frac{H}{L_\phi} \quad (4.29)$$

Бу ерда:  $H$  – сув босимини тушиш миқдори;  
 $L_\phi$  – сув босимининг тушиш йўли узунлиги.

Агарда  $I_\phi < I_p$ . бўлса ҳавза деворлари (қияликларининг) мустаҳкамлиги таъминланган бўлади, акс ҳолда сизот суви сатҳини пастлатишнинг сунъий йўлинни қўллаш керак.

Шундай қилиб ҳавзани қуритишнинг очик усули грунтни қум, шағал, тош ва бошқа шунга ўхшаган жойларда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай грунтларда сизот суви градиенти миқдори олдин кичик ва сўнг катта миқдорига эришади.

Майда донадор қум, бўз – тупроқли жойларда, агарда улар сувни яхши ўтказадиган қатламлар орасида жойлашган бўлса ҳам ҳавзани қуритишни очик усулинни қўллаш мумкин (4.3-расм, б).

Қурилиш жарёни давомида сизот сувининг ҳолати ўзгариши мумкин. Шу сабабли ҳавзани қуритиш учун танланаётган усул ёки воситаларга аниқ асосланган ҳолда ёндашиш керак. Акс ҳолда сув чиқаришга қўйилган топширик тўғри бажарилмай қолиши мумкин.

#### **4.5.3. Сув чиқариш ва пастлатиш ишларини ташкил қилиш**

Сув чиқариш ва пастлатиш ишларига қўйиладиган мақсад – бу қурилиш ишларини бажариш учун қулай шароит яратиш ва қурилиш таннархини камайтиришдир. Ташкил қилиш ўз функцияларига эга. Бу мақсадни амалга ошириш учун бажариладиган тадбирларни макон ва замонда ўзаро боғлиқлигини таъминлашдир. Бу ҳавзани қуритиш вақтини, унинг учун керакли ресурсларни (вакт, инсон, табиий ва моддий) аниқлаш ва уларни ўзаро боғлаш демакдир.

Ҳавзани қуритишнинг очиқ усули. Ҳавзада ҳосил бўладиган сув сарфига боғлиқ ҳолда барча бошқа тадбирлар танланади. Сув чиқариш учун қўлланиладиган воситаларнинг сони қўйидагича ҳисобланиши мумкин.

$$N_H = \frac{Q^x}{Q^i} \quad (4.30)$$

бу ерда:  $N_H$ -сув чиқариш қурилмалари сони,  $Q^x$  - ҳавзада ҳосил бўлаётган сув сарфи,  $Q^i$  - насос қурилмасининг сув сарфи.

Ҳавзада сув ҳосил бўлиш сабаблари. Иншоот фундаменти ҳавзасида ҳосил бўладиган сувлар қўйидаги сабалар билан содир бўлади: ер усти сувлари билан сув босиш ва грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши. Ҳавзада ҳосил бўлаётган сувнинг миқдори асосан грунт шароитига, атроф худуднинг суғориш режимига ёғингарчиликнинг таъсири, ер ости сувининг ўзгаришига боғлиқдир. Ҳавзадаги сувни чиқариш ёки сизот суви сатҳини пастлатиш учун сув кўтариш қурилмасини танланиши ва ўрнатилиши керак. Бунинг учун ҳавзадаги сувнинг миқдорини, ҳосил бўлиш тезлигини билиш зарур.

Ҳавзани қуритишнинг очиқ усулида ҳосил бўладиган сувнинг миқдори қўйидагича ҳисобланади:

$$Q = qFH \cdot m^3 / соат \quad (4.31)$$

бу ерда:  $F$ -сув ҳосил бўладиган юза,  $m^2$ .  $H$ -сизот сувининг лойиҳавий пастлатиш чукурлигига нисбатан босим, м;  $q$ -1 м сув устуни босими ҳисобида  $1m^2$  юзасидан ҳосил бўладиган сизот сувининг солиштирма миқдори,  $m^3/\text{соат}$ .

Ҳисоблаш ишларида  $q$ -нинг миқдорини И.И. Кандалов маълумотлари бўйича қабул қиласа бўлади ва унинг қиймати қўйидагича.

Грунт тури	$q, m^3/\text{соат}$
Майда донадор қум	0.17.
Ўртача донадор қум	0.24
Йирик донадор қум	0.30
Шағал	0.35
Оҳактош	0.05-0.10

Агар ҳавза бошқа сув ҳавзасидан тўсиқ билан тўсилган бўлса тўпланган сувни ҳажми бўйича сувни чиқариш сарфи қуидагича ҳисобланади

$$Q = K \frac{W}{T} \quad (4.32)$$

бу ерда:  $W$ -ҳавзада тўпланган сувнинг миқдори,  $T$ - сувни чиқаришнинг режалаштирилган муддати,  $K$ -сувни чиқариш вақтида тўсиқ орқали сингиб ўтадиган сув миқдорини ҳисобга олиш коэффиценти, бунинг қиймати В.И.Швея бўйича 2-3; И.И.Кандалов бўйича 4-10 бўлиб тўсиқ грунти хусусиятига боғлиқ.

Сувни чиқаришни ҳисобий муддати сизот суви сатхининг рухсат этиладиган миқдоридан келиб чиқиб олинади. Акс холда тўсиқ грунтида ҳавза қияликларини ўпирилиши, сурилиш каби салбий ходисалар содир бўлиши мумкин. Шу сабабли фанда сизот сувининг сатхини пастлатиш тезлиги 0.5-1.2 м/сут.дан оширмаслик шарти билан бу ишдаги бошқа воситалар ва қурилмалар танланиши керак. Тўсиқ ва қияликларнинг барқарорлигини доимий равишда кузатиб туриш лозим. Агарда ҳавза мукаммал қудуқ бўлса грунт сувининг барқарор ҳаракат шарти билан умумий бўлган усул билан сув миқдори аниқланади. Унга кўра:

$$Q = \Pi K_\phi \frac{H^2}{Ln \frac{R+r}{r}} = 1.37 K_\phi \frac{H^2}{Lg \frac{R+r}{r}} M^3 / cym \quad (4.33)$$

бу ерда:  $Q$  – сув миқдори,  $m^3/сут$ ;

$R$ - ҳавзанинг таъсир радиуси коэффиценти,  $m/сут$ ;

$K_\phi$  – сувли қатламнинг фильтрация коэффиценти,  $m/сут$ ;

$H$  – босимлиқатламнинг қалинлиги,  $m$ ;

$R$  – ҳавзанинг келтирилган радиуси,  $m$ . Уни қуидагича аниқлаш мумкин:

$$r = \sqrt{\frac{F}{\Pi}}, \quad (4.34)$$

бу ерда:  $F$ -ҳавзанинг юзаси,  $m^2$ .

Агарда ҳавзанинг пландаги кенглиги узунлигига нисбатан 1:3 дан катта бўлса:

$$r = \frac{P}{2\pi} \quad (4.35)$$

бу ерда:  $P$  – ҳавзанинг периметри.

$R$  нинг қийматини қидирув маълумотлари бўйича қабул қилинган: агарда қидирув маълумотлари етарли бўлмаса уни грунтнинг фильтрация коэффиценти бўйича Кусакин И.П. формуласи ёрдамида ҳисоблаш мумкин,

$$R = 575S\sqrt{HK_{\phi}}, \quad (4.36)$$

Бу ерда:  $S$ -сувни пастлатиш чуқурлиги, м;

$K_{\phi}$  – фильтрация коэффиценти, м/с;

$H$ -сувлик қатламнинг қалинлиги, м.

Номукаммал ҳавзага (айлана кўриниши) сувнинг тушиш сарфи

$$Q = q_{bh} + q_h, \text{ бўлади} \quad (4.37)$$

бу ерда:  $q_{bh}$ -ҳавзага босимли ва босимсиз сатҳидан баланд қисмидан ҳавза девори орқали тушаётган сувнинг миқдори,  $q_h$ -юқорида кўрсатилган чизикдан пастки қисмида ҳавзага тушадиган сувнинг миқдори, унинг сон қийматини Бабушкин В.Д формуласи орқали ҳисоблаш мумкин.

$$q_h = \frac{2\pi K_{\phi} \cdot S_t}{\frac{\pi}{2} + 2 \arcsin \frac{r}{T + \sqrt{T^2 + r^2}} + 0.515 \frac{r}{T} \ln \frac{R-r}{4T}}, \quad (4.38)$$

бу ерда:  $T$  – ҳавза ва сув тутиб турувчи қатлам учун сатҳлар фарқи; бошқа белгилашлар юқоридаги каби. Агарда сув чиқариш воситаларининг самарасига ва қувватига аниқлик киритиладиган бўлса унинг иш бўйича ҳавзага тушадиган ва чиқариладиган сув сарфи қўйидагича аниқланади:

$$Q = \frac{q\sqrt{H}}{\sqrt{Z}} \cdot m^3 / s \quad (4.39)$$

бу ерда:  $H$ -ҳавза тубига нисбатан сув босими, м

$q$ -доимий сатҳда(z)ги сув чиқарилишининг ҳақиқий сарфи,  $\text{м}^3/\text{с}$ . Z-тажрибавий сув чиқаришда тўсиқнинг юқориги ва пастки бъефлари сатҳининг фарқи, м.

#### 4.2 – жадвал


#### Ҳавзани қуритиш бўйича қўлланиладиган усувлар ва қўлланиш шароитлари

Ишни бажариш усуллари	Амалга ошириш усули	Қўлланиш шароити
Ҳавзани қуритиш	Насослар билан очиқ сув чиқариш (4.3- расм,a,f)	Ҳар қандай қулайдиган мустаҳкам грунтларда; сизот суви градиенти ҳавза туби ва девор қиялигининг табиий ҳолатини сақлайдиган ва фильтрация коэффиценти кам бўлган грунтларда; ҳавза таби грунти табиий ҳолатини рухсат этиш даражасигача бузиладиган шароит
	Сизот суви сатҳини пастлатиш билан сув чиқариш (4.3-расм,b)	Нотўрғун ювиладиган грунтларда; фильтрация коэффиценти катта (1- 100м/сук) бўлган жойда; ҳавза туби ва қияликни табиий ҳолатда сақлаш заруриятида
	Ҳавза атрофида лойсимон грунт цемент ва уни аралашмаларидан химоя экрани қуриш (4.3-расм, d)	Кўп фильтрацияли грунтлар; сув тутиб турувчи қатлам яқин бўлганда; катта бўлмаган юзали ҳавза; маҳсус механизмлар мавжудлиги.
Ҳавзада сув	Грунтларни цемента-	Мураккаб геологик шароитда,

тушишини бартарф қилиш	ция, би-тумлаш, силикатлаш, музлатиш билин маҳкамлаш (4.3- расм, е)	кичик ўлчамли ҳавзада, асосий иншоотлар асоси грунтини маҳкамлаш; иқтисодий асослаш.
Сув ости ишлари	Тушувчи қудуқлар (4.3-расм,g) ва кессонларни қўллаш. Сув остида бетонлаш, (4.3-расм,h); тош, грунг ва бошқаларни сувда бошқаларни сувда жойлаштириш.	Маълум усул ва қурилмаларни қўлланиш имконияти бўлмагани ва улар иқтисодий самарасиз бўлганда.

Сизот суви сатҳини сунъий пастлатиш билан ҳавзани қуритиш. Амалиётда сизот суви сатҳини пастлатиш учун горизонтал ва вертикал зовурлар қўлланилади. Қурилишда аксарият тик (вертикал) дренажлар қўлланилади. Улар сув қудуқлари ва шахта қудуқлари кўринишида бўлади ва сув кўтариш қурилмалари (ботириладиган электр насослари) билан жиҳозланади. Шахта қудуқларининг асосий камчиликлари саёз (4-6м) бўлиши ва қурилишининг узоқ давом этишидир(расм).

Ҳавзани очиқ сув чиқариш билан қуритиш. Бу усул ҳавза тубига нисбатан сув сатҳини 0,5-1,5 метр атрофида пастлатишда қўлланилади. Ҳавза киялиги грунтда қуламайдиган баркарор хусусиятга эга бўлиши керак.



4.4 – расм Ҳавзани сизот суви сатҳини сунъий пастлатиш билан қуритиш схемалари.

а. Чуқур қудук тизими билан; б-якка қудук билан; в-қудукларнинг чизиқли тизими билан; г-кўп қаватли сув пастлатиш; сув чиқариш ва пастлатишнинг биргалиқдаги тизими билан. 1-хавза; 2-сизот суви сатхининг пастлагунча ва 3-пастлатилган сатхлари; 4-қудук; 5-очик сув чиқарishнинг қатлами.

Бунда ҳавза тубининг кичик ариқчалари қазилади. Уларнинг чуқурлиги ўртача 0,5 атрофида. Уларнинг солиштирма миқдори, оралиқ масофалари грунтнинг хусусиятига қараб аниқланади. Ҳавза ички параметри бўйича йиғувчи канал қазилади ( $H = 0,8-1,0\text{m}$ ). Ҳавзанинг энг паст бурчагига йиғувчи

қудук унинг пландаги кесими 2Х2, 1.5Х1.5 мм қазилади. Насос қурилмалари кичик сўриш баландлигига эга. Одатда С-798, С666, С-245, СНП туридаги кўчма гилдиракли насослар ишлатилади. Насос сўриш қувурининг сув қабул қилиш учун ҳавзадаги қудукка туширилади. Босимли томони сув кетказиш каналига тўғриланади. Насосни ҳавза қиялигига, қирғоини, оралик қирғоғига ўрнатилади. Сув тўплаш қудуғи грунтнинг тубига қараб тахталар билан маҳкамланиши мумкин.

Ҳавза жойлашган ҳудуднинг грунт, литологик ва хўжалик шароитини ҳисобга олиб қўлланиладиган қудуқларнинг (9.2-расм) сонини, ўлчамларини аникланади. Улар ишини шундай режалаштириш керакки қурилишни амалга ошириш графиги бузилиши керак эмас. Қудуқларни иш режими қўйилган вазифани бажариши лозим.

Сизот сувини пастлатиш қурилмаларини зарурий пастлатиш чуқурлигини, грунтларини фильтрация хоссасини, ҳавзанинг пландаги ўлчамларини майдондаги бўш жойнинг борлигини ҳисобга олиб танланади (9.2-жадвал).


Енгил иглофильтр қурилмалари қувурли иглофильтирлар грухидан иборат бўлиб 7-9м бўлади. Улар сув йиғувчи коллекторга потрубкалар орқали уланади ва насос қурилмалари ёрдамида сувни чиқариб ташланади.

#### 4.3-жадвал

Сув пастлатиш қурилмаларини қўлланиш шароитлари

Ускунга тури	Пастлатиш чуқурлиги	Қўлланиш шароити
Енгил иглофильтр қурилмаси	H<5,5	Боғланмаган ва кам боғланган сувни яхши ўтказувчи грунт, $K_\phi=1-40\text{м/сут}$
Вакуумли иглофильтр қурилмаси	H<5,5	Кам сув берадиган грунт, $K_\phi=0,1-1\text{м/сут.}$
Эжекторли иглофильтр қурилмаси	H<10-18	Торшароитлиқурилишмайдони, битақатламсизотсувинипастлатиш,

		грунтсувберишичегараланган, $K_\phi=0,5-5\text{м/сут.}$
Чукур кудуклар	$H<100$	Сувнияхши ўтказувчангрунт. Сув сатхини чукур пастлатиш. $K_\phi<100\text{м/сут}$
Электро-осмос		Сувни кам ўтказадиган грунт. Бошқа қурилма билан биргаликда ишлатилади. $K_\phi<1,0\text{м/сут}$



4.5-расм. Электроосмотик сув пастлатиш схемаси. 1-құвур ёки металл стержен/анод/ 2-иглофільтр/катод/3-коллектор; 4-ўзгармас ток манбаи 5-насос қурилмаси 6-паслатилған сув сатхи.

Иглофильтрлар сузгич, сузгич усти қувури, наконечникдан иборат бўлади. Наконечниклар иглофильтрни босимли сув ёрдамида ерга киритишга мўлжаллаб ишланган. Иглофильтр қувури орқали насос ёрдамида маълум босим остида сув юборилади, босим билан бераётган сув грунтни ювади, яъни гидравлик ювиш ҳосил бўлади. Унинг таъсирида наконечник қувурлар билан бирга ерга ботиб боради. Эжекторли иглофильтрлар қурилмаси хам сизот суви сатхини пастлатишда қўлланилади. Уларнинг тузилиши иглофильтр каби бўлиб ҳар бир иглофильтрда эжектор қурилмаси жойлашган бўлади. Улар

метр гача узунликка эга бўлиши мумкин. Иглофильтрнинг эжектори орқали насосдан берилган сув қудуқ ички сув кўтариш қувурига киритилади. Сув кўтарилиши натижасида иглофильтр орқали қўшимча ҳажм сувни олиб чиқади. Ортиқча сувни ҳудуддан ташқарига чиқариб ташланади. Қудуққа сув тушишини кўпайтириш мақсадида қувур атрофи бўшлиғи шағал билан тўлдирилади. Буни қудуққа юборилаётган сув билан унинг босимини камайтирган ҳолда амалга оширилади. Катта ўлчамли ҳавзаларда бир нечта иглофильтр қурилмалари ўрнатилади. Чукур қувурли қудуқлар. Булар шахта, тик зовур ва суғориш қудуқлари бўлади. Бундай қудуқларнинг бурғилаш диаметри 1250 мм гача бўлади. Қудуқлар обсадка қувури билан жиҳозланади. Обсадка қувури ичига сув кўтариш қувурлар колоннаси, унинг учига сувга ботириладиган электр насоси уланади. Бу қудуқларнинг таъсир радиуси грунтга боғлиқ ҳолда 1500 м.гача етиши мумкин. Бундай қудуқларни қўллашда қўйиладиган талаблар бор. Улардан энг асосийси грунтнинг фильтрация коэффицентидир.

### ***Назорат саволлари***

- 1. Гидротехника қурилишида сув чиқарии ва пастлатишнинг моҳияти нима?*
- 2. Иниоот қурилишида “ҳавза” атамасига тушунча беринг?.*
- 3. Сув чиқарии усулинин танлашнинг асослари нима?*
- 4. Сув чиқарии усуллари ва воситалари ҳақида нимани биласиз?.*
- 5. Ҳавзадан сув чиқарии ва сизот суви сатҳини пастлатишни ташкил қилишининг вазифалари ҳақида фикрланингиз нимадан иборат?*
- 6. Сув чиқарии воситаларининг сув сарғини қандай ҳисобланади?*
- 7. Сув чиқарии воситаларининг сонини қандай ҳисобланади?*
- 8. Ҳавзадан сув чиқариида бажариладиган иш тури ва таркибини аниқлаш қандай бўлади?*
- 9. Сув градиенти нима ва қандай ҳисобланади?*

## **4.6. Қурилиш транспортини ташкил қилиш**

**Калит сұздар:** гидротехника, қурилиш, транспорт, оқим, үйл, юк, режалашириши, ташкил қилиш, бошқарии, раҳбарлик, мтатериал, меҳнат, ҳужжат, нархнома, таъминот, хизмат.

### **4.6.1. Қурилиш транспортининг аҳамияти**

Халқ хўжалиги, шу жумладан гидротехника қурилишини юк ташиш ишларидан алоҳида ажратиб бўлмайди. Гидротехника қурилиш обьектлари зарурий жойларда амалга оширилади. Барча қурилиш ишларини юк ташиш ишларисиз бажариб бўлмайди. Қурилиш амалиётида ер ишларини ва қурилишларини механизацияланганлик даражаси 90, бетон ишларини бажариш 70-80, йиғиш ишлари 90 фоиз ва ундан юқори бўлаётганлиги маълум. Гидротехника қурилишида юқорида кўрсатилган иш турларидан ташқари кўп ҳажмда маҳсус ишлар ҳам бажарилади. Кўплаб қурилиш ишларининг натижаларини таҳлил этганда қурилиш материалларининг нархи баробар ва ундан кўп харажатлар материалларни ташиб келиш уларни йиғиш, жой – жойига ўрнатиш каби ишларга сарфланади. Қурилиш обьекти учун лойиха – смета ҳужжатларини тузишда транспорт ишларига алоҳида аҳамият бериб қурилишни бажариш календар режасида уларни ишлатишнинг аниқ муддатлари ва транспорт турлари белгиланади. Транспорт ишлари қурилиш обьектини ишга туширишда ўз таъсирини кўрсатади. Қурилиш амалиётида транспорт харажатлари иншоот умумий нархининг ўртача 25 фоизини ташкил этади. Гидротехника иншоотлари қурилишда транспорт харажатларининг обьект таннархидаги салмоғи 40 фоизгача етаётганлиги аникланган. Гидротехника қурилиш обьектлари жойлашган ҳудудлар асосан марказий магистраллардан олисда, мураккаб табиий шароитда бўлганлиги сабабли транспорт харажатларининг улуши фуқаро қурилишидагига нисбатан кўпроқ бўлади. Бунга сабаб маҳсус автойўлларни йўқлиги, мавжудларини техник талабларга жавоб бермаслигидир. Бу қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан

боғлиқ бўлиб транспорт ишини ташкил қилишда қўшимча маблағларни талаф этади.

Ташиладиган юкларнинг ҳарактери ва хусусияти транспорт турини танлаш заруриятини келтириб чиқаради. Транспорт турини танлашда асосий эътибор ташиладиган юкнинг таннархини (транспорт бўйича) кам бўлишга берилади. Транспортлар белгиланиши ва ҳаракатланиши минтақаси бўйича ташқи, қурилиш ички ва технологик турларга бўлинади. Қурилиш ташқи транспорти марказий юк омборлари, дарё ва денгиз пристанлари, қурилиш индустрияси корхоналардан ва бошқа шунга ўхшаш жойлардан қурилиш майдонига юкларни ташиш билан шуғулланади. Ташқи транспортнинг тезлиги юк оқими билан, қурилишни маълум материалларга талаби ва йил мавсумларини ҳисобга олиб ташкил этилади. Бунда юкни ташиш муддати, транспорт тури, йил мавсумлари ва қурилиш ҳарактери ҳисобга олинади. Ташқи транспортни танлашда автомобиллар 100км.гача қабул қилинганда самарали ҳисобланади.

Қурилиш ички транспорти қурилиш майдонини ҳудудида ҳаракатланади. Бу тур транспорти асосан маҳаллий юк оқимларини ҳисобга олиб ташкил этилади. Улар асосан цехлар ўртасида, асосий иншоотлари ўртасида ҳаракатланади. Шу сабабдан қурилиш ички транспорти учун кам масофага ҳаракатланиши мақсадга мувофиқ бўлган тур транспортларидан фойдаланилади. Транспорт воситаларининг сони қурилишдаги зарурий юк оқими ва транспорт воситасининг иш унумдорлиги асосида ҳисобланади.

Технологик транспорт бу асосан корхона ичидаги ҳаракатланадиган транспорт воситалариидир. Масалан, бетон хўжалиги, норуда, материалларни қайта ишлаш корхоналари, айрим ҳаракатланадиган транспорт туридир. Бунга конвеер, ҳаво насоси, транспортерлар, маҳсус осма механизмлар киради. Технологик транспорт учун аксарият холларда электрга мосланган транспортлардан фойдаланилади. Уларни танлаш юкнинг тури ва уларни ишлатишнинг ҳарактерига боғлиқ.


#### **4.6.2. Қурилиш транспортининг турлари**

Қурилиш транспорти қурилиш материалларига таъсир этиш усули бўйича: механик, гидравлик ва ҳаво усулларига бўлинади. Қурилиш транспорти ҳаракатланиши характеристи бўйича даврий ва узлуксиз ҳаракатланувчи турларга бўлинади.

Қурилиш амалиётида қўлланилаётган транспорт воситалари ҳаракатланиш характеристи бўйича ер усти, сув йўли ва ҳаво йўли турларига бўлинади.

#### **4.6.3. Қурилиш транспортини танлаш**

Қурилиш амалиётида юк ташиш ишларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Транспорт воситасини танлашда йўл шароити, юклаш – тушириш ва оқим ҳажми ва юк турлари ҳисобга олинади.



10.1 – расм. Қурилиш транспортининг турлари.

Албатта бир турдаги юкни ташиш учун турли транспорт воситаларидан фойдаланиш мүмкин, уларни иқтисодий нұқтаи назардан маълум бир тури арzon бўлиши мүмкин, лекин унинг ишлаш шароити, юкнинг ўлчамлари тўғри келмаслиги мүмкин. Шунинг учун транспорт воситасини танлашда унга ҳар томонлама таҳлил қилиб қарор қабул қилиш лозим, акс ҳолда бефойда харажатларга сабаб бўлиши мүмкин.

Юк ташиш ҳажми ва характеристи қурилишнинг календар режаси, айрим обьектларнинг қурилиш графиги ҳамда қурилиш лойиха хужжатларига тўғри келиши керак. Транспорт воситасининг ташиш масофаси моддий техник таъминот корхоналарининг базалари ва омборлари билан қурилиш майдони ўртасидаги масофалар билан белгиланади. Моддий техник таъминот режасида олинадиган материаллар, жиҳозлар, тузилмалар ва бошқа юк турлари белгиланади. Уларни ташиш қурилишнинг календар режаси, тармоқли графиги ва бошқа хужжатлари билан мос келиши керак.

Қурилиш материаллари, жиҳозлари, қурилмалари ва бошқа юклар одатда тоннада, ҳажмда, донада каби ўлчовларда белгиланади. Юк оқими миқдорини суткаларда белгиланиши, кунлик транспорт воситасига бўлган талабни аниқлайди. Транспортларнинг суткалик юк оқими ( $q_i^{TR}$ ) қурилиш юк айланмасини ҳисобидан келиб чиқиб аниқланади:

$$q_i^{TR} = \frac{Q_i^{qur,yil}}{T_{i,TR,yil}^{qur} \cdot K}; \quad (4.40)$$

Бу ерда:  $Q_i^{qur,yil}$  - қурилишнинг лойиха бўйича йиллик юк айланмаси миқдори;

$T_{i,TR,yil}^{qur}$  - тегишли (i) юк тури бўйича ташиш муддати(сут, ой);

K - юк ташишнинг нотекислик коэффиценти, унинг қиймати фанда 1,2 қилиб белгиланган. Юк ташишнинг суткалик оқимини билган ҳолда ва транспорт воситасининг иш унумдорлигини аниқлаб юк ташиш учун керак бўладиган транспорт воситаларининг сонини ҳисобланади. Агарда мавжуд транспорт воситалари тури русуми ва ҳар хил иш унумдорликларга эга бўлса

бир вақтда ишловчи транспорт воситаларининг ўртача иш унумдорлиги хисобланади ва ҳисоблаш учун қабул қилинади. Транспорт воситаларининг йиллик ишлаш кунлари хисобга олиниши шарт.

Масалан, металл, қум, шағал ва тош материалларни 125-130 км.гача, ғишт, цемент 17.5-175 км.гача бўлишини рухсат этилади, мажбурий ҳолатларда эса юқоридаги қийматлар бир неча марта (2-4 марта) кўпайиши мумкин. Автомобил транспортидан маҳаллий норуда металлар ва бошқа юкларни ташишда юқори иш унумдорлиги белгиланган.

Грунтни ташишда ишлатиладиган транспорт воситаларидан ташқари ер ишларини бажарувчи механизмларнинг айрим турлари бир вақтни ўзида грунт ташиш ишлари бўйича транспорт вазифасини ҳам бажаради ва қуидагича масофага ташиш мумкин:

- а. Тўғри ковшли экскаватор ..... 20-25 м. гача.
- б. Булъдозерлар..... 25-100 м.гача.
- в. Тиркама скреперлар ..... 250-800 м.гача.
- г. Ўзиорар скреперлар ..... 3000 м.гача.

#### 4.4.-жадвал

Курилишда грунт ташишда қўлланиладиган транспорт воситаларини ишлатиш шартлари

Транспорт тури	Юк кўтариши, т	Кузов ҳажми (грунт бўйича), $m^3$	Ташиш масофас и км	Йўл талаблари		
				Кичи к ниша б-лик	Қайти б олиш радиус и м	Йўл кенгл иги,м
Автомобиллар, самосваллар	2.25-25	1.5-3.5	0.5-5	0.08	20	8.0
Грунт ташувчи (землевоз)	6-18	3.9	0.2-5	0.10	8-10	8
Занжирли	24-30	9-12	0.1-1.0	0.10	8-10	5

трактор						
Темир йўл транспорти:						
Тор йўл	1.5-20	1- 2	<0.2	< 0.04	60-100	2.8
Нормал йўл	20-100	15-60	>1.0	<0.02	200-300	4.6
Тасмали узатмалар	—	—	<1.0	0.3>	—	—

Автомобил ва трактор транспортини ишлатишда қўйидаги талаблар кўйилади:

1. Йўлнинг нишаблиги (0.08 гача)
2. Ташиш масофаси (100 км.гача).
3. Йўлнинг ҳолати (1 қаторлама харакатли йўлда унинг кенглиги 5,5 м.дан, икки томонлама харакатли йўлда 8м.дан кам бўлмаслиги керак)
4. Бажариладиган ишнинг арzon бўлиши.

Автомобиль ва трактор транспортидан фойдаланилганда грунтни юклаш механизми ҳисобга олиниши шарт. Одатда грунтни юклаш учун экскаваторлар ва маҳсус юклагичлардан фойдаланилади (4.6-расм). Фанда транспорт воситасига грунтни юклашда ишлатилаётган экскаваторнинг ковши сифими ва транспорт воситасининг кузов сифими ўртасидаги нисбат 1:6,1:8 бўлиши тавсия этилади.

Транспорт воситалари ҳаракатланиши учун вақтинчалик грунт йўллар агарда транспорт ҳаракатланиши бир томонлама бўлса йўлнинг кенглиги камида 3.5 м. ва икки томонлама ҳаракатда эса 7.0 м.дан кам бўлмаслиги керак. Транспорт воситаларини танлашда техник – иқтисодий кўрсаткичлар, аниқроғи  $1 \text{ m}^3$  грунтни ташишдаги таннарх ҳисобга олинади. Транспорт воситаси бажарадиган ишга унинг эксплуатация ҳаражатлари, йўл қурилиши ва уни эксплуатацияси таъсир этади. Уни қуйидагича ифодаланади (4.41).

а)



б)



в)



г)



д)



е)



4.7-расм. Курилиш машиналар: а) - тескари ковшли экскаватор б) түғри ковшли экскаватор. в)-булдозер г) скрепер. д) грейдер е).автосамосвал.

$$C_{tr} = \frac{C_m}{\Pi_{sm}} + \frac{C_d}{V}; \quad (4.41)$$

Бу ерда:  $C_{tr}$  – 1 м<sup>3</sup> грунт ташиш нархи;  $C_m$  – транспорт бирлигини 1 смена эксплуатация қилиш қилиш нархи;  $\Pi_{sm}$  – транспорт бирлигининг смена иш


унумдорлиги;  $C_d$  – йўл қурилиши ва эксплуатациясининг нархи;  $V$  – ташиладиган грунтнинг тўлиқ ҳажми. Транспорт ишини ташкил қилишда ишлатиш муддати ва тузилиши бўйича ҳар хил йўллардан фойдаланилади. Шу сабаб йўллардан фойдаланишда унинг қурилиши ва ишлатилиш баҳоларидан қиймати ҳисобланади (10.3)

$$\frac{C_d}{V} = \frac{C_1}{V_3} + \frac{C_2}{V_0} + \frac{C_3}{V}; \quad (4.42)$$

бу ерда:  $C_1, C_2, C_3$  – бубутун иншоот қурилиши даврига йўлни қурилиш, ишлатиш ва тугаллаш нархлари.

$V_3, V_0, V$  – грунтни қазиш, тўкиш ва ташиш ҳаражатлари. Шундай қилиб грунтнинг ташиш нархи йўлни қуриш уни ишлатиш ва иш ҳалатида сақлаб туриш учун бўладиган ҳаражатларидан ташкил топади.

Ер ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишда умумий ҳаражат ( $C$ ) грунтни қазиш ( $C_{eks}$ ) ва ташиш ( $C_{tr}$ ) ҳаражатларидан ташкил топади. Умуман қурилиш транспортининг иш унумдорлигига йўлнинг узунлиги салбий таъсир этишини (4.8 - расм) эътибор олиш зарур.



4.8-расм. Транспорт иш унумдорлигини ва унинг ташиш йўлига боғлиқлиги графиги.

#### 4.6.4 Транспорт воситаларининг иш унумдорлигини ҳисоблаш

Қурилиш амалиётининг ҳар қандай холатларida ҳам транспорт воситасининг иш унумдорлиги бўйича керакли сони етакчи механизм иш унумдорлиги билан боғлиқдир. Етакчи механизм, яъни юкни юкловчи эса қурилишдаги суткалик юк оқимининг тезлиги ( $q_{кун}$ ) билан ўлчанади.

Уни қўйидагича белгилаш мумкин (10.4):

$$N_{e.m} = q_{kun} / \Pi_{e.m}^{kun} \quad (4.43)$$

Шунга асосан транспорт воситасининг сони ( $\Pi_{kyh}^{TP.1}$ ) етакчи транспорт ( $\Pi_{kyh}^{e.TP}$ ) иш унумдорлигини бир транспорт воситасининг иш унумдорлигига ( $\Pi_{kyh}^{TP.2}$ ) бўлиш билан ҳисобланади, яъни

$$N_{TR} = \frac{\Pi_{kun}^{TR.1}}{\Pi_{kun}^{TR.2}} \quad (4.44)$$

Транспорт воситаларининг иш унумдорлиги унинг турига, ташиб масофасига боғлиқ ҳолда ҳисобланади.

Даврий харакатланувчи транспорт воситасини иш унумдорлигини ҳисоблаш. Умумий ҳолда қуидагича бўлади:

Транспорт унумдорлиглиги (автомобил ёки тиркамали трактор).

$$\Pi_T = \frac{60Q_{ob}}{T}, \text{ m}^3 / s \quad (4.45)$$

бу ерда:  $Q_{ob}$  - грунтнинг табиий ҳолдаги хажми (кузовдаги грунт)

Т-бир давр харакатининг давомийлиги, мин

$$Q_{ob} = \frac{Q}{\gamma_{g.k}}, \quad (4.46)$$

бу ерда: Q-транспортнинг юк кўтариш қобилияти, т

$\gamma_{a.e}$  табиий зичликдаги грунтнинг бирлик массаси,  $\text{t/m}^3$ .

Грунтни юкловчи механизмнинг юклашлар сони.

$$m = \frac{Q}{\gamma_{g.k} q \cdot K_H \cdot K_P} \quad (4.47)$$

бу ерда: q-ковшнинг геометрик сифими,  $\text{m}^3$ .

$K_H, K_P$  - ковшни тўлдириш ва грунтнинг юмшалиш коэффицентлари.

Транспортнинг харакатланиш даври қуидагича бўлади.

$$T=t_1+t_2+t_3+t_4+t_5 \quad (4.48)$$

бу ерда:  $t_1$ -транспорт воситасини юкловчи механизм олдига тўғирлаш;

$t_2$ -юклаш;  $t_3$ -юкланган ҳолда юриш;  $t_4$ -грунтни тўкиш;  $t_5$ -юксиз юриш вақтлари.

Грунт юклаш қуидагича бўлади.

$$t_2 = \frac{60Q_{ob} \cdot K}{\Pi_m} \quad (4.49)$$

бу ерда: К-фавқулотда тўхташлар ҳисобига вақини ўзгариш коэффиценти, 1,1;  $\Pi_m$ -грунтни юкловчи механизмнинг техник иш унумдорлиги.

$$t_3 = \left( \frac{\ell_1}{g_1} + \dots + \frac{\ell_n}{g_n} \right) K_z, \quad (4.50)$$

бу ерда:  $\ell_1 \dots \ell_n$  йўл участкалари узунлиги;  $g_1 \dots g_n$  - транспорт воситасининг тааллуқли тезлиги;  $K_z$ -секинлашиш коэффиценти.

$$n = \frac{\Pi_m}{\Pi_T} = \frac{T}{t_2}, \quad (4.51)$$

Тасмали узатмалар (транспртёрлар) ёрдамида грунтни ташиш.

Улар тасмасини тузилиши бўйича ясси ва новсимон бўлади. Тузилиши бўйича кўчириладиган ва муқим турларга бўлинади. Кўчириладиган транспортёрнинг узунлиги (секцияси) 4 ва 5м; 10 ва 15м; тасманинг кенглиги 400, 500мм бўлади. Муқим транспортёрлар узунлиги 40, 80, 240, м бўлиб тасмасининг кенглиги 500, 650, 800 – 2000мм бўлади. Тасманинг иш тезлиги 2-4 м/с. Бир нечта транспортерларни биргаликда ишлаб 6 км.гача грунтни ташиш мумкин. Транспортернинг иш унумдорлиги қуидаги ифода ёрдамида ҳисбланиши мумкин.

$$\Pi = AB^2V \cdot K_n \cdot K_{kr} \cdot K_p^1 \cdot K_e; \quad (4.52)$$

бунда: А-транспортер лентасининг шаклини ҳисобга оловчи коэффицент; В-лента кенглиги,  $V$ -лентанинг харакатланиш тезлиги, м/с;  $K_n$ -лентанинг тўлдириш коэффиценти,  $K_{kr}$  – ташилаётган жисмнинг ўлчамларини ҳосиба олиш коэффиценти,  $R_p^1$ -грунт юмшалиш коэффицентини тескари коэффиценти. Гидротехника қурилишида гидравлик йўл билан ҳам грунтни ташиш ишлари бажарилади. Бу ишни бажариш учун маҳсус ер сўрувчи қуилмалар (земснарядлар) қўлланилади. Улар насослар билан жиҳозланади. Шу сабабли ташиладиган грунт ҳажми ер сўрувчи қуилмаларнинг иш

унумдорлиги бўйича ташиладиган грунт ҳажми аниқланади ва қуидаги ифода ёрдамида хисобланади.

$$\Pi_{kun} = \Pi_{kur}^l \cdot n \text{ m}^3 / \text{sut} \quad (4.53)$$

Бу ерда:  $\Pi_{kun}$  – грунт ташишнинг кунлик ҳажми;  $l$  – қурилма чиқараётган сув – грунт аралашмасидаги грунтнинг миқдори. Унинг қиймати грунтнинг турига, қурилмани тузилишига боғлиқ ва кўпи билан 0,2 яъни, 20 фоизгача етиши мумкин.

### ***Назорат саволлари***

1. Қурилиши амалиётида қурилиши транспортининг аҳамияти нимада?
2. Гидротехника қурилишидаги транспортнинг ўзига хос хусусиятлари?
3. Қурилиши транспортининг турлари?
4. Қурилиши транспорти зарурӣ миқдорини ҳисоблаш принципи қандай?
5. Қурилишида юқ оқими тўғрисида тушунчангиз?
6. Қурилиши транспортининг қурилиши календар режаси билан боғланиши қандай бўлади?
7. Транспорт вазифасида ер ишларини бажарувчи механизмлар ҳақида нимани биласиз?
8. Қурилишида йўлларнинг транспорт билан боғланиши.
9. Қурилиши транспортининг иш унумдорлигини қандай ҳисобланади?

## **4.7. Гидротехника қурилишида моддий техник таъминотни ташкил**

### **қилиш. Қурилишни энергоманбалар ва сув билан таъминлаш**

**Калим сўзлар:** гидротехника, қурилиши, режалаштириши, таъминот, энергоманбалар, ташкил қилиши, бошқарииш, раҳбарлик, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат, транспорт, сарф, харажат, ҳуқуқ, иш, ииши, норма.

#### **4.7.1. Гидротехника қурилишида моддий-техник таъминотнинг аҳамияти, мақсади ва вазифалари**

Гидротехника иншоотлари қурилиши таннархига сезиларли таъсир этувчи омиллардан бири мұхандислик коммуникацияларидир. Уларсиз сув хўжалиги қурилишини тасаввур қилиш қийин.

Қурилишда моддий таъминотини ташкил қилиш қурилиш суратини баҳолашга, иншоотни ўз вақтида ва белгиланган муддатда ишга туширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Қурилишда моддий - техник таъминот хизматиннинг асосий вазифаси қурилишни ўз вақтида, узлуксиз комплекс ҳолда машиналар, асбоблар, материаллар, тузилмалар, жиҳозлар, иш қуроллари, машина-механизмлари ва бошқа қурилиш учун керак бўладиган воситалар билан таъминлашдир.

Ҳозирги вақтда қурилиш ишларининг индустрлашиши моддий техник таъминот хизмати таркиби ва характеристини маълум даражада ўзлаштириб боради. Илгари, аксарият ҳолларда иншоотлар объектда диференциал барпо этиш, қуриш принципида қурилган бўлса кейинги йилларда улар ривожланиб интеграллашган принципда, яъни қўпроқ ярим фабрикат жиҳозларни йиғиш принципига аҳамият берилмоқда. Шунинг асосида қурилиш ишларининг тезлиги маълум даражада қисқаради, иш суръати ошади, қурилиш танархи камаяди.

Қурилишда моддий - техник таъминотини барпо этиш асосан қурилишнинг тайёрғанлик босқичида бошланади ва асосий объект қурилиши жараёни билан бир вақтда давом эттирилади. Чунки сув хўжалигига амалга оширилаётган қурилишлар характеристи, уларнинг турли – туманлиги, дарё сув режими ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш мавсумлари, экинларнинг хусусиятлари ва шунга ўхшаш бошқа хусусиятларни ҳисобга олмай қурилиш ишларини бажариб бўлмайди. Шундай қилиб қурилишда моддий – техник таъминотни ташкил қилишнинг мақсади қурилишни узлуксиз давом этишини, шу билан бирга қурилиш таннархини камайтириш бўлиб у қурилишни барча керакли машина ва механизмлар, материаллар ва бошқа шу каби зарурий манбалар билан таъминлаш вазифаларини бажаради. Қурилиши майдонида

керакли асбоб ускуналар, захира қисмлар, материаллар ва бошқа қурилиш учун зарур бўлган воситаларни тайёрлаш қурилишни ўз вақтида бажаришни гаровидир.

#### **4.7.2. Моддий - техник таъминот хизмати кўрсатишнинг шакллари**

Кейинги йилларда қурилиш ташкилотлари қандай хўжалик шаклида ишлашига боғлиқ ҳолда моддий техник таъминот хизматидаи фойдаланади. Агарда қурилиш ташкилоти тўлиқ хўжалик ҳисоби шаклида фаолият кўрсатса унинг моддий техник таъминоти мустақил равиша савдо корхоналари билан шартномалар асосида фаолият кўрсатади. Бу фондсиз таъминот шакли ҳисобланади.

Давлат ташкилотларидағи моддий техник таъминот фондли шаклда ташкил этилади. Ўзбекистон сув хўжолиги вазирлиги тасарруфидаги қурилиш ташкилотлари республика тармоқ таъминот ташкилотларидан фойдаланилади. Вилоятлар сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари вилоятлар техник комплектлаш ишлаб чиқариш бошқармалари орқали иш олиб борадилар. Иқтисодий муносабатларнинг бозор шароитига ўтиши билан таъминот хизматининг фондли шакли камайиб боради. Ташкилотларга имконияти даражасида таъминот хизматида эркинлик берилади. Қурилиш ташкилоти ва корхонаси ўзаро манфатдорлик принципида қурилиш материаллари, жиҳозлари, воситалари ва бошқа керакли манбаларни етказиб бериш ҳиқида шартнома тузадилар. Бунда шартнома мажбуриятлари томонлар ўртасида ишлаб чиқилади, булар томонларнинг шарт – шароитларини қаноатлантириши керак.

Қурилиш ташкилотида ҳар доим ҳам барча турдаги манбаларни сақлаш ёки қайта ишлаш тўғрисида имконияти бўлавермайди. Шу сабабдан қурилишда моддий техник таъминот хизмати фаолиятида қурилиш босқичлари билан таъминот графиги шундай ўзаро мувовиқ бўлиши керакки, унда материал ва жиҳозларни сақланиш муддати, хусусиятлари, сақланиш даражаси таъминланиши керак. Қурилиш майдонида ёки таъминот корхонаси

омборидаги манбаларни сақлаш уларнинг таннархига таъсир этиши билан бирга хусусияти, яъни сифатига ҳам таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун таъминотда оптималлаштиришга катта аҳамият берилади. Таъминотда ноаниқ захираларни бўлиши иқтисодий зарар келтиради. Шу сабабдан таъминот хизматида ноаниқ захираларни йўқотишга алоҳида аҳамият берилиши лозим. Таъминот хизмати худудий шаклда ҳам тузилади. Масалан, туманлараро, вилоятлараро ва шунга ўҳашаш. Таъминот тизимидағи қайта қуриш омборларидағи ноаниқ захираларни камайишига олиб келади. Таъминот хизмати ташкилотлари хизмат кўрсатиш тасарруфига боғлиқ ҳолда қурилиш обьектлари ва ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилган қурилиш учун буюртмалар асосида ишлайди. Таъминот ташкилоти ўз тасарруфидаги қурилиш ташкилотларининг истеъмол талабларини олдиндан аниқлайди. Уни умумлаштиради. Тахлил қиласи. Шунинг асосида тайёрлаш корхоналари билан шартнома тузадилар. Ҳар қандай таъминот корхоналари учун асосий буюртмачи аниқ бўлади.

Қурилиш майдонида таъминот масъулияти бош бажарувчи ташкилот зиммасига юкланди. Буюртмачи ташкилот фақатгина технологик линияларни ташкил этиш (яратиш) масъулиятини олади. Бош бажарувчи ташкилот таркибидаги моддий техник ишлаб чиқариш бошқармаси (УПТ) тузилади. Унинг вазифаси қурилишни ўз вақтида, узлуксиз материаллар, асбоб-ускуна ва бошқа манба ва воситалар билан таъминлашдир.

УПТК (Управление производственно – технической комплектации) га қуйидаги функциялар юклатилган: Бош таъминот (УзСНаб) ташкилотига бўладиган талаб миқдорини аниқлаш ва буюртма бериш. Бош таъминот (УзСНаб)нинг территориая бошқармалари билан алоқани ўрнатиш, шартномалар тузиш, материал ва жиҳозларни қайта ишлаш бўйича қурилиш ички ташкилотларини яратиш, материалларни қабул қилиш, ташиб келиш, сақлаш, алоҳида материаллар ва жиҳозлар комплектлаш, қурилиш – монтаж ишлари билан технологик боғланиш, ишлаб чиқариш захираларини

меъёрлаш ва материаллар сарфини назорат қилиш. УПТК марказий аппарат ишлаб чиқариш коплектлаш база (ПКБ) ва чизиқли (линейная) бўлимларидан тузилади. Чизиқли бўлимлар коплектлаш, транспорт ва механизация участкаларга бўлинади. УПТК моддий техник таъминот режасини тузишда қуидаги материал сарфи меъёри билан фойдаланилади: 1 – ҳолатда тармоқ меъёри; 2 – ҳолатда ишлаб чиқариш меъёри. 1 – ҳолатда 1млн сўм қурилиш монтаж ишлари билан, 2- ҳолатда аниқ ишлаб чиқариш миқдори билан ҳисобланади. Тармоқ таъминот корхоналари қурилиш объектидаги талабни ўрганиш, уни ҳисоблаш вазифасини бажаради. Сув хўжалиги қурилиш трестлари ёки бошқа шаклдаги қурилиш бўлинмалари асосий объектдаги талабни ўрганишда таъминот ташкилотларига ёрдам берадилар. Талабни аниқлаш ва тўғри ҳисоблаш қурилиш жараёни узлуксизлигини белгилайди.

Мамлакат сиёсий ва иқтисодий тизимидағи ўзгаришлар моддий техник таъминот хизмати кўрсатишга ҳам маълум даражада ўзгаришлар киритди. Сўнги йилларда йирик қурилиш объектларини қуриш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов (тендир) ўтказиш одатга айланди. Танловда ғолиб чиқсан қурилиш ташкилоти ўзининг таъминот хизматини йўлга қўяди. Ўз навбатида таъминот хизмати ҳам керакли манбаларни сотиб олиш учун ҳам танлов ўтказилади.

#### **4.7.3. Омбор хўжалиги**

Қурилиш майдонида қурилишга келадиган материал – техник ресурсларни қабул қилиш, уларни сақлаш, тақсимлаш ва ишлаб чиқаришга бериш мақсадида омбор хўжалиги ташкил этилади. Омбор хўжалигини ташкил этиш даражаси материал техник ресурсларни сифатига ва хоссаларига бўлган талабини белгилайди. Омбор хўжалиги бажарадиган вазифасининг ва сақланадиган ресурсларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда базис (марказий), обьект (участка) махсус ва айрим ҳолларда оралиқ турларига бўлинади. Базис омборлари бутун қурилиш обьекти учун хизмат қиласи. Унда сақланадиган ресурслар кўп миқдорда сақланиши мумкин.

Объект (участка) омборлари жорий ишлар, қурилишлар учун хизмат қилади. Махсус омборлар – ёқилғи портловчи моддаларни сақлаш учун хизмат қилади. Материаллар: тури ва характерига қараб очик, ярим очик ва ёпик омбор биноларида сақланади.

Материалларни сақлаш шарти бўйича омборларнинг тузилиши очик, ярим очик (бостирма) ва ёпик турларга бўлинади. Улар иситадиган ва иситилмайдиган бўлади.

Омбор ҳажми сақланиш керак бўлган материалларнинг умумий захира миқдори билан аниқланади. Умумий ишлаб чиқариш захираси ( $Q_{u/q}$ ) қуидагича ҳисобланади:

$$Q_{u/q} = Q_{жc} + Q_{каф} + Q_{мав} + Q_{тай} \quad (4.54)$$

Бу ерда:  $Q_{жc}$  – жорий захира;

$Q_{каф}$  – кафолат захира;

$Q_{мав}$  – мавсумий захираси;

$Q_{тай}$  – тайёргарлик захираси.

Материалларни сақлаш муддати (сут) асосан материалнинг турига, келадиган транспорт турига ва ташиш масофасига боғлик.

Кўплаб материаллар ва ресурсларни сақлаш учун уларга сақлаш муддати белгиланган. Материални сақлаш муддатини билгандан сўнг унинг ҳажмини ҳисоблаш мумкин. Қуидаги ифода ёрдамида бажарилади:

$$V_{otb} = \Sigma Q_{sut} t_{3h} \cdot \kappa_{not}; \quad (4.55)$$

бу ерда:  $Q_{sut}$  – қурилишни маълум материалга бўлган суткалик талаби, у қуидагича ҳисобланади.

$$Q_{sut}^P = I_i^P q_{ik} \quad (4.56)$$

бу ерда:  $I_i^P$  –  $i$  ишнинг ҳисобий тезлиги;  $q_{ik}$  – иш учун  $I$  материалнинг солиштирма сарфи миқдори;  $t_{3i}$  – меъёрий сақлаш муддати;  $\kappa_{not}$  – нотекистлик коэффиценти.

Омборнинг майдони меъёрий кўрсаткичлар асосида ҳисобланади. Унда бир тонна материални жойлаштиришнинг солиширма майдони ( $f_k$ , 4.7-жадвал),  $1\text{m}^2$  юзага бўладиган босимининг солиширма микдори ( $q_k$ ) ва ўтиш йўллари ва бошқа майдонларни ҳисобга олиш коэффиценти ( $\beta=1.2 \div 1.4$ ) ҳисобга олинади.

Омбор майдони:

$$F_{omb} = V_{o,h} f_k \beta V_{ck} / q_k \beta \quad (4.57)$$

бу ерда:  $V_{ck}$ —омбор ҳажми,  $f_k$ -1т( $\text{m}^3$ ) материалларни саклашсолиширма майдони;  $\beta$  – ўтиш йўллари ва бошқа майдонларни ҳисобга олиш коэффиценти (1.2-1.4). 4.7-жадвал

Айрим қурилиш материалларининг омборларда саклашнинг меъёрий муддати(сутка)

Материаллар	Транспорт тури			
	Автомобил		темир йўл	Сув йўли, (мавсумий харакатланадиган)
	100км гача	100 км дан кўп		
Металл	25	25	35	25
Ёғоч материаллар	40	-	45	50
Цемент	20	25	26	25
Ғишт	10	15	15	15
Норуда материаллар	15	20	20	20

4.8-жадвал

$1\text{m}^2$  фойдали майдонда рухсат этиладиган микдор

Материал	$q_e$	Жойлаш	Материал	$q_e$	Жойлаш
----------	-------	--------	----------	-------	--------

		тириш баланд- лиги, м			тириш баландл иги, м
			Металл тузилмалари	0.5-0.7т/м <sup>2</sup>	1
Навли металл	2.7-4.2т/ м <sup>2</sup>	1.2	Қолиплар	0.8-1.2м <sup>3</sup> / м <sup>2</sup>	1.2
Швейлер, балка	2т/ м <sup>3</sup>	0.6	Тулқоғоз	32ўрам/ м <sup>2</sup>	1.5
Қувурлар (пўлат)	0.5-0.8т/ м <sup>2</sup>	2.2	Дераза ойнаси	1т/ м <sup>2</sup>	-
Ёғоч, қайта ишланманмаган	1.2 - 1.8 м <sup>3</sup> / м <sup>2</sup>	2.3	Қурилиш машиналари	0.4-0.7т/ м <sup>2</sup>	-
Бўёқлар	0.6-1т/ м <sup>2</sup>	2			

#### 4.7.4. Қурилишни электр қуввати билан таъминлаш

Қурилиш майдонида электр таъминоти қатор ўзига хос аҳамиятга эга. Сув хўжалигига қурилиш обьектларини марказай таъминот тармоқларидан олисда жойлашганлиги, замонавий техника ва технологияларнинг электрлашганлиги электр таъминотига бўлган талабни оширади. Шу сабабдан қурилиш майдони электр таъминотининг муҳимлигини белгилаш лозим. Қурилиш майдонидаги электр таъминотини қуидагиларга йўналтирилишини белгилаш лозим:

- асосий обьект қурилишидаги;
- ишлаб – чиқариш корхоналари;
- маданий оқартув ишлари.

Асосий обьект қурилишида электр энегиядан фойдаланиш: асбоб-ускуналарни, машина – механизмларни ишлатиш, иситиш ва бошқалардир.

Ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр ва яrim фабрикат жиҳозлари ва тузилмаларни тайёрлашда, ёғочни, металлни қайта ишлаш корхоналарини

ишлатишда электр энергиядан фойдаланилади. Иш жойларини ёритиш ва иситишда электр энергия қўлланилади.

Маданий оқартув ишларида электр энергияни қўлланилиши меҳнатни илмий ташкил этиш нуқтаи назаридан белгиланиши мумкин. Ишловчиларга яшаш ва иш жойларини ёритиш ва бошқа зарурият учун қўлланилади.

Қурилиш майдонида электр энергияга бўлган талаб қурилиш ривожланиши билан ортиб боради. Электр тармоғига қўшимча жиҳозларни уланиш қўпаяди. Электр энергияга бўлган талаб айниқса совук ҳароратли мавсумларда қўпаяди. Қурилиш электр таъминотини ташкил этишда барча электр истемолчилар талабини ҳисобга олинади. Акс холда қурилиш майдонидаги иш жараёнларинида узилишлар бўлиши мумкин.

Қурилишни электр билан таъминлаш ишлари қурилиш босқичларига боғлиқ. Одатда қурилишни тайёргарлик босқичларида электр билан таъминлаш кўчма электр станциялар ёрдамида амалга оширилади. Вақтинчалик электр манбалари қурилиш жараёни бориши билан бирга доимий манбаларга айлантирилади. Магистрал тармоқларга уланади. Асосий иншоот қурилишини электр қувватига талаби доимий манбалар билан уланади. Қурилишнинг тайёргарлик босқичида ташкил этилган вақтинчалик электр манбалари захирада фавқулотда ҳолатлар учун қурилишни тугаллагунча саклаб турилади.

Вақтинчалик электр манбалари сифатида ёқилғи билан ишлайдиган электр станциялардан фойдаланилади. Амалиётда газтурбинали электростанциялар ҳам ишлатилади. Ҳозирги вақтда, саноатда кўчма электрстнциялар ишлаб чиқарилади. Кучланиш 400В.гача ва қуввати 500кВт.гача бўлган кўчма электр станциялари мавжуд.

Қурилиш ишларида электр қувватидан фойдаланиш ишларини иқтисодий томондан арzon, осон ва белгиланган муддатда бажариш, иш ва яшаш шароитларини замон талаби даражасида таъминлаш учун фойдаланилади. Қурилиш ишларининг бориши тезлиги ҳам маълум даражада электр энергия

билин таъминланишига боғлиқ. Йирик қурилиш таъминотларида ишлаб чиқариш базалари, объектлари асосан электр қуввати билан хизмат кўрсатади.

Электр қувватига бўлган талаб миқдори қуидагича ҳисобланади.

$$E = \sum E_i = \sum V_i q_{i\vartheta}; \quad (4.58)$$

бу ерда:  $E_i$  - истемолчи томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакбўладиган электр қувватининг йиллик миқдори;

$q_{iE}$  - истемолчи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори;  $q_{iy}$  - истемолчи томонидан бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун керак бўладиган электр қувватининг солиштирма сарфи, унинг миқдори меъёрий хужжатларда берилган.

Электр қувватини ташкил қилиш қурилишнинг дастлабки босқичида кўчма электр станциялари (бунинг учун дизель электр станциялари) қўлланилади. Йирик қурилишларда подстанциялардан фойдаланилади.

Уларни куришда, ўрнатишда максимал даражада завод шароитида тайёрланганлардан фойдаланиш керак.

	Қаттиқ грунт	100
7	Земснаряд ёрдамида 100 м <sup>3</sup> грунтни қазиш	20-35

#### 4.7.5. Қурилишни иссиқлик билан таъминлаш

Қурилишни иссиқлик билан таъминлаш. Қурилишни иссиқлик билан таъминлаш ҳам электр қуввати билан таъминлаш каби бўлади. Қурилиш обьектида, майдонида иссиқлик истеъмолчилари асосан биноларни иситиш, қурилиш материалларини иситиш, қурилиш даврида иссиқ сув ва сув буғидан фойдаланиш қурилмалари ва ишлари бўлади (бетон материалларини иситиш, иссиқ сувни ишлатиш, қолипларни иситаш, қурилиш машиналарини ишлатиш ва бошқа шу кабилар). Иссиқликка бўлган умумий талаб:

$$Q = \sum_{i=1}^a Q_{bi} + \sum_{i=1}^v Q_{ni}; \quad (4.59)$$

бу ерда:  $Q_{bi}$  - I биносини иссиқлика бўлган истеъмол талаби;  $Q_{ni}$  корхонанинг ишлаб чиқариш учун истеъмол талаби;  $a$  – иситиладиган бинолар сони;  $v$  – ишлаб чиқариш учун иссиқлик ишлатувчилар сони.

Иситиладиган бинонинг иссиқлик миқдори талаби қуидагича ҳисобланади:

$$Q_b = W_b q_{ud} \bullet \Delta t = W_b q \alpha (t_i - t_t); \quad (4.60)$$

бу ерда:  $W_b$ -бинонинг ташқи ўлчамлари бўйича сифими;  $q_{ud} = \bar{q} \alpha - 1 m^3$ ; сифимини  $10^{\circ}\text{C}$  гача иситиш учун иссиқликнинг солиширига сафи;  $\Delta t$  - ҳаракатнинг ҳисобий ўзгариш миқдори;  $q$ -бинонинг тури ва сифими бўйича солиширига иссиқлик тавсифномаси; унинг миқдори  $1.5-4 \text{кДж}$ ;  $\alpha$  - солиширига иссиқлик миқдорини ташқи ҳаво ҳарорати билан боғлиқ коэффиценти ( $1.45-0.85$ );  $t_t$  – ташқи ҳаво ҳароратининг миқдори;  $t_b$  – бино ички ҳароратининг ҳисобий миқдори;  $q$ -нинг миқдорини дастлабки ҳисоблашларида яшаш бинолари учун  $2.2-2.8$ , ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар учун  $3-3.7 \text{kDj} (m^3, ch^0\text{C})$ .

#### 4.10-жадвал

**$\alpha$  нинг ҳар хил  $t_n$  учун миқдори.**

$t_n, ^\circ\text{C}$	-10	-15	-20	-25	-30	-40
$\alpha$	1.45	1.29	1.17	1.08	1	0.95

Шундан иссиқликнинг соатлик талаб миқдори

$$Q_{NI} = (V_i q_{yd} - V_i q) / t; \quad (4.61)$$

бу ерда:  $V_i$  - етиштирилаётган(ишлаб чиқарилаётган) маҳсулотлар ҳажми;  $q$  - 1 соат учун иссиқлик сарфининг солиширига миқдори;  $q$ -маълум вакт учун иссиқлик сарфи;  $t$ -вакт, иссиқлик солиширига сарфи ( $q$ ) ишларнинг турлари бўйича ҳар хил бўлади (яхлаган грунтни эритиш –  $62 \text{kDj/m}^3$ , шағални иситиш – 40, бетонни иситиш – 600).

Қурилишни иссиқ сув, сув буғи билан таъминлашда асосан завод шароитида тайёрланган қозонлар ва қозонхоналар қўлланилади. Улар асосан

суюқ, қаттиқ ва газ ёқилғилари билан ишлатилади. Магистрал электр тармоқлари билан улаш йўллари қидирилади ва уланади. Ҳисоблаш ишлари учун иссиқликнинг солиштирма сарфини  $q$  (минг.  $KDJ/m^3$ ) алоҳида ишлар учун қуидагича (меъёрий) қабул қилиш мумкин:

Қумни -5 дан $20^0C$ гача иситиш	35
Шағал -5 дан $20^0C$ гача иситиш	40
Бетонни иситиш	600
Сувни +4 дан $+80^0C$ гача иситиш	140
Ёғочни қуритириш	580

1млн.сўм қурилиш монтаж ишлари учун истеъмол талаби:

Ишлаб чиқариш корхоналари	700кг/соат
Фуқаро бинолари	17.0кг/соат

#### 4.7.6. Қурилишни сув билан таъминлаш

Қурилишда сув –ишлаб чиқариш, хўжалик, ичимлик ва ёнгин ходисалари вақтида фойдаланиш мақсадида керак бўлади. Шунинг учун лойиҳалашда юқоридагиларни йигиндиси сифатида ҳисобланади.

Хўжалик – ичимлик талаблари таркибига кирувчилар ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчиларни қурилиш майдонида ичимлик суви билан таъминлаш, душ, ювениш ва оқава (канализация) мақсадларида фойдаланиш истеъмол микдори ҳисобланади.

Сувга бўлган истеъмол талаби қурилиш ишлаб чиқариш лойиҳаси босқичида тузилган календар режа асосида бажарилади. Сувнинг микдори истеъмолчиларнинг меъёрий солиштирма микдори асосида ҳисобланади (11.7-жадвал). Ҳар бир истеъмолчи учун сувнинг микдорини ҳисоблаш қуидагича бажарилади:

$$Q_1 = \frac{\sum V \cdot q_i \cdot K_1}{t}, \quad Q_2 = \sum N q_2 K_2, \quad Q_3 = \frac{P q_3 K_3}{t}, \quad (4.61)$$

$Q_1$ - қурилиш жараёни учун сувнинг энг кўп сарфи (соатлик), л;

$Q_2$ -қурилиш машиналари учун сув сарфининг энг кўп микдори;

$Q_3$ -қурилиш майдонидаги хўжалик ва ичимлик сувининг соатлик энг кўп миқдори;

$N$ -машиналар двигателлари қуввати, от кучи;

$P$  – ишчилар ва хизматчиликнинг ҳар бир сменада банд бўлган сони;

$q_1, q_2, q_3$ , - сув сарфи меъёри(норма);

$K_1, K_2, K_3$ , - соатлик нотекистлик коэффиценти (маълумотнома бўйича);

$t$  – сменадагилар соатлик сони,

Ёнғин ҳавфи учун сув сарфи, агарда ёнғин гидрантлари ҳар бир 80м, тармоқ узунлигига жойлашган бўлса амалиёт ва лойиҳаларда 10л/с қабул қиласади. Қурилишни сув билан таъминлаш ишларини ташкил қилиш қурилиш ишларини бажариш босқичлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Сув манбаи бўлиб дарё ва ер ости сувлари ҳисобланади.

#### 4.11-жадвал

Ишлаб чиқариш зарурияти учун сув сарфининг меъёрий миқдори

Истъемолчи	Ҳажм, л.	Истъемолчи	Ҳажми
Эксковатор билан $1\text{m}^3$ грунтни тозалаш	1-1.7	$1\text{ m}^3$ шағални (тош кирқма) ювиш	750-1000
$1\text{ m}^3$ тош тўқмани каток билан зичлаш	150-400	$1\text{ m}^3$ қумни ювиш	1250-1500
$1\text{ m}^3$ тош тўқмани гидромонитор билан зичлаш	3000-4000	$1\text{ m}^3$ кислородни ишлаб чиқариш	200-300
$1\text{ m}^3$ ядрога жойлаштириш	500-2000	Енгил автомашина, автобусни бир смена ишлатиш	300-400
$1\text{ m}^3$ бетонни иншоотга жойлаштириш	500-1000		
$1\text{ m}^3$ бетон аралашмасини тайёрлаш			

#### **4.7.7. Қурилишни сиқилган ҳаво, кислород ва ацетилен билан таъминлаш**

Қурилишда сиқилган ҳаво пневма-механизмлар учун қўлланилади. Пневмо-механизмлар сифатида цемент ташиш васитаси, отбой болғалар, ҳар хил тормоз системалари, вентиляция каби қурилмаларни келтириш мумкин. Ҳаво сарфи ҳар бир механизмни техник паспортида берилган. Шунга асосан сиқилган ҳавонинг миқдори.

$$Q = \sum_{i=1}^q Q_{bmi} + \sum_{I=i}^l Q_{bnnp} \quad (4.62)$$

бу ерда:  $Q_{bmi}$  - I қурилиш машинаси ва механизмнинг ҳаво истемол талаби;

$Q_{bnnp}$  - ёрдамчи хўжаликнинг ҳавога истемол талаби;  $q$ -машина ва механизмлар сони;  $I$  - ҳаво истемол қиласиган корхоналар талаби.

Умумий усул бўйича алоҳида ёки бир неча машина ва механизмларнинг ресурсини аниқлаш қуидаги бўлади:

$$Q_{bnnj} = Q_i q_{bi} \quad (4.63)$$

$Q_i$  - маълум турдаги машина ва механизмлар сони;  $q_{bi}$  - шу машиналарнинг солиштирма сарфи (паспорти бўйича).

Корхоналар учун ҳам сиқилган ҳаво миқдори юқоридаги каби аниқланади. Қуидаги айрим иш турлари учун ҳаво сарфи меъёрийкўрсаткичлари берилган.

4.12-жадвал

Сиқилган ҳавонинг меъёрий солиштирма сарфи

Иш тури	Меъёрий кўрсаткичлар, $\text{м}^3/\text{мин.}$
1 $\text{м}^3$ бетонни блокка жойлаштириш	3-7
1 $\text{м}^3$ бетон аралашмасини тайёрлаш	15-25

1 м <sup>3</sup> қаттиқ грунтни очиқ қазиш	15-30
1 м <sup>3</sup> ер ости қазилмаси	25-30
1 тон, монтаж ишлари	0.5-1

Сиқилған ҳавони ҳосил қилиш компрессорлар ёрдамида бажарилиши мүмкін. Улар юқори босимли ва умум мақсадлы турларга бўлинади. Айрим йирик қурилиш обьектларида компрессор станциялари барпо қилинади. Қўпчилик ҳолатларда ҳаракатланувчи компрессорлар ишлатилади.

Қурилишда кислород ва ацетилин газ пайвандлаш ишларида кенг қўлланилади. Унинг миқдори ҳам юқоридаги каби пайвандлаш ишларининг миқдоридан ёки йириклишган меъёрий миқдор асосида аниқланади.

Материалларни нархи қурилиш обьекти, иншоотнинг ўртача 60% қийматини ташкил этади. Шунинг учун уларни тежаш алоҳида иқтисодий аҳамиятга эга. Қурилиш материалларининг қиймати қўйидагича бўлади:

$$C_m = \sum_{i=1} Q_i (C_{oui} + C_{chi} + C_{TPi} + C_{Ni} + C_{33}) \quad (4.64)$$

бу ерда:  $Q_i$ -I материалнинг сарфи;  $C_{oui}$  - материални сотиш нархи;  $C_{chi}$  - таъминот ташкилотларининг қўшимча баҳоси;  $C_{TPi}$  - транспорт баҳоси;  $C_{Ni}$  - идиш (тара) баҳоси;  $C_{33}$  - омбор тайёрлов сарфлари.

### *Назорат саволлари*

1. Қурилиши амалиётидаги қурилиши транспортининг аҳамияти нимада?
2. Қурилиши транспортининг турлари белгиланг?
3. Қурилиши транспорти зарурий миқдорини қандай ҳисобланади?
4. Қурилишда юк оқими тўғрисида тушунча нима?
5. Қурилиши транспортининг қурилиши календар режаси билан боғланиши қандай бўлади?
6. Транспорт вазифасида ер ишларини бажарувчи механизмлардан фойдаланиши мумкини?
7. Қурилишда йўлларнинг транспорт билан боғланиши борми?

- 8. Транспорт воситасини ишлатишыга қандай талаблар қўйилади?*
- 9. Қурилиш транспортининг иш унумдорлиги қандай ҳисобланади.*

#### **4.8. Қурилиш ишлаб чиқариш базалари**

**Калим сўзлар:** қурилиш, база, режсалаштириши, ташкил қилиши, механизм, участка, бригада, звено, бўлинма, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат, меъёрий ҳужжат, нархнома, норма.

##### **4.8.1. Қурилиш ишлаб чиқариш базалари тўғрисида умумий тушунча ва уларнинг аҳамияти**

Қурилиш ишларини яхши ташкил қилиш, машина ва механизмлар ишини яхшилаш учун қулай иш ва дам олиш шароитларини таъминлаш, қурилишни материал ва механизмлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан яхши таъминлаш, маҳаллий шароитлар учун қурилиш индустриясини яратиш мақсадида қурилишнинг ишлаб чиқариш базалари яратилади.

Гидротехник иншоотлар қурилиши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш базалари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Ишлаб чиқариш базалари қурилиш таннархини, смета баҳосини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга. Қурилаётган иншоотга керак бўлган материалларни топиш, қайта ишлаш ва ишлатиш муоммоларининг қурилиш амалиётида алоҳида ўрни бор. Йирик қурилиш объектларида иншоот қурилиши билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлган ишлардан ташқари ишчилар, қурилиш уларга хизмат кўрсатиш тармоғи ҳам ишлаб чиқариш базалари таркибиға қурилиш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган асосий ва ёрдамчи корхоналар киради ва уларни яратишда қулай ва арzon бўлиш каби талаблар қўйилади. Шуларга боғлиқ холда қурилиш машиналари, механизмлари, асбоб-ускуналари кўлланилади. Буларни ишлатадиган жамланмалар, таъмирлаш устахоналари, транспорт корхоналари ҳам ишлаб чиқариш базасининг таркибини ташкил этади. Гидромелиоратив тармоқ иншоотлари хом ашё конларини очиш, уларни қазиш, ташиш, қайта ишлаш ва ишлатиш вазифаларини бажариш ва улар билан боғлиқ корхоналар ишлаб чиқариш базаларидир. Бетон заводлари, бетон ва темир-бетон

тузилмаларини тайёрловчи корхоналар, таъминот корхоналари ишлаб чиқариш базаларидир. Шунинг учун қурилиш ишларини бажаришда ишлаб чиқариш базаларининг аҳамияти каттадир. Уларнинг вазифалари қурилиш ишларини бир маромда узлуксиз олиб боришни, белгиланган муддатда иншоотни ишлаб чиқаришга топширишни, қуриш обьектининг арzon ва ишончли бўлишини таъминлаштир.

#### **4.8.2. Ишлаб чиқариш базаларининг таркиби, қуввати ва уларни ташкил этиш принциплари**

Гидротехника соҳаси учун хизмат кўрсатадиган иншоотлар қурилишида камдан-кам ҳолатларда намунавий лойиха бўйича қурилиш ишлари бажарилади. Иншоот қуриладиган жойнинг табиий шароитлари турли хил бўлғанлиги сабабли қурилишда қўлланиладиган технологияларни тадбиқ этиш ҳам инженер техник ходимлардан етарлича билим ва тажрибани талаб этади. Улар ишлаб чиқариш базалири таркибини, қувватини ва уларни жойлаштириш вазифаларини тўғри ташкил этгандагина қурилишнинг таннархини бир мунча оптималлаштиришга эришилади.

Қурилиш ишлаб чиқариш базаларининг таркиби ва қуввати қурилишни ташкил қилиш лойиха босқичида аниқланади ва ишни бажариш босқичида аниқликлар киритилади. Қурилиш ишлаб чиқариш базаларининг таркибига кирувчи барча иншоотлар характеристи бўйича 2 гурӯхга бўлинади: вақтинчалик ва доимий.

Вақтинчалик корхоналарга одатда кўп қувватга ҳисобланган бетон хўжалиги, қурилиш ва монтаж субпордряд ташкилотларининг базалари, омбор хўжалигининг қисмлари, автотранспорт турар жойлари, қурилиш ички йўллари, электрлиниялари, алоқа тармоқлари ва шунга ўхшаш иншоотлар киради. Улар асосан қуйидаги принципларларда жойлаштирилади:

- максимал даражада асосий иншоотга яқин бўлиши;
- максимал даражада йиғма тузилмага эга бўлиб осон ечиладиган ва йиғиладиган, бу ишларга кетадиган меҳнат сарфи минимал даражада бўлиши;

- иложи борича осон ҳаракатланадиган машина ва механизмлардан фойдаланиш;
- барча корхоналар ва иншоотлардан фойдаланишда қулайлик бўлиши ва кам харажат бўлиши талаб этилади;
- корхоналар ва технологик линиялар иш фаолиятида табиатга зиён етказмаслиги каби принципларга асосланади.

Доимий иншоотлар ва корхоналар гурӯхига амалиётда темир-бетон жиҳозлари полигони, ёғочни қайта ишлаш корхонаси, уйсозлик комбинати, механика-таъмирлаш завод ва цехлари, устахоналар ва шунга ўхшаш корхоналар киради.

Ишлаб чиқариш базалари қурилишнинг тайёргарлик боскичидаги барпо этилади ва қурилишнинг асосий техник элементи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш базалари қуйидаги принциплар асосида яратилади:

- ишлаб чиқариш базасиннинг таркиби ва қуввати асосий иншоот қурилишини тўлиқ таъминлаши, қурилишни ўз вақтида ишга тушириш. Шу ҳудудда қурлиш индустриясини яратишни кўзда тутилиши;
- корхоналарни, яъни ишлаб чиқариш базасини, таркиби ва қуввати асосий қурилиш ишлари тугагандан сўнг шу жойда ҳудуд учун хизмат кўрсатадиган қурилиш индустриясини ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш базаларининг доимий бинолари капитал характерга эга бўлиши керак, саноат усулида бажарилиб бўлиши керак;
- вақтинчалик иншоотлар ечиладиган - йигиладиган тузилмада бўлиши, чунки уни кам маблағ сарфлаб бажариш мумкин бўлсин.

Асосий иншоотларнинг тури асосий иш турини белгилайди (бетон заводи, темир-бетон цехи, ер ости иншоотлари ва бошқа). Ишнииг ҳажми ва қурилиш муддати бажариладиган ишнинг тезкорлигини аниqlайди ва шунга асосан башқа материаллар билан таъминлаш ҳам аниqlанади. Ишларнинг алоҳида турини технологияси ва механизацияси, механизациялар

сонини, асбоб - ускуналарни ва шу билан боғлиқ уларга хизмат қўрсатиш, корхоналари турини аниқлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг қуввати қўйидаги принциплар асосида белгиланиши мункин:

- деталлар ва жиҳозларни сақланиши бўйича;
- материаллар ва жиҳозларни ташиб келиш шароитини ҳисобга олиш;
- ҳудуднинг шароитини ҳисобга олиш;
- мавжуд ва барпо этиладиган материаллар ва маҳсулатлар турини ҳисобга олиш.

Материаллар, маҳсулотлар ва тузилмалар, қайсики сақлаш имконияти бор, уларни ишлаб чиқараётган корхоналарнинг қувватини асосий иншоотнинг энг юқори қурилиш тезлигига мослаш шарт эмас, чунки материал ва маҳсулотларни маълум муддатда йиғиш ва сақлаш ҳисобига асосий қурилишда шу материалга бўлган истемол талабини қондириш мумкин бўлади. Корхонанинг, қувватини аниқлашга қўйидагича ёндашилади:

ишни бажариш тезлиги ( $I_i^p$ )

$$I_i^p = V_i^p / T_i^p \quad (4.66)$$

Ҳар бир материал сарфини солиштирма сарфи ( $q_{ik}$ ) орқали аниқланади

$$Q_{ik}^p = I_i^p \cdot q_{ik} \quad (4.67)$$

Бу ерда:  $I_i^p$ -ҳисоблаш даврига  $i$  ишнинг ҳисобий (ўртача) бажариш (олиб бориш) тезлиги;

$V_i^p$ -кўрилаётган вақтга  $i$  ишнинг умумий ҳажми;

$T_i^p - i$  иш ўртача тезлигининг ҳисобий даври;

$D_{ik}^p - i$  ишни бажаришда к материалга бўлган ҳисобий талаби;

$q_{ik} - i$  иш учун  $k$  материалнинг солиштирма сарфи;  $Q_{ik}$  – ҳамма ишлар бўйича  $k$  материал ёки ресурсларга қурилишнинг ҳисобий талаби;

$n$  – иш турлари сони;

$T_i^P$ -нинг қиймати вақтнинг шундай бирлигидаки, бунинг учун ишнинг ўртача тезлиги, корхонанинг унумдорлиги, унинг иш режимини, иқлим шароитини ҳисобга олиб аниқланади.

Корхонанинг “к” маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича зарурий эксплуатацион иш унумдорлиги  $\Pi_k^P$  иш маҳсулотга бўлган ўртача ҳисобий қийматидан кам бўлмаслиги керак.

Курилишнинг умумий талаб миқдорини барча манбаларни жамалаш билананиқланади, ( $Q_k^P$ )

$$Q_k^P = \sum_{i=1}^n Q_i^P \quad (4.68)$$

Курилишни ташкил килишлойиҳаларида қўп ҳолларда материалга талаб миқдори пулда ҳисобланади.

$$Q_{nk}^P = S_i^P q_{ik} \quad (4.69)$$

бу ерда:  $S_i^P$  - курилиш-монтаж ишининг ҳажми;

$q_{ik}$  – “к” материалига бўлган солиштирма талаб, пулда. Умумий қиймати эса ( $Q_k^P$ ).

$$O_k^P = \sum_{i=1}^n Q_{in}^P = \sum_{i=1}^n S_i^P \cdot q_{ik} \quad (4.70)$$

бу ерда:  $S_i^P$  — i турдаги ишнинг пулда белгиланнши,  $q_{ik}$ - $K$  материалга истемол талабининг солиштирма миқдори. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ( $\Pi$ ).

$$\Pi = S\Pi_{y\partial} \quad (4.71)$$

$S$ - Пулда белгиланган умумий иш ҳажми;

$\Pi_{y\partial}$ - ишлаб чиқариш солиштима истемол талаби;

Ишлаб чиқариш майдони  $F_{\text{пр}}$

$$F_{np} = S f_{\text{уд.пр}} \quad (4.72)$$

бу ерда:  $f_{\text{пр}}$  -солиштирма ишлаб чиқариш майдони, унинг қиймати материалининг тури бўйича маълумотномадан қабул қилинади.

Омборлариннинг майдони  $F_{\text{екл}}$ .омборнинг солиштирма майдони,

$$F_{\text{екл}} = S \cdot f_{y\ddot{d}, \text{екл}}; \quad f_{y\ddot{d}, \text{екл}} \quad (4.73)$$

Лойихалашнинг дастлабки босқичларида ҳисоблаш даври учун ишнинг максимал ҳажми аниқланган бўлмаслиги мумкин, узоқ муддат учун ишнинг ўртача тезлиги ва ҳажми маълум. Бундай ҳолатда ишнинг ҳисобий тезлиги ишдаги нотекислик ( $K_{\text{нот}}$ ) коэффицентини кўллаш билан ҳисобланади:

$$I_i = V_i / T \quad (4.74)$$

$$I_i^P = I_i \cdot K_{\text{нот}} = (V_i / T) K_{\text{нот}} \quad (4.75)$$

Бу ерда:  $I_i$  - Т вақт даври учун i иш турининг ўртача тезлиги;  $V_i$  – шу вақтдаги иш ҳажми;  $K_{\text{нот}}$  – ишдаги нотекислик коэффиценти, қайсики T вақт давридан  $T^P$  ҳисобий вақт даврига ўтишини характерлайди.

Т ва  $T^P$  ўртасидаги фарқ қанча кўп бўлса ишдаги фарқланиш (тебраниш) шунча кўплигини билдиради ва  $K_{\text{нот}}$  – коэффиценти миқдори ҳам кўп бўлади. Ҳар хил ишлаб чиқариш шароитларида  $K_{\text{нот}}$  – миқдори қанчалик кўп бўлса қурилишда ишлаб чиқариш ва таъбиий шароити шунча мураккаблигини кўрсатади.  $K_{\text{нот}}$  коэффицентининг миқдори амалиётда 1.1 – 1.4 ни ташкил этади.

#### **4.8.3. Қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналарининг**

##### **иш унумдорлиги**

Қурилиш машиналари ва асбоб ускуналарининг иш унумдорлиги уч: назарий(конструктив), техник ва эксплуатацион (ишлаб чиқариш ва амалий) турларга бўлинади. Қурилиш машинасининг назарий иш унумдорлиги деб уни назарий жихатдан ҳисобланган иш унумдорлиги тушунилади, яъни даврий харакатланувчи машиналар учун қуидагича ҳисобланади.

$$\Pi^K = q_u \cdot n_u \quad (4.76)$$

Бу ерда:  $q_u$  – машина бир давр ҳаракатланишида бажарадиган иш ҳажми ёки ишлаб чиқарадиган махсулот ҳажми ( $\text{т}, \text{м}^3$ , дона ва ш.ў), бунда машина ишчи аъзоси тўлиқ деб ҳисобланади, масалан, экскаватор ковши, қран юк кўтариш қобилияти бўйича тўлиқ деб ҳисобланади,  $n_u$  – машинанинг соат давомида тўлиқ ишлаши

натижасида даврлар сони,  $n_u = A / t'$  каби ҳисобланади. А нинг қиймати бўйича бир соатдаги бирликлар, мин, сек. бўлиши мумкин.

Машиналарнинг техник иш унумдорлиги  $\Pi^T$  юқоридаги каби ҳисобланади.

$$\Pi^T = q_u \cdot K_3 \cdot n_u \cdot K_u \quad (4.77)$$

Бу ерда:  $K_3$  – ишчи аъзонинг тўлалик коэффиценти, бу ҳақиқий шароитни ҳисобга (тўлалик даражаси, грунтнинг юмшалиш коэффицентини ва бошқ) олади.  $K_u$  – аниқ шароитни (жойнинг нотекислиги, машинистнинг тажрибаси ва б.) ҳисобга олиш коэффиценти.

Узлуксиз ҳаракатланувчи машина ва механизмлар учун назарий ва техник иш унумдорлиги қўйидагича аниқланади.

$$\Pi^K = 3600 \cdot f' \cdot v' \cdot m^3 \quad (4.78)$$

$$\Pi^T = 3600 \cdot f' \cdot v' \cdot m^3 \quad (4.79)$$

Бу ерда:  $f'$  - ишчи аъзоси тўлиқ бўлган оқим(кесим) юзаси;  $v'$ -оқимнинг (кесимнинг) тезлиги, м/с;  $f' = f' K_3$  – оқимнинг ҳисобий кесими,  $m^2$ ;  $v$  – оқимнинг аниқ шароитдаги тезлиги , м/с.

Машиналарнинг эксплуатацион (ишлаб чиқариш) иш унумдорлигининг ўртача соатлиги қабул қилинади, ёки машинанинг сменадаги фойдаланиш коэффиценти ҳисобга олинади.

$$\Pi_C^{\vartheta} = \Pi^T \cdot K_B \cdot K_Y \quad (4.80)$$

Бу ерда:  $K_B = T_{c.cm}^P / T_{c.cm}$  машинани сменадаги вақтдан фойдаланиш коэффиценти;  $T^P$  – машиналарни сменада фойдали ҳисобий ишлаш вақти. Бунда машинанинг мажбурий тўхталишлари вақтини ҳисобга олади.  $T_{c.cm}$  – сменадаги календар соати;  $K_Y$  – машинистнинг малака даражаси ва эргономик хусусиятларини, машинанинг, иқлим шароитларини ҳисобга олади.

Машина ва механизмларнинг ишини ташкил қилишда унинг меъёрий ишлаш вақтларини ҳисобга олиши керак. Масалан, ковшининг сигими 0,4  $m^3$ .гача бўлган экскаваторларни бир сменада  $0,4m^3$  дан кўп бўлган экскаваторлар учун камида 2 сменалик иш тартибини ташкил қилиш

меъёрларини манбаларда белгиланади. Шу сабабдан машиналарнинг ҳисобий иш соатларини белгилашда уларнинг йиллик иш қунларидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Машиналарнинг йиллик календар иш режими қуидагича аниқланади.

$$Д_к = Д_Р + Д_В + Д_{ПБ} + Д_{МЕТ} + Д_Н + Д_о + Д_{РЕМ} \quad (4.816)$$

Бу ерда:  $Д_Р$  – бир йилдаги иш қунлари сони;  $Д_В$  – байрамлар ва дам олиш қунлари сони;  $Д_{ПБ}$  – машиналарни қўчириш қунлари сони (бир жойдан иккинчи жойга);  $Д_{МЕТ}$  – машиналарни иқлим шароити сабабли ишлатиб бўлмайдиган қунлар сони;  $Д_Н$  – кўзда тутилмаган танаффуслар;  $Д_о$  – машинани таъмирлашга олиб бориш ва олиб келиш ҳамда таъмирлашни кутиш қунлари сони;  $Д_{РЕМ}$  – машиналарни таъмирлашда ва унга техник хизмат кўрсатиш қунлари сони. Шундан келиб чиқиб  $Д_Р$  қуидагича аниқланади.

$$Д_Р = 365 - (Д_В + Д_{ПБ} + Д_{МЕТ} + Д_Н + Д_о + Д_{РЕМ}) \quad (4.82)$$

Амалиётда  $Д_В$  календар бўйича (ҳафтада 5 қунлик иш тартибида) ўртача 112 қунни ташкил этади. Иқлим шароитларни ( $Д_{ПР}$ ) ҳисобга олишда шамолнинг тезлиги (10м/с ва ундан юқори), ҳаво ҳарорати (-30°C ва ундан паст), грунтни яхлаши каби факторлар кўзда тутилади.

$Д_{РЕМ}$  қиймати машиналарни ишлаган вақти билан тўғри боғланишда бўлади ва таъмирлашга меъёрий вақт сарфи солиштирма микдорда (1 соат машина вақти) ( $P_ч$ )  $Д_Р = T_p \cdot P_ч$  ва маҳсус меъёрий ёки маълумотлар тўпламидан аниқланади.

Машинанинг йиллик иш режими мавсумлар бўйича ҳам тақсимлаши мумкин (ёзги, қишиги), қайсики унда тааллуқли коэффицентларни ҳар хил иқлим зоналари учун қўлланилади:

$$T_{\alpha \cdot 3}^P = T_{ч.йил}^P \cdot \Pi_{о.3} / 12; \quad T_{ч.л}^P = T_{ч.йил}^P - T_{\alpha \cdot 3}^P; \quad (4.83) / (4.84)$$

$$T_{ч.о.3}^P = T^P \cdot P_{\alpha \cdot 3} / \Pi_{о.3}; \quad T_{ч.о.л}^P = T^P / \Pi_{о.л};$$

Бу ерда:  $\Pi_{ч.о.3}$ ,  $\Pi_{о.л}$  – қишиги ва ёз мавсумларидаги ойлар сони;  $\alpha_3$  – қиши мавсумида машиналар учун йилнинг ишни энг кўп вақти учун иш режимини тузиш (белгилаш) мумкин. Бунда тааллуқли танаффусларни камайиши ҳисобга

олинади. Бунда машинистларни иш графигини тузиш билан эришиш мумкин. Машиналар иш сменасини ҳам ошириш мумкин.

Машиналарнинг ҳисобий иш режимини ҳисоблаш маълумотлар бўлмаган вақтда йиллик иш унумборлигини юқоридагига ўхшаш ҳисоблаш мумкин. Шунда

$$B_{\text{йил}} = \Pi_{\text{йил}}^{\mathcal{P}} = \Pi_c^{\mathcal{P}} \cdot T_{\text{ч.йил}}^K \cdot K_{\text{ч.йил}}^K \quad (4.85)$$

Бу ерда:  $K_{\text{ч.йил}}^K = T_{\text{ч.йил}}^P / T_{\text{ч.йил}}^K$  - машинанинг ишида календар вақтдан фойдаланиш коэффиценти;  $T_{\text{ч.йил}}^K$  – йиллик календар соатлари.

$K_{\text{ч.йил}}^K$  нинг қийматини қурилиш машиналари учун 2 сменалик ва ҳафтада 5 кунлик иш тартиби шароити учун ўртacha қиймати қуйидагича:

Занжирли экскаватор	0.38
Филдиракли эксковатор	0.37
Скреперлар	0.33-0.19
Бульдозер	0.39
Автомобил кранлар	0.42

Машиналарнинг ҳисобий эксплуатацион иш унумдорлиги ишни бажариш лойиҳасини тузишда, иншоот ёки объектни қуриш графигини тузишда ҳамда қурилиш учун механизация варианларини иқтисодий асослаш ва танлашда фойдаланилади.

Машинанинг эксплуатацион иш унумдорлигини турли хил ишлаб чиқариш меъёrlаридан (меъёр бўйича иш унумдорлик, ишлаб чиқаришнинг смета меъёри, деректив меъёр) фарқ қилиш лозим.

Меъёрий ҳужжатларда берилётган қийматлар ҳар хил шароитлар учун ўртacha қиймат сифатида берилган, у аниқ тур машина учун эмас. Аниқ турдаги машинанинг техник кўрсаткичлари ва имкониятлари, тузилиш хусусиятлари ҳисобга олинган эмас.

Қурилишнинг аниқ мавсум ва ой учун тезлиги қуйидагича аниқланади.

$$I_{i.o\ddot{y}.m}^P = \sum V_{ib} / \Pi_{o\ddot{y}.m} \quad (4.86)$$

Маълум  $i$  иш учун машиналарнинг ўртача ойлик ишлаб чиқариш миқдори ишнинг ҳисобий тезлигидан кам бўлмаслиги керак, яъни

$$B_{i.o\ddot{y}.m} \circ N_i \geq I_{i.o\ddot{y}.m}^P \quad (4.87)$$

Шунда машиналарни сони қўйидагича бўлади.

$$N_i \geq \frac{I_{i.o\ddot{y}.m}^P}{B_{i.o\ddot{y}.m}} \quad (4.88)$$

Бу ерда:  $I_{i.o\ddot{y}.m}^P$  - маълум мавсумда  $i$  - ишнинг бажарилиш тезлиги;  $B_{i.o\ddot{y}.m}$  -  $i$  иш учун машинанинг маълум мавсумдаги ишлаб чиқариш миқдори (иш унумдорлиги);  $N_i$  -  $i$  иш учун машиналарининг ҳисобий сони.

Юқорида кўрсатилган ҳисоблаш методикаларидан келиб чиқиб йилнинг ҳар қандай мавсуми ёки вақти учун иш тезлигидан келиб чиқиб машиналарнинг сонини ҳисоблаш мумкин. Қурилиш амалиётида, одатда, машиналарнинг сонини ишни бажарилишини энг юқори суратда бажарилиши учун ҳисобланади, уни қўйидагича белгилаш мумкин.

$$N_i^P \geq N_i^{\max} \quad (4.89)$$

Машиналар сони ифодадаги (10.24) шартга бўйсинмаган ҳолатда қурилишда ишларни бажарилиш графигига ўзлаштириш киритилиши керак бўлади.

#### **4.8.4. Бош бажарувчи қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш базалари**

Бош бажарувчи қурилиш ташкилоти таркибига маҳаллий материалларни қайта ишлаш корхоналари, бетон тайёрлаш, ҳар хил тузилмалар тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш корхоналари киради. Маҳаллий материалларни қайта ишлаш, Тош тегирмонларини, материалларини тоифаларга ажратиш бўйича цехлар, улар билан боғлиқ кон материалларини қазиб олиш бўйича корхоналар киради.

Шунинг асосида бетон хўжалигининг таркиби, қуввати ҳисобланади ва унинг асосида материалларга бўлган истемол талаби аниқланади.

$$\Pi_q = J_{\text{б.мес}}^P * q_{\text{бс.}} / T_{\text{ч.мес}} \quad (4.90)$$

бу ерда:  $J_{\text{б.мес}}^P$  - ойлик ўртача бетон қувиш тезлиги;

$q_{\text{бс.}}$ - $1\text{м}^3$  бетон қувиш учун сарфланадиган бетон аралашмасининг миқдори  $\approx 1,02$ ;

$T_{\text{ч.мес}}$  - бир ойдаги ҳисобий иш соатларини миқдори.

Бетон заводини жойлаштиришда унинг қувватини ва жойнинг топологик шароитларини ҳисобга олинади. Бетон аралаштиргичлар сони бетон заводи қуввати асосида аниқланади. Бетон аралашмасининг тури бўйича йирик тўлдирувчининг ўлчами белгиланади. Масалан, СБ – 10 АО max 80мм, СБ-3 Omax – 150мм. Кўп қуватга эга бўлмаган бетон заводлари “намунавий лойиҳа” асосида қурилади, катта қувватга эга бўлган бетон заводлари учун эса алоҳида лойиҳа қилинади ва қурилади. Бош бажарувчи ташкилотининг ишлаб чиқариш корхоналарига йиғма темир бетон полигонлари, арматура цехи ва заводлари, ёғочни қайта ишлаш цехлари, уй қуриш комбинатлари киради. Бош бажарувчи қурилиш ишлаб чиқариш ташкилотнинг базаларини ташкил этишда қурилиш материалларини ташиб келиш, ишлаб чиқариш базаси объекти ва асосий иншоот ўртасидаги масофа ҳисобга олиб унинг заҳира қисми аниқланади, чунки қурилишда материал ёки бошқа воситалар этишмаслиги сабабли узилишлар, кутилмаган танаффусларга сабаб бўлмаслиги керак. Сарф бункерлардаги материаллар заҳираси 15 фоизгача, магистрал йўллар орқали ташиб келинадиган материаллар заҳираси 30 фоизгача (ойлик талаби нисбатан) сақланиши лозим.

Бош бажарувчи қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларининг бино ва иншоотлари ҳудуд хусусиятини ҳисобга олиб вақтингчалик ёки капитал тузилмаларга эга бўлади. Ишлаб чиқариш базаларини ташкил этишда ҳудуднинг келажагини ҳисобга олинади. Асосий

иншоот қуриб битказилгандан сўнг ишлаб чиқариш корхонаси ёки унинг иншоотлари шу ҳудуд учун хизмат қилиши кўзда тутилади. Шу сабабдан улар капитал характерда барпо этилади.

#### **4.8.5. Субподряд ташкилотларнинг ишлаб чиқариш базалари**

Субподряд ташкилотлари бош бажарувчи ташкилотнинг буюртмаси асосида фаолият қўрсатади. Шу сабабдан субподряд ташкилотлари максимал даражада бош бажарувчи ташкилотнинг ишлаб чиқариш базаларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир вақтда субподряд ташкилотлар бажарадиган ишларининг айрим турлари борки унда бош бажарувчи ташкилот ишлаб чиқариш базаларининг хусусияти, техник шароитлари бошқа томонлари субподряд ташкилотининг ишлаб чиқариш базалари талабларига тўғри келмайди.

Субподрят ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларига вақтинчалик субподряд ташкилотлари учунгина хизмат қўрсатадиган ишлаб чиқариш базалари киради. Улар кўпчилик ҳолларда вақтинчалик характерга эга бўлади. Улар материалларни қабул қилиб олиш, сақлаш ҳамда мослама ва метал тузилмаларга ишлов-бериш, ностандарт йиғиш жихозларини ва мосламаларини тайёрлаш билан шуғулланади.

4.13-жадвал

Ишлаб чиқариш базасининг меъёрий майдони

Курилиш ишларининг йиллик ҳажми млн.сум	Таъмирлаш устахон.солиштирма майдон, м <sup>2</sup>	Ёпиқ жойларнинг солиштирма майдони, м <sup>2</sup>	Очиқ жойларнинг солиштирма майдони, м <sup>2</sup>
0.2-0.5	100-200	200-500	1.5-2.5
0.5-2	200-500	300-800	2.5-6.0
2-5	500-800	800-1500	6.0-1.2

База таркибига ишлаб чиқариш бинолари кириб унинг ичидаги механик устахона, темирчилик цехи, метални қувиш, тозалаш қурилмалари, гараж, машиналар учун буюртма, иситиладиган ва иситилмайдиган омборлар киради. Омборлар харраксимон(козловой) ва кўприкли кранлар билан жиҳозланган бўлади. Ишлаб чиқариш омбори биноси қуийдагича ҳисобланади.

$$F_{ум}=Vf_{ил}+Vf_{скл}+F_{масл} \quad (4.91)$$

Метал тузилмаларини кварталлик бажарилиши бўйича ҳажми  $f_{ил}$   $f_{скл}$ -1 тон. Материални сақлаш учун солиштирма майдони.  $F_{масл}$ -устахона майдони.

Махсус гидроэнегомонтаж базаси – бу ҳам йиғиш ишлари олдидан хизмат кўрсатади. У кран ва устахоналар билан жиҳозланади. Унинг майдони ҳам юқоридаги каби солиштирма меъёрий майдонлар асосида ҳисобланади. Масалан, қуийдаги кўринишда бўлади:

#### 4.14-жадвал

	5 тоннагача	10 тоннагача	10 тоннадан кўп
$f_{ил}$	0.26	0.26	0.14
$f_{скл}$	0.57	0.57	0.3
$f_{масл}$	450	730	940

Сув куч анжомлари омбор базаси (буюртмачи базаси) – бу асосий технологик анжомларни қабул қилиш ва сақлаш учун хизмат қиласи.

Бу базада жиҳозларни қулай базалар билан ўзаро боғланишини таъминлаш принципи амал қиласи. У ўз таркибига иситиладиган ва иситилмайдиган омборларни киритади. Улар харракли кранлар билан жиҳозланади. Базанинг омбор майдонлари юқоридаги каби солиштирма меъёрий миқдоралар асосида ҳасобланади.

$$F_{ун}=V(f_1+f_2+f_3+f_4) \quad (4.92)$$

Бу ерда:  $f_1, f_2, f_3, f_4$ , - юқоридаги каби қабул қилинади.

Гидроэлектромонтаж базалари - электротехник жиҳозларини қабул қилиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бўлган монтаж олди ишларини бажарувчи механик устахоналар билан жиҳозланади.

#### **4.8.6. Ишлаб чиқариш базаларининг бинолари ва иншоотлари тузилиши**

Гидротехникада ишлаб чиқариладиган бинолар ва иншоотлар қурилиши обьектнинг характеристига боғлиқ ҳолда доимий (стационар), йиғма – ечиладиган, ҳаракатланадиган, ҳаво билан шишириладиган (дамланадиган) ва сузуб юрувчи тузилмаларда бўлиши керак.

#### ***Назорат саволлари***

1. Гидротехника ишлаб чиқарииш базалари тўғрисида нимани биласиз?
2. Ишлаб чиқарииш базаларини ташкил қилишининг мақсади нимада?
3. Ишлаб чиқарииш базаларининг қандай вазифалари?
4. Ишлаб чиқарииш базаларининг корхоналари тўғрисида нимани биласиз?
5. Ишлаб чиқарииш базалари ва иншоотларини қурилиши майдонида қандай жойлаштирилади?
6. Ишлаб чиқарииш базаларини ташкил этишининг принциплари нимада?
7. Ишлаб чиқарииш базалари қувватини қандай ҳисобланади?
8. Бош бажарувчи ва субподряд ташкилотларининг ишлаб чиқарииш базалари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги нимада?

#### **4.9. Қурилиш суви сарфини ўтказишни ташкил қилиш**

*Калит сўзлар:* қурилиши суви, нов, айланма канал, босқичли қурилиши, туннел, грунтли тўғон, , тўсиқ, қурилиши сув сарфи, сатҳ, ўзанни тўсии, банкет усули, банкетсиз усули, тошташлама, оқим тезлиги, проран.

#### **4.9.1. Қурилиш суви сарфи тўғрисида умумий тушунча ва унинг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти**

Қурилиш амалиётида қурилиш суви сарфи шартли тушунчаси мавжуд.

**Қурилиш суви сарфи деб** қурилиш жараёни даврида сув йўлидан ўтиб

турадиган сув сарфи тушунилади. Бу сув сарфини ўтказишнинг ҳар хил йўллари мавжуд.

Қурилиш сувини ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун қурилиш смета нархининг ўртacha 10 фоизгача қисми сарфланиши қурилиш амалиётидан маълум. Гидротехника иншоотлари қурилишига ер усти сувидан ташқари ер ости сувларининг ҳам таъсири бўлади. Шу сабабли иншоот қурилишида уни мувоффақиятли амалга ошириш учун қурилиш суви сарфини бартараф қилиш қурилиш амалиётидаги энг зарурӣ чоралардан биридир.

Қурилиш суви сарфини ўтказиш чораларини белгилашга бир қанча факторлар таъсир этади: жойнинг гидрогеологик, геологик, литологик шароитлар, дарё сувидан комплекс фойдаланиш, иншоот материали, қурилиш муддати, иншоотлар компоновкаси, иншоот тури, сув босими, иншоотнинг жойлашиш сатҳлари кабилар.

Қурилиш суви сарфини ўтказиш усууллари биринчи навбатда сув оқимининг (дарё суви) тартиби ва сатҳига боғлиқ. Иншоотлар қурилиши йирик ва мураккаблиги бўйича йиллиб давом эташи мумкин. Шу сабабдан қурилиш суви сарфини ўтказиш иншоотини лойиҳалашда дарёдаги сувнинг гидрологик томонини, аниқроғи, дарё гидрографини ҳисобга олиш керак. Сув сарфини ўтказиш иншоотининг ўлчамлари ва тузилиши дарё гидрографи билан боғланиши керак. Жойнинг топографияси қурилиш суви сарфини ўтказиш усулини танлашга таъсир этувчи фактор ҳисобланади. Унинг асосида дарёнинг қолдиқ ўзанлари, қирғоқ қияликларини тиклаш каби қурилишга таъсир этувчи кўрсаткичлари аниқланади.

#### **4.9.2. Қурилиш суви сарфини ўтказиш усууллари**

Гидротехника қурилишида қурилиш суви сарфини ўтказишнинг асосан учта усули белгиланади:

- дарё ўзанидан ташқарига жойлашган ташлама иншоотлар – новлар, доимий ёки мұваққат каналлар ва тунеллар ҳамда қувурлар орқали;
- асосий иншоотлар ва түсиқлар – тош ташлама ва ҳар хил сув ташлаш тешиклари орқали;
- иншоотни секцияли куришда дарё ўзанининг бир қисми орқали.


Қурилиш суви сарфини ўтказиш методларининг биринчиси сув сарфини катта бўлмаган ўрта ва кичик дарёлар учун қўлланилади. Уларни қурилишнинг қулайлиги бир мартада қуриб битказиш имконияти борлигидир.

Новлар орқали қурилиш суви сарфини ўтказиш дарё ўзанини торайтириш имконияти кам ва мақсадга мувофиқ бўламаган, сув сарфи кўп бўлмаган ( $30\text{ m}^3/\text{сек.гача}$ ) ва тор ўзанли жойларда қўлланилади.


Сув ўтқазиш каналлари топографик ва геологик шароити қулай бўлган жойларда қурилиш сув сарфини ўтказиш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш суви сарфи  $2000\text{ m}^3/\text{с.гача}$  бўлган дарёларда синаб қўрилган.

Қурилиш суви сарфини ўтқазиш учун ташлама иншоотлардан фойдаланилса уларни дарё ўзанидан ташқарида қуриб олинади.

Унга сувни келиш ва ундан кетиш каналлари қуриб битказиб олинади. Шундан сўнг дарё ўзани тўсилади яъни ёпилади. Бу ерда: берк тўғон қурилади. Дарёдаги сув оқими сув ташлаш иншооти орқали ўтказилади.



4.9-расм. Иншоотни күтариш босқичлари ва қурилиш суви сарфини қурилишнинг асосий босқичда ўтқазиш: I,II,III,IV - босқичлар; 1 - даре сув сатҳи; 2 - юқори бъефдаги сув сатҳи; 3 - иншоотни күтариш белгиси.



4.10-расм. Қурилиши суви сарфини ўтказиш инишоотлари ва усуллари.

а).нов орқали б)туннел орқалив)вақтингалик канал орқали.г)тўсиқ орқали

1.нов.2.юқори бъефдаги тўсиқ.3.пастки бъефдаги тўсиқ.4.қурилаётган гидроузел.5.вақтингалик сув ўтқазувчи канал.6.грунтли тўғон.7.туннел.8.биринчи навбатдаги қурилаётган инишоот.9.иккинчи навбатдаги қурилаётган инишоот.

Тўғон асосан грунт, яъни маҳаллий материалларидан қурилади, зарур бўлганда тош ташлаш ишлари бажарилади. Бу усул амалиётда энг кўп тарқалган тuri ҳисобланади. Қурилиш суви сарфини ўтказиш учун туннеллардан фойдаланиш ҳам амалиётда маълум. Бу усул асосан тоф дарёларида бажарилади, бу иш бўйича Республикаиз ҳудудида ҳам амалий тажрибалар бор. Масалан, Соҳ сув омбори қурилишида Соҳ дарёсининг суви

дарё оқими бўйича чап қирғоғида тоғни тешиб ўтказилган. Унинг сув сарфи Соҳ дарёсининг гидрографига асосан ҳисобланган.

Қурилиш суви сарфини ўтказишида секция усули амалиётда мълум. Бу усулни асосан сув сарфи жуда ҳам кўп бўлган, кема юриши мумкин бўлган, муз оқиши содир бўлиб турадиган дарёларда қурилади. Бу усулда қурилиш суви сарфини қурилиш бошланишида торайтирилган ўзан орқали ўтказилади. Бу вақтда дарё иккинчи қирғоғи томонидан асосий иншоотнинг бир қисми қуриб олинади. Шундан сўнг дарё ўзани тўсилади ундаги сув оқими иншоотнинг қуриб олинган секцияси орқали ўтказилади. Шу тартиб билан иншоот қурилиши лойиҳавий сатҳгача кўтарилади. Қурилиш суви сарфини ўтказишнинг кўрсатилган усули Россиянинг Уст-Илимский ( $3800\text{m}^3/\text{s}$ , 11 пролет, ҳар бири  $12\text{m}.\text{дан}$ ), Зейский гидроэлектростанция Зея дарёси, ( $12300\text{m}^3/\text{s}$ , 10 пролет, ҳар бири  $8\text{m}.\text{дан}$ ) ва бошқа йирик иншоотлар қурилишида амалга оширилган.

#### **4.9.3. Тўсиқлар**

Қурилиш суви сарфини ўтказишнинг ҳар қандай услубида ҳавзани тўсиқлар билан тўсилади. Улар вақтинчалик босимли гидротехник иншоотлар ҳисобланади. Тўсиқларни вазифаси ҳавзани сувдан тўсиш, сув оқимини йўналтириш ва сув қуилишида остоналарни маҳкамлашдир.

Тўсиқлар юқорги ва пастки ҳамда бўйлама (иншоот бъефи бўйича) турларга бўлинади. Тўсиқларни компоновкалашда асосан кам узунликда, яъни кам иш ҳажмли, механизм ва ишловчилар учун етарли майдонли ва ўзанда қулай гидравлик шароитли бўлиши каби талаблар қўйилади.

Тўсиқ турини танлашда уларга асосан қуийдаги талаблар қўйилади: етарлича турғунликка ега бўлишлик, ювилишига қаршилик кўрсатишлик ва фильтрация сув оқимини камайтиришлик, такрор ишлата олишлик, нотақчили маҳаллий материалларни ишлатишлик, гидрологик ва гидрогеологик шароитларга тўғри келишлик кабилар.

Тўсиқни баландлиги ( $\nabla_t$ ) сув йўлидаги сувнинг ҳисобий сатҳи ( $\nabla_{c.c.}$ ), ўзанни торайтириш ҳисобига сув сатҳининг кутиладиган сатҳи ( $Z$ , дамланиш) ва сув сатҳидан устки заҳира баландлиги (а) тўғри келиши лозим, яъни

$$\nabla_m = \nabla_{c.c.} + Z + a \quad (4.93)$$

Сувнинг дамланиш миқдори қўйидагича ҳисобланиши мумкин

$$Z = \frac{Q^2}{2g} \left( \frac{1}{\omega^2 \varphi^2} - \frac{1}{\pi^2} \right) \quad (4.94)$$

бу ерда:  $Q$ -ҳисобий қурилиш суви сарфи,  $m^3/c$ ;

$\varphi$  - тезлик коэффиценти, 0.85 – 0.9;

$\omega$  – оқимнинг торайган кесими,  $m^2$ ;


$\pi$  – оқимнинг тораймаган кесими,  $m^2$ ;

$g$  – эркин тушиш тезланиши, 9.81  $m/c$ ;

а нинг миқдори юқори бъеф тўсиқлари учун 0.8-1.0 ва қуий бъеф тўсиқлари учун 0.5-0.7м. қабул қилинади.

Тўсиқларни планда жойлашиши тўсиладиган ҳавзанинг шакли ва ўлчамлари билан бойланиши керак.

Гидротехника иншоотлари қурилиши амалиётида тўсиқларнинг қўйидаги турлари қўлланилади: ер (грунт), тош ташламали, шпунтли (ёғоч, металл), ряжали.



4.11-расм. Тўсиқлар асосий турларининг кўндаланг кесими: a-грунтли b – тош ташламали; d – харракли; e – карабурали, 0.7-2м. диаметрли фашиналардан; g, h – бир ва икки қаторли ёғоч шпунтли; i,j- кенг ва тор ряжали; к – метал шпунтли тўсиқларнинг плани; о – кичик грунт тўсиқни ҳимояловчи бетон тўсиқ; p,q,r – ўтказгич тўсиқлар: ряжали , каркасли, харракли (штраб ва анкерлар) кўрсатилган.

Тўсиқларни қуришда унинг ўлчамларига, қурилиш босқичларига эътибор берилиши лозим. Тўсиқлар орқали ишловчиларнинг, машина-механизмларнинг ҳаракатланишини ҳисобга олиб уларнинг ўлчамлари белгиланади. Грунт тўсиқларини қуришда унинг устки кенглиги 3м.дан кам бўлмаслиги керак. Тош ташламали тўсиқларни қуришда керакли ўлчамдаги тош ва тош материалларидан(шебен) фойдаланилади. Уларни жойлаштиришда

бир текислиги таъминланиши лозим. Шу мақсадда тегишли механизмлардан фойдаланилади.

#### 4.15-жадвал

Хавза(котлован)ларни ҳимоялаш учун тўсиқлар асосий турларини қўлланиш шарт – шароитлари

Тўсиқ тури	Энг катта баландлиги, м	Кўлланиш шароитлари
Махаллий материаллардан : Бир таркибли грунт	6	Оқим тезлиги 1м/с.гача, жойлашиш жойи мавжуд холатда
Дренаж призмали грунт Тош ташламали	$\geq 40$ $\geq 60$	Оқим тезлиги 1-3м/с
Кара бурали	5	Оқим телиги $\leq 4$ м,чукур бўлмаган,асос грунти юмшоқ.
Харракли	4	Қоятошли асосли грунт,сиқилган шароитли ва кам босимли
Ёғоч шпунтли: бир қаторлама икки қаторлама	4 6	Шпунтни қоқиб бўладиган,кўп сиқиб бўлмайдиган ва котловнга фильтрация суви тушими кўп бўлган шароитда.
Металл шпунтли: бир қаторлама икки қаторлама ячейкали	5 10 10-20	Юқоридагидек, йирик гидроузел қурилишида ва катта босимда
Ржали: тор	5	Тош ва қоятошли, жуда зич шпунтли қозикни

кенг	20	қоқиб бўлмайдиган тошли, қоятошли ўзанни кўп сиқиб бўлмайдиган шароитларда
Бетонли	-	Тўсиқни курилаётган иншоат танасига қўшиб бўлмайдиган катта тезлик ва босимли ҳамда қисилган ўзанли шароитларда
Ўткагичли	2 3 6	Иншоатнинг тайёр қисмида курилишнинг навбатдаги босқичлар учун қатий анкерли мустхкамлагичлар билан
Комбинациялашган (қўшилган)	-	Юқори босимли ва мураккаб геалогик шароитда

Ёғоч шпунтли тўсиқлар уларни қоқиши мумкин бўлган грунт шароитли пайтларда қўлланилади. Уларни грунтга критиш чуқурлиги узунлигининг 1/3 қисмига teng бўлади. Бир қаторлама тўсиқлар баландлиги 4м.гача бўлган жойларда, ундан ошиқ баландликда 2 қаторли тўсиқлар қўлланиши тавсия этилади. Шпунтлар орасидаги бўшлиқ шағал ва қумоқ грунт билан тўлдирилади.

**Ўзанни тўсиш.** Амалиётда халқ ҳўжалиги заруриятидан келиб чиқиб бўлажак ривожланиш режаларини ҳисобга олиб оқим йўналишини ўзгартириш учун ўзан (дарё, канал ва шунга ўхшаш) ёпилади(тўсилади).

Сув йўли ўзанини тўсиш иншооти у қурилишни амалга ошириш учун аввало қурилиш муддати аниқланади. Бу лойиҳалаш – қурилиш ишларида қабул қилинган йўл билан аниқланади. Бунинг учун асос бўлиб меъёрий ҳисобланади. Унда бажариладиган етакчи иш тури ҳисобга олинади.

Ўзанни тўсишнинг бир нечта усуллари мавжуд, уларни танлаш кўп факторларга боғлиқ. Буларга ўзандаги сув сарфининг режими; сув сатҳи, кутиладиган сатҳлар фарқи (юқори ва пастки бъефларда), ўзаннинг геологик шароити, ўзан грунтининг ювилувчанлиги, тўсиш створидаги перемичка (тўсиқ) материали, шундан тўсиқ учун яроқли маҳаллий материалларнинг мавжудлиги. Ўзанни тўсишнинг тош ташлама (банкет усули), грунтни пионер усулида ташлаш, банкетсиз грунтни сувга тўкиш, оқимни тўсиш (шпунт қаторлари, шандорли, ряжали тиқин, сипоя фашин) усуллари мавжуд.

Ўзанни тўсишнинг мажбурий усулларидан бири оқим гидрографининг бўлишдир. Қурилиш муддати қисқа вақтли бўлганда ўзандаги оқимнинг кам вақтига режалаштириш, акс ҳолда оқимнинг энг катта микдорига режалаштириб тўсиш ишлари бажарилади.

Оқимни тўсишни тош ташлама усулининг моҳияти шундаки барча шароитларни ҳисобга олиб бўлажак тош банкети стволи бўйича дарё ўзанига тош ташланади. Улар грунтдан цементлашган табиий шароитдаги жинс ёки бетон бўлиши мумкин. Улар ҳар хил шаклда ва оғирликда бўлади. Бу усул билан ўзанни тўсганда юқори бъефга ўтиш микдорига доимийлашгунча бўлади. Ўзанни тўсиш учун ўлчами 0.2-0.3м тошлар ишлатилганда юқори бъефдаги сув сатҳи 1.5м.гача кўтарилиши ва 1м кенглиқдаги сув ташламада сарф  $2-2.5\text{m}^3/\text{s}$  атрофида бўлиши тадкиқотчилар (Н.П.Пузыревский, М.Ф.Срибный, С.В.Избаш) томонидан аниқланган ва тавсия этилган.

Банкетни ҳосил қилишда сув тушуши камайиб боради. Бу юқори бъефда сув дамланиши сабаблидир.

Тошли банкетни ҳосил қилиш жараёнида сувни дамланиши ( $Z$ ) билан тўрт босқич кузатилади.

I-учбурчакли сув ташламанинг;

II – кенг остонали сув ташлагичнинг ;

III – тезоқарнинг;

IV – тош ташламани оқимдан чиқиши. Табий тошлар ёки сунъий массивлар ўлчами ўзанни бир ёки икки босқичда тўсиш ҳисобидан келиб чиқиб танлади. Бу ўзанни тўсиш ҳаражатларини кескин камайтиришга олиб келади.

Тошташлама билан ўзанни мувафиқиятли тўсиш материал йириклиги бўйича захира коэффиценти билан ҳам баҳоланади.

$$K=M/N \geq 3 \div 4$$

бу ерда:  $M=(\gamma_i - \gamma_0)V_kU/D$ - тошларнинг гидравлик қаршилиги;

$N=\gamma_0 q z$ -оқимнинг солиштирма қуввати зичлиги;

$\gamma_i$ -тошнинг зичлиги, т/м<sup>3</sup>;


$V_k$ -алоҳида тошнинг ҳами, м<sup>3</sup>;

U-тошнинг гидравлик йириклиги, м/с;

D-тошнинг диаметри;

q-сиқилган жойда (проран) оқимнинг солиштирма сарфи, м<sup>3</sup>/м;

z-сатҳлар фарқи, м.



**4.12-расм.** Ўзанни банкет усули билан тўсишида материалларни ташлаш.  
 а- банкетни ҳосил қилиши босқичи; b- ёпиши учун бетон блоклар; d, e,- понтон  
 f,g- кўприклардан фронтал тўкиши схемаси; h – юқоридагидек пионер усули  
 билан тўсиши.

#### 4.16-жадвал

Ўзанни тўсишнинг асосий усуллари ва уларни қўлланиши

Тўсиш усули	Сув сатҳи фарқи, м	Қўлланиш шароити	Бажариш усули
Тош ташлама билин(банкет усули) фронтал ташлаш, пионер ташлаш	0.5 – 2	Йирик сув йўлларида; сув оқими тезлиги 1м/с.дан кўп ва тош материалларини мавжудлиги	Автосомосвал билин тош ва харсангларни ташлаш: сузиб юриш ёки вақтинчалик кўприклар билан; қирғоқдан бульдозер ёрдамида
Пионер усули билин грунтни ташлаш.	>0.5	Тўсиладиган жойнинг кичиклиги, сувнинг кетказишни қулай шароити оқим тезлиги 1м/с гача	Автососмасваллар билин грунтни сувга ташлаш, бульдозердан фойдаланиш
Банкетсиз грунтни сувга чўктириш.	0.1 - 0.5	Кам тезлик ; оқимнинг кам ташувчанлиги, кумоқ грунтнинг	Ер сўргич билан кум – шағал – сув аралашмасини тўсиши створига

		мавжудлиги	тўкиш (ташлаш)
Оқимни химоялаш: шпунт қаторлар билан шандорлар билан ряжали тиқин билан сипоя билан шох – шабба билан	0.5 – 2	Кичик сув йўлларида; кичик тўсиш жойларида; тўсиш жойида тезликнинг ва сатҳ фарқининг катталиги; йирик тош материалларини йўқлигига	Кран ёки қўл кучи билан ўрнатиш. Кран қирғоқдан пионер усули билан сузувчи воситалар билан

Ўзанни тошташлама билан тўсиш бўйича ишларни бир нечта босқичда амалга ошириш мумкун:

-қирғоқ тўсиқлари билан ўзанни тўсиш, бунда пионер усилидан, сузувчи кўприк ёки муваққат ряжадаги кўприқдан, қозиқдаги кўприк ёки кран ёрдамида қирғоқдан туриб қўмиш йўли қўлланилади;

-проран тубини текислаш, ўзан чукур ойларини қўмиш;

-сув ташлаш тўсиқларини йифиш (ешиш, бузиш);

-тош ва массивларни прорандаги кенглиги бўйича тўкиш(ташлаш);

-юқори бъефда тошташлама фильтерларни ҳосил қилиш;

-сузувчи кўприкни ешиш;

-юқори бъеф бўйича грунт ташлаш, берк гурунту тўғон асосини ҳосил қилиш.

Ўзанни банкетсиз тўсишнинг туб мазмуни оқимдан ўзанга сунъий ҳосил қилинган чўкиндиларни чўқтиришдир(расм).

Агарда оқимнинг лойқалиги  $\rho$ , оқизувчанлиги  $\rho_{tp}$  бўлганда ортиқча лойқалантирилган  $\rho_{per}$  оқимдан гурунту заррачаларининг чўкиши

$$\rho_{per} > \rho_{tp} > \rho \quad (4.95)$$

Оқимнинг оқизувчанлиги (П.В.Михеев)

$$\rho_{mp} = 430R/H((24-\omega_0)/U + (U-\omega_0)/(U\downarrow+\omega_0)) \text{ кг.м}^3, \quad (4.96)$$

бу ерда: R-гидравлик радиуси; м;

H- оқим чүкүрлиги;

U-оқим тезлигининг вертикалга(юқорига) ҳаракатланиш қисми, м/с;

$\omega_0$ - гидравлик йирикликтининг ўртача муаллақ мөддори, м/с;

$U\downarrow$ - оқим тезлигининг тушувчи қисим, м/с;

$$U = 12.5(R/V)^{1/14}(RI)^{1/7} \text{ м/с}; \quad (4.96)$$

$$U\downarrow = 0.11(VI/R)^{1/2} \text{ м/с} \quad (4.97)$$

бу ерда: V- кесим бўйича ўртача тезлик, м/с.

Ҳар бир участкада земснаряд ҳосил қиладиган лойқалик


$$\rho_{nep} = \frac{\pi \gamma_e}{3.6Q} \text{ кг / м}^3 \quad (4.98)$$

$\pi \gamma_e$  - земснарядни грунт бўйича иш унумдорлиги; м<sup>3</sup>

бу ерда: /с


$\gamma_e$  -тўкилаётган грунтнинг ўртача зичлиги, т/м<sup>3</sup>;

Q-тўкилаётган участкадаги оқим сарфи, м<sup>3</sup>/с.



4.13-расм. Ўзанни тўсишини банкеттисиз усули схемаси. а-ўзанни банкеттисиз тўсиши бўйича ишларни ташкил қилиши; б-тўсиши кесимида оқимни ортиқча лойқалатиш; д-бўлажак тўғон танасини сув билан грунтни тўкиши орқали ҳосил қилиши. 1-ўзанни тўсишида сувни ташлаши ишишоти; 2-грунтни тўкиши

участкаси; 3-грунтни чеккадан چўктириши участкаси; 4-грунт заҳираси; 5-тўқма тўсиқ кесими; 6-тўғон танаси кесими.



4.14 - расм. Проранни тўсиши схемаси. а-пионер усули билан грунтни сувга ташлаш; б-шпунтли қатор билан; д-рязса тиқин; е, ф-сипоя ва карабура билан. 1-грунтни заҳира ҳажми; 2-шпунтли қатор; 3-рязсалар; 4-шандорлар; 5-сузувчи рязса; 6-якорли лебёдка; 7-сипоялар; 8-карабуралар.

Ўзанни тўсишда ишни бир томондан (қирғоқдан) бошлаш, ҳамма кесим бўйича бараварига бошлаш мумкин.

Ўзанни тўсишни охирги босқичида грунтни сувга ташлаш тезлигини оширилади. Бунинг учун заҳира қилинган грунт уюмини бульдозерлар билан суриш ва оқимни тўсиш қулайроқ йўл ҳисобланади (расм).

### **Назорат саволлари**

1. Тўсиқлар ва уларнинг вазифалари нимада?
2. Тўсиқлар қай ерларда ишилатилади?
3. Тўсиқларнинг қандай турларини бидасиз?
4. Ўзанни тўсишининг қандай усуллари мавжуд?

5. Ўзанни тўсишининг банкет усули нима?
6. Ўзанни тўсишининг банкетсиз усули нима?
7. Ўзанни тошташлама вилан тўсишида ишлар қандай босқичларда амалга оширилади?

#### **4.10. Қурилишни оқим усулида ташкил қилиш**

**Калит сўзлар:** оқим, қурилиш, режсалаштириш, ташкил қилиши, бошқарииш, календар режса, иши жараени, давомийлик, техника, участка, бригада, звено, капитал маблағ, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат.

##### **4.10.1. Оқим усулининг моҳияти, оқимларнинг турлари**

Қурилиш ишларини ташкил этишнинг оқимли (потокли) усули деб, қурилиш оқимларини бажаришнинг узлуксизлиги ва мутаносиблигини таъминловчи усулга айтилади. Қурилиш оқими уни бажаришнинг оқим усулида қуйидагича ташкил этилади:

- оқим таркибий қисмларга, масалан, иш операциялари ёки иш оқимларига ажратилади ва уларни оқимлар (потоклар) деб номлаш одат тусини олган;
- ҳар бир оқим зарурий машиналар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ишчилар звеноси ёки ихтисослашган бригадаси томонидан бажарилади;
- қурилиш обьекти қурилиш участкаларига (захваткаларига) бўлинади; бетон иншоот учун захваткалар қурилиш блоклари ёки конструктив блоклардан, канал учун – унинг қисмларидан иборат бўлиши мумкин;
- ҳар бир участкада мазкур қурилиш оқими таркибига кирувчи ишларнинг барчаси муайян технологик олдинма-кетинликда ишчиларнинг звенолари ёки ихтисослашган бригадалари томонидан бажарилади; бунда иш шундай ташкил этиладики, участкада бир оқим бажарилганидан кейин унинг ижрочилари кейинги участкага ўтади, уларнинг биринчи участкадаги ўрнини эса навбатдаги операцияни бажарувчи ишчилар эгаллайди ва х.к.

Пировард маҳсулотнинг таркибий тузилишига кўра хусусий, ихтисослашган ва обьект **оқимлари** (потоклари) фарқланади.

**Хусусий оқим (поток)** – бу ўзлари олдинма-кетин жойлашган участкаларда айни бир иш операцияси (оқими)ни бажарувчи ишчилар, улар звеносининг узлуксиз ва мутаносиб ишлаши.

**Ихтисослашган оқим (поток)** хусусий оқимлар (потоклар) йифиндисини бирлаштиради ва уларнинг амалга оширилиши натижасида участкада муайян технологик олдинма-кетинликда тайёр маҳсулот – иншоотнинг конструктив элементи яратилади ёки каналнинг бир қисми қурилади.

**Объект оқими (потоки)** пировард маҳсулоти алоҳида иншоот (бетон тўғон, насос станцияси, магистрал суғориш канали ва х.к.) бўлган ихтисослашган оқимлар (потоклар) йифиндисини ўзида ифодалайди.

Оқимли (потокли) қурилишни лойиҳалаш пайтида оқимлар (потоклар)нинг таркибий схемалари ишлаб чиқилади. 15.1-расмда магистрал канал қурилиши учун объект оқими (потоки)нинг таркибий схемаси, 15.2-расмда эса – бетонлаш блокларида бетон ишларини бажариш учун ихтисослашган оқим (поток)нинг таркибий схемаси мисол тариқасида келтирилган. Ушбу схемаларнинг биринчисида участка бўлиб каналнинг бир қисми, иккинчисида эса – бетонлаш блоки хизмат қиласи.

#### **4.10.2. Оқимнинг асосий параметрлари**

Оқимнинг асосий параметрлари қуйидагилардан иборат:

Оқимда иштирок этувчининг маҳсус сони –  $m$ , Участка(захват)лар сони –  $n$ , қайсики барча бўлинмалар ишни бажариши шарт, вақт оралиғи билан характерланувчи бригада (звено) мароми –  $t_{бр.и.ј}$ , қайсики і участкада  $J$  бўлинма иш бажаради, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ишни якунловчи вақт оралиғи оқим одими билан характерланади, вақт бирлиги давомида ишлаб чиқилган маҳсулот ёки бажарилган иш оқим тезлиги ёки иш унумдорлиги –  $\Pi$ , ишни бажараган  $j-1$  бўлинмадан сўнг  $i_{u,j}$  вақт оралиғида ишга тушувчи  $j$  бўлинма ва барча маҳсус бўлинмалар томонидан ишни бажаришнинг умумий давом этиш Т-лар ҳисобланади. Оқим параметрларини ҳисоблаш унинг сон қийматларини аниқлаш ва вақт бирлиги  $t_{u,j}$  ичида баҳолашдир, қайсики бунда

ишни бажаришнинг узлуксизлиги, барча маҳсус бўлинмаларнинг бандлиги таъминланади. Ҳисоблашлар шундай бўлиши керакки обьектдаги ишни бажаришнинг умумий давомийлиги (муддати) энг кам бўлиши лозим. Гидротехника қурилиши обьектларида иштирок этувчи маҳсус бўлинмалар сони  $m$  қурилишнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, сув тақсимлаш иншоотлари бўғинини қуришда ер ишларини бажарувчилар билан бетон, йиғма темир – бетон, металл, ёғоч ва бошқа ишларни ва уларни бажаришни боғлиқлиги участкалар ва маҳсус бўлинмалар тури ҳамда сони билан ишни бажаришни узликсизлиги таъминланиши асосида бажарилиши керак. Бригаданинг маъроми ( $t_{бр.i.j} = \text{const}$ ,  $i=1,2,\dots, n$  ва  $j=1,2, \dots, m$ ) ёки бир бирга teng. Биринчи ҳолатда маромли оқим ва иккинчидаги каррали маромлидир. Ҳар хил маромли оқимда бир бригада ишининг давомийлиги ҳар бир участкадаги ишининг давомийлиги ҳар хил бўлади ( $i=1,2,\dots, n$  учун  $t_{бр.i.j} = \text{const}$ , аммо  $t_{бр.i.1} \neq t_{бр.i.2} \neq t_{бр.i.n}$ ).

Норитмик оқимларда бир бригаданинг ҳар хил участкалардаги ритми ҳар хил бўлади.

Ритмик оқимни ҳар доим ҳам ташкил қилиб бўлмайди. Уни фақат ҳажми, шароти ва шунга ўхшашиб ишларни бажаришдагина ташкил қилиш мумкин. Масалан, бетон ишларида бир хил ўлчамли бетон блокларини ва шунга ўхшашиб ишларда ташкил қилиш мумкин. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган обьектлардаги ишларни ритмик оқимларини ташкил қилиш яхши самара беради. Чунки, иш вақтида бўш қолишларга йўл қўйилмайди, уни бартараф этилади. Алоҳида лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларда кўпинча норитмик оқимлар ташкил этилади ва ишлар амалга оширилади. Лекин, бир обьектларни ҳар тарафлама бир хил бўлган бўлакларида ҳам ритмик оқимларни ташкил қилиш мумкин бўлади.

#### 4.10.3. Ритмик ва карали ритмик оқим параметрларини

##### ҳисоблаш

Ҳар қандай календар режа, шу жумладан ритмик оқимларнинг календар режа одатда тасмали диаграмма ёки циклограмма билан тасвирланади. 4.15-а, расмда ритмик оқим кўрсатилган. Уларнинг ҳар бири ишни бажаришдаги бта участкани (захватка) ўтади. Ҳар бир бригада ўзидан олдинги бригада томонидан бир участкани тугатиши билан иш бошлайди. Бу графикда 1 кунлик фарқни кўрсатади. Бошқа бригадалар ҳам юқоридаги каби иш бошлайди ва ишни охиригача давом эттиради. Бригадаларнинг ҳаракат йўли графикда горизонтал (вақт) ва вертикал (участкалар) бўйича бир хил кўринишга эга. Ҳамма махсус бўлинмалар ишининг умумий давомийлиги кўйидагича бўлади.

$$T = (m-1) \cdot t_{\delta p} + nt_{\delta p} = (m+n-1)t_{\delta p} \quad (4.99)$$

Оқимдан тугалланган иш ёки ишлаб чиқарилган махсулот маълум вақтдан сўнг 1-участкадан чиқади, шунда

$$t_{uu} = (m-1) \cdot t_{\delta p} + t_{\delta p} = mt_{\delta p} \quad (4.100)$$

Кейинги ҳар бири учун:

$$t_{uu} = t_{\delta p} \quad (4.101)$$

Қайсики 1-участкадан сўнг ритмик оқимдаги одим бригада ритмига teng бўлади.

4.16 d - расмдаги ишчи кучи ҳаракати графиги кўрсатилган. Унда қурилишнинг Зта характерли қисми тасвирланган. Қурилишдаги ишларни кенгайиши ва ривожланиб бориши ( $t_{разв}$ ), қурилишда оқимдаги ҳамма бўлинмаларни ишга тушиши ва стабиллашуви ( $t_{уст}$ ) ҳамда ишларнинг амайиб бориши ( $t_{св}$ ) ёки айрим бўлинмаларнинг ишини яқинлашиши жараёнидир.

$$t_{разв} + t_{уст} + t_{св} = T \quad (4.102)$$

Олдинги расмлардаги маълумотлардан келиб чиқиб шунда:

$$t_{разв} = t_{св} = (m-1)t_{\delta p} \quad (4.103)$$


$$t_{ycm} = T - 2(m-1)t_{\delta p} = (n-m+1)t_{\delta p} \quad (4.104)$$

Каррали ритмик оқим (4.16-расм) ритмик оқимнинг алоҳида ҳолати ҳисобланади. Бунда алоҳида бригаданинг ритми бошқа бригадалар ритмига нисбатан бир неча марта кўп бўлади . Каррали ритмик оқимда бригада ичида бир неча бригада ташкил этилади. Шунинг ҳисобига қурилиш умумий муддатини маълум қисмга қисқартириш имкониятини яратилади. Агарда, оқимда факат битта бригада қатнашганда эди, у ҳолатда ҳир хил ритмни ташкил этиш бўларди.


a)

Brigadalar	Ish kunlari								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	I	II	III	IV	V	VI			
2		I	II	III	IV	V	VI		
3			I	II	III	IV	V	VI	
4				I	II	III	IV	V	VI
	$(m-1) t_{br}$				$n \times t_{br}$				


b)




d)




4.16-расм Ритмик оқим: а) чизикли календар графиги; б) циклограмма; д) ишчи кучи харакати графиги.



4.17-расм. Карралы ритмик оқим графиги.



4.18-расм Хар ҳил ритмли оқимга навбатдаги махсуслашган бригаданинг қўшилиш вақти оралиғини ҳисоблаш учун схема.



4.19-расм. Норитмик оқимда махсуслашган бригаданинг оқимга қўшилиш вақти учун схема.

Ҳар ҳил ритмли оқим каби бригаданинг маълум участкада узлуксизлик ва доимиийлик принципи асосида фаолият қўрсатади. Циклограммада тўғри чизик кўринишида бўлади (расм). Аммо, участкада бир вақтда ишлаш шароитини таъминлаш учун маълум вақт  $t_{uj}$  оралиғида оқимга навбатдаги бригада қўшилиши керак. Ҳар бир қўшилаётган бригада ўртасидаги вақт оралиғи турлича бўлади. Ҳар ҳил ритмли оқимларни ташкил қилишда авваламбор барча 1-бригаданинг ишни бошлиш вақти нол деб қаралади.

### *Назорат саволлари*

1. Курилишини оқим усулида ташкил қилишининг моҳияти нимада?

2. Қурилишда оқимларнинг қандай турлари маълум?
3. Оқимларнинг параметрлари қандай ҳисобланади?
4. Қурилишининг оқим усулида ташкил қилишининг мақсади ва вазифалари нимада?
5. Ритмик (маромли) оқимлар параметрларини қандай ҳисобланади?
6. Норитмик оқим параметрларини қандай ҳисобланади?
7. Циклограмма нима?
8. Матрица шаклидаги оқимнинг характерли томони нимада?

## **V БОБ. ГИДРОТЕХНИК ҚУРИЛИШИДА РЕЖАЛАШТИРИШ**

*Калит сўзлар:* гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил қилиши, бошқарши, календар режса, вақт, меъёр, ҳужжат, иқтисодий самара.

### **5.1. Календар режа тўғрисида умумий тушунча ва унинг аҳамияти**

Календар режа режалаштиришнинг натижаси ҳисобланади. Режалаштириш деб умумий мақсад ва вазифаларни аниқ имкониятлар билан боғлаб ҳаракат ёки ишни бажарилиш муддатини, кетма кетлигини, тартибини ва тадбирлар тизимини олдиндан белгилаш жараёни, яъни режани тузиш жараёни тушунилади.

Қурилишда режалаштириш календар (календар режани тузиш) ва ташкилотнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини режалаштириш турларига бўлинади. Календар режа асосан лойиҳанинг қурилишни ташкил қилиш ва ишни бажариш лойиҳаси босқичларида тузилиб, у асосан техник вазифаларни бажаради.

Календар режа маълум қурилишни амалга оширишда ҳам раҳбар учун, ҳам инженер-техник ходимлар учун ишни ташкил этишда асосий ҳужжат ҳисобланади. Маблағни ўзлаштириш учун асос бўлади. Ундан эксперталар кенг фойдаланади. Иш фаолиятида қурилишларни таҳлил этишнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Календар режа қўйилган вазифа бўйича умумлашган ва деталлашган кўринишда тузилади.

## **5.2. Қурилиш давомийлигини аниқлашнинг умумий принциплари ва объектни ишга тушириш муддати**

Қурилиш бошланишидан унинг тугаллашгача бўлган вақт, яъни қурилишни бажариш муддати календар режалаштиришнинг муҳим масаласи ҳисобланади. Қурилишнинг давомийлиги аксарият ҳолатларда календар режанинг бошқа кўрсаткичларини аниқлайди.

Бир қурилиш ҳар хил муддатда бажарилиши мумкин. Қурилишни энг кам муддати унга сарфланадиган ҳаражатларнинг энг кам миқдорини ташкил этиши мумкин. Бунга келтирилган ҳаражатларни ҳисоблаб эришилади. Буни бир нечта вариант ҳисоблашларнинг натижасини солиштириш билан аниқланиши мумкин. Бунда ишни бажариш шароитлари, меҳнат хавфсизлиги талабарини ҳисобга олиш керак. Гидротехника объектлари қурилишида унинг қурилиш таннархи ва хизмат кўрсатиш натижасида келтирадиган самараларни ҳисобга олинади.

Гидротехника объектлари қурилиши ҳам бошқа соҳа йирик қурилишлари каби асосан икки хил кўрсаткичлар бўйича иқтисодий асосланади. Биринчидан барча варианtlар бир хил вазифани амалга ошириши кўзда тутилади. Шу вазифани бажариш бўйича кўрсаткичлар солиштирилади; иккинчиси сарфланаётган капитал қўйилмалар ва йиллик ҳаражатлар барча варианtlар бўйича базис йилга келтирилади. Базис йили деб қурилишни бошланишидан олдинги йил ёки қурилиш бошланишидан олдинги хохлаган бир йил қабул қилинади. Базис йили асосида қабул қилинган йилнинг тегишли кўрсаткичлари қабул қилинади. Қурилиш обьектининг ишга туширилиши халқ хўжалиги талаби асосида бўладиган бўлса бу маълум аниқ белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги ва умуман халқ хўжалиги режалари бажарилмай қолади. Бу, обьект билан боғлиқ бўлган барча тизимларда маълум кутилмаган ишлар амалга оширилишига сабаб бўлади, хўжалик шароити ва молиявий муаммоларга олиб келиши мумкин. Шартномавий мажбуриятларни бажарилмаслиги занжир принципида барча

корхона ва ташкилотларга ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Давлат буюртмалари бажарилмай қолади. Қурилиш оптимал муддатини аниқлаш масаласи етарлича мураккабдир. Ҳар бир вариантни баҳолашда унга кирган ва қурилиш муддатига таъсир қилувчи ҳар бир бўғинни кузатиш ва баҳолаш лозим. Ҳар бир белгиланган қурилиш муддатига керакли оптимал технология, машина-механизм, ишни тезлик даражасини аниқлаш лозим. Масалан, қурилиш машиналарини танлаш ва аниқлашда қуидагилардан фойдаланиш тўғри бўлади.

Машина ва механизмларни танлашдаги ташкилий факторлар қурилишни ўз вактида бажариш, машиналарни жойлаштириш, машиналарни олиш, машиналарни комплектлаштир. Дастребки техник ва ташкилий талаблар асосида машиналарни танлаш ишлари бажариб бўлгандан сўнг якуний хуроса қилиш учун солиширима техник-иктисодий ҳисоблаш бажарилади.

Иктиносидий қулай бўлган вариант танланади. Шундан асосий техник-иктисодий кўрсаткичлар сифатида қуидагилар ҳисобланади:

- маълум иш турининг таннархи;
- машиналарни сотиб олиш учун бир марталик харажатлар (капитал қўйилмалар);
- машиналарни қўллашда ишни бажариш муддати.

Келтирилган харажатлар асосида машиналарнинг бир бирига солишириш ҳисоби қуидагича бажарилади:

$$\mathcal{E} = A[(C_1 - C_2) + E_h(K_1 - K_2)] \quad (5.1)$$

бу ерда:  $\mathcal{E}$  – бутун иш учун иктиносидий самара;

$A$  – қурилиш-монтаж ишларининг миқдори;

$C_1, C_2$  – таққосланаётган вариантлар учун қурилиш-монтаж ишларининг таннархи;

$E_h$  – капитал маблағларнинг самарадорлик меъёрий коэффициенти ( $0,12\dots0,15$ );

$K_1$ ,  $K_2$  – капитал қўйилмалар қурилиш-монтаж ишлари бирлиги хисобида.

Қурилишни бажаришда мураккаб табиий шароитлар хисобга олиниши керак. Бунда меҳнат унумдорлигининг камайиш коэффициенти ( $K_{np}$ ) хисобланади.

$$K_{np} = K_n \cdot K_y \quad (5.2)$$

бу ерда:  $K_n$  – табиий шароит сабабли бўш туриб қолишни хисобга олиш коэффициенти, агарда бўш туриш 20% бўлса  $K_n = 0,8$ ;  $K_y$  – иш унумдорлигини хисобга олиш коэффициенти, меъёрий ҳужжат бўйича қабул қилинади.

### **5.3. Меъёрлар қўлланиладиган объектлар учун календар режани тузиш ва қурилиш муддатини аниқлаш**

Қурилиш муддати уч қисмдан: тайёргарлик, асосий ва якунлаш (тугаллаш) бўлимларини ўз ичига олади. Қурилишнинг тайёргарлик босқичида қурилиш майдонида асосий ишни бошлаш учун тайёргарлик ишлари амалга оширилади, қурувчи ташкилотни лойиха ҳужжатлари билан таъминлаш, қурувчиларнинг вақтинчалик яшаш жойини яратиш, юриш йўллари, машина-механизмларни келтириш, асбоб-ускуналарни тайёрлаш ва умуман ишлаб чиқариш базаларини яратиш ва шунга ўхшашиб ишлар бажарилади. Қурилишнинг асосий қисмида асосий иншоотни барпо этиш билан боғлиқ ишлар тушунилади. Қурилишни тугаллаш босқичида асосий объектни ишга тушириш, механизмларни ва вақтинчалик жиҳозларни олиб кетиш ва умуман асосий объектни ишлатиш билан боғлиқ бўлмаган барча фаолиятларни тугатиш тушунилади. Меъёрларда қурилишни тайёргарлик ва якунлаш босқичларига умумий муддатнинг ўн фоизигача қисми белгиланади.

Меъёрда берилган маълумотлардан қурилиш муддатини аниқлаш учун асос бўлувчи миқдорлар фарқ қилган тақдирда керакли муддатни аниқлаш учун интерполяция усули қўлланилади.

Шундай қилиб қурилишнинг умумий муддати қўйидагича аниқланади.

$$T_{ym} = (T + T_1 K_1) K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \quad (5.3)$$

Бу ерда: Т – асосий комплекс қурилишининг меъёрий муддати;

$T_1$  – асосий комплекс қурилишида ҳисобланмаган қурилиш майдони ичидағи қўшимча иншоотлар қурилишининг меъёрий муддати;

$K_1$  – ишларнинг қўшилиш имкониятини ҳисобга олиш коэффициенти (амалдаги меъёрлар бўйича  $K_1 = 0,5$ );

$K_2$ ,  $K_3$ ,  $K_4$  – қурилишхудуди шароитини ҳисобга олиш коэффициенти (худуд, зилзила, чўл).

Қурилишнинг ҳисобий муддати учун капитал маблағ ҳажмининг ўсиб борувчи якуни билан кварталлар бўйича тақсимланиши

$$K_n^1 = K_n + (K_{n+1} - K_a)d_1 \quad (5.4)$$

бу ерда:  $K_n$  –коэффициент бутун сонга тўғри келадиган, квартал учун меъёр бўйича қабул қилинган смета баҳосидан ўсиб борувчи якун бўйича фоиз кўрсаткичи.  $d$  коэффициент =  $(T/T_{ym}) \cdot n$  ифода ёрдамида ҳисобланади.

$n$  – кварталнинг тартиб сони;

$d$  – коэффициент.

#### **5.4. Меъёрлар қўлланилмайдиган йирик гидротехник обьектлар учун қурилиш муддатини аниқлаш**

Мавзуда кўрсатилган обьектларга фанда шартли равишда тўғон баландлиги 50 м.дан кўп бўлган барча гидротехник иншоотлар, гидроузеллар ва мутлақ баландлиги 1500 м. ва ундан юқори бўлган, тоғлик ҳудудларда барпо этадиган иншоотлар киради. Уларнинг қурилиш муддати қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида умумий ҳолатлар асосида аниқланади. Бу ҳолатда ҳисобий келтирилган харажатлар таркибиغا кирувчи ва кўрилаётган варианtlар учун қурилиш календар режаси тузилиши керак ва тааллуқли ўзгарувчан элементар ҳамда уларнинг кўрсаткичлари аниқланади. Бу муддатларни қатор обьектлар учун илғор техника ва технологияларни, ўхшаш обьектлардаги ишларнинг тезлиги бўйича маълумотларни ҳисобга олиб техник-иктисодий яқинлашиш билан аниқлаш мумкин.

Қурилиш муддати давомийлигини аниқлашнинг асосий элементларидан бири календар режани тузишdir. Бунинг қатъий асосланган умумий алгоритми мавжуд эмас. Лойихаларда турли хил ёндошишлар мавжуд. Бу тажриба ва кўникмалар асосида амалга оширилади. Куйида календар режа тузишнинг тавсия этиладиган кетма-кетлиги келтирилган.

Авваламбор иншоотнинг компоновкаси ва тузилишига боғлиқхолда қурилиш сувини ўтказиш схемалари, тошқин сувларини ўтказиш шароитлари ва сув омборларини тўлдириш, агрегатларни ишга тушириш ва бошқаларни ҳисобга олиб қурилишнинг характерли босқичлари белгиланади. Қурилишҳар бир босқичини амалга ошириш учун минимал иш ҳажмини аниқлаш ва танлаш принципи қўлланилади. Бунда қурилишни амалда мумкинлиги ҳисобга олиниши лозим. Қурилишни амалга оширишда танланган вариант техник-иктисодий талабларга жавоб бериш мумкин бўлмайди. Шу сабабдан қурилиш календар режасини тузишда лойиҳачиларнинг амалий тажрибаларидан унумли фойдаланиш лозим. Тузилган календар режада, юқорида кўрсатилган шароитни ҳисобга олиб бажариладиган иш техник-иктисодий ва технологик талабларни қаноатлантириши керак. Бунга лойиҳаларни экспертиза қилиш босқичида ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Йирик иншоотларни лойиҳалаш ва қурилиш амалиётида уларни қисимларга бўлиб амалга оширилади. Бунда иншоотқисмларини қуришни амалга оширишда босқичларнинг кетма-кетлигига жуда ката аҳамият бериш керак. Чунки, аксарият холларда иншоотларнинг дастлабки босқичлари асосан ёпилиб кетадиган бўлади. Бунда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Акс ҳолда жудда катта моддий заарага сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Дастлабки тайёргарликлардан сўнг асосий режани тузишга киришиш мумкин. Режани тузишнинг дастлабки босқичида ишни бориш тезлиги ва ресурслар маълум бўлмайди. Шу сабабли графикни тузиш бир неча босқичларда бажарилади. Биринчи босқичда белгиланган қурилиш муддатларда каледар режани умумлашган чизиқли модели тузилади. Бунда

алоҳида босқичларнинг давомийлиги маълум босқичлардаги иш ҳажмлари бажариши мумкин бўлган иш суръти асос қилиб олинади. Якуний режада ўхшаш (аналог) обьектлардаги тажрибалар, аниқ технология ва ишни механизациялаш ҳисобга олинади ва тузилади.

Босқичларнинг календар муддати дарё гидрологик режими билан боғланади. Бунда бошқа шароитларни босқич давомийлиги ва муддатига таъсири ҳисобга олинади. Масалан, ўзанни тўсиш, тўсиқни тиклаш, сув омборини тўлдириш ва бошқалар.

Курилишни ташкил қилиш лойиҳасига мувофиқкурилиш варианtlарининг асосий даври умумий давомийлиги алоҳида босқичлар варианtlари давомийлигидан тузилади.

$$\text{Шунда: } T_{ac} = \sum_{k=1}^n T_k \quad (5.5)$$

Бу ерда:  $T_{ac}$  – қурилиш умумий даврининг давомийлиги;

$T_k$  – қурилиш “к” босқичнинг давомийлиги;

$K$  – босқичнинг давомийлиги;

$n$  – босқичлар сони.

Шундай қилиб қурилиш алоҳида босқичларининг давомийлиги ва асосий ишлар ҳажмини асосида ишнинг ўртача тезлиги иншоот ва бутун гидроузел бўйича ҳар хил босқичлар учун аниқланади. Шунда  $j$  – иш турининг  $K$  босқичининг I иншоотни барпо этишда қўйдагича аниқланади.

$$I_{ijk} = \frac{V_{ijk}}{(T_k - \Delta T_{ijk})} \quad (5.6)$$

Бу ерда:  $i$  – иш тури номери;

$j$  – иншоот номери;

$V_{ijk}$  – маълум босқичда бажаришга тўғри келадиган энг кам иш миқдори;

$T_k$  – к босқичнинг умумий давомийлиги;

Иншоотда  $i$  ишнинг ташкилий ишлаб чиқариш, иқлим шароитда сабабли эҳтимолий тўхталиши (кечикиши).

Қурилишнинг“к” босқичида і ишнинг гидроузел бўйича умумий ўртacha тезлиги

$$I_{ik} = \sum_{j=1}^m I_{ijk} \quad (5.7)$$

Бу ерда:  $m$  – иншоотлар сони.

Жамлашда гидроузел бўйича бир вақтда бажариладиган иш ҳисобланади.

Ҳисоблашлар натижалари асосида иншоот ва бутун гидроузел бўйича ҳар бир босқичида ҳар хил ишларнинг ўртacha тезлигининг тааллуқли графиги қурилади. Бунда ҳар бир ишнинг максимал ўртacha тезлиги қизиқтирилади., чунки бу тезлик воситалар комплексининг иш унимдорлигинианиқлаш учун ўртacha тезликни аниқлайди. Бу алоҳида иншоот ёки бутун гидроузел бўйича амалга оширилади.

Ишнинг ҳисобий тезлигини биринчи ёндашувида қўйидагича аниқлаш мумкин.

$$I_i^p = I_{ik} k_{hom} \quad (5.8)$$

Бу ерда:  $I_k$  – маълум иш турини максимак тезлик билан номерланиши;  $k_{hom}$  – ишни олиб боришнинг нотекислик коэффиценти, бу иншоот ёки бутун гидроузел учун ойлик, мавсумий ва йиллик бўлиши мумкин. Унинг миқдори аниқ шароитга ва ҳисоблаш даврига боғлиқ бўлиб ресурсларга талабни аниқлаш учун керак.

Бунинг қиймати ўхшаш (аналог) иншотларда аниқлангани бўйича олиниши мумкин.  $K_{not}$  – коэффициенти миқдори қанчалик кичик бўлса (ҳар хил ҳолатда ҳам бирдан ката бўлади) ишдаги ресурсларни режалаштириш яхши бўлганлигини кўрсатади. Лойиха ва қурилиш амалиётида  $K_{not}$  коэффициентинг қиймати 1,5 дан ошмаслиги белгиланган.

## 5.5.Календар режани тузиш

### 5.5.1.Календар режанинг чизиқли модели

Объект қурилишининг тўғри чизиқли графиги кўринишидаги календар режаси объектни тиклашда амалга ошириладиган умумқурилиш, маҳсус ва

монтаж ишларининг бажарилиш муддатлари ва давомийлигини аниқлаш учун қулланилади. Бу муддатлар айрим турдаги ишларни бажариш муддатлари, асосий заҳиралар, биринчи навбатда ишчи бригадалар ва етакчи механизмлар таркиби ва миқдорини ҳисобга олиш, шунингдек, қурилиш ҳудудининг маҳсус шароитлари ва бошқа омилларнинг узвий боғлиқлиги натижасига кўра ўрнатиласди. Календар режа бўйича меҳнат ва моддий-техник заҳиралар, шунингдек, барча турдаги асбоб-ускуналар етказиб бериш муддатлари вақт бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бундай ҳисоб-китобларни яхлит қурилиш обьекти ва алоҳида даврлар бўйича ҳам амалга ошириш мумкин. Календар режалар асосида ишларнинг бориши ва бажарувчиларнинг ишлари назорат қилинади. Календар режада ҳисоб-китоб қилинган ишлар муддатларидан кейинги режа ҳужжатларида, масалан, хафталик-суткалик графиклар ва смена топшириқарида фойдаланилади.

Календар режани ишлаб чиқиши тартиби қўйидагича:

1. Ишлар рўйхати тузилади.
2. Унинг асосида ҳар бир иш турининг ҳажми аниқланади.
3. Етакчи машиналар ва асосий ишларни ишлаб чиқариш усувлари танлаб олинади.
4. Машина сарфи ва меҳнат сарфи меъёрлари ҳисоб-китоб қилинади.
5. Бригада ва звенолар таркиби аниқланади.
6. Ишлар бажарилишининг технологик кетма кетлиги ишлаб чиқилади.
7. Иш сменалари ўрнатиласди.
8. Асосий ишлар давомийлиги ва уларнинг ўзаро алмашиниши аниқланади; ушбу маълумотлар асосида бир вақтнинг ўзида бажарувчилар сонига ва сменаларига тузатиш киритиласди.
9. Меъёрий давомийлик ва ҳисоб-китоб бўйича давомийлик солишириласди ва тегишли тузатишлар киритиласди.
10. Бажарилган режа асосида заҳираларга талаб ва уларнинг таъминоти ишлаб чиқиласди.

Технологик карталар мавжуд бўлган ҳолларда технологик карталар билан маҳаллий шароитларнинг (муддатларнинг, етакчи механизмларнинг мутаносиблиги, зарур заҳираларнинг мавжудлиги ва бошқалар) мослиги ўрганилади ва карта маълумотлари алоҳида ишларни ҳисоб китоб қилишда қулланилади. Шундай қилиб, иншоотнинг технологик картаси мавжуд бўлса, қурилиши графигини тузишда, мазкур картада кўрсатилган монтаж муддатлари ва заҳираларга бўлган талаб ҳисоб китобидан фойдаланиш мумкин. Графикнинг олдин ўнг томони, кейин чап томонини тўлдириш тартибини кўриб чиқамиз (5.1-жадвал).

Лойиҳа тайёргарлик ишлари таркибидаги календар режаларни ишлаб чиқиш учун илк маълумотлар қуидагилардир:

- қурилиш лойиҳаси ҳужжатлари таркибидаги календар режа;
- қурилиш давомийлиги меъёрлари ёки директив топширик;
- қурилиш, монтаж ва маҳсус ишлар учун технологик карталар;
- ишчи ҳужжатлар ва смета;
- қурилиш иштирокчилари-ташқилотлар, бригадалар таркиби ва улар эришган меҳнат унумдорлиги, мавжуд механизмлар ва зарур моддий заҳиралар олиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар.

### 5.1-жадвал

#### **Объект(ишлар тури) бўйича ишлар ишлаб чиқариш календар режаси**

Ишлар рўйхати	Ишлар ҳажми		Мехнат сарфла-ри	Талаб қилинадиган машиналар		Ишнинг давомий-лиги, кун	Смена-сони	Бир смена-даги ишлар сони	Бригада таркиби	Иш графиги, (кунлар, ойлар)
	ўлчов бир-лиги	Миқдо-ри		киши	номи					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

--	--	--	--	--	--	--	--	--

Жавобгар шахс \_\_\_\_\_

(имзо)

Объект учун ишлар календар режаси икки қисмдан иборат бўлади: чап томони – ҳисоб китоб ва ўнг томони – график. Шунинг учун бу режалар графиклар дейилади. График қисми тўғри чизиқли ( Тўғри чизиқли графиги, циклограмма) ёки тармоқли бўлиши мумкин.

**Ишлар рўйхати** (1-устун) ишларнинг турлари ва даврлари бўйича бажарилишига кўра технологик кетма кетликда тўлдирилади. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1. График ўқиш учун қулай қилиш мақсадида имконият даражасида ишларни бирлаштириш, йириклаштириш лозим.

2. Шу билан бирга ишларни йириклаштиришнинг чегараси бўлиши керак: турли бажарувчилар (участкалар, бригадалар, звенолар) томонидан бажариладиган ишларни бирлаштириш мумкин эмас, бир бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар тўамида эса, кейинги бригада бажариши керак бўладиган ишлар қисмини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Иншоотнинг умумқурилиш ишларини битта бригада олиб боради, шундан келиб чиқиб унинг ишини битта сатрда кўрсатиш мумкин. Бирок, иншоот қурилишида бир нечта бригада иштирок этганлиги учун умумқурилиш ишларини қаватлар, шунингдек алоҳида қисмлар бўйича ишларга бўлиш лозим. Бунда санитар-техник ва электромонтаж ишларини бошлаш муддатини аниқлаш имкони бўлади. Ўз навбатида маҳсус ишларнинг маълум бир қисми тугалланиши полларни тайёрлаш каби кейинги ишларни бажаришга имкон яратади. Шундай қилиб, графикда ишларни бирлаштириш технологик – жараёнлар кетма-кетлиги, ташқилий – ишларни бажарувчилар ўртасида тақсимлаш каби омиллар билан чегараланган. Бунда субпудрат ташқилотларининг ишлари батафсил режалаштирилмайди, унда фақат бош

пудратчи ва ўзининг бажарадиган ишлари ўртасидаги боғлиқлик ўз аксини топади.

**Ишлар ҳажми**(2,3 устунлар) ишчи ҳужжатлар ва сметалар бўйича аниқланади. Иш ҳажмларини сметалардан танлаш кам меҳнат талаб қиласи, Бироқ, сметаларда иш ҳажмлари қисмларга бўлинмаганлиги учун сметалар бўйича ҳисоб китобларнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадида айrim ишлар бўйича бевосита ишчи ҳужжатларга ва уларнинг иловаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Ишлар ҳажмини йирик меъёрлар мажмууда ёки ягона меъёрлар ва баҳоларда кўрсатилган бирликларда аниқлаш лозим. Махсус ишлар ҳажмлари (смета бўйича) қиймат кўринишида, йирик кўрсаткичлардан фойдаланганда эса, тегишли улчов бирликларида аниқланади.

**Меҳнат сарфи** (4-устун) ва машина вақти сарфи (5-6-устун) турли меъёрлар бўйича ҳисобланади. Календар режанинг объективлиги кўпчилик ҳолларда меҳнат сарфи бўйича маълумот манбаларини танлаш билан аниқланади.

Меъёрий база бўлиб қуидагилар хизмат қилиши мумкин:

- меъёрлар ва баҳолар;
- калькуляция;
- смета меъёрлари;
- йириклиштирилган комплекс меъёрлар;
- бажарилган иш натура кўринишида (м3/қиши куни ва бошқалар), қиймат кўринишида (сум/қиши куни ва бошқалар) ёки ҳажмли конструктив ўлчамда(қиши куни/қават, қиши куни/квартира ва бошқалар)

Биринчи учта базанинг камчлиги шундаки, у барча ҳолатлар учун ўртача маълумотларга асосланади. Турли ташқилотларда ҳақиқий самараадорлик меъёри билан солиштирилганда 1,5.....2 баравар, айrim ҳолларда ундан ҳам кўп фарқ қиласи.

Калькуляция барча ишлар мажмуасини тўлиқ ҳисобга олиш имконини беради, Бироқ уларни тузиш кўп меҳнат ва юқори малака талаб қиласи. Ягона

меъёр ва баҳолашга ўхшаб меъёрлар бўйича меъёрлаштириш – жуда кўп меҳнат талаб қиласиган жараён. Шунинг учун қўпчилик йирик ташқилотларда режалаштириш мақсадларида ишлаб чиқариш кал’кулятсияси асосида ишлаб чиқилган йириклаштирилган меъёрлардан фойдаланилади. Йириклаштирилган меъёрлар иншоот ёки унинг қисми (секция, ярус ва бошқалар) ишлари, конструктив элемент ёки комплекс жараё н учунузилади.

Йириклаштирилган меъёрлар меҳнат самарадорлигининг эришилган даражасини ҳисобга олади . Йириклаштирилган меъёрлар бўлмагандан меҳнат сарфи калькуляциси тузилади ва калькуляциси натижалари графика ёзиди. Йириклаштирилган меъёрлар умумий объективликка эга. Бирок, ўртача маълумотлардан фойдаланилганлиги сабабли алоҳида бригадалар, объект ёки иш шароитининг ўзига хослигини акс эттирилмайди.

Умуман олганда меъёр қанчалик йирик бўлса, у шунчалик аниқликдан йироқ бўлади. Кўпроқ аниқликни мазкур бригаданинг бир хил турдаги объектда эришган самарадорлиги ҳақидаги маълумот таъминлайди.

**Ишларнинг давомийлиги** (7 устун). Календар режа тузиш пайтида машина ва механизмлар танланган ҳамда ишларни бажариш усуллари аниқланган бўлиши керак. График тузиш жараёнида асосий машиналарни 2...3 смена танаффусиз ишлатиш шароитларини таъминлашни кўзда тутиш керак.

Механизациялашган ишларнинг давомийлиги машиналарнинг иш самарадорлигидан келиб чиқиб ўрнатилиши керак. Шунинг учун олдин график тузилишига асос бўладиган, Механизациялашган ишларнинг давомийлиги, кейин қўлда бажариладиган ишларнинг давомийлиги ҳисобга олинади. Механизациялашган ишларнинг бажарилиш давомийлиги қўйидаги формула билан аниқланади:

$$T_{\text{мех}} = N_{\text{маш-см}} / (n_{\text{маш}} m) \quad (5.10)$$

бу ерда:  $N_{\text{маш-см}}$  – бир сменада талаб қилинадиган машиналар сони(6-устун);  $n_{\text{маш}}$  – машиналар сони;  $m$ - бир суткада сменалар сони (8-устун).

Талаб қилинадиган машиналар сони қурилиш монтаж ишлари ҳажми ва уларни бажариш муддатларига боғлиқ бўлади. Кўлда бажариладиган ишлар давомийлиги Тр (кунлар) ишларни бажариш учун сарф қилиналигидан меҳнат сарфини  $Q_p$ (қиши-кунлари) ишчилар сонига  $n_4$ , бўлиш орқали аниқланади:

$$T_p = Q_p / n_4 \quad (5.11)$$

Кўлда қилинадиган ишларда банд бўлган ишчилар сонини жами иш ҳажмини битта звено ишчиларининг бир сменадаги иш самарадорлигига тенг миқдорга бўлиш орқали топиш мумкин. Блоклар миқдорини звенолар сонига кўпайтириш бригададаги ишчилар сонини беради.

Давомийликни минималлаштириш уч хил чегарага эга:

- а) ишнинг катта кичиклиги;
- б) ишчиларнинг мавжудлиги;
- в) ишлар технологияси.

Айрим ишларнинг минимал давомийлиги шу ишларни бажариш технологияси билан аниқланади, масалан, бетон.грунт ва бошқа ишлар.

**Сменалар сони** (8-устун). Асосий машиналарни (монтаж кранлари ва бошқалар) ишлатишда камида иккита иш сменаси белгиланади. Машиналардан фойдаланилмайдиган ишлар одатда битта сменада олиб борилади. Кўлда бажариладиган ва механизациялашган асбоб ёрдамида бажариладиган ишлар сменалиги ишлар ҳажми ва ишчи кадрлар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Одатда, ишлар етарли бўлганда бир сменада режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Биринчи сменада яхши меҳнат шароитлари мавжуд бўлади, ишларни аниқ ташқил қилиш ва бошқариш имконияти ошади, шу билан бирга юқори самарадорлик таъминланади. Кўлда бажариладиган ишлар иш жуда кўп бўлган ҳолларда ва бригада (звено) сменаларга бўлиннишга мажбур бўлиб қолган ҳоллардагина иккинчи смена тайинланади.

**Сменадаги ишчилар сони ва бригада таркиби** меҳнат сарфи ва ишларнинг давомийлигини асосида аниқланади. Бригада таркиби ҳисоблашда шунга эътибор бериш керакки, биринчи ишдан иккинчисига ўтаётганда

бригаданинг миқдорий ва малакавий таркиби ўзгармаслиги керак. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, бригадада касблар ўриндошлигининг рационал таркиби ўрнатилади.

Бригадага топширилаётган ишлар комплексига бир бири билан технологик жихатдан боғлиқ ҳамда етакчи машинанинг узлуксиз ишлаши учун зарур бўлган ишлар киради. Бригаданинг миқдорий таркиби етакчи машинанинг самарадорлигига мос келиши учун машинанинг иш вақтидан келиб чиқиб аниқланадиган иш муддатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофик.

Ҳар бир звенонинг миқдорий таркиби  $n_{zb}$  звенога топширилган иш учун кетадиган меҳнат сарфи  $Q_p$  (қиши-кунлари) ва етакчи жараённинг бажарилиш давомийлиги  $T_{mex}$  (кунлар) асосида қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_{zb} = Q_p / (T_{mex} m) \quad (5.12)$$

Бригаданинг миқдорий таркиби бригада таркибидаги ҳама звенолар ишчилари сонини кушиш орқали аниқланади.

Касблар ва разрядлар бўйича меҳнат сарфи калькуляциядан меҳнат ҳаражатларини танлаб олиш йўли билан ўрнатилади. Касблар ва разрядлар бўйича ишчилар сони  $n_{np}$  қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$n_{np} = N_{bp} d, \quad (5.13)$$

бу ерда:  $N_{bp}$  – бригаданинг умумий сони;  $d$ - касблар ва разрядлар бўйича меҳнат ҳаражатларини умумий меҳнат сарфидаги улуши.

**Календар режанинг чизиқли моделида** ишларнинг турлари чизиқ ёки тасма кўринишига эга. Тасманинг чап бошланиш учи ишнинг бошланиш ва ўнг учи ишни тугаллаш муддатини кўрсатади. Графикда барча иш турлари шартли равишда ноль муддатдан бошланган, яъни қурилишни бошланган муддатидан ҳисоблаб бошланиш ва тугаллаш вақтлари кўрсатилган. Шунга асосан ҳар бир ишнинг бир-бирига нисбатан кетма-кетлиги белгиланади. Ҳар бир иш ва умуман қурилиш обеъкти бўйича иш ва қурилиш жараённинг тугалланиши кўрилади. Календар графикда қурилиш муддатларидан ташқари

хар бир иш учун қуриш манбалариға бўлган истеъмол талабини ҳам кўрсатиш мумкин.

Ishlar	Ish muddati									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
A	██████████									
B	██████████									
D	██████████									
E				██████████						
F				████████████████						
G					██████████					
H					████					
I				██████████						
J					████████████████					
K						██████████				
L					██████████					

5.1-расм. Календар режанинг чизиқли модели.

Календар режанинг чизиқли модели ўтган юз йилликда ҳам маълум эди. У оддийлиги, қўлланиши ва тушунарлилиги билан ҳар хил даражада муҳокама қилиш учун яроқлидир. Ҳозирги кунда ҳам у календар режанинг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Лекин маълум камчиликлари мавжуд. Шулардан бири уни автоматлаштириб бўлмаслигидир. Унда иш турлари бўйича технологик боғланишлар кўрсайлмайди, бунинг эса қурилишни ташкил қилишда муҳим аҳамияти бор.

Тасмали диаграмма кичик қурилиш объектлари учун қулайдир. Уни ката қурилиш комплекслари учун тузиш, ишни ўзгариши бўйича ўзгартириб қўлда бажарилади. Шунинг учун тасмали диаграммани кичик қурилишлар учун қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### *Назорат саволлари*

1. Қурилишида календар режсалардан фойдаланишининг аҳамияти нимада?
2. Календар режанинг тузишнинг мақсади нима?
3. Календар режанинг қандай турларини биласиз?
4. Календар режа ва режсалаштиришининг фарқи нимада?

5. Қурилиш муддатини аниқлашида календар режалаштиришининг қандай аҳамияти бор?
6. Календар режаларни бошқаришдаги аҳамияти нимада?
7. Каледар режсани лойиҳанинг қайси босқичида тузилади?
8. Календар режсани фойдаланиши учун қандай шаклари бор?
9. Календар режсанинг чизиқли модели ва ундан қандай фойдаланилади?

### **5.5.2. Қурилишда календар режалаштиришнинг тармоқли модели**

Замонавий ишлаб чиқариш оқимлари, шу жумладан қурилиш оқимлари технологик жиҳатдан ўта мураккаблиги, механизациялаштириш даражасининг юқорилиги ва уларда кўп сонли ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши билан ажralиб туради.

Бундай оқимларни изчил бошқариш учун маҳсус тармоқлаб режалаштириш ва бошқариш тизими ишлаб чиқилган. У тармоқ графикларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, тизимда улар ишлаб чиқариш оқимининг график модели сифатида амал қиласи.


Тармоқ графиклари ишлаб чиқариш оқимининг технологик ривожланиши тасвирининг кўргазмалилиги билан ажralиб туради ва уни лойиҳалаш ва бошқариш учун математик методларни қўллаш имконини беради.

**Тармоқ графики элементлари** жумласига қуйидагилар киради: доиралар билан тасвирланадиган воқеалар; ишлар ва воқеаларнинг узлуксиз йифиндисини ўзида ифодаловчи турли йўллар (16.1-расм).

**Воқеа** – бу бир ёки бир нечта бошқа ишларни бошлаш учун зарур ва етарли бўлган бир ёки бир нечта ишларнинг тугалланганлиги.

Масалан, “тўғон учун котлован лойиҳавий сатҳ белгиларигача қазилди” воқеаси тўғон учун заминни тайёрлаш билан боғлиқ ишларни бошлаш учун имконият яратади.

Графикда воқеага рақам берилади ва у воқеани ифодаловчи доира ичига қўйилади. Ҳар бир воқеа ундан келиб чиқадиган ишларга нисбатан олдинги, унга кирувчи ишларга нисбатан эса – кейинги ҳисобланади. Масалан, 1-сон тармоқ графикида (5.1-расмга қаранг) 2 воқеа 2–3 ва 2–4 ишларга нисбатан олдинги ва 0–2 ва 1–2 ишларга нисбатан – кейинги ҳисобланади.



5.2-расм. 1-сон тармоқ графики.


Ўзидан олдин бажарилган ишларга эга бўлмаган воқеа дастлабки воқеа деб аталади. У ишлаб чиқариш оқимини бошлиш имкониятини белгилайди. Ушбу оқим модели бўлиб тармоқ графики хизмат қиласди, масалан, “лойиха тасдиқланди; ишлаб чиқариш фонdlари ажратилди; қурилишни молиялаштириш очилди” воқеаси. Кейинги ишларга эга бўлмаган воқеа пировард воқеа деб аталади. У ишлаб чиқариш оқими тугалланганини тавсифлайди, масалан, “қурилиш якунланди; объект фойдаланишга топширилди” воқеаси.

**Иш** – бу бирон-бир воқеадан олдинги қурилиш операцияси, масалан, “тўғон учун котлованда грунтни қазиш” иши “котлован лойиҳавий сатҳ белгиларигача қазилди; заминни тайёрлаш ишларини бошлиш учун фронт очилди” воқеасидан олдин келади.

Тармоқ графикида, бажариш учун муайян вақт ва маълум ресурслар талаб этиладиган реал ишлардан ташқари, қўпинча айрим шартли ишларни назарда тутишга ҳам тўғри келади. Бундай ишлар жумласига “кутиш” ва “сохта иш” киради.

**Кутиши** (технологик ёки ташкилий танаффус) – бу шундай бир шартли ишки, уни бажариш учун муайян вақт зарур, бироқ ҳеч қандай ресурс талаб этилмайди. Масалан, “курилиш блокида бетонни у қолилларни ечиб олиш имконини берадиган даражада қотгунга қадар ушлаб туриш” иши факат вақт сарфини талаб қиласди.

**Сохта иш** – бу бир воқеанинг бошқа воқеага боғлиқлигини кўрсатувчи шартли иш. Масалан, “бетон ишларини бошлаш учун фронт очилди” воқеаси “тўғон курилиши учун асосни тайёрлаш” иши якунланишини ва “бетон заводи монтаж қилинди” воқеаси юз беришини талаб қиласди; “бетон ишларини бошлаш учун фронт очилди” воқеаси билан “бетон заводи монтаж қилинди” воқеаси ўртасида муайян боғланиш мавжуд. Сохта иш айни шу боғланишга



ишора қиласди (5.3-расм).

5.3-расм. Тармоқ графики фрагменти

Табиийки, сохта ишни бажариш учун вақт ҳам, ресурслар ҳам талаб этилмайди. Ҳар қандай иш тармоқ графикида икки воқеани бирлаштирувчи мил билан тасвирланади. Милнинг йўналиши воқеаларнинг олдинма-кетинлик тартибини кўрсатади. Реал иш ва кутиш узлуксиз мил билан, сохта иш эса – пунктирли мил билан ифодаланади (расмларга қаранг).

Ишларни тасвирловчи миллар устида мазкур ишнинг бажарилиши кутилаётган вақт кўрсатилади (қоида тариқасида, кун ёки ҳафта ҳисобида).

Ҳар бир ишни бажариш вақти унинг ҳажмини, иш унумдорлигини ва ишни бажариш учун ажратиладиган машиналар сонини ҳамда сутка мобайнидаги иш сменаларининг қабул қилинган сонини ҳисобга олган ҳолда тайинланади. Ишни бажариш учун зарур бўлган машиналар типи ва сонини танлашда ишнинг ҳажмини, уни бажариш шароитларини, машиналарни иш фронти бўйлаб жойлаштириш имкониятини, шунингдек қурилиш ташкилоти ихтиёрида мавжуд бўлган машиналар таркибини ҳисобга олиш зарур.

Ишни бажариш вақтини тайинлашда машиналарнинг иш унумдорлиги даражаси, меҳнат ва материаллар сарфини ШИК, ҚМҚ бўйича ва айrim ишлар учун қурилиш амалиётида тўпланган маълумотлар бўйича аниқлаш мумкин.

**Йўл** – бу икки воқеа ўртасидаги ишларнинг ҳар қандай узлуксиз олдинма-кетинлиги. Дастребки воқеадан бошлаб пировард воқеагача бўлган йўлларни тўлиқ йўллар деб номлаш одат тусини олган.

1-сон тармоқ графики тўртта тўлиқ йўлдан иборат: биринчи тўлиқ йўл 0, 2, 3, 4 воқеалар орқали ўтади; иккинчи тўлиқ йўл 0, 1, 2, 3, 4 воқеалар орқали ўтади; учинчи тўлиқ йўл 0, 2, 3, 4 воқеалар орқали ўтади; тўртинчи тўлиқ йўл 0, 2, 4 воқеалар орқали ўтади.

Ушбу йўлда ётувчи барча ишларни бажаришга сарфланадиган умумий вақт йўлнинг узунлиги деб аталади. Масалан, 1-сон тармоқ графикидаги 0, 1, 2, 3, 4 йўлининг узунлиги  $2 + 4 + 8 + 6 = 20$  ҳафтага teng.

**Критик йўл** – бу дастлабки воқеадан пировард воқеагача бўлган, айниқса катта узунлик билан тавсифланадиган тўлиқ йўл. Критик йўлни ҳосил қилувчи ишлар *критик ишлар* деб аталади.


Критик йўлда ётувчи барча ишларни бажаришга сарфланадиган умумий вақт қурилишни ёки ишлаб чиқариш оқимини якунлаш вақти белгилайди. Унинг модели сифатида тармоқ графики амал қиласди. Графикнинг барча нокритик йўллари критик йўлдан қисқа бўлгани туфайли, улар айрим вақт захирасига эга бўлади. 1-сон тармоқ графикида (16.1-расмга қаранг) критик йўл 0, 2, 3, 4 воқеалар орқали ўтади. Унинг узунлиги 21 ҳафтага teng. Бинобарин, 0, 1, 2, 3, 4 йўлида вақт захираси 1 ҳафтани, 0, 2, 4 йўлида эса – 11 ҳафтани ташкил этади ва х.к.

### Тармоқли жадвал қуриш қоидалари

1) тармоқ моделининг ишлашини ифодаловчи кўрсатгич йўналиши чапдан ўнгга қараб қабул қилинади. Бунда бошланғич воқеанинг коди (номери) ҳозирги вақтнинг номеридан кичик бўлиши керак;

2) графика шакли ишни тасвирлайдиган стрелкалар ортиқча кесишмаган содда бўлиши керак. Кўпгина ишлар горизонтал чизиқ билан тасвирланиши керак;


3) тармоқ моделида бир хил кодли ишлар бўлиши мумкин эмас;



5.4-расм. Параллел бажариладиган ишлар тасвири (а-нотўғри, б,в-тўғри).


4) агарда ишни аввалги қисмини қисман бажаришдан кейин бажариш мумкин бўлса, у ҳолда охирги ишни қисмларга бўлиш керак, бунда моделдаги

хар бир иш мустақил иш ҳисобланади. Бу ҳолда алоҳида ишларни бажаришини давомийлиги уларни умумий давомийлигига тенг қисмларга бўлинмаган бўлади;




5.5-расм. Ишларни қисмларга ажратишнинг тасвири (а-тўғри; б-нотўғри).

5) дифференциал боғлиқлиги ишнинг кўриниши қўшимча ходисалар ва қўшимчаларни киритиш билан амалга оширилиши керак;




5.6-расм. дифференциал – боғлиқ ишни тасвири (а-тўғри; б-нотўғри).

6) тармоқ моделида хеч қандай берк йўл бўлмаслиги керак, яъни тугалланган ходисадан хеч қандай иш қолдирмайдиган ходисалар. Ундан ташқари яъни дум қисми ҳам бўлмаслиги керак яъни бутун тармоқнинг бошланғич ходисасидан ташқари бирон-бир ишни ўз ичиға олмайдиган ходисасидан ташқари бирон-бир ишни ўз ичиға олади;



5.7-расм. Тармоқ моделлари йўл қўйилмаган элементлари.

7) тармоқ моделида ёпиқ контурларга рухсат берилмайди яъни, анча аввалги ходисага қайтувчи ишлар занжири;



5.8-расм. Ёпиқ контур (2-3-5-2-цикллар).


8) агар тармоқ жадвали йириклиши керак бўлса, бир неча ишлар грухини бир иш сифатида ифодаланиши мумкин, агарда бу ишлар грухи бир бошланғич ва битта якуний ҳодисага эга бўлса ва агар ушбу ишларга бир ижрочи бўлса. Йириклишилган ишларни давомийлиги ушбу ишлар грухининг дастлабки давридан бошлаб якуний ҳодисага қадар бўлган энг узоқ йўл давомийлигига teng бўлиши керак. Тармоқни йириклиши қўйидаги қоидаларни бажариш орқали амалга оширилади:

- 8.1) тармоқ жадвалида ишлар грухи битта иш сифатида тасвирланиши мумкин, агарда ушбу грухда битта якуний ҳодиса (каркасни йиғиш) бўлса;
- 8.2) битта ижрочига биректирилган ишларнигина бир ишга бирлаштирилиши мумкин;

8.3) йириклаштирилган тармоқнинг янги воқеаларини киритиш мумкин эмас эди, улар йириклаштирилгунча батафсил жадвалга кирмаган бўлса;

8.4) йириклаштирилган жадвалдаги ишлар номи йириклаштирилаётган ишлар номи билан боғланган бўлиши керак;

8.5) йириклаштирилган жадвалда сақланаётган ходислар коди, худди батафсил жадвалдаги каби бўлиши керак. Йириклаштирилган ишларни давомийлиги ушбу ишлар гурухининг дастлабки давридан бошлаб якуний ходисага қадар бўлган энг узоқ йўл давомийлигига teng бўлиши керак;



5.9-расм. Тармоқ жадвали ишларини йириклаштириш.

9) ходисаларни номери шундай белгиланади, бунда хар бир кейинги ходиса номери ўзидан олдингисидан катта бўлиши керак. Ходисалар тармоқ моделини бошланғич қоидасидан бошлаб, якуний қуриб бўлганидан сўнг номерланади (кодланади). Бошланғич ходисага бир ёки ноль рақами берилади. Ходисалар номери ўсиб борадиган тартибда белгиланади. Охирги ходисани номерлаш мумкин эмас, агарда олдингилари номерланмаган бўлса.

Кодлашни горизонтал ёки вертикал усулда олиб бориш мумкин. Горизонтал усулда чапдан ўнгга қараб тўғри чизик бўйлаб иш билан биринчи марта кесишгунча кодланади. Вертикал усулда номерлашни юқоридан пастга

ёки пастдан юқорига қараб қуйидаги шартни ҳисобга олиб бажарилади. Охирги ходиса олдинги ходисадан кейин номерга эга бўлади.

Тармоқни қуришни йўналиши уни кенгайтирилиши ҳар хил характерга эга бўлиши мумкин. Одатда тармоқ модели бошланғич ходисадан якунловчи ходисага қараб қурилади, гарчи ҳар қандай йўналишдаги ҳар қандай ходисадан бошлаб қуришга рухсат этилган бўлса ҳам.

Тармоқни қуриш вақтида қуйидаги саволлар ечилади:

1) ушбу ишни бажаришдан олдин қайси ишни бажариш керак?

2) ушбу ишни бошлаш учун қайси шартни таъминлаш керак?

3) ушбу иш билан параллел равишда қайси ишни бажариш мақсадга мувофиқ?

4) ушбу иш тугаллангандан сўнг, қайси ишни бошлаш мумкин?

Бу саволлар алоҳида ишлар ўртасида технологик ўзаро алоқани очиб беради ва тармоқ моделининг мантиқий қатијлигини, унинг моделлаштирилаётган ишлар комплексига мувофиқлигини таъминлашни кўрсатади.

Дастлаб тармоқ модели уни ташкил этувчи ишлар давомийлигини ҳисобга олмай қурилади яъни, тармоқни қуриш ишларни технологик ўзаро боғлиқлиги асосида амалга оширилади. Тармоқни қуриш жараёнида уни ташки кўринишига алоҳида эътибор қаратилмайди.

Биринчи вариантни тузгандан сўнг дастлабки ҳадисдан якуний ходисага қараб моделни кўздан кечириб, уни тўғри қурилганини текширилади. Шундан сўнг тармоқни график кўринишида йириклиштириш ишлари бажарилади.

**Тармоқ графикларининг параметрлари.** Тармоқ графикларининг параметрлари қурилишни ривожлантириш учун белгиланган режанинг оқилоналик даражаси ҳақида хукм чиқариш, ушбу режага уни яхшилашга қаратилган тузатишларни киритиш ва ниҳоят, қурилишни амалга ошириш даврида унга раҳбарлик қилиш имконини беради. Бундай параметрлар жумласига қуйидагилар киради:

- олдинги воқеа юз беришининг энг эрта вақти  $T_i^3$ ;
- кейинги воқеа юз беришининг энг эрта вақти  $T_j^3$ ;
- олдинги воқеа юз беришининг энг кеч вақти  $T_i^k$ ;
- кейинги воқеа юз беришининг энг кеч вақти  $T_j^k$ ;
- ишда тўлиқ вақт захираси  $R_{i-j}$ ;
- ишда бўш вақт захираси  $r_{i-j}$ ;
- ишни бажариш вақти  $t_{i-j}$ ;
- критик йўлнинг узунлиги (давомийлиги)  $T_{kp}$ .

Тармоқ графики параметрларининг келтирилган ифодаларида  $i$  индекси олдинги воқеага,  $j$  индекси эса – кейинги воқеага тегишлидир. Тармоқ графикларини ҳисоб-китоб қилишда  $i$  ва  $j$  индекслари тегишли воқеаларнинг рақамлари билан алмаштирилади.

*Воқеа юз беришининг энг эрта вақти* – бу ушбу воқеадан олдинги барча ишларни бажариш учун зарур бўлган вақт ёки дастлабки воқеадан қўриб чиқилаётган воқеага қадар бўлган энг узун йўл. Воқеа юз беришининг энг эрта вақти олдинги воқеалардан кейинги воқеаларга олдинма-кетин ўтиш йўли билан қўйидаги боғланиш бўйича аникланади:

$$T_j^3 = \max(T_i^3 + t_{i-j}). \quad (5.1)$$

Агар воқеа таркибига фақат битта иш кирса, ифода қўйидаги кўриниш касб этади:

$$T_j^3 = T_i^3 + t_{i-j}. \quad (5.2)$$

Бу ҳолда кейинги воқеа юз беришининг энг эрта вақти олдинги воқеа юз беришининг энг эрта вақти билан ишни бажариш муддати  $t_{i-j}$  нинг йифиндисига teng бўлади. Агар воқеа таркибига бир нечта ишлар кирса, унинг юз бериши энг эрта вақти  $(T_i^k + t_{i-j})$  йифиндисининг энг катта қийматига teng бўлади. (3.1) ифодадаги “max” белгиси айнан шунга ишора қиласи.

*Воқеа юз беришининг энг кеч вақти* – бу ушбу воқеадан олдинги барча ишларни пировард воқеа юз беришининг энг эрта вақтини узайтирмасдан бажариш имконини берадиган вақт.

Воқеа юз бериши энг кеч вақтининг қиймати қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$T_i^\kappa = \min(T_j^\kappa - t_{i-j}). \quad (5.3)$$

Ҳисоблаш пировард воқеадан дастлабки воқеага қараб амалга оширилади. (5.3) ифодадаги “*min*” белгиси воқеа юз беришининг энг кеч вақти, агар унинг таркибиға бир нечта ишлар кирса,  $T_j^\kappa - t_{i-j}$  нинг минимал қийматига тенг эканлигини күрсатади. Пировард воқеа юз беришининг энг кеч вақти  $T_{nup}^\kappa$  унинг юз бериши энг эрта вақти  $T_{nup}^*$  га тенг.

*Ишда тұлық вақт резерви* – бу мазкур ишни бажариш муддатини пировард воқеанинг юз бериши (ишлаб чиқариш оқимининг яқунланиши) муддатини ўзgartирмасдан узайтириш мүмкін бўлган вақт. Ишда тұлық вақт резервнинг қиймати қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$R_{i-j} = T_j^\kappa - T_i^* - t_{i-j}. \quad (5.4)$$

*Ишда бўши вақт резерви* – бу мазкур ишни бажариш муддатини кейинги воқеа юз беришининг энг эрта вақтини ўзgartирмасдан узайтириш мүмкін бўлган вақт. Ишда бўш вақт резервнинг қиймати қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$r_{i-j} = T_j^* - T_i^* - t_{i-j}. \quad (5.5)$$

*Критик ишлар ва воқеалар* – бу критик йўлда ётувчи ишлар ва воқеалар. Критик ишларда тұлық ва бўш вақт захиралари нолга тенг, яъни  $R_{i-j} = 0$  ва  $r_{i-j} = 0$ .

Критик воқеаларда улар беришининг тұлық ва бўш вақтлари тенг, яъни  $T_i^* = T_i^\kappa$ .

**Тармоқ графикини ҳисоблаш.** Тармоқ графикини ҳисоблашунинг параметрлари сон қийматларини аниқлаш, критик иш ва воқеани аниқлаш, график модели сифатида тармоқ графики хизмат қиладиган ишлаб чиқариш оқимини бажариш муддатини ҳисоблаб чиқишидан иборат. Агар тармоқ графики 100...150 гача воқеадан иборат бўлса, уни қўлаки усулда ҳисоблаб чиқиш мумкин. Воқеалари сони бундан кўп бўлган тармоқ графикларини ҳисоблаб чиқиш электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида амалга оширилади.

*Тармоқ графикини тўрт секторли усулда ҳисоблаб чиқиши* кўпинча тўрт секторли усул ёрдамида амалга оширилади. Бунда воқеаларни тасвирловчи доиралар иккита чизик ёрдамида тўрт секторга ажратилади (5.3-расм). Устки секторда воқеа рақами кўрсатилади. Гармоқ графикини ҳисоблаш оқимида чап секторда воқеа юз беришининг энг эрта вақти, ўнг секторда эса – воқеа юз беришининг энг кечки вақти, пастки секторда – дастлабки воқеадан мазкур воқеагача бўлган энг узун йўл қайси воқеа орқали ўтса, шу воқеанинг рақами ёки воқеа юз беришининг энг эрта санаси кўрсатилади. Тўлиқ ва бўш вақт захиралари ишни бажариш вақти яқинида каср чизиги орқали ёзиб қўйилади: суратда тўлиқ вақт захираси, маҳражда эса – бўш вақт захираси кўрсатилади.

Тармоқ графикларининг сон қийматлари (5.1)...(5.5) боғланишлар бўйича, қуйидаги мисолда кўриб чиқилган олдинма-кетинликда аниқланади.


**Мисол.** Тармоқ графикини тўрт секторли усулда ҳисоблаб чиқиш 16.10-расм, *a*). Мувакқат баҳолар тармоқ графикида беш кунлик иш ҳафталарида кўрсатилган.

Воқеаларни тасвирловчи доираларни тўрт секторга ажратамиз. Сўнг (5.1)...(5.5) формулалар бўйича график параметрларини аниқлаймиз ва уларни графикда ёзиб қўямиз (5.10-расм, *b*).


Ҳисоблашни битта ишни ўз ичига олган *I* воқеа юз беришининг энг эрта вақтини аниқлашдан бошлаймиз. (5.2) боғланиш бўйича

$$T_1^3 = T_0^3 + t_{0-1} = 0 + 7 = 7 \text{ хафта.}$$

Воқеа юз беришининг энг эрта вақти  $T_0^3 = 0$ , чунки тармоқ графикида тасвирланган оқим шу воқеадан бошланади.



5.10-расм. Тўрт секторли ҳисоблаш усули қўлланилганда воқеалар учун тармоқ графики параметрларини ёзиш схемаси.



5.11-расм. 2-сон тармоқ графики ва уни түрт секторли усулда ҳисоблаш:

*a, b* – тегишли равиша берилган ва ҳисоблаб чиқилган графиклар.

Шундан кейин (5.1) боғланиш бўйича графикдаги қолган воқеалар юз беришининг энг эрта вақтини олдинма-кетин аниқлаймиз:

$$T_2^{\circ} = \max(T_1^{\circ} + t_{1-2}; T_0^{\circ} + t_{0-2}) = \max(7+10; 0+4) = 17 \text{ ҳафта};$$

$$T_3^{\circ} = \max(T_1^{\circ} + t_{1-3}; T_2^{\circ} + t_{2-3}) = \max(7+5; 17+0) = 17 \text{ ҳафта};$$

$$T_4^{\circ} = \max(T_2^{\circ} + t_{2-4}; T_3^{\circ} + t_{3-4}) = \max(17+5; 17+3) = 22 \text{ ҳафта}.$$

Бинобарин, 2-сон графикда тасвирланган ишлаб чиқариш оқими 22 ҳафта давомида бажарилиши мумкин.

Пировард воқеа учун  $T_4^{\kappa} = T^{\circ} = 22$  ҳафта.

Энди (5.3) боғланиш бўйича 3 воқеа юз беришининг энг кечки вақтини аниқлаймиз, чунки ундан фақат битта иш, сўнг эса қолган воқеалар учун ҳам юз беришининг энг кечки вақти келиб чиқади:

$$T_3^{\kappa} = T_4^{\kappa} - t_{3-4} = 22 - 3 = 19 \text{ ҳафта}.$$

$$T_2^{\kappa} = \min(T_4^{\kappa} - t_{2-4}; T_3^{\kappa} - t_{2-3}) = \min(22 - 5; 19 - 0) = 17 \text{ ҳафта};$$

$$T_1^{\kappa} = \min(T_2^{\kappa} - t_{1-2}; T_3^{\kappa} - t_{1-3}) = \min(17 - 10; 19 - 5) = 7 \text{ ҳафта}.$$

Ишларда тўлиқ вақт резервни (16.4) ифодадан топамиз:

$$R_{0-1} = T_1^{\kappa} - T_0^{\circ} - t_{0-1} = 7 - 0 - 7 = 0;$$

$$R_{0-2} = T_3^{\kappa} - T_0^{\circ} - t_{0-2} = 17 - 0 - 4 = 13 \text{ ҳафта};$$

$$R_{1-2} = T_2^{\kappa} - T_1^{\circ} - t_{1-2} = 17 - 7 - 10 = 0;$$

$$R_{1-3} = T_3^{\kappa} - T_1^{\circ} - t_{1-3} = 19 - 7 - 5 = 7 \text{ ҳафта};$$

$$R_{2-4} = T_4^{\kappa} - T_2^{\circ} - t_{2-4} = 22 - 17 - 5 = 0;$$

$$R_{3-4} = T_4^{\kappa} - T_3^{\circ} - t_{3-4} = 22 - 17 - 3 = 2 \text{ ҳафта}.$$

Энди (16.5) ифодадан бўш вақт резервни аниқлаймиз:

$$r_{0-1} = T_1^{\circ} - T_0^{\circ} - t_{0-1} = 7 - 0 - 7 = 0;$$

$$r_{0-2} = T_2^3 - T_0^3 - t_{0-2} = 17 - 0 - 4 = 13 \text{ ҳафта};$$

$$r_{1-2} = T_2^3 - T_1^3 - t_{1-2} = 17 - 7 - 10 = 0;$$

$$r_{1-3} = T_3^3 - T_1^3 - t_{1-3} = 17 - 7 - 5 = 5 \text{ ҳафта};$$

$$r_{2-4} = T_4^3 - T_2^3 - t_{2-4} = 22 - 17 - 5 = 0;$$

$$r_{3-4} = T_4^3 - T_3^3 - t_{3-4} = 22 - 17 - 3 = 2 \text{ ҳафта}.$$

Бажарилган ҳисоблашлар асосида қўйидагиларни аниқлаймиз: критик йўл  $0, 1, 2, 4$  воқеалар орқали ўтади, критик ишлар жумласига  $0-1, 1-2, 2-4$  ишлар киради; критик йўл узунлиги (графикда тасвирланган ишлаб чиқариш оқимини бажариш муддати)

$$T_{kp} = t_{0-1} + t_{1-2} + t_{2-4} = 7 + 10 + 5 = 22 \text{ ҳафта}.$$

Критик ишларни тармоқ графикида қўш чизиқлар билан тасвирлаймиз.

Тармоқ графикларини ишлаб чиқиш жараени тўрт босқичга бўлинади.

*Биринчи босқич* қурилиш лойиҳаси материалларини ўрганишдан бошланади. Сўнг ушбу обьект бўйича қурилиш ишлари мажмуи ишнинг яхлитланган қисмларига ажратилади. Шу билан бир вақтда яхлитланган тармоқ графики ёки факат унинг топологик (таркибий) схемаси тузилади.

*Тармоқ графики топологияси* – бу унинг айрим ишлар ва воқеалар ўртасидаги технологик алоқалар хусусиятига ҳамда мазкур қурилиш оқимининг вақтда ва маконда умумий ривожланишига боғлиқ бўлган таркибий тузилиши (ички шакли). Топологик схемаларни тузишда қурилишни маҳаллий табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ривожлантириш пухта ишлаб чиқилиши лозим.

*Иккинчи босқич* қурилиш обьектининг асосий иншоотлари иншоотларига ҳамда унинг ишлаб чиқариш базаси корхоналари ва иншоотларига бирламчи тармоқ графикларини тузишдан иборат. Бу графикларни муфассаллаштириш даражаси ҳар бир иншоот қурилишида бажарилиши лозим бўлган ишлар сони ва турларини ҳисобга олиб қабул қилинади.

*Учинчи босқичда* бутун объект қурилиши учун йиғма график тузилади ва ҳисоблаб чиқилади. Күпинча бу график хусусий тармоқ графикларини бирлаштириш деб аталади. Йиғма графикни бирлаштириш билан бир қаторда, зарур ҳолда уни умумий ёки хусусий йириклаштириш амалга оширилади. Йиғма график масштаби ундан фойдаланадиган раҳбарият даражаси билан мос келиши лозим. *Тармоқ графики масштаби* – бу унинг таркибига кирувчи ишларни яхлитлаш даражаси. Ишлар қанча яхлитланган бўлса, график масштаби шунча йирик бўлади.

*Тўртинчи босқичда* йиғма тармоқ графикини таҳлил қилиш ва унга тузатишлар киритиш амалга оширилади. Тузатиш киритишида бош вазифа – тармоқ графики бўйича олинган қурилиш муддатини берилган норматив муддат билан мувофиқ ҳолатга келтириш. Қурилиш муддатини берилган муддатгача қисқартиришга қритик ва уларга яқин бўлган ишларни бажариш муддатларини камайтириш йўли билан эришилади.

Баъзан бирон-бир ресурснинг чекланганлиги қурилишни якунлаш муддатини белгиловчи омил ҳисобланади. Бу ҳолда чекланган ресурслар шундай тақсимланиши лозимки, қурилишнинг ушбу шароитларда мумкин бўлган энг кам муддати таъминлансин ёки график “вақт – ресурслар” мезони бўйича оптималлаштирилиши лозим.

### *Назорат саволлари*

1. *Тармоқли график нима мақсадда ишлатилади?*
2. *Тармоқли графикни гидротехника инишоотлари қурилишида қўлланилиши қандай имкониятлар беради?*
3. *Тармоқли графикда қандай элементлари мавжуд?*
4. *Тармоқли режалаштириши билан тармоқли график қандай фарқ қиласи?*
5. *Тармоқли графикни ҳисоблашда нималарни аниqlанади?*
6. *Тармоқли график қандай мақсадда ишлатилади?*

7. *Тармоқли графикни гидротехника иниоотлари қурилишида қўлланилиши қандай имкониятлар беради?*
8. *Тармоқли графикни ҳисоблашда нималарни аниқланади?*
9. *Тармоқли графикни қуриши қоидалари тўғрисида нимани биласиз?*
10. *Тармоқли графикда вақт резерви нима?*

## **5.6. Қурилиш корхона ва ташкилотларида кадрларни режалаштириш**

### **5.6.1. Кадрларни режалаштириш моҳияти, мақсад ва вазифалари**

Фан - техника тараккиёти ва бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлик ташкилий янгиликларнинг жорий этилиши меҳнат шароитини яхшилаш билан бир қаторда инсоннинг билим даражасига ва руҳий-физиологик имкониятларига янги талаблар қўйди.

Кадрларни режалаштириш шундан иборатки, у одамларга зарур вақтда ва керакли миқдордаги иш ўринларини уларнинг қобилияtlари, майллари ва ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ таъминлаб беришни вазифа қилиб қўяди. Иш ўринлари унумдорлик ва асослаш нуктаи назаридан ишловчиларга ўз қобилияtlарини энг макбул тарзда ривожлантириш, меҳнат самарадорлигини ошириш имконини бериши, инсонга хос меҳнат шарт-шароитлари яратиш ва бандликни таъминлаш талабларига жавоб бериши лозим.

Кадрларни режалаштириш ташкилот манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам, унинг ходими манфаатини кўзлаб ҳам амалга оширилади. Ташкилот учун керакли вақтда, керакли ўринда, зарур миқдорда ҳамда тегишли малакага эга бўлган шундай ходимга эга бўлиш мухимки, улар ишлаб чиқариш вазифаларини хал қилиш, унинг ўз мақсадларига эришиши учун зарур бўлади. Кадрларни режалаштириш анча юқори меҳнат унумдорлигини қўлга киритиш ва ишдан қоникиш ҳосил қилиш учун шарт-шароитлар яратиб бериши лозим. Одамларни биринчи навбатда ўз қобилияtlарини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб берилган, юқори ҳамда доимий иш ҳақи олиб туриш кафолатланган иш ўринлари жалб қиласи.

манфаатларини ҳисобга олиш кадрларни режалаштириш вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш керакки, кадрларни режалаштириш ташкилотдаги умумий режалаштириш жараённга қўшилиб кетган тақдирдагина самарали бўлади.

Кадрларни режалаштириш қўйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

Қандай малакали қанча ходим качон ва қаерда бўлади?

Керакли персонални ижтимоий зарар етказмаган ҳолда қандай қилиб жалб қилиш ва ортиқча персоналии қисқартириш мумкин?

Персонални уларнинг қобилияtlарига мувофиқ қандай қилиб яхширок фойдаланиш мумкин?

Янги юқори малака талаб қиладиган ишларни бажариш учун қандай кадрларнинг ривожланишини таъминлаш ва ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ уларнинг билимларини қўллаб-қуватлаб туриш мумкин?

Кадрларга доир режалаштирилган тадбирлар қандай харажатлар қилинишини талаб этади?

Кадрларни режалаштириш ходимлар билан ишлашнинг тезкор режасида бирлаштирилган ва ўзаро бир-бири билан боғланган бутун бир тадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали руёбга чиқарилади.

### **5.6.2. Ходимлар билан ишлашнинг тезкор режаси**

Персонал билан ишлашнинг тезкор режасини ишлаб чиқиш учун маҳсус ишлаб чиқилган анкеталар ёрдамида қўйидаги ахборотни тўплаш зарур:

- персоналнинг доимий таркиби тўғрисидаги маълумотлар (исми, отасининг исми, фамилияси, тураг жойи, ёши, ишга кирган вақти ва х.к.)

- персоналнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар (малакаси, жинси, ёши, миллати; ногиронларнинг салмоғи, ишчилар, хизматчиilar, малакали ишчилар ва шу кабиларнинг салмоғи);


- кадрлар қўнимсизлиги;
- бекор туриб қолишилар, касаллик натижасида вақтнинг бекор сарф бўлиши;
- иш кунининг давом этиши ҳақидаги маълумотлар (тўлиқ ёки қисман банд бўлганлар, бир сменада, бир неча сменада ёхуд тунги сменада ишловчилар); меҳнат таътилларининг қанча давом этиши;
- ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи (унинг тузилиши, қўшимча иш ҳақи, устамалар, тариф бўйича ва тарифдан ташқари тўловлар);
- ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий характердаги хизматлар ҳақида маълумотлар (конунларга, тарифномаларига мувофиқ, ихтиёрий равишда ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган харажатлар).

Анкеталарни шундай тузиш керакки, токи улар ишлаб чиқариш мақсадлари билан бир қаторда кадрларни режалаштиришга ҳамхизмат қилсин. Ходим ҳақидаги маълумотларни тартибга солишни 17.1- расмда тасвирангтан схема тарзида тақдим этиш мумкин. Ходим тўғрисидаги ахборот барча тезкор маълумотлар, шунингдек кадрларни режалаштириш учун уларга ишлов бериш жараёнлари мажмуидан иборатdir. Ходим тўғрисидаги ахборот қуидаги талабларга жавоб бериши лозим:

**оддийлик** - бунинг маъноси шуки, ахборот мазкур аниқ ҳолатда қанча хажмда маълумот зарур бўлса, шунча маълумотни ўз ичига олиши даркор;

**кўргазмалилик** - маълумотлар шундай тақдим этилиши керакки, бунда энг асосий нарсаларни тез аниқлаш, кўп сўзлиликка барҳамберилсин. Бунинг учун жадваллар, графиклар, рангли безатилган материалдан фойдаланиш зарур;

**бир ҳиллик** - маълумотлар ноаниқ бўлмаслиги, уларни талкин қилишда



материалнинг семантиқ, синтактик ва мантиқий жиҳатдан бир хил бўлишини кузатиб бориш зарур;

**5.12-расм.** Ходим тўғрисидаги ахборотлар тузилишнинг чизмаси.


**қиёсийлик** - маълумотлар қиёслаб бўладиган бирликларда келтирилиши ва ташкилот ичида ҳам шунингдек унинг ташқарисида ҳам қиёслаб бўладиган объектларга тааллуқли бўлиши керак;

**ворисийлик** - вақт жиҳатидан турли даврларда бериладиган кадрлар хақидаги маълумотлар битта ҳисоблаб чиқиш методикасига ва бир хил тақдим этиш шаклларига эга бўлиши лозим;

**долзарблиқ** - маълумотлар янги бўлиши, тезкорлик билан ўз вақтида тақдим этилиши, яъни кечикмаслиги зарур.

Ходимга бўлган эҳтиёжни режалаштириш кадрларни режалаштириш жараёнининг бошланғич босқичи ҳисобланади ва мавжуд иш ўринлари ва режалаштирилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларга. ташкилий-техник тадбирлар ўтказишга, штат жадвали ва бўшлавозимларни эгаллаш режасига асосланади. Ҳар бир аниқ ҳолатда персоналга бўлган эҳтиёжни аниқлашда тегишли бўлинмалар раҳбарининг иштирок этиши тавсия этилади.

Ходимни жалб қилишни режалаштиришнинг вазифаси ички ва ташки манбалар ҳисобига келгусига кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришдан иборатdir. Корхона ва ташкилотда персонал билан ишлаш муаммоларидан бири кадрларни жалб қилиш пайтидаги меҳнатга кўнишини бошқаришdir. Персоналнинг ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги жараёнида



уларнинг ўзаро мослашуви вужудга келади, унинг асосини персонал томонидан секин-аста меҳнатнинг янги касбий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-

5-13- расм. Ходимни жалб қилиш манбалари.

шароитларига кириб бориши ташкил этади.

Корхона ва ташкилотда ходим билан ишлаш муаммоларидан бири кадрларни жалб қилиш пайтидаги меҳнатга кўнишишни бошқаришdir. Ходимнинг ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги жараёнида уларнинг ўзаро мослашуви вужудга келади, унинг асосини ходим томонидан секин-аста меҳнатнинг янги касбий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига кириб бориши ташкил этади.

Кўнишишнинг икки йўналиши ажратиб кўрсатилади:

- бошланғич кўнишиш, яъни касб фаолияти тажрибасига эга бўлмаган ёш кадрларнинг мослашуви (одатда, мазкур ҳолатда гап ўкув юртларининг битирувчилари ҳақида боради);
- иккиласмчи кўнишиш, яъни касб фаолияти соҳасида тажрибага эга бўлган ходимларнинг мослашуви (одатда, булар фаолият обьектини ўзгартирувчилар ёки масалан, раҳбар лавозимига ўтганда касбий ролини ўзгартирсанлар).

5.2-жадвал

### Кадрларни жалб қилишининг ташки манбалари

Танлашнинг янада кенгрок имкоиятлари	Кадрларни жалб қилиш харажатларининг янада юқорилиги
Корхона ва ташкилотнинг ривожланиши – учун янги	Четдан қабул қилинган ходимнинг юқори салмоқقا эга эканлиги кадрлар
Янги киши одатда осонлик билан ўзини танитади.	Ташкилотда ижтимоий-психологик вазият ёмонлашиб кетади.
Ишга қабул қилиш кадрларга бўлган мутлак эҳтиёжни қоплади.	Синов муддатини ўтишдаги таваккалчилик даражасининг юқорилиги. Ташкилотни яхши билмаслик. Мослашув муддатининг

Меҳнат бозори фаолият қўрсатаётган шароитда иккиламчи қўнишишнинг аҳамияти ортади. Бунда ёш ходимнинг бирламчи қўнишишига катта эътибор берадиган хорижий фирмаларнинг иш тажрибаси дикқат билан ўрганиш зарур. Ходимнинг мазкур тоифаси ташкилотлар маъмурияти томонидан алоҳида ғамхўрлик қўрсатишга муҳтоҷ бўладилар.

Ходимни озод қилиш ёки қисқартиришни режалаштириш кадрларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кадрлардан фойдаланишни режалаштириш штатдаги лавозимларни тўлдириш режасини тузиб чиқиши воситасида амалга оширилади. Иш ўрнини белгилашда малака белгиларини ҳисобга олиш биланбир қаторда инсонга тўғри келадиган руҳий ва физиологик юмушларни (нагрузкаларни) ва бу соҳада даъвогарнинг имкониятларини ҳамҳисобга олиш зарур.

Ходимга таълим беришни режалаштириш ишловчиларнинг ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, ташки меҳнат бозоридан юқори, малакали кадрлар изламаслик имконини беради. Бундан ташқари, бундай режалаштириш ходимнинг харакатчанлиги ва ўзини бошқариши учун шартшароитлар яратиб беради. У ходимнинг ишлаб чиқаришдаги ўзгарган шароитга ўша иш ўрнининг ўзида мослашуви жараёнини тезлаштиради.

Амалиётда корхона ва ташкилот ходимни ўқитиш (таълим бериш)нинг икки шакли мавжуд: иш ўрнида ва ундан ташқарида таълим бериш,

Агар кадрлар қўнимсизлиги катта бўлса, у холда янги ишчи кучини излаш, унга йўл-йўриқлар бериш ва ишни ўзлаштириш биланбоғланган қўшимча харажатлар пайдо бўлади. Кадрлар қўнимсизлиги юқори бўлган такдирда ишдан ташқари вақтларда қилинадиган меҳнатга хақ тўлаш миқдори ортади, яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва бекор туриб қолишлар кўпаяди, касалланиш, ишлаб чиқаришда шикастланиш даражаси ортади, эрта ногирон бўлиб қолиш бошланади. Буларнинг ҳаммаси ходимлар билан боғлиқ бўладиган харажатларни оширади, маҳсулот таннархининг кўтарилишига ва

унинг рақобатга бардош бериши даражасини пасайтиришга олиб келади. Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари ходимнинг ташкилот фойдаси ва капиталида иштирок этиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг янги турларини ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлади.

### *Назорат саволлари*

1. Гидротехника қурилиши бошқарув кадрларининг хусусиятлари тўғрисида нимани биласиз?
2. Кадрлар тўғрисидаги янгиликларни бошқаришининг мақсад ва вазифалари нимада?
3. Гидротехника қурилишида ижтимоий масалалар қандай ечилади?
4. Кадрларни режалаштиришининг мөхияти нимада?
5. Ҳодимлар билан ишилашининг тезкор режаси нима?
6. Ҳодимлар тўғрисидаги ахборотга қандай талаблар қўйилади?
7. Кадрлар кўнимсизлигини қандай тушунса бўлади?

## **VI БОБ. ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШИДА БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ**

*Калим сўзлар:* гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил қилиши, бошқариш, прогнозлаш, назорат, мувофиқлаштириш, мақсад, мамлакат, даромад, харажат, солиқ, капитал маблағ, жараён, вақт, меъёр, ҳужжат.

### **6.1. Бошқарув фаолияти ва унинг умумий масалалари**

#### **6.1.1. Бошқарув тўғрисида тарихий маълумотлар**

Ер юзида онгли фаолият пайдо бўлиши мақсадни пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир.

Фанда қўпчилик муаллифлар ва тадқикотчилар бошқарув фанини нисбатан янги, аниқ тарихга (мудатга) эга деган фикр атрофида бўладилар. Лекин, умумий бошқариш инсоният тарихи ва ривожланиши билан боғлиқ деб қараш тўғрироқ бўларди. Марказий Осиё ҳудудида замонавий бошқарув амалиётини муқаддас китоб «Куръони карим» яратилиши билан боғлаш ҳам чуқур асосга эга. Унинг

оят ва сураларида инсон, табий ва моддий ресурсларни бошқариш асослари белгилаб берилган. Қуйида минтакада бошқарувга Амалий хисса кўшган алломалар тўгрисида айрим маълумотлар келтирилган.

Марказий Осиёда замонавий бошқариш таълимотини пайдо бўлиши

Ахмад Фарғоний 797 - 861	Қарор қабул қилишга табиат факторларини математик ишланма натижаларини тадбик этган.
Абу Наср Фаробий 873 - 950	Бошқаришда раҳбар хусусиятларини белгилади
Бурхониддин Марғилоний ....-1197	Бошқаришда фундаментал қоидаларга асосланишни ишлаб чиқкан
Амир Темур 1340-1400	Мамлакатни идора қилиш ва салтанатни бошқариш услуби, стратегияси ва тактикасини жорий қиласди.
Мирзо Улугбек 1404-1499	39 йиллик сultonлик даврида: Фаннинг жуда кўп соҳалари, хусусан математика, фалакиёт, мусиқашунослик, тарих ва бошқариш илмлари бўйича забардаст олим, маданиятнинг улкан ҳомийси сифатида танилди.
Алишер Новои	Сиёсий давлатни идора қилиш усуллари, тартиб-қоидалари билан боғлиқ бўлган хилма-хил муаммолари бўйича ўз карашларига эга бўлган сиёсий арбоб.
Захириддин Муҳаммад Бобур 1490-1530	Буюк Бобурийлар салтанатини тузиб, ўзаро урушлар, майда хонликларга барҳам берди, марказлашган давлат бошқарувига асос солди.

Эл - юртнинг ободонлиги, салтанатнинг устиворлиги кўп жиҳатдан мана шу вазирларга боғиқ бўлган. Бошқарув тизимининг шу тариқа оқилона ташкил этилиши унинг негизида инсон манфаатлари ётганлиги, давлат сиёсатининг бошқарувга ижобий таъсири дунёда буюк давлат пайдо бўлиши билан якунланди. Бу марказлашган буюк, иқтисодий баркамол, сиёсий барқарор давлатнинг шаклланишига олиб келган бошқарув назарияси фақат шу давлатдагина емас, балки бошқаўлкаларда ҳам давлатни илмий бошқариш назарияси сифатида кўлланила бошланди.

Хозирги бошқарув фанида таъкидланган бошқаришнинг иқтисодий, инсоний, оқилона ва самарали шаклини яратиш бўйича харакатлар Амир Темурнинг «Темуртузуклари»да ўз аксини топиб ҳозиргача ҳам ўзининг қимматини йўқотмаган.

Ўзбекистонда бошқаришнинг назарий асослари ва унинг асосий тамойиллари XIII - XII асрларга келиб, Амир Темур хукумронлиги давриданок шакллана бошлаган. Амир Темур "Темур тузуклари" асарида, қандай қилиб хокимиятни қўлга киритгани, сиёсий ва ҳарбий фаолияти ҳақидаги сирлар, уни бошқариш санъати, шу билан бирга истилочиликка қандай раҳбарлик қилганини ўзи изохлаб берган.

"Темур тузуклари" жаҳонга машхур асар. Унинг қўл ёзма нусхалари дунёning деярлик барча мамлакатлари (Хиндистон, Эрон, Англия, Дания, Франция, Россия, Германия, Арманистон, Ўзбекистон ва бошқаларнинг кутубхоналарида мавжуд. Асар икки қисмдан иборат.

Бошқарув фанининг сўнги ва замонавий босқичи Ф. Тейлор, А. Файлолс, Г. Элерсон ва бошқа кўпгина муаллифлар номи билан боғланади.

Лекин, бу фикрни тўғрилигига китоб муаллифларининг қарashi сал бошқачароқ, аниқроғи ишончсизроқ. Моддий ресурсларни, ахлоқни, маънавиятни, тарбияни ва умуман инсон ва у билан болиқ бўлган барча ресурсларни бошқаришда илоҳий манбаларнинг(китобларнинг) аҳамияти каттадир. «Курони карим»да инсон-инсон, инсон-ер, инсон-сув, инсон-табиат,

инсон-вақт, инсон –ва бошқа манбалар муносабатларининг асоси берилган-ку. Инсонни бешикдан қабргача бўлган даври учун ҳаёт йўлланмаси ёзилганку. Унда миллат, худуд ва манбалар чегараланган эмас-ку. Шу асосда уни инсоният қомуси деб қарашга бошқаларда ҳам шубҳа- бўлмаса керак ҳамда уни бошқарувнинг биринчи, асоси деб қараш мумкинdir. Унга итоат этган инсон учун жиноят ва бошқа кодексларнинг зарурияти бўлмаса керак.

Илмий соҳада инсон ресурсини (персонални) бошқариш, табиий ресурслар (ер ва сув) ва моддий (бойликлар)ни бошқариш каби қисмларга бўлиб алоҳида – алоҳида фан сифатида ўрганилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб кишлоқ хўжалигини, саноатни, бизнесни, персонални, сув хўжалигини, шу жумладан сув хўжалиги қурилишини, корхоналарни бошқариш каби фанлар яратилди.

### **6.1.2. Бошқаришнинг мақсади ва вазифалари**

**Мақсад** - бу муддао, мурод яъни, у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан, шу мақсад киши фаолиятини, ўз орзуларини ушалишига йўналтиради. Биз дастлаб ўзимизнинг олдимизда турган мақсадимизни аниқлаб оламиз, сўнгра эса шу мақсадимиз:

- бўлажак харакатларимизни олдиндан аниқлаб беради;
- фаолиятимизнинг устувор йўналишини белгилайди;
- фаолиятимизни аниқ соҳа, ишга йўналтиради;
- у ёки бу фаолиятимизнинг зарурлик даражасини белгилаб беради;
- пировард натижамизнинг баҳолаш меъёрини белгилайди ва х.к.

Мақсаднинг илмий асосланганлиги ва тўғри белгиланганлиги бошқариш учун ўта зарур. Чунки, айнан шу мақсадга биноан:

- бошқариш функциялари;
- бошқариш усуллари;
- бошқаришнинг тузилмавий таркиби;
- лавозимларни белгилаш ва кадрларни танлаш каби муҳим масалалар ечилади.

**Мақсадлар:** оддий, муаммовий, инновацион, шахснинг тараққий топтиришга йўналтирилган бўлиши мумкин. Раҳбар ёки хизматчи ўз олдига қўйган мақсади қанчалик машаққатли бўлса, унда шунчалик муаммовийлик кўпdir. Шуни айтиш керакки, муаммовийлик тушунчаси факат объектив табақа бўлиб қолмасдан, балки у ўзига салмоқли субъектив омилни қамраб олган. Битта мақсад бир хизматчи учун оддий ҳисобланса бошқаси учун эса (3 чиси учун эса инновацион) муаммовий ҳисобланади. Биринчи ҳолатда хизматчи унга эршииш учун зарурий усулларга эга бўлса, қўйилган вазифани катта қийинчиликларсиз бажариш учун етарли билим ва қобилиятга эга бўлади.

### **Мақсадларга қўйиладиган талаблар**

Бошқарув мақсади қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим.

Мақсад бир маъноли ва аниқ бўлиши керак.	Агар сиз қаёққа боришни билмасангиз, у ҳолда бирор йўлни танлашга ҳам хожат қолмайди.
Мақсад реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак.	Кайси томонга сузишни аниқ мақсад қилиб олмаган елканли қайикқа ҳеч қандай шамол ҳам ҳамроҳ бўла олмайди.
Мақсад микдоран ўлчовга эга бўлиши керак.	Мақсад - бу навбатдаги босқичда “жанг” билан забт қилинадиган бамисоли чуққидир. Буни зинхор унутмаслик даркор. Шу “жанг”да ғолиб чиқиш учун бажарилиши мумкин бўлган реал мақсадни ўз олдимизга қўйишимиз керак. Ундан ортиқча ҳам, кам ҳам емас, вассалом.
Мақсад барча бажарувчиларга тушунарли бўлмоғи даркор.	Микдоран ўлчовга, меёрга эга бўлмаган мақсад - бу сароб. Бу талабга риоя қилмаслик режалаштирилган мақсаднинг олдиндан бажарилмаслигига замин тайёрлаш демакдир.
Мақсад бўлимлар ва маъсуллар бўйича	Мақсад, уни бошқариш тамойиллари, пировард натижа барчаси тушунарли ва ёзма равища уларга

деталлаштирилган бўлиши керак.	содда тилда етказилиши керак.
Мақсад кўп қиррали бўлиши керак.	Мақсад хар бир фаолият тури, хар бир маъсул шахс бўйича майда-чуйдасигача батафсил тақсимлаб чиқилган бўлиши лозим. Шундагина бу мақсаднинг ижро қилиниш даражасини аниқ назорат қилиш мумкин.
	Бу - умумий, бош мақсаднинг хусусий ва якка мақсадларга бўлинишини, “ <b>Мақсадлар шажараси</b> ” (дерево тселей)ни тузишни талаб килади.

Бошқариш мақсадлари жуда ҳам хилма-хилдир. Бу эса уларни муайян тарзда туркумлашни тоқазо этади. Мақсад турлари:

Умум жамият микёсидаги муносабатларни акс эттиришига қараб.	сиёсий мақсадлар иқтисодий мақсадлар Социал мақсадлар маърифий – маънавий мақсадлар халқаро муносабатлар соҳасидаги мақсадлар ва бошқ.
Бошқариш поғоналари (даражалари)га қараб.	Худудий бошқариш мақсадлари: мамлакат мақсадлари; вилоят мақсадлари; туман мақсадлари; қишлоқмақсадлари; ишлаб чиқариш мақсадлари; халқ хўжалиги мақсадлари; тармоқ (сектор) мақсадлари; корхона (фирма) мақсадлари; якка ходим мақсади.

Амалга ошириш муддатига караб.	жорий мақсадлар; истиқболдаги (перспектив) мақсадлар;
Бошқаришнинг содир булишига караб.	узлуксиз (кундалик) мақсадлар; фурсатли мақсадлар; бир марталик мақсадлар;
Кутиладиган натижаларга караб.	Пировард мақсадлар; оралиқдаги мақсадлар;
Мураккаблик даражасига караб.	оддий, ананавий мақсадлар; муаммоли мақсадлар; инновацион мақсадлар;

### 6.1.3. Бошқариш функциялари ва усуллари

Жамиятнинг ўзига хос функцияси бўлган бошқариш, ўзи бир қатор функциялардан иборат. Ишлаб чиқаришни бошқариш функцияси деганда бошқариладиган обьектларга таъсирининг муайян йўналишларини ифодаловчи бошқаришнинг алоҳида турларини тушиниш керак.

Бошқариш, қарор қабул қилиш учун фойдаланиладиган ахборотга яъни ахборот, воқеалар, ижтимоий ва бошқа ходисаларга асосланган. Баъзида ушбу тушунчани “маълумотлар” атамаси билан ўхшатилади. Иккови орасидаги фарқ уларнинг бошқарув мақсадларида фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ. Маълумотлар – бу тахлил қилинмайдиган факлар. Маълумот ахборотга айланиши учун бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдаланишга мос келадиган шаклга қайта ишланиши керак. ахборотни йифиш, қайта ишлаш, тахлил қилиш ва сақлаш – бошқарувни биринчи функцияси. Ҳар қандай бошқарув, бошоқарув танловини танлаш учун ахборотдан келиб чиқади, бошқарув таъсирини ўзи ҳам бошқарув командасидаги ахборотдан ташкил топган. Ҳар қандай ахборотнинг манбаи ходиса ёки эксперимент ҳисобланади.

Шунинг учун бошқарув ҳар доим кузатув маълумотларидан, бошқарув тизими тўғрисидаги маълумотлардан ўзи ўзаро таъсир қиладиган ташки мухитдан, сўнгра бошқарув таъсири амалга ошиш натижалари тўғрисида маълумотлардан фойдаланишга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бошқарув – объектнинг ҳолатини барқарорлаштириш ёки унинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мажбурий ахборот асосида турли хил мумкин бўлган ҳаракатлардан танлаб олинган объектга таъсир кўрсатиш. Шунинг учун ахборот хизматини ташкил қилиш ва уни ишлаш усулини яратиш бошқарувни асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

**Башоратлаш**(тахминлаш) – ҳар қандай жараён ёки ходисаларда уларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш асосида сифатли ва оъектив ўзгаришларни олдиндан кўра билиш.

**Режалаштириш** – муайян жараённи ривожлантириш йўналишлари, мақсадалри, нисбати, темпи ва маълум миқдорий ва сифат қўрсаткичларини аниқлаш; маълум бир чекланган вақт оралиғида ҳаракат режасини тузиш.

**Ташкилот** – бошқарув функцияси сифатида бошқарув ва бошқарув тизимини шакллантириш мақсадига эга. Ташкил қилиш – бу умумий тузилмаларни ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаши. Ушбу мавзу нуқтаи назаридан ташкилот у ёки бу корхонани (муассаса, ташкилот, фирма) яратиш ёки қайта ташкил этишни. Уларни функцияларини белгилашни, ички тузилишини, ходимлар штати, иш тартиби, мансабдор шахсларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва ҳоказолар англатади.

**Тартибга солиш** – қайсиdir жараён ёки тизимни сақлаш ва ҳолатини тартибга солишга бошқариладиган объект фаолияти жараёнида режадаги топшириқлардан четга чиқиш ҳолатларини бартараф қилишга йўналтирилган.

**Раҳбарлик** – вазифаси бошқариладиган объектни фаолиятини йўлга қўйиши ҳисобланади. Раҳбарни мақсади – у нимани зарур деб ҳисобласа, қўл остидагилар ўшани бажаришга эришиши.

**Мувофиқлаштириш** – умумий мақсадларга эришиш учун қўриб чиқилаётган тизимга нисбатан турли хил ташқи тизимларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш функцияси, масалан, ушбу корхона фаолиятини уни фаолиятини юритишга боғлиқ бўлган махсулот етказувчига ва бошқа ташкилотлар билан боғлаш.

**Назорат қилиш** – режани бажариш натижалари бўйича миқдор шаклида ахборотни қабул қилиш ва қайд этиш.

Бошқарувнинг юқорида қайд этилган функциялари ўзига хос ва бошқарувни ҳар қандай обьектга қўлланилиши мумкин.

**Бошқарув усуллари.** Ишлаб чиқаришни бошқариш тамоиллари муаян усуллар ва ташкилий воситалар тизими орқали ҳаётга тадбиқ қилинади. Ишлаб чиқаришни бошқариш усуллари деганда, қўйилган мақсадга эришиш жараёнида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминловчи якка тартибдаги ва ишчиларга ва ишлаб чиқариш жамоасига таъсир ўтказиш усуллари тушунилади. Муйян усуларнинг самарадорлиги уларнинг жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари риожланиш даражасига мувофиқлигига боғлиқ. Бошқариш усуллар турли хил мезонларга мувофиқ таснифланади. Хўжалик фаолиятини бошқариш усулларини қўриб чиқиш одатда уларнинг мазмуни жиҳатидан амалга оширилади. Бу жиҳатдан маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий психологик усуларни ажратиш одатий ҳолдир.

Маъмурий усуллар (ташкилий, ташкилий - маъмурий) уни маълум бир қарор қабул қилишга ундаш мақсадида бошқарувнинг обьектига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши билан ифодаланади. Маъмурият томонидан обьектга берилган ҳар қандай йўриқнома - бу тавсиянома эмас, балки кўрсатма, буйруқдир, уни бажариш мажбурийдир.

**Мажбурий усуллар** – икки хил актлар бўйича амалга оширилади: меъёрий ва индивидуал (шахсий). Бошқарувнинг меъёрий ҳужжатлари муайян масалалар доирасига кирадиган ва узоқ ёки қисқа муддатларда (қонунлар, меъёрлар, стандартлар ва бошқалар) қўллаш учун мўлжалланган қоидаларни

ўз ичига олади. Индивидуал ҳужжатлар алоҳида субъектларга (шахслар ёки ташкилотлар) тегишли ва одатда қисқа вақт оралиғида бажариладиган топшириқлардан (буйруқ, фармоиш) иборат.

Маъмурий усул ташкилий ва маъмурий (шундан маъмурий усулни синоними ташкилий-маъмурий келиб чиққан) бўлади. Ташкилий таъсири турили хил ташкилий чораларни бирлаштиради, масалан, компания таркибини сақлаш, материалларга буюртмаларни ўтказиш тартибини белгилаш. Маъмурий таъсиirlар корхонанинг нормал ишларини таъминлаш учун кундалик тезкор ишларга тааллуқли буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар. Улар ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин. Бошқарув органлари ўртасидаги муносабатлар маъмурий бўлиши мумкин, юқори органдан пастки органга (вертикал бўйича), ёки келишув кўринишида, бир-бирига бўйсинмайдиган турили органларни ўртасидагимуносабатларнинг мувофиқлаштрувчи хусусияти шаклида, яъни горизонтал ҳолатда. Иқтисодий бошқарув усуллари мамлакатнинг ҳозирги ривожланиши босқичида иқтисодий бошқарув усуллари кенг тарқалган; улар хўжалик фаолиятини ўз-ўзини бошқаришнинг юқори даражаси сифатида маъмурий усулдан хал қилувчи устунликка эга.

Иқтисодий усулни ривожланиши маъмурий усулни инкор қилишни англатмайди – факат уларни қўллаш соҳаси қисқаради. Фойдаланаётган иқтисодий имтиёзлар ўзининг характеристига кўра ижобий бўлиши мумкин – моддий манфатдорлик (иш ҳақи, мукофотлар) ва салбий – молиявий масъулият (мукофот миқдорининг камайиши, жарималар ва бошқалар) ушбу ва бошқа иқтисодий имтиёзларни қўллашнинг самарадолиги уларни биринчисини мутлоқ устунлигига тўғри комбинацияга боғлиқ.

Социал – психологик бошқарув усуллари ижтимоий психология – фани қонунларига асосланади, улар ўз фаолиятида ишлаб чиқариш иштирокчиларининг психологиясига бўлган таъсирини ўрганадилар. Турли хил ижтимоий психологик усулларни иккита асосий турга бўлиш мумкин: ишчиларга жамоа орқали таъсири қилиш ва қўл остидагилар билан индивидуал

ишлаш. Ижтимоий – психологик усулларни билиш қучли жамоаларни шакллантиришга ва улар учун соғлом психологик мұхитни сақлаб қолишиңа ёрдам беради.

#### **6.1.4. Ишлаб чиқариш тизимлари**

Тизим бошқарувининг асосий тушунчаларидан биридир. Тизим бир-бири билан боғлиқ элементларнинг тартибга солинган түплем бўлиб, унинг айrim элементларидек бўлмаган мухим хусусиятларга эга.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида маълум мақсадларни амалга ошириш учун бирлаштирилган одамлар, асбоблар ва меҳнат воситаларининг турли комбинациялари моддиё – ишлаб чиқариш тизимларини шакллантиради. Тизимлар оддий ва мураккабга бўлинади. Биринчисига элементлар сони унча кўп бўлмаган ва улар орасида уланишлар бўлган тизимлар киради. Бундай тизимлар техника учун характерли бу ҳар хил механик қурилмалар. Ишлаб чиқаришни бошқариш тизими мураккаб тизимларга киради, чунки улар элементларни кўплиги ва улар орасидаги алоқалар билан фарқланади. Паст даражадаги қурилиш ташкилоти мустақил микротизим бўлиб, айни пайтда юқори даражадаги тизимга – макротизимга қуий тизим сифатида киради. Ҳар қандай даражадаги қурилиш ташкилоти домий ўзгариш ва ривожланиш ҳолатидаги мураккаб динамик тизим ҳисобланади. Тизимнинг ўзи фаолият юритиш тизимини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга динамик ўтишидан ташкил топган. Ушбу динамиклиқ, қурилиш жараёни узлуксиз давом этиши билан боғлиқ. Доимий равишда қурилиш худудлари ва обьектлари, қурилаётган обьектнинг ҳолати, ишларни бажариш усуллари ва воситалари, кадрлар таркиби ва малакаси ва бошқалар ўзгаради.

Ўзгаришлар тизим ҳолатини тартибга солишга қаратилган бошқарув ишларининг таъсири остида юзага келади. Тизимлар детерминистик ва эҳтимоллик бўлиши мумкин.

Детерминистик тизимда худди шундай сабаб, худди шундай оқибатни келтириб чиқаради. Масалан, бир текис ҳаракатланаётган жисм босиб ўтган йўл узунлиги, ҳар доимги ҳаракат тезлиги ва вақтига пропорционал.

Эҳтимолли тизимларда бир сабабнинг таъсири ҳар доим ҳам натижага олиб келиши мумкин эмас, чунки натижа бу ҳолатда ўрганилган биргина сабабга эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилувчи кўпгина сабабларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. Шунинг учун механик юқ ва қурилиш муддати ўртасида аниқ тўғридан – тўғри боғлиқлик мавжуд, бироқ айни пайтда ушбу омиллар билан бирга якуний натижа ишчи етказиб бериш субпурдатчиларнинг иши ва бошқаларга боғлиқ.


Натижани бу ерда фақатгина барча кучлар ёки энг муҳим омиллар таъсирини биргаликда кўриб чиқиши йўли билан олдиндан кўриш мумкин. Шундай қилиб, қурилиш ташкилоти мураккаб динамик эҳтимолли тизимлардир. Қурилиш ишлаб чиқариш тизимларини муҳим хусусиятлари қурилиш – монтаж ташкилотларининг ёпиқлик даражаси ҳисобланади. Ушбу кўрсатгич бўйича ташкилий тизимни ёпиқ ёки очик баҳолаш мумкин, аниқроғи шартли ёпиқ ва шартли очик, чунки битта тизимни бошқа тизимга бўлган алоқаси мавжуд бўлиши мумкин эмас, шу билан бирга бошқасига боғлиқ бўлган ҳар қандай тизим доимо маълум бир мустақилликка эга бўлади. ҚМТ ёпиқлиги ўз ресурслари – материаллар, механизмлар, транспорт, ушбу ташкилотга кирувчи суппурдатчи ташкилотни қуввати билан аниқланади.. Бош пурдатчи учун бундай кўрсатгич, шунингдек, бош пурдат умумий ҳажмидаги ўз қути билан бажарилаётган ишларни солиштирма нисбати ҳам ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан комбинатлар (УҚҚС холдингла ва х.к.) одатдаги умумий қурилиш ишларини бажарадиган ташкилотларга нисбатан афзалликка эга.

### **6.1.5. Ахборот бошқарувни асоси**

Бошқарув тушунчасида биз қуйидаги элементларни фарқлаймиз: бошқарув обьекти, бошқарув субъекти – тизимни ва атроф-муҳитни

бошқарувчи. Қурилишга боғлиқ бошқарув объекти иншоот, кичик корхона ёки йирик бирлашма бўлиши мумкин. Бошқарув объекти якуний мақсадга эришиш учун алоҳида вазифаларни бажарадиган бир-бирига боғлиқ элементлар мажмуасидан иборат. Иншоотни барпо этишда бундай элементларга ишчилар бригадали, машиналар ишини, материаллар таълимотини киритиш мумкин.

Бошқариш тизими – бошқарув объектига таъсир этувчи омиллар комплексидир. Бошқариш тизими бошқарув органи ва уларни таъминловчи техник воситалардан иборат. Бошқарув тизимига таъсир кўрсатувчи атроф-мухит тушунчаси, қурилишни табиий иқлим шароити ва қурилаётганига нисбатан аралаш тизим таъсир омилларини (бошқа ташкилот иши, молиялаштириш ва б.) ўз ичига олади.



6.1- расм. Бошқарувни принципиал схемаси.

Бошқарув тизими бошқариладиган тизимнинг алоҳида элементларни мақсадга йўналтириш, бошқариш учун мўлжалланган. Замонавий кенг тушунчаларда ахборот нафақат одамлар ўртасида, балки инсон билан автомат ўртасида, ҳайвонлар билан ўсимлик дунёсида сигналлар алмашинуви билан

боғлиқ ахборот алмашинувини ўз ичига олади ва ҳар қандай жараёнлар – ижтимоий, психологик, техник жиҳатдан, жамиятдаги инсон организмидаги объекти харакатини алоҳида кўриниши ҳисобланади. “Ахборот” тушунчасига илмий ёндашувнинг кашфиётчилари Англялик нейрофизиолог Л.Бримюэн эди.

Ҳар қандай тизим ўзининг ишлаш жараёнида сезиларли даражада ўзгариб турадиган ўзига хос хусусиятлар тўплами билан тавсифланади. Ҳар қандай бошқарув амалиётни амалга ошириш учун қарор қабул қилиш вақтида тизимнинг барча параметрларини аниқ билиш керак, яъни ушбу тизим тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Бошқариш жараёни бошқарув ишларини кетма-кет кўллашдан иборат. Шунинг учун ахборот бошқарувининг асоси ва объект ва субъект бошқаруви ўртасидаги боғловчи звено ҳисобланади.

Ҳар бир кейинги бошқарув харакати объектни камроқ эҳтимоллик билан дастлабки ҳолатга қайтаради ва ниҳоят бу объектга нисбатан “бошқарув” тушунчаси қабул қилинмайди, чунки бошқариш харакати тасодифий тартибсизликлардан (бузилишлардан) иборат бўлди.

Ахборотнинг бошқариш давридан ўтиш вақти бошқариш объективининг ҳолатини ўзгаришидан сезиларли даражада олиб кетганда, алоқа даври ёпиқ бўлса, ўхшаш вазият юзага келиши мумкин, яъни агар маълумот айланиши даврининг қиймати қабул қилиниши мумкин эмас даражада катта бўлса. Шундай қилиб, ахброт айланиш даври қиймати деганда бошқарув таъсирини (бошқарув маълумотлари) узатиш вақтидан харакат натижалари бўйича жавоб сигналига эга бўлгунга қадар бошқариш тизимида сарф қилинадиган вақт тушунилади. Ушбу вақт тўғри ва тескари алоқа занжирида маълумотни узатиш вақтларини йигиндисидан иборат бўлади.

$$Цбр = Tпр.св + Тобр.св \quad (6.1)$$

Давр цикл миқдори жуда кенг чегараларда ўзгариши мумкин – очиқ алоқа занжири бўлган ҳолатда чексиздан реал вақт ўлчовида ишлайдиган замонавий мураккаб бошқарув контурларида секундни улушигача қурилиш соҳасида

ушбу давр миқдорига кўра режалашни ҳар хил режимлари фарқланади: соатлик, суткалик, ҳафталик, ойлик ва ҳ.к. Бошқарувнинг оперативлиги мурожаат даври миқдори билан характерланади. Маълумотлар маълум бир вақт оралиғида ўзининг қийматини сақлади. Ушбу вақт миқдори маълумотнинг даражасини ўзгармаслиги билан характерланади. ушбу белгиси бўйича маълумотлар доимий, шартли-доимий ўзгарувчан бўлади. Доимий маълумотлар узоқ вақт оралиғида ўзини маъносини ўзгартирумайди (корхона ёки муассаса номи, маҳсулот, деталлар, хужжатлар номи ва шифри). Шартли ўзгармас – ўзининг маъносини маълум бир вақт оралиғида сақлаб қолади. (нархлар, меъёрлар ва ҳ.к.). Ўзгарувчан вақт давомида ўзининг пайдо бўлиши тасодифийлиги билан характерланмайди (тайёрланган маҳсулот миқдори сотилган материаллар миқдори ва ҳ.к.) маълумотлар оқими миқдори ёки зичлиги Zn бирлик вақти оралиғи н да узатиладиган маълумотлар ҳажми G билан характерланади. Маълумотлар ҳажми битта байтда, белгилар сони, хужжатлар сони ва бошқа миқдорларда ифодаланади:

$$I_t = V/t \quad (6.2)$$

Кўпгина холларда оқим зичлиги бир хил эмас “тиғиз давр” ҳосил қилиб ўзгаради.

Маълумотлар оқимини ўрганиш бошқарувни оқилона ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Бошқариш тизимлари инсон – машина тизимларидан иборат бўлиб, унда ахборотни қайта ишлаш имконияти чекланган инсонлар асосий ролни ўйнайди (секундига 25 бит кўп бўлмаган маълумот).

Ёзувлар, оғзаки хабарлар фақат битта маълумот шаклидир. Лойиҳалар, ҳисоб – китоблар, қурилиш ишларини бажариш лойиҳаси бошқа шакл. Бошқариш соҳасидаги операциялар бўйича деярли ҳар қандай маълумот, кузатиш ва қайд этилиши мумкин бўлган бошқа соҳалардаги маълумотлар потенциал ахборотни ташкил қиласи.

Ахборот оқимларининг таснифи мақсадига, йўналишига, мазмунига ва зичлигига қараб амалга оширилади. Ахборот вазифасига кўра режадаги

меъёрий, ҳисоб-китобларга оид турларга бўлинади. Ахборот оқимларини тартибга солиш учун уларни тизим бошқарув бўлинмаларининг функциялари билан аниқ мослаштириш керак. Ушбу бошқарув органига нисбатан ахборот ички қисмга бўлинади, яъни фақатгина ушбу орган ичida айланадиган ва ташки va яъни ўз навбатида криш ва чиқиш маълумотларидан иборат.

Йўналиш бўйича горизонтал ахборот оқимига, бир хил даражадаги бошқарув органини боғловчи ва вертикал (юқори ва қуий) ҳар хил даражадаги органларни боғловчига бўлинади.

Курилишда бундай маълумотларга нарядлар, актлар, баланс ҳисоблотлари, ойлик статик ва бухгалтерия ҳисоблари ойлик статик ва бухгалтерия ҳисоблари бошқалар киради. Тизиллашмаган ахборот бу хусусиятлар билан бошқарилмайди. Одатда вақти билан келади (етказиб беришдаги, узилишлар ҳақида, механизмларни ишдан чиққанлиги ҳақида ва бошқа маълумотлар).

Ахборот ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган бўлиши мумкин. Ҳужжатлаштирилган маълумот ҳисботларда, маълумотномаларда, қайдномаларда, режаларда буйруқларда, қарорларда, қайдномаларда, режаларда, буйруқларда, қарорларда, йўриқномаларда ва х.к. қайд этилади. Ҳужжатлаштирилмаган маълумотлар шахсий фикр алмашиш пайтида сухбатлар, телефонда сўзлашиш, йиғилишлар агар у қайд этилмаган бўлса юзага келади.

#### **6.1.6. Қурилиш ташкилоти бошқарув органларининг тузилиши**

Бошқарув тизими тузилиши бошқарув аппаратини ташкил қилувчи алоҳида ишчи – ходимлар ва бошқарувнинг техник воситаларидан иборат. Бошқарув фаолиттидаги ишчи – ходимлар бошқарув функциясининг қандайдир қисмини бажаришлари ва маълум бир аниқ турдаги ҳуқук ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган лавозимларда фаолият олиб боришлари қайд қилинади. Бошқарув техникаси бошқариш жараённида фойдаланувчи меҳнат қуроллари ва техник воситаларининг бутун умумийлигини қамраб

олади. Ҳозирги вақтда бошқарув техникаси тузилмасига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади.

Бошқарув тизими горизонтал бўйича звенолардан ташкил топади, вертикал йўналишда эса – поғоналардан ташкил топади.

Бошқарув звенолари – бу ташкилий ва функционал жиҳатдан алоҳида бўлинмалар (масалан, ишлаб чиқариш, техник режалаштириш ва трестнинг бошқа бўлинмалари) ёки муайян даражада тегишли бошқарув аппаратлари мутахассиси ҳисобланади.

Бошқариш органи ишчилар меҳнатини тақсимлаш муносабатлари билан ўзаро боғланган бир ёки бир нечта бирламчи гурухлардан ташкил топган.

Бирламчи гурух – умумий раҳбарга эга бўлган, лекин уларнинг ўзи хеч қандай бўйсинувчиларга эга бўлмаган бошқарув ходилари жамоаси.

Бошқарув органи бошқарув тизими низомига кўра юқори лавозимдаги, қўйи лавозимдаги ва тенг ҳуқуқлиларга бўлинади.

Ўз навбатида, вертикал алоқа чизиқли (бошқарувни барча масалалари бўйича мажбурий бўйсиниш) ва функционал (маълум бир вазифалар бўйича бўйсиниш) бўлиши мумкин.

Бевосита раҳбарлар – бу мастерлар, прораблар, қурилиш бошқармаси ва участкаси бошлиқлари. Улар ўзларига тегишли ташкилий тузилма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширадилар.


Функционал ходим бошқарув жараёнини амалга оширишга ёрдам беради, бошқарувнинг муайян соҳаларида керакли маълумотларни тизимлаштириш ва тайёрлаш шунингдек, тегишли функцияларни бажариш билан боғлиқ барча масалалар бўйича горизонтал ва аерикал бошқарув тузилмасида ахборот алмашинувини таъминлайди.

Бошқарув тизимини қўйидаги типлари мавжуд: чизиқли, функционал ёки чизиқли – штабли ва аралаш.

Чизиқли тизимда орган битта юқори ва бир нечта пастки инстанцияларга эга. Барча масалалар битта алоқа йўли орқали ечилади. Ҳар бир раҳбар фақат

бевосита ўзига бўйсинадиган ходимдан маълумот олади ва уларни фаолиятини бошқаради.


Рахбарлар барча масалаларда мутахассис бўлмасликлари сабабли, малакасиз қарор қабл қилиш хавфи мавжуд. Ундан ташқари маълумотни узатиш босқичма – босқич бўлгани сабабли уни узатиш вақти ортади, бу эса бошқаришни тезкорлигини камайтиради. Бу эса чизиқли тузилмани камчилиги хисобланади. Чизиқли тузилмага энг яқини унча катта бўлмаган қурилиш участкаси тузилмаси (6.2-расм).



6.2-расм. Бошқарувнинг чизиқли тавсифдаги тузилмаси.

Функционал тузилма ишларни функцияси бўйича тақсимланишини таъминлайди. Тузилмада режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва шу каби ихтисослашган бўлинмалар мавжуд. Ушбу бўлинмалар томонидан тайёрланган қарорларни бажариш бошқарувни қуий поғоналари учун мажбурийдир.


Функционал тузилма (6.2-расм) тажрибали ва юқори малакали мутахассисларни билимидан фойдаланади, бу эса бошқарувни самарадорлигини ошишига ёрдам беради, маълумотни тарқалишини тезлаштиради, бошқарувни тезкорлигини оширади. Бироқ, ушбу тузилма функционал ёндашувни кучайтиради, бу эса ўз навбатида хусусий позициялардаги масалаларни кўриб чиқишига олиб келади.



6.3– расм. Бошқарувнинг функционал тавсифдаги тузилмаси.

**Чизиқли - функционал ёки чизиқли - штаб тавсифидаги тузилма** асосини чизиқли тавсифдаги тузилиш ташкил қиласи, бироқ ҳар бир звенода раҳбарият алоҳида функциялар бўйича ихтисослаштирилган бўлинмалардан ташкил топган штабни тузиб чиқади. Бевосита раҳбар штаб томонидан тайёрланган ечим ва қарорларни қараб чиқади ва тасдиқлайди, уни бўйсинувчи бевосита раҳбарга узатади ва ушбу асосда, ўз даражаси қўламида ташкил қилинган штаб иштирокида қарорлар қабул қилинади.


Одатда, бу кўринишдаги тузилмада қабул қилинган ечимлар ва қарорлар квалификацияга эга ҳисобланади, бироқ ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи ва қарорларнинг қабул қилиниши жараёни узоқ вақт давомийлигига эга бўлиши қайд қилинади, шундай қилиб турли хил звенолар ўртасида ўзаро боғланишлар ва мувофиқлик асосида келишишлар амалга оширилиши талаб қилинади. Чизиқли - функционал тузилиш бўйича амалиётда курилиш бошқармаси (КБ), трест, комбинат ва шу каби бошка қурилишни бошқариш органлари тузиб чиқилади (6.4 - расм).



6.4– расм. Бошқарувнинг чизиқли – функционал тузилмаси.

Шундай қилиб, трестда бошқарувчи трест учун штаб ҳисобланган бошкрув аппарати мавжуд ҳисобланади, у трестнинг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилишни амалга оширади.

**Бошқарувнинг матрица тизими** (6.5 - расм) дастурий - мақсадли бошқарув тамойилларига асосланилган бўлиб, бунда бажарилувчи вазифалар доирасида функционал ва чизиқли тавсифга эта бўлган кенжа бўлинмаларнинг ўзаро боғланишларини таъминловчи боғлиқликлар қараб чиқлади.



6.5-расм. Бошқарувнинг матрица тавсифидаги тузилмаси.

Бу боғланишлар махсус ташкил қилинувчи орган ёки тегишли лавозимдаги шахс томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, лойихалаштириш ташкилотларида лойиханинг бош меъмори (ЛБМ) ва лойиханинг бош инженери (ЛБИ) лойиханинг рўёбга оширилишини бошқаради ва бу жараён учун жавоб беради шунингдек, уларга топширилган объектлар бўйича институтнинг турли хилдаги бўлинмалари томонидан амалга оширилувчи ишларни мувофиқлаштиради. Бу қўринишдаги бошқарув қарор топтан тизимни ўзгартирмайди, бироқ бошқарув тизими таркибида бошқарувнинг қўшимча звеноси вужудга келиши қайд қилинади, яъни звенолар ўртасидаги ўзаро горизонтал ва верикал тавсифдаги бўлган ишларни мувофиқлаштирувчи бошқарув звеноси юзага келади.

**Қурилиш ташкилотларини бошқариш шакллари.** Қурилиш – монтаж ташкилотлари (ҚМТ) трестлар ва трест таркибида кириувчи қурилиш – монтаж бошқармалари (ҚМБ) ёки хўжалик ҳисобидаги участкалар – бевосита қурилишни амалга оширувчи бошланғич мустақил ишлаб чиқариш хўжалик бўлимлари ҳисобланади (6.5-расм).

Трест давлат корхонаси тўғрисида қонунда кўзда тутилган барча хукуқларга эга трест таркибида қурилиш бошқармаси бўлса, у ҳолда трест хўжалик ҳисобидаги бирлашма ҳисобланади. трест майдан бошқа тузилмага эга. Бундай трест таркибида бошқарма кирмайди, ишлаб чиқариш раҳбарлик бевосита қурилиш участкаси орқали амалга оширилади.

Охирги йилларда қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш туфайли кўп поғонали тузимдан оддий ва тежамли иерархив ўтиш юз бермоқда. Бунда трестлар ортиқча звено сифатида йўқ қилинмоқда, қурилиш бошқармалари мустақил корхона бўлиб қолмоқда. Янги шароитда ишларни рентабеллигини ошириш учун қурилиш бошқармалари қувватни оширмоқда ва деярли трест майдонга айланиб қолмоқда.

**Ҳаракатдаги қурилиш ташкилотлари.** Баъзида қурилиш ишларини қурилиш базаси жойлашган тумандан анча узокда бажаришга тўғри келади.

Ундан ташқари, йирик ҚМТ жойлашган туманларда ҳам алоҳида қотирилиши керак бўлган обьектларда маҳаллий ҚМТ имкониятидан юқори бўлган катта хажмдаги ишларни қисқа вақт оралиғида бажариш керак бўлади, бу эса битта трестни қувватини бир қисмини шу регионда жойлашган бошқа трестга даврий равишда ёрдамга жўнатишга заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари ташкилотни ҳаракатланувчилигини ошириш масаласи келиб чиқади.

Экспедиция усули – меҳнат жамоасини оиласиз яшаш жойидан узок масофага ишлар тугагунча бўлган муддатга ёки қурувчиларни ишлаб чиқариш ишларини бажариш жойига энг яқин бўлган, экиспедицион кўчма посёлка (ёки ахоли пунктида) чекланган имкониятларда яшаш учун кўчиб ўтишни кузда тутади. Иш тугагандан сўнг посёлок бошқа жойга кўчирилади, ишчилар ўз оилалари билан яшаш жойига қайтадилар. Иш жойига кўчиб бориш ва уйга қайтиб келиш режада кўзда тутилган навбатда қайтарилади. Ушбу усул ишлаб чиқариш жойида инфратузилмани ривожланмаслигин билан ва ишчиларни хаёт фаолиятини автоном ҳолда таъминлаш зарурати билан ҳаракатланади.

Навбатчилик асосидаги усул шунга асосланганки, қурилиш обьекти қурилиш ташкилоти ва қурувчиларни доимий яшаш жойидан анча катта масофада жойлашганда, унда иш оиласиз маҳсус вахтали посёлкада яшаётган ва ўз уйига бориб келадиган вахтали (алмасиб турадиган) ходимлар томонидан бажарилади.

Яшаш жойида иш ва дам олиш даврини муентазам ўзгариб туриши – янги ҳудудларни ўзлаштиришда, обьектларни бўлиб ташлашда масалан, ирригация қурилишида қўлланилаётган ушбу усулни характерли белгиларидан биридир.

Экспедицияли – вахтали усул жами иш вақтини ҳисобга олишга, ортиқча иш вақтини тўлашга (8-соатлик иш кунидан ортиқча) муентазам равища доимий яшаш жойига қайтишига асосланган алоҳида иш ва дам олиш режими билан характерланади.

Яшаш майдони турар-жой бинолари ва ижтимоий – майший ва майдоний хизматлар кўрсатиш биноларини ўз ичига олади.

### **6.1.7. Бошқарув аппарати вазифалари ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш**

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, саноатнинг марказлашган бошқарувини тугатиш билан бирга кўпгина трестлар кўплаб хусусий (давлат иштирокида ёки иштирокисиз) фирмаларга бўлинниб кетади, кўпроқ оддий ва камроқ иерархик усулларни асослари ҚБ бўлиб қолади. Бунда одатда ишчилар сони ортади ва ўтмишдаги фаолияти совет иқтисодиётининг режалаштирилаётган бошланиши билан боғлиқ бўлган бўлимлар тугатилганлиги сабабли аппарат ходимлари сони камайди. Режалаштириш меҳнат ва иш ҳақини меъёрлаштириш бўлимларига ва ҳ.к.ларга эҳтиёж қолмайди. Таркибни ўзгартириш жараёни ҳали тугалланмаган. Янги функционал хизматларни ва унга мос равишда бошқарув аппаратини яратиш вазифаси турибди. Ташқи иқтисодиё муҳитнинг янги шароитларида қурилиш корхоналарининг ташкилий шакллари ўзгариб унга мослашади. Ўзгаришлар қуидаги ўзаро боғлиқлиги мавжуд:

- қурилиш такшилотларини бошқариш маркази ва унга бўйсинувчи бўлинмалар ўртасида;
- қурилиш маҳсулотлари ва унинг истеъмолчиси ўртасида.

Бошқарувнинг юқори даражалари ва қуий бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар марказлаштириш тушунчаси билан тавсифланади.

Марказлаштириш – барча қуий органлари марказий ҳокимиятга бўйсинадиган ташкилот ва бошқарув тизими.

Тескари жараён – марказизлантириш – бутун марказлаштиришнинг заифлашуви ёки бекор қилиниши, бошқарувга тадбик этилса, бу ташкилотнинг вазифалари, ҳукуқ ва мажбуриятларини ташкилотнинг юқори даражасидан пасайишига ёки параллел узатиш билан ифодаланади. Баъзида ушбу маънода интеграция қайсиdir қисмларини бир бутунга бирлаштиришdir. Бу иқтисодиётда ўзаро мослашиш иқтисодиёти, саноат ва ташкилий ҳамкорликни кенгайтириш жараёнида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан шундай вазият юзага келдики, буюртмалар “портфелини” шакллантириш барча ҳисоб – китоб ва шартнома ишларини бажариш, моддий – техника ресурслари билан таъминлаш тўғрисида тўғри ижрочига – ҚБ йўналтирилган, акционерлик жамиятларига ўзгартирилган трестларнинг аҳамияти сезиларли даражада камайди ва кўпинча йўққа чиқарилди. Бўлинма, акционерлик жамиятидан (собиқ трестлардан) алоҳида ва мустақил равишда иш юритиб, юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эмас. Шу билан бирга АЖ улар учун маълум бир масъулиятга эга (солиқлар, молиявий мажбуриятлар ва ҳ.к. бўйича). Бундай ҳолат МЧЖ шаклидаги мустақил юридик шахслар бўлинмаларини ташкил қилиш орқали акционерлик жамиятини қайта ташкил этишнинг объектив шарти бўлди. Марказлаштириш учун имкониятлардан бири мустақил юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари базасида (собиқ ҚБ) акционерлик жамиятларидан ажралиб туриши ва уларга турли хил ҳуқуқий мақом берилиши бўлди. Чиқиш турли йўллар билан иқтисодий ва маъмурий боғлиқликларни сақлаб туриш ёки сақламаслик билан амалга оширилади.

Сармоя (инвестиция) ва сармоявий айланиш жараёни. Истеъмолчи – ижро муносабатларига бозор иқтисодиётини таъсири қурилишда сармоя ва сармоявий айланиш жараёни тушунчалари билан боғлиқдир.

Сармоя (инвестиция) – фойда олиш ёки ижтимоий натижаларга эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти объектларига пул маблағлари ва мол-мulkни киритиш. Инвестицияга (сармояга) пул маблағларидан ташқари иқтисодий ёки ижтимоий самара келтириши мумкин бўлган банк кредитлар, қиммат-баҳо қоғозлар, ускуналар, патентлар, лицензиялар ва бошқа мулк ва мулк ҳуқуқларини ҳам киритиш мумкин. Инвестиция фаолияти иштирокчилари бир неча вазифани бирлаштириши мумкин: қурувчи ва буюртмачи, буюртмачи – лойиҳачи – қурувчи – фойдаланувчи ва ҳ.к. инвестор мустақил равишда иш ҳажмини ва йўналишини ва уларни самарадорлигини аниқлайди. У иш жараёнини амалга ошириш учун шартнома асосида бошқа

юридик ва физик шахсларни талаб этиш ҳуқуқига эга. Давлат турли хил бошқаришйўллари орқали ўзининг инвестиция сиёсатини амалга оширади. Субсидиялар, бюджет ссудалари, имтиёзли кредитлар, солик ва божхона имтиёzlари ва амортизация ставкалари, молиявий ёрдам кўrsатиш, шунингдек, давлат меъёрлари ва стандартларига риоя этилишини ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишлик шартлари монополяга қарши чоралар, давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқа таъсир кучларига риоя этилишини назорат қиласи. Миллий ва маҳаллий инвестиция дастурлари давлат аралашувининг кучли воситаси бўлиб, баъзан уларни амалга оширишда бевосита назорат ўрнатади.

Инвестиция айланиши (ИА) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ босқичларнинг мажмуи бўлиб, капитал сармояларни амалга оширишнинг умумий жараёнларини ташкил қиласи. ИА қуидагиларни ўз ичига олади:

Лойиха олди босқичи – инвестиция мақсадларини ишлаб чиқиш, уларнинг варианtlарини тахлил қилиш ва мақбулини танлаш, молиялаштириш манбайнни аниqlаш ва шартнома тузиш, лойихалаш, қурилиш – монтаж ишлари. Фойдаланишга топшириш, сарф қилинган маблағни қайтарилишини таъминлайдиган вақт оралиғидаги фойдаланиш даврини қўшиб фойдаланишни ўзлаштириш. Барча ривожланган давлатлар қурилишида объектларнинг қурилиш вақтини чеклашни камайтиришга қаратилган йўналиш аниқ кўrsатилиши мумкин, чунки инновация айланишининг давомийлиги, сарф қилинган маблағни фойда келтиришини, ишлаб чиқариш қурилишида фан ва техника ютуқларини янги саноат технологияларини жорий қисми самарадорлигини белгилайди. Хусусий инвесторларнинг пойдо бўлиши лойиханинг бажарилишини давомийлиги, яъни “вақт пулдир” формуласи орқали ифодаланадиган вақт фактори миқдори моддий жиҳатдан аниқ миқдорга айланади. Лойихага киритган капиталдан максимал фойда олишни мақсад қилиб олган хусусий инвестор инвестиция айланишини амалга ошириш учун вақтни чеклашдан манфаатдор. Ташкилий жиҳатдан бундай вазифа инновация айланиши ҳар бир босқични амалга

ошириш муддатини қисқартириш ва улар ўртасидаги босқичларнинг мумкин бўлган бирлашувини амалга ошириш йўли билан хал этилади.

### Назорат саволлари

1. *Бошқариишинг мақсади нима? У кандай талабларга жавоб бериии керак?*
2. *Бошқариишинг мақсади кандай турларга бўлинади?*
3. *Бошқариишинг барча турлари қайси манбада мужассамлашган?*
4. *Бошқариида мақсадли ёндошув усулиниң моҳияти нимада?*
5. *Бошқарии фаолиятида инсон омили қандай ўрин эгаллайди?*
6. *Бошқарув ва ахборот функцияси нимада?*
7. *Ишлаб чиқарииши қандай бошқарии усулларини биласиз?*
8. *Мураккаб динамик ва эҳтимоллик тизимлар тўғрисида тушунча беринг.*
  
- 9 *Курилиш–монтаж ташкилотини бошқариишинг ташкилий тузилмаси ва органлари тўғрисида айтиб беринг.*
- 10 *Курилиш–монтаж корхоналарининг чизиқли ва функционал бошқарии ташкилий тузилмалари, уларнинг солиштирма тавсифлари тўғрисида нимани биласиз?*
- 11 *Курилиш–монтаж корхоналарининг чизиқли–функционал бошқарии ташкилий тузилмаси тўғрисида айтиб беринг.*
- 12 *Курилиш–монтаж ташкилоти бошқарувида матрицали ташкилий тузилма тавсифини тушунтириб беринг.*
- 13 *Ҳаракатчан қурилиш ташкилотлари нима?*
- 14 *Курилишинг экспедитсия ва навбатчилик асосидаги (вахта) услублари қандай?*
- 15 *Курилиш–монтаж ташкилотининг чизиқли ва функционал тавсифли аппарат раҳбариятини функциялари нимадан иборат?*
- 16 *Бош пудратчилик услубининг афзаликлари ва камчиликлари нимада?*

## **6.2. Бошқаришда раҳбарлик фаолияти**

**Калит сўзлар:** гидротехника, қурилиши, ташкил қилиши, бошқариши, корхона, функционал раҳбарлик, мунтазам раҳбарлик, техника, технология, иқтисодиёт, структура, функция, ҳужжат, иқтисодий самарадорлик.

### **6.2.1 Бошқариш меҳнатининг аҳамияти ва мазмуни**

Бу мавзуу бошқариш меҳнатининг асоси бўлган бошқарув тизимининг фаолият кўрсатиши билан ўзвий боғлиқ бўлган муаммодир. Бошқариш ходимлари меҳнатига ишлаб чиқаришнинг бошқариш функцияси, унинг технологияси орқали таъсир этади. Бошқариш меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, моддий неъмат яратишда бевосита иштирок этмайди, балки яратувчининг меҳнати билан банд бўлган ходимлар меҳнатини ташкил этиш орқали таъсир этади. Бунда меҳнат предмети бўлиб ахборотлар хизмат қиласи. Меҳнат воситаларини эса техника ташкил этади.

Бошқариш меҳнатини ташкил этишининг асосий принциплари меҳнат тақсимоти, меҳнат коorporацияси, малакаси, бошқариш меҳнатининг рационал ва доимий такомил этиш ҳарактерига эга бўлиши, маҳсус бошқариш хизматини бошқаришда барча жамоа аъзолари иштирок этишини тъминлаш билан уйғун боғланганлигидир. Бошқариш меҳнатининг асосий вазифаси бошқариш ходимлари меҳнатидан режали ва оқилона фойдаланиш, бошқариш тизимида раҳбарликнинг талаб даражасида олиб боришга қаратилган. Бошқариш меҳнатини илмий ташкил этишининг асосий йўналишларига меҳнат тақсимоти, меҳнат корпорацияси, меҳнатни меъёрлаштириш, янги технологияни ўргатиш ва киритиш, оптимал меҳнат шароитини яратиш, ходимлар малакасини талаб даражасида бўлиши киради. Бошқаришнинг илмий асосда олиб бориш диалектика қонунига, қолаверса, миқдорнинг сифатига ўтиш ва бошқа қонунларга асосланади. Бошқаришнинг мураккаблиги тизимли, комплекс ёндашишни талаб этади.

Шу билан бирга бошқариш тўғрисидаги фаннинг ривожини, доимо ўқиши ва кадрларни тайёрлашни ўрганиш, умумлаштириш, илғор тажрибани кенг

ёйишни, барча қабул қилинадиган қарорларни танқидий баҳолаш ва тахлил қилишни тақазо этади. Бошқариш самарадорлигига кўп жиҳатдан ҳар бир ходимни, жамоани маънавий ва моддий рағбатлантириш орқали эришилади. Ишлаб чиқаришни бошқариш амалда қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа қонунларга боғлиқ. Уларни шартли равища қуидагиларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий қонунларнинг таъсири ўсиб бормоқда, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва сифат қўрсаткичлари унинг таъсир доираси ҳам кенгайиб бормақда иқтисодий қонунлар тизими, категориси, режалаштириш, хўжалик ҳисоби, кредитлаш, фойда, рентабиллик, моддий рағбатлантириш ва бошқалар;

- хуқуқий ва унга мос равища жамиятнинг ижтимоий тизими, яъни ижрочилар, раҳбарлар ва барча меҳнаткашларнинг хуқуқий ва мажбуриятларини аниқлаб берувчи қонундир;

- ижтимоий-рухий, яъни маълум ижтимоий шароитда ижрочининг шаклланган, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олувчи қонундир.

Юқорида қайд этилган қонунлар ўзаро бир-бири билан ягона мақсадга эришиш йўлида боғланган ва умумий принципларга бўйсиндирилган бўлади. Одатда қатъий равища уларни чеклаш мумкин эмас, ҳатто КИ бунинг имкони йўқ, фақат уларни кузатиш мумкин.

### **6.2.2. Қурилиш ташкилотларида раҳбарлик. Ташкилот раҳбарининг функция ва вазифалари**

Бозор иқтисоди шароитида раҳбар ходимнинг роли ўсиб бормоқда. Раҳбарнинг малакаси бошқарув ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, жамоа потенциал имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Самарали бошқариш учун раҳбар билимли, малакали бўлиши, ишни ташкил этиш ва одамларни ишонтириши, мақсадни аниқ белгилаши, аҳил жамоани ярати билиши, янгиликни қўллаб-қуватлаши, ташаббусни қўллаб-қуватлаши лозим бўлади. Бошқариш функцияси кўп қирралидир. Йўналиш бўйича улар маълум даражада ҳар хил босқичдаги раҳбарларга мос келади,

лекин объектга таъсири, иш ҳажми, имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Корхонада раҳбарнинг асосий функциялари қуидагилардан иборат:

- кадрларни танлаш, тайёрлаш ва тарбиялаш;
- жамоа ишини ташкил этиш, мажбуриятларни тақсимлаш, ҳукуқ, масъулият, ҳаракатларни мувофиқлаштириш;
- бўйсунувчилар фаолиятини назорат қилиш ва уларнинг ишига баҳо бериш;
- корхонанинг ривожланиш истиқболини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш технологиясини аниқлаш, уни механизациялаш, автоматлаштириш;
- тегишли хизмат органлари ёки бўлимлар ёрдамида ташкилотнинг бухгалтерия, молия, ҳисбот ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ишларини бошқариш;
- меҳнатни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш;
- меҳнатни меъёrlаштириш ва унга хақ тўлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- механизация ишларини ташкил этиш;
- жамоанинг ижтимоий ҳолатини бошқариш;
- жамоада қулай психологик иқлимини яратиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини, ҳукуқий қонунчиликни таъминлашни назорат қилишни, меҳнат интизомини такомиллаштириш;
- ижтимоий ва сиёсий ишларни олиб бориш;
- юқори ташкилотлар олдига муаммоли масалаларни қўя билиш;
- бошқа ташкилотлар билан хўжалик алоқаларини ўрнатиш.

Бошқариш тўғри ташкил этилган жойда раҳбар қатор вазифаларни ўзининг муовинига, бош мутахассисларига ва инженер-техник ходимларига топширади ва унинг бажарилишини назорат қилиб боради. Принципial

муаммоларни бартараф этишни ўз зиммасига олади. Функцияларнинг бажарилишини эса назорат қилиб боради. Функциянинг маълум қисмига мутахассисларни танлаш, бўлим раҳбарларини, уни тайёрлаш, тавсия этиш киради. Бундан ташқари раҳбар етакчи мутахассислар ва муовинлар функцияларини тақсимлайди. Бу функциялар бўлим раҳбарлари, мутахассислар тўғрисидаги низомга асосан ишлаб чиқилади.

Раҳбарнинг учинчи шахсий функциясига бўйсинувчилар устидан назорат олиб бориш, ечиладиган масала қай даражадалигини билиш ва бўйсинувчиларга берилган функциялар тўғрилигини текшириб кўриш киради. Назорат ва таҳлил ёрдамида раҳбар мавжуд хатони ўз вақтида бартараф этиши мумкин. Раҳбар оқилона назорат қилиш натижасида бўйсинувчиларнинг қобилятини ва нимага қодирлигини яхши билиб олади. Бу эса мутахассисни юқори лавозимга тавсия этиш, тўғри иш ҳақи тўлаш, уни моддий рағбатлантирииш учун ҳақиқий асос бўлиб хизмат қиласи. Назорат шахсий масъулиятни оширади, меҳнат интизомини мустаҳкамлайди.

Раҳбарнинг мураккаб ва масъулиятли функцияси жамоада яхши психологик иқлимини яратиш ҳисобланади. Низоли вазият пайдо бўлганда ундан чиқиб кетишнинг муҳим омилларидан бири уни пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган сабабларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида объектив баҳолаш ҳисобланади. Ахлоқий нормаларни сўзсиз бажариш, қўполлик ва одобсизликка йўл қўймаслик масалани оқилона ечишга ёрдам беради. Низони осойишталик билан бартараф этиш осонроқ. Ўзининг бўйсинувчи билан ўзаро муносабатларини танқидий баҳолаш қобилятига эга бўлаган раҳбар низони келиб чиқиши сабабларини тезда аниқлайди ва уни бартараф этади. Бу билан у ўзининг обрўсини сақлаб қолади ва бўйсинувчилар хурматини яна бир марта қозонади. Жамоада барқарор, нормал муносабатларни яратиш ходимлар қайфиятига боғлиқдир. Яхши қайфият асоси раҳбар ва унга бўйсинувчилар ўртасидаги яхши муносабат, хурмат ва ишончдир. **6.2.3. Раҳбарлик турлари**

Раҳбарлик турлари қуйидагича бўлади:

1.Мунтазам.

2.Функционал.

Мунтазам раҳбарлик бу ташкилотнинг раҳбари ҳисобланади. Бу лавозим корхонанинг биринчи шахси ҳисобланади. У корхона фаолияти учун маъсул ва жавобгар ҳисобланади.

Функционал раҳбарлик корхонада айрим функционал йўналиш бўйича мунтазам раҳбар олдида ҳисобдор, яъни топшириқ оловчи ва ҳисобот берувчи шахс ҳисобланади, масалан, бош муҳандис, бош механик, иш юритувчи ва бошқа шу кабилар.

#### **6.2.4. Раҳбарга қўйиладиган талаблар ва уни инқирозга олиб келувчи сабаблар**

Улар қўйидагилар:

Ижтимоий-фуқаролик етуклиги;

Меҳнатга муносабат;

Билим даражаси;

Ташкилотчилик қобилятлари;

Бошқариш тизимига раҳбарлик қилиш қобилияти;

Илғор нарсаларни қўллаб қувватлаш қобилияти;

Феъл-атвордаги маънавий – ахлоқий сифатлар.

Қўйидаги бошқариш услублари мавжуд:


- автократ ва авторитар;

- демократик;

- либерал.

#### **6.2.5. Раҳбар меҳнатини ташкил этиш**

Раҳбар ўзининг кўрилаётган ва ишлатиш керак бўлган вақт учун иш режасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Раҳбар кўзда тутилаётган ишлар учун, кайсики унинг раҳбарлигига бажарилиши керак, ўз вақтини ҳисоблаб чиқиши керак.



6.5-расм. Раҳбар ва ходимлар фаолиятини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатлар ҳамда уларнинг боғланиши.

### *Раҳбар иш вақтидан фойдаланиши.*

6.1-жадвал

Бошқарув тадбирларини бажаришдаги вақти сарфларининг тузилиши  
(фоиз ҳисобида, илмий таҳлил натижалари)

Тадбирлар	Умумий сафарларга нисбатан иш вақти сарфлари		
	Мутахассислар	Раҳбарлар	Бошқа хизматчилар
Ташкилий маъмурий	40	15	-
Таҳлилий	15	10	20
Амалий конструктив	15	15	-
Ахборот техникавий	30	60	80
Жами:	100	100	100

Раҳбар кўзда тутилаётган ишни ёки бирор тадбирни (ходимлар тўғрисида бўлиши мумкин) амалга ошириши учун ва умуман қарор қабул қилиши учун ўзининг фикрини тўлдира биладиган ҳар қандай ходим билан маслаҳатлашиши энг тўғри йўл ҳисобланади. Раҳбар турли туман ишларини бажаришда асосий **ташабускор** бўлади ва бажарилиши учун **маъсул** ҳисобланади. Ўзи бажариши мумкин бўлган ишни жамоа билан ёки бир неча

ходимлар билан бажариши мумкин бўлган тақдирда албатта сунги вариантни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Раҳбар сифатида фикрингизга жамоа аъзолари ёки бошқалар қўшилмаса албатта шошилмай қарор қабул қилиш лозим. Асосли фикирларни этиборга олиш, камчиликни тан олиш ҳам раҳбарнинг яхши хусусияти ҳисобланади. Тўғри фикир канчалик аччиқ бўлсин уни қабул қилиш, тан олиш раҳбарнинг яхши хусусияти ҳисобланади. Раҳбар танқиддан тўғри хулоса чиқариши фақат фойдали бўлади. Ишлаб чиқаришга фойда келтиради, низоли вазиятларни юмшатади, ходимларда раҳбарга нисбатан ишонч ортиради.

#### **6.2.6. Раҳбар фаолиятининг нуқсонлари**

- ўзини-ўзи бошқариш имкониятига эга эмаслиги;
- шахсий кадриятларнинг путурдан кетишлиги;
- шахсий мақсаднинг ноаниқлиги;
- ўзини-ўзи камол топтиришнинг издан чиққанлиги;
- муаммоларни ҳал қилиш малакаларининг етишмаслиги;
- ижодий ёндошувда нуқсонларнинг мавжудлиги;
- одамларга тасир ўтказишни уddyalай олмаслиги;
- бошқарув фаолияти хусусиятларининг етарли даражада тушунмаслиги, унинг идрок майдонига сиғдира олмаслиги;
- раҳбарлик қилиш малакаларининг заифлиги;
- бошқаларни ўқитиш, уларга сабоқ бериш, ўргатиш ўқувининг етишмаслиги;
- меҳнат жамоасини жипслаштириш қобилиятининг қуи даражада эканлиги;
- янгиликлар билан ўзларини шахсан ўзига жалб қилишга уқувсизлиги.
- одамлар билан муомилага киришиш жараёнида дилкашлик, иболилик ва назокатлиликнинг йуқлиги.
- ақл-идрок ва фаросат бобида сусткашлиги;

- ишбилармонлик қобилиятининг кучсизлиги.

Булардан ташқари қуидагиларни ҳам кўрсатиш мумкин:

- маҳаллийчиликка рўж қўйиб чаласавод кадрларни йифиши;
- шахсий фазилатдаги ичқоралик;
- таъмагирликка берилиш;
- амални эгаллаб манманликка берилиш;;
- уятсизлик.

Уларни тузатиш мақсадида мақсадли тренинглардан фойдаланиш энг мақбул йўл бўлиши мумкин.

#### **6.2.7. Раҳбар инқирозининг асосий сабаблари**

**Ўзини атрофдагилардан олиб қочиши.** Бу кунлик муомалалардан ажралишга ёки кам ахборот олишга сабаб бўлади.

**Хоҳииш (истак) ва фикрларини яшириши.** Бу бўйсинувчиларидан, жамоасидан, корхонасидан истак ва фикрларини яширади. Ишни ўз билганича(бажарувчилар тамонидан) бажарилишига қўйиб қўяди. Бу раҳбарнинг тажрибасизлигини ва билимсизлигини кўрсатади.

Инсоний салбий хислатлар (тарбиясизлик, ахлоқий, нафсий бузиклик ва бошқалар).

### **6.3. Бошқариш қарорлари ва уни ишлаб чиқиши**

#### **6.3.1.Бошқариш қарорлари тўғрисида**

Бошқариш қарорини ишлаб чиқиша қуидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Бошқариш қарорларининг тутган ўрни ва аҳамити.
2. Бошқариш қарорлари ва унинг таъсирчанлигини таъминловчи асосий шарт шароитлар.
3. Бошқариш қарорларини қабул қилиш технологияси.
  - а) бошқариш қарорларини қабул қилишга қўйилган асосий талаблар;
  - б) қарорларни қабул қилишнинг изчиллигини таъминлаш.

Бошқариш жараёни технологиясининг муҳим элементларидан бири - бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш ва реализация қилишдир.

Бошқариш қарорларининг тутган ўрни, илмий-техника тараққиётининг ўсиб бориши билан бошқариш объективининг мураккаблашиши боғлиқдир. Бошқариш қарорлари ҳар қандай раҳбар фаолиятини, яъни бошқаришнинг дастлабки ва муҳим даври ҳисобланади.

Бошқариш қарорлари деганда биз вақт доирасида бошқариш органларининг мантикий, хиссий-психологик ва ташкилий-хуқуқий фаолиятини малум мақсадга эришиш учун йўналтириш жараёнини, яъни аниқ мақсадга эришишни тушунамиз. Мақсадлар ва қарорлар қабул қилиш миқёси бўйича умумий, хусусий, таъсир этиш бўйича истиқболли, жорий ва оператив қарорларга бўлинади. Қарорларни туркумлашга бошқача ёндашиш ҳам мавжуд. Хусусан, таъсир этишнинг самарадорлиги, ахборотларни қайта ишлаш усуллари, истиқболни аниқлаш белгилари, бошқариш даражаси, йириклиштириш ва у ёки бу соҳага тегишли белгилари билан турумларга бўлинади. Бу мавзуни ўрганишда асосий этиборни қарорни тайёрлаш, қабул қилиш ва реализация қилишга эътиборни қаратиш лозим. Бу масаланинг муҳимлиги бир нечта ҳолат билан белгиланади.

Биринчидан қабул қилинадиган қарорларнинг юқори даражада таъминоти нафакат зарур ва шу билан бирга мураккаб ҳисобланади.

Иккинчидан хўжалик қарорларини қабул қилиш учун борган сари кўпроқ куч ва воситалар сарф қилинмоқда. Мутахассисларнинг 80-90% иш вақти ахборотларни йиғиш ва бунинг асосида бўйруқлар, фармойишлар ишлаб чиқиш, илгари қабул қилинган қарорлар бўйича ҳисботларни тайёрлашгасарф қилинмоқда. Табиийки, бу жараёнларни рационализациялаштириш бошқариш ходимлари меҳнатини маълум даражада тежаш имконини беради, меҳнат унумдорлигини оширади.

Қабул қилинган қарорларнинг таъсирчанлигини ошириш учун қарорларнинг даврийлигини тўғри танлаш лозим, яъни бошқариш қадами

билинг бошқариш тизимида вазиятнинг ўзгаришини тартибга солишни аниқлаш лозим. Қарорлар умумлашган ҳолда қуидаги кетма-кетлиқда аниқланади:


### **Вазифанинг қўйилиши.**

Вазифани тушиниб етиш (рахбарнинг фикр-мулоҳазасиз, юқори ташкилотнинг топшириқлари билан боғлик бўлган ташкилотнинг вазифаси).

Ахборотларни топиш, йиғиш ва қайта ишлаш, вазиятни ўрганиш ва баҳолаш.

Қарорлар вариантини ишлаб чиқиш.

Қарорлар вариантини таҳлил қилиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш, қарор натижаларини истиқболини кўра билиш.



6.7-расм Ходимлар фаолиятини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатлар.

Қарорнинг охирги вариантни танлаш.

Қарорни ифодалиш.

Қарорни ҳужжатлар асосида расмийлаштириш.

Қарорга имзо қўйиш.

Бўйсунувчилар вазифасини белгилаш.

Қарорнинг бажарилишини таҳлил қилиш (сафарбарлик, ташвиқот).

Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш.

### **6.3.2. Бошқариш қарорлари ва бошқариш таъсирчанлигини таъминлашнинг асосий шартлари**

Ҳар қандай жараённи бошқариш мақсади қуйдагича: белгиланган мақсадга ва вазифага мос равища ёки топшириқ (лойиха) асосида раҳбар ташкил этиладиган жараённи таърифлаб берувчи маълумотни олиши лозим.

Аниқ мавжуд вазиятга мос қарор қабул қилиш учун маълумотлар қайта ишланади, умумлдаштирилади, таҳлил қилинади. Қабул қилинган қарорлар асосида истиқболли ёки оператив ишчи режалар ишлаб чиқилади, фармойишлар ва кўрсатмалар берилади. зарурият туғилганда режага обьектдаги шароитларни ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади, ишлаб чиқилган режалар ва қабул қилинган қарорлар уни бажариш учун ижрочиларга юборилади. Топшириқни олган ижрочи уни бажариш учун юқоридаги раҳбар қабул қилган қарор сингари ўзининг қарорини ишлаб чиқади.

Қарорларни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш раҳбарлар жамоа аъзоларини ва ходимларнинг тажрибасидан фойдаланиши лозим. Қурилиш пайтида шароит кескин ўзгаради; ишнинг бир қисми бажарилади; янги қурилиш машиналари олинади; қисман эски машиналар таъмирлашга жўнатилади ёки ҳисобдан чиқарилади ;ишчиларнинг сон ва сифат таркиби ўзгаради; материалларни етказиб бериш усуллари ўзгаради ёки оби-ҳаво ўзгариши мумкин. Ўзгарувчан шароит ёки вазият тўғрисидаги малумотларни олиш ва таҳлил этиш ишни муддатида бажариш учун тегишли қарорлар қабул қилиш раҳбарнинг вазифаси ҳисобланади. Бу жараён тўхтовсиз давом этади ва раҳбарнинг бошқариш фаолиятида кундалик вазифага айланиб колади,

Юқорида келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, раҳбарлик ловозимларига маълумотли, тегишли билимга эга бўлган, тажрибали ходимлар тайинланади.

Тескари алоқасиз тизимни бошқариб бўлмайди.

Бошқаришнинг таъсирчанлигини таъминловчи шарт –шароитлар қуидагилардан иборат:

- провард ва оралиқ аниқ мақсадларга мос равища бошқариш қарорларининг мақсадни амалга оширишга йўналтирилганлиги;
- раҳбарлар ва ижрочиларнинг вазифалари аниқ чегаралангандиги;
- бошқарувчи тизим ўз қобилятини ўзгартириш хусусиятига эга бўлиши лозим, акс ҳолда ишда ўзгариш бўлмайди;
- қабул қилинган қарорлар асосида бошқарилувчи тизимга реал таъсир этиш имкониятига эга бўлиши керак;
- бир нечта вариантлардан энг маъқулини қабул қилиш имкониятига эга бўлиши лозим;
- қарорларни бажариш учун бошқарувчи тизим ихтиёрида зарур ресурслар заҳираси бўлиши керак;
- бошқариш жараёнининг бориши тўғрисида доимий ахборотлар бўлиши керак;
- ташқи таъсир ва унинг оқибатлари тўғрисида ахборотлар бўлиши керак;
- қабул қилинган қарорларга танқидий баҳо бериш ва қўйилган мақсадга мос равища таъсир этиш.

Хулоса қилиб айтганда ҳар қандай қабул қилинган қарор энг қўп иш ҳажмининг бажармоғи, минимал ҳаражатлар сарфламоғи, ишни оптимал муддатларда сифатли бажармоғи, рухсат берилган чегарадан ўтмасдан топшириқларнинг бажарилишини таъминламоғи даркор.

### **6.3.3. Бошқариш қарорларини қабул қилиш технологияси**

Бошқариш соҳаси ва вазифасининг хилма–хиллиги, сон жиҳатдан кўплигига қарамасдан қарорлар қабул қилиш лозим бўлади. Хозирги пайтда

бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш ва умумлаштириш технологиясининг умумий қонуниятлари аниқланган. Технология бу ахборотларни қайта ишлаш жараёнининг тўхтовсиз давом этишидир. Ахборот эса бошқариш меҳнатининг қуроли ҳисобланади. Ахборот сифатида ҳар хил режа, топшириқ, буюртма, лойиха ҳужжати маълумотлар (ишни бажариш ёки ресурслар билан объектни таъминлашда) қўлланилади.

Қарорлар қабул қилиш жараёнида ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ниҳоят ижро учун аниқ топшириқни бажариш қўрсатмалари ишлаб чиқилади. Қарорлар қабул қилиш бошқариш меҳнатининг таркибий қисми ҳисобланади. Қарорлар қабул қилиш жараёнининг мураккаблиги кўп сонли маълумотлар, омиллар ва чекланишлар мавжудлиги билан изоҳланади. Қарорларни қабул қилишга қўйдаги талаблар қўйилади:

- қарорларни хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий қонунларга ва ишлаб чиқариш шароитига мос келиши;
- асосий мақсадни амалга ошириш учун барча вазифаларни беками-кўст бажариш;
- хуқук доирасида раҳбарга вакиллик беришни таъминлаш;
- ахборотларнинг аниқлиги, тўлалиги ва ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш;
- бевосита ижрочи ёки маълум гуруҳдаги ижрочиларга қаратилганлиги;
- вақт жиҳатдан муддати қўрсатилиши (ишни бажариш) ва назоратни олиб боришга қаратилганлиги;
- қарор ўз вақтида, тезкорлик билан қабул қилиниши керак, чунки кечикиб қабул қилинган қарорни бажариш имкони бўлмайди, олдин қабул қилинган қарор уни бажаришгача бўлган вақтда бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олинмайди;
- асосланган қарор қабул қилиш учун ҳар гал имкон даражасида максимал ахборотлар йиғиши шарт эмас. Иккинчи даражали ёки бевосита қарорга оид

бўлмаган ахборотлар ишни чигаллаштиради. Бошқариш ахборотлари куйидаги талабларга жавоб бериши керак;

- маълум мақсадга йўналтирилганлиги, яъни зарур аниқ мақсадни ўзида акс эттиради;

- тўғри ва аниқ бўлиши керак, чунки ҳар қандай ноаниқ ахборот нотўғри қарорлар қабул қилишга олиб келади;

- ахборотлар ишончли, аниқ, зарур ҳажмда бўлиши лозим, ортиқча ахборот бошқариш вақтида самарали фойдаланишга халақит беради.

Қабул қилинган тартиб бўйича ахборотлар тўхтовсиз келиб туриши керак. Қарорларни қабул қилиш тахлили ечиладиган масала мазмуни ва ҳарактерига боғлиқ бўлади. Қарорлар қабул қилиш критериясини баҳолаш учун қиймат ва унинг иқтисодий қўрсаткичлар ва бажарилиш муддати қўрсатилади ёки моддий – техника ресурсларида фойдаланилади. Умуман қарорлар қабул қилишда изчиллигини таминлаш жараёни куйидагилардан иборат:

- ташқи таъсир (режа, топшириқ, бўйруқ);
- ички таъсир (шарт-шароит, ресурслар).

### ***Вазият.***

Қарорлар стратегиясини ишлаб чиқиш: а) мақсадни аниқлаш; б) мақсадга эришиш усулини ишлаб чиқиш; в) қарорни танлаш критериясини ишлаб чиқишидан иборат. Шароитни баҳолаш: а) кадрлар; б) ресурслар, техникалар, вақт, технология, самарадорлик.

### ***Натижалар истиқболини кўра билиши.***

Тайёрлов босқичи: а) бошқарув тизимида қарорнинг тутган ўрнини аниқлаш; б) қарорга тегишли функцияни аниқлаш; в) қарорни қабул қиласиган бошқариш босқичини аниқлаш; т) қарорни қабул қилувчи шаҳс вакилини аниқлаш; д) қарорни қабул қилувчининг хуқуқини аниқлаш; с) қарорнинг чегарасини аниқлаш.

Ахборотлар цикли: а) ахборотларни излаш; б) ахборотларни йиғиши; в) ахборотларни қайта ишлаш; г) ахборотларни таҳлал қилиш.

### ***Натижса ва истиқболни аниқлаш.***

Қарорлар элементларини, эксперт таклифларини ишлаб чиқиши: а) таклифлар вариантини ишлаб чиқиши; б) таклифларни таққослаш таҳлили; в) тавсияни танлаш. Қарорни қабул қилиши: а) қарорлар вариантларини ишлаб чиқиши; б) қарорлар вариантини баҳолаш; в) қарорларни танлаш.

Қарорларни режалаштириши: а) қарорларга кўл қўйиши; б) қарорларни тегишли журналларга ёзиб қўйиши.

Ижрочи вазифасини белгилаш: а) нима қилиш керак; б) ким бажариши керак; в) қандай бажариши керак; г) қаерда бажариши керак; д) қачон бажариши керак; е) бажаришнинг кетма кетлиги.

### ***Топшириқни ҳужжатлар асосида расмийлаштириши.***

Қарорларни бажаришни ташкил этиши: а) қарорни ташвиқот қилиши; б) жамоани сафарбар этиши; в) муваффиклаштириши; г) оператив тартибга солиш. Қабул қилинган ижрочининг иш фаолиятини ташкил этиш лозим, бусиз энг тўғри қарор ҳам ҳаётга тадбиқ этилмай қолиши мумкин.

#### **6.3.4. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш**

Қарорларнииг бажарилишини бошқариш уни назорат қилиш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқаришда ҳисоб-китобнинг моҳияти ишнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида тўлиқ ва аниқ ахборот олиш ҳамда унинг асосида тўғри қарорларни қабул қилишдан иборатдир. Цех, участкани бошқаришда асосан кундалик, зудлик ва бухгалтерлик ҳисоб турлари қўлланилади.

Ишлаб чиқаришда ҳисоб - китобнинг яхши йўлга қўйилиши самарали қарорни тузиб чиқишига ва уннинг муваффакиятли бажарилишига имкон яратади. Ҳисобнинг чалкашлиги, ноаниқлиги ишлаб чиқаришини бошқаришда камчиликларнинг мавжудлигини билдиради.

Қарорларни назорат қилиш бошқарув жараёнинг якунловчи босқичи ҳисобланади. Агар қарорда ахборот юқоридан пастга йуналтирилган бўлса, уни назорат қилиш тескари боғланиш шаклида бўлиб, қарорнинг бажарилиши тўғрисида пастдан юқоридаги бошқарув ташкилотларига ахборот берилади. Назорат ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий манзарасини кўришга имкон яратади. Назорат натижалари қабул қилинган қарорларнинг таъсирчанлиги ва ўз вақтида бажарилишига боғлик. Буларнинг барчаси бошқарув идораларида мустаҳкам ва эпчил назорат тизимини ўрнатишни тақозо қиласди. Назорат тизими ишни уюштириш тизими орқали белгиланади. Бу ерда ҳар қайси ходим ва бўлим учун аниқ вазифа белгиланган бўлади. Назорат иши раҳбарнинг муҳим вазифасидир, чунки у самарали қарорларни қабул қилишда ахборотнинг манбаи ҳисобланади. Шундай қилиб, раҳбар қабул қилинадиган қарорларнинг сўнги ташабускори сифатида чиқади. Раҳбарнинг ҳар бир қарори шундай бўлиши керакки, у доимий ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитида ижро этилиши керак бўлган қарорларни назорат қилишга имкон яратсин. Бу тўғри ва тезкор назорат бўлиб, унинг вазифаси қарорининг бажарилишини юқори даражада ва сифатли ташкил этишdir. Қарорлар бажарилиши самарадорлигининг асосий шартлари қуйидагилардир:

- муентазамлик, бу ижрони муттасил текширишини амалдаги вазиятни таҳлил қилишни билдиради;
- ҳамма соҳани қамраб олиш характеристи, бу бошқарувнинг барча бўғинларини назоратга жалб этиш ҳамда улар фаолиятининг ҳамма участкаларини қамраб олиш имконини беради;
- муайн масалага қаратилиши, яъни бошқарувнинг турли даражаларида назорат қилиниши лозим бўлган масалаларни моҳирлик билан танлаш, ишларни барча энг муҳим турларини қамраб олиш;

- назоратнинг аниқ мақсадга қаратилаган бўлиши ва самарадорлиги, унинг фақат камчиликларини очишгина эмас, балки уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишига ҳам йўналтирилганлидир.

### ***Назорат саволлари***

1. *Раҳбарлик фаолиятиниг қурилишида қандай аҳамияти бор?*
2. *Раҳбарга қандай талаблар қўйилади?*
3. *Раҳбарнинг сиёсий етуклиги қандай тушунилади?*
4. *Раҳбарликнинг қандай турлари бор?*
5. *Раҳбар меҳнати қандай ташкил этилади?*
6. *Раҳбар иши вактини қандай тақсимлаши мақсадка мувофиқ?*
7. *Раҳбарлик фаолиятидаги асосий камчиликлар нималардан иборат?*
8. *Раҳбар фаолиятидаги нуқсондарга нималарни киритиши мумкин?*
9. *Раҳбарни инқирозга олиб келувчи сабаблар асосан нималардан иборат?*
10. *Функционал раҳбар қандай ва ким олдида ҳисобот беради?*

## **6.4. Қурилишда бошқаришнинг автоматик тизими (БАТ)**

**Калит сўзлар:** гидротехника, қурилиши, ташкил қилиши, автомат, бошқариш, тизим, корхона, алоқа, датчик, техника, механизм, код, модернизация, маълумот, меъёр, ҳужжат, самарадорлик.

### **6.4.1. Автоматлаштириш тўғрисидаги умумий тушунчалар ва унинг моҳияти**

Қурилиш бошқарувида автоматикадан фойдаланиш бошқарувни автоматлаштириш деб тушунилади. Бу бошқарув хизматига автоматикани жорий этиш демакдир. Қурилишни бошқарувнинг автоматик тизими бу бошқарув тизими бўлиб унда режалаштириш ва бошқарув иқтисодий математик моделларга асосланади ва бошқарув органлари ўзаро биргаликда ҳаракатланиб ЭҲМ, замонавий автоматизация ва алоқа воситалари ёрдамида

тезкор қарорлар қабул қиласи. Замонавий техник воситалар қурилиш бўйича маълумотлар олиш ва уларни самарали қайта ишлашни амалга оширади. Бу раҳбар учун оптимал қарор қабул қилиш имкониятини беради. бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимида маълумотлар йигини ва узатиш қарор қабул қилиш маълум вакт оралиғида формалашади. Формалашиш деганда бажарувчилар томонидан ёзилган белгиловни, процедурани унинг моҳиятини тўлиқ тушунмай бажарилиши тушунилади, яъни механик бажарув амалга оширилади. Бу мақсад учун алгоритмлар ишлаб чиқилган, улар асосида тизим функциясини амалга оширади. Математик таъминот оптимал қарор қабул қилиш учун режалаштиришнинг тармоқли моделини, чизиқли ва динамик дастурларининг моделларини қўллайди. Қурилиш монтаж ташкилотларини бошқарув тизими элементлари маълумотлар йифиши, уларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва бажарувчilarга етказиш функцияларини бажаради. Шу сабабли бу элементлар биргалиқда ҳаракатланади ва амалга оширилади.

Ахборот тизими ўз таркибига приборлар (датчиклар), қайсики улар ишни боришини назоратқиласи ва рўйхатга олинади, диспетчерлик алоқалар тизими ахборот тизимини ҳаракатланиш дастурини, бу дастур орқали ахборотларни шакли, даврийлиги, йиғиш усули ва узатишни аниқланади.

Қурилиш – монтаж ташкилотларининг бошқарув органи электрон – ҳисоблаш техникаридан фойдаланиб қарор қиласи ва уни бажарувчilarга етказади. Автоматика тизими ўзининг тизимчаларидан ташкил топади. Қурилишни бошқарувнинг автоматик тизими (ҚБАТ) функционал ва аъминот тизимчаларга шартли характерга эга эканлигини белгилаш лозим.

Одатда функционал тизимчага ўз навбатида келажак, йиллик ва тезкор режалаштириш, диспетчерлик назорати, ахборот ва тезкор бошқарув, назорат, ҳисобга олиш ва ҳисбот бериш, ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили, моддий техник таъминот ва бошқа тизимчалар киради.

Таъминот тизимчага бошқарув автоматик тизими (БАТ) ахборот таъминоти, техник таъминот, ташкилий таъминот, иқтисодий таъминот ва

хуқуқий таъминот тизимчалари киради. Булардан ташқари йирик қурилишва қурилиш- монтаж ташкилотлари таркибий тизимчаларга бўлинади, масалан, бош бошқарма аппарати, трести, қурилиш – монтаж Бошқармаси ва бошқалар. Кўпчилик қурилиш ташкилотларида ЭҲМ, компьютер техникаси маҳсус дастурлари билан, халқаро интернет тизимлар ва тармоқлари ишлаб турибди. Янгидан тадбиқ этилиши керак бўлган бошқарувнинг автоматик тизими аввало мавжуд қурилиш, қурилиш – монтаж ташкилотларининг амалий ҳолатини илмий – амалий нуктаи назардан ўрганиб чиқилади. Мавжуд ЭҲМ ҳолати, модернизация даражаси, диспетчерлик техник воситалари, жиҳозланиш даражаси, тааллуқли кадрлар потенциали каби масалалари ўрганиши керак.

Бошқарувнинг автоматик тизимини жорий қилишнинг босқичлар асосида жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли текширувлар ўтказиш лозим бўлади. Қурилиш, қурилиш – монтаж ташкилотлари, хатто ишлатиш ташкилотларида ҳам бошқарувнинг автоматик тизимини жорий қилишда комплекс амалга ошириш яхши самара беради. Ҳозирги вақтда ташкилотнинг барча бўғинлари ягона тармоғини вужудга келтириш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда ахборот йифиш, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш ва бажарувчиларга етказиш комплекс тарзда амалга оширилади. Айрим корхоналарда уларнинг барча бўғим ва бўлинмаларида ахборот олиш тартиби белгиланган. Бунда ягона тармоқ орқали ахборот олиш ёки бериш амалга оширилган.

Бошқарув тизими муракаблиги, таъсир усули ва белгиланиши бўйича классификацияланиши мумкин. Бошқарув тизими муракаблиги бўйича оддий – бунда кам сонли элементлар бўлади, мураккаб – кўп сонли элементларга эга ва жуда мураккаб – санаб бўлмайдиган кўп элементларга эга.

Бошқарув тизими белгиланиши бўйича тармоқ ва корхоналарни бошқарувга қаратилган бўлади.

БАТ ни ишлаб чиқишида ташкил қилиш ва бошқарувни тартибга солиш, бўлинмалар функцияларини аниқлаш, ҳужжатларни ва улар оқимини тартибга солишини такомиллаштириш керак.

БАТни ташкилий – функционал белгилар бўйича тизимчаларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда амалдаги бошқарув тизимини ва бўлинмаларнинг функционал хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёнлари ва бошқарувни ҳисобга олинади.

Ахборот базаси, техник воситалар комплекси ва математик таъминот БАТни таъминловчи қисми ҳисобланади ва у стандартлаштирилган ва қўлланиладиган меъёрлар, ҳужжатлар шаклари, маълумотлар салмоғи ва кадрлар мажмуасини ўз таркибига олади.

Техник воситалар комплексига оргтехника, ЭҲМ ва бошқа воситалар киради.

БАТ амалиётда ахборот ва ахборот бошқарув қисмлардан ташкил топади. Ахборот тизими ахборот – ҳисботи ва ахборот бошқарув қисмлардан иборат бўлиши мумкин. Ахборот-ҳисбот тизимда объект ҳолатини характерловчи маълумотларни автоматик йигув, узатиш, қайта ишлаш, ҳисоб ва ҳисботни ҳисобга олишини бажаради. Ахборот бошқарув қисмida маълумотлар оқимини тартибга солиш имкониятини беради, такрорланишга йўл қўймайди, ҳисбот ахборотни сортировка (тоифаларга ажратади) қиласи, алоҳида кўрсаткичларнинг ҳисобини бажаради.

Ахборот режа тизимида оптималлашган методларни талаб этмайдиган қатор масалаларнинг ечимлари автоматлаштирилади. Автоматик бошқарув бошқарув ва режалаштириш функцияларини автоматик тизим белгилардан ташқари бажаришни таъминлайди. Бошқарув топшириғи олинган маълумотларни ва қарорни қайта ишлаш натижалари бўлиб бошқарув объектига юборилади.

Йирик қурилиш ташкилотларида БАТ бир нечта қисмларга ва босқичларга бўлинади.

Биринчи босқичда тизимни ишлаб чиқиш учун техник топшириқ тузилади. Бунга мавжуд тизимни таҳлил қилиш, ахборотлар оқими, қурилиш ташкилотининг тавсифини тузиш киради.

Икkinчи босқичда автоматлашган тизимнинг техник лойиҳаси ишлаб чиқилади. Таҳлил натижалари аниқлаштирилади, тизимчалар оптималлаштирилади, вазифани ечишнинг методикаси, дастлабки маълумотлари, унинг частотаси ва ҳажми аниқланади. Автоматлашган тизимни босқичма – босқич эксплуатацияга киритиш учун ишлаб чиқиши давом эттириш ва тадбиқ этиш техник топшириқ бўйича амалга оширилиши лозим.

Учунчи босқичда тизимчаларнинг ишчи лойиҳаси тузилади, уларга меъёрий комплекслар, машина алгоритмлари ва дастурлари, кириш ва чиқиш хужжатларининг шакли, кириш маълумотларининг кириш шифри ва кодлари, тизимнинг техник воситалари киради.

Туртинчи босқичда ахборот олиш, узатиш ва қайта ишлаш, ҳисоблаш марказида ва диспетчерлик пунктида қурилиш – монтаж ишларини бажариш учун саноатда ишлаб чиқарилаётган воситаларини олиш бажарилади.

Охирги босқичда тузилган тизимни синаш, тузатиш (мослаш) ва тадбиқ этиш амалга оширилади.

Тизимнинг йиғма ахборот – мантиқий моделида барча тизимчаларнинг ўзаро боғланиши кўриниши лозим. Автоматлашган бошқарув ташкил этилаётган ташкилотнинг қурилиш – монтаж ишларини характерловчи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўрганилади. Булар қурилиш – монтаж ишларининг йиллик ҳажми, объектларни ишга тушириш; қурилиш объектларининг характеристики, қурилиш – монтаж ташкилотининг таркиби; унинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқаси; ишлаб – чиқариш базаларинин таркиби ва қуввати; моддий - техник комплектлаш тизими; ахборотни йиғиш ва узатиш воситалари; ишлаб чиқариш фаолиятининг техник иқтисодий кўрсаткичлари ва бошқалардир.

Навбатдаги босқичда бошқарув жараёнининг ўзини текшируви амалга оширилади. Бу корхонанинг таркибий бўлинмаларида бажарилади. Лойиҳаланаётган БАТ характерива самарадорлик чегараларини, белгиланишининг таҳлилини аниқлаб мавжуд тизим камчиликлари қисмларга бўлиниб ўрганиш ва оптималлаш учун тизимланади.

Бошқарув тизимини оптималлаш масалаларни экстремаллаш билан боғлиқ масалани қуйилгандан сўнг оптималлик чегаралови ва чегарасини ажратиш масалан, ечиш алгоритмини ишлаб чиқишини ва қуришини талаб этади. Кўпчилик ҳолатларда оптималлаш мақсадида қурилиш ташкилотининг иқтисодий математик моделини ишлаб чиқиши фавқулодда муракабликни ҳисобга олиш кийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун қурилиш ташкилотининг ҳар бир қисми учун масалаларни ечиш ёки математик иқтисодий моделларни ишлаб ва умумий ўзаро моделлар комплекси билан боғлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Танланган чегараловлар бўйича режани оптималлашда ЭҲМдан фойдаланишда меъёрий манбаларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш ташкилоти давлат томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги билан бирга ЭҲМ ва режа тузувчилар учун қулай бўлган шаклда меъёрлар ишлаб чиқади.

Барча меъёрий – маълумотлар ишни оптимал режимдан чеккага чиқишини аниқлаш, ишлаб – чиқаришини назорат қилиш, мувофиқлаштириш учун фойдаланилади. Меъёрий – маълумотлар мавзулар бўйича тузилиб доимий ахборотга эга бўлади ва БАТ вазифаларини ечиш учун ишлатилади.

Тизим синтези тизимчаларни ўзаро ҳаракатини бир тизимга оптималлаштирилгандан сўнг уларнинг уланиш вазифасини ечади. Тизимни тузишда марказлашган ёки номарказлашган бошқарувни тўғри тузилганлигини қараш муҳимдир. Бунда ҳар бир поғанадаги ташабbusлар ва масъулияtlар руёбга чиқиши лозим. Алоҳида тизимчаларнинг ўзаро ҳаракати ҳисоблашларни аниқлиги ва ишлаб чиқаришнинг тайёргарлигига боғлиқ.

Қурилишда бошқарувнинг автоматлашган тизимини жорий қилиш илмий – тараққиётни тезлатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади

#### **6.4.2. Қурилиш бошқарувида автоматик тизимининг иқтисодий самарадорлиги**

Қурилиш – монтаж ташкилотларида бошқарувнинг автоматик тизимини кўллашдан бўладиган иқтисодий самарадорлик асосан қурилиш – ишлаб чиқаришини тезлаштириш ҳисобига бўлади. Бунда бошқарувини яхшиланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллашуви, режавий – иқтисодий ишлар сифатининг ошиши, ахборотни йиғиши ва қайта йиғиши ва қабул қилинаётган қарорларни оптималлашиши амалга оширилади. Бундан ташқари ишлаб чиқаришга БАТ тадбиқ этиш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошиши билан баҳоланади. Қурилишда БАТни тадбиқ этилишнинг муҳим томони у ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга туширишни таъминлайди. Қурилиш муддатини қисқартиради. Қурилиш – монтаж ташкилотларининг хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари яхшиланади. У меҳнат сарфларини камайишига олиб келади, қурилишдаги машина – механизмлар, асбоб ускуналарни унумдорликлари кўпаяди, ишни бажарилиши оптималлашади.

Қурилиш муддатини қисқарилиши туганланмаган ишлаб чиқариш обьектлари ҳажмини камайишига, айланма воситаларнинг ҳаракатига таъсир этади. Ноишлаб чиқариш харажатларни ва ресурсларни йўқолиши камаяди.

Қурилиш БАТ қўлланиши бошқарув аппарати ходимлари сонини камайтиради. БАТни ишлаб чиқаришга кўллашнинг иқтисодий самарадорлигини асосий кўрсаткичлари; мутлоқ самарадорлик ва солиштирма самарадорликдир. Мутлоқ (абсолют) самарадорлик бу иқтисодий самарадорлик коэффиценти билан баҳоланади. Солиштирма самарадорликда йилик иқтисодий самара аниқланади.

Қурилишнинг БАТ иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи қўйидагича аниқланади;

Фойданинг йиллик ўсиши ( $\mathcal{E}_n$ )

$$\mathcal{E}_n = \frac{\Pi_1(A_2 - A_1)}{A_1} \quad (6.3)$$

бу ерда:  $\Pi_1$  – базис даврида қурилиш маҳсулоти (қурилиш – монтаж иши)ни сотишдан олинган фойда;  $A_1$ ;  $A_2$  – қурилиш монтаж ишларининг базис ( $A_1$ ) ва БАТ тадбиқ этилган йилдаги ( $A_2$ ) ҳажми ёки маҳсулот микдори

$$A_2 = A_1 \cdot \gamma \quad (6.4)$$

Бу ерда:  $\gamma$ -қурилиш ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши

$$\gamma = \frac{100 - \alpha_2}{100 - \alpha_1} \quad (6.5)$$

бу ерда:  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  – сменада ишчи вақтини йўқотилиши,  $\alpha_1$  – базис ва  $\alpha_2$  жорий бўлади.

Қурилиш-монтаж ишлари таннархини ( $\mathcal{E}_c$ ) камайиши қўйидагига аниқланади:

$$\mathcal{E}_c = \mathcal{E}_m + \mathcal{E}_3 + \mathcal{E}_{mm} + C_9 \quad (6.6)$$

Бу ерда:  $\mathcal{E}_m$  – материалларга харажатнинг камайиши;  $\mathcal{E}_3$  – ишчиларнинг иш ҳаки бўйича харажатларини камайиши  $\mathcal{E}_{mm}$  – машина – механизмлар харажатларини камайиши;  $\mathcal{E}_{mm}$  – тўғри харажатларнинг камайиши;  $C_9$  – қўшимча БАТни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар.

БАТ ни жорий этиш ҳисобига обьектларни муддатидан олдин ишга туширишдан олинадиган иқтисодий самара ( $\mathcal{E}_9$ )

$$\mathcal{E}_9 = \sum_{i=1}^m E_H F_i (T_i^I - T_i^{II}) \quad (6.7)$$

Бу ерда:  $E_H$  – тармоқ учун капитал қўйилмаларнинг тармоқ меъёрий коэффиценти;  $T_i^I$  ва  $T_i^{II}$  – қурилишининг БАТ ни жорий этгунча ва сўнги муддатлари;  $F$  – мазкур кархонадаги муддатдан олдин ишлаб чиқариш фонdlарининг қиймати. Тугалланмаган қурилишларни қисқартирашдан,

капитал маблағларни рационал тақсимлашидан ва қурилишини тезлатишдан бўладиган иқтисодий самара ( $\mathcal{E}_\phi$ )

$$\mathcal{E}_\phi = E_h (K_i^I \bullet T_i^H - K_i^H \bullet T_i^H) \quad (6.8)$$

Бу ерда:  $K_i^I$  ва  $K_i^H$  - туганланмаган объектлар қурилиши учун харажатлар ўлчами, тааллуқли равишда БАТ тадбиқ қилинишигача ва сўнг.

Қурилишини БАТ яратишида асосий фондлар қийматини ўзгаришли

$$\Delta K = \pm \Delta \Phi_{oe} \pm \Phi_{oe} \quad (6.9)$$

Бу ерда  $\Phi_{ob}$  – қурилиш БАТ ни функцияси билан меъёrlанадиган айланма воситалар ўлчамини ўзгариши;  $\Phi_{oe}$  – юқоридагидек асосий ишлаб чиқариш фанлари ўлчамини ўзгариши.

Айланма воситалар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши билан боғлиқ ошиши мумкин. Шу билан бирга қурилиш БАТ айланма воситаларига талабни камайтиради.

Қурилишида БАТни яратишининг йиллик иқтисодий самарадорлиги ( $\mathcal{E}_{\text{йил}}$ )

$$\mathcal{E}_{\text{йил}} = \mathcal{E} - E_h (K_g \pm \Delta K) \quad (6.10)$$

Буерда  $\mathcal{E}$  – фойданинг йиллик ўсиши;

$E_h$  – капитал қуйилмаларнинг йиллик иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

$K_g$  – қурилиш БАТ ни яратишига капитал харажатлар,

$\Delta K$  – Ташкилотнинг қурилиш БАТни жорий килиниши сабабли ишлаб чиқариш фанлари қийматининг ўзгариши. Йигинди иқтисодий самара ( $\mathcal{E}_\Sigma$ ) маъсул давр учун тизимили фаолият шароитида

$$\mathcal{E}_\Sigma = \sum_{t=1}^T \frac{\mathcal{E}}{(1 + E_{mt})^t} - E_h \sum_{t=1}^T \frac{K_{gt} \pm \Delta K}{(1 + E_{mt})^t}, \quad (6.11)$$

Бу ерда  $T$  – қурилиши БАТ фаолият даври, шу вақт учун иқтисодий самара аниқланади:  $\mathcal{E}$  – фойданинг йиллик ўсиши, йил учун;  $t$  – йиллар, базис йилидан жорий йилгача;  $K_{gt}$  –  $t$  вақт (йиллар) учун қурилиши БАТ яратиши

вақтига капитал харажатлар;  $\Delta K_t$  – қурилишни БАТ ни тизим билан боғлиқ ишлаб чиқариш фондларининг ўзгариш;  $E_{ni}$  – ҳар хил харажатларни келтириш учун меъёр (0,08). Умумий иқтисодий самарадорлик коэффиценти ( $E_k$ ) қурилишни БАТ яралишига қаратилган капитал қўйилмалар бўйича қўйидагича аниқланади

$$E_k = \frac{\mathcal{E}}{Kg + \Delta K} \geq E_{HBT} \quad (6.12)$$

Бу ерда  $E_{HBT}$  – қурилишни БАТ тизими капитал қўйилмаларининг меъёрий коэффиценти капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати

$$T = \frac{K_g + \Delta K}{\mathcal{E}} \quad (6.13)$$

бўйича аниқланади, бу ерда белгилашлар юкоридаги каби бўлади.

#### **6.4.3. Қурилиш ишлаб чиқаришида бошқарувни автоматик тизими (БАТ) бошлиғининг лавозим мажбуриятлари**

БАТ бошлиғи. У замонавий иқтисодий кибернетика назарияларини ва техник воситалари (ЭХМ, алоқа воситалари, ахборот узатишнинг бошқа шакллари), бошқарувни математик – иқтисодий ишланмалардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш лойиҳаларини тадбиқ этиш ва ишлаб чиқариш устидан раҳбарликни амалга оширади, бошқарув тизими тадқиқотларини ўтказишни ташкил этади, уларни шакланиш имкониятларини аниқлайди, бошқарув методива тартибини ўрганиш ва уларни ЭХМ дастурларига ўтказади. Ишлаб чиқаришни бошқарувнинг автоматик тизими (ИЧБАТ) ва унинг кичик тизимчалари учун техник топшириқ тизимида иштирок этади, уларни бажарилиши бўйича, масалан, қўйилиши, уларни алгоритмлаш, ИЧБАТ тизимчаларини техник ва ташкилий таъминоти бўйича назорат ва ИЧБАТ тадбиқ этишва лойиҳалар режасини тайёрлашни таъминлайди, намунавий блоклар тадбиқ этади ва тузади. Корхонада ҳужжатчиликни такомиллаштириш бўйича ишларни ташкил этади. Кириш ва

чиқиши хужжатларини оптималлаштириш, ИЧБАТ талабларини қаноатлантирадиган хужжатларни тузиш ва мазмунини рационаллаш, ИЧБАТ барча вазифалари ва ЭХМ да ахборотларни ишлаб чиқишининг технологик жараёнларини лойихалашни амалга оширади. У ИЧБАТ нинг ахборот таъминоти билан боғлиқ. Инструкциялар, методик ва меъёрий материаллар, ахборот меъёрий маълумотларни киритиш, машиналарга киритиладиган бирламчи маълумотларни тўғрилигига раҳбарлик қиласди. ИЧБАТ техник воситаларини ўрнатади, тажрибадан ўтказади ва тузатади. Иш жараёнларини бериш тўғрисида ахборотни ташкил этади, бузилишларни аниқлади, тезкор чоралар қўллайди. Бирламчи маълумотлар ва хужжатлар тушишини ўз вақтида бажарилиши бўйича назоратни ташкил этади, уларни тўғри режалаштириш, ЭХМда ишлаш учун узатишни ва тўғри расмийлаштиришни таъминлайди. ИЧБАТ ни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш, унинг сифати ва ишончлилигини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чикади. ИЧБАТ ни фаолият тасирини кенгайтиради, техник воситаларни модернизацияси билан шугулланади. ИЧБАТ ни лойихалаш қиймати ва муддатини қисқартириш мақсадида алгоритмлаш бўйича масалалар тайёрлаш методикаси ва ташкил этишини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб беради. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича ёрдам кўрсатади. бўлим ишловчилари устидан раҳбарлик қиласди.

**У қуидагиларни билиши керак:** юқори ташкилотларнинг қарорлари, фармойишлари буйруқлари; ишлаб чиқаришни автоматик бошқарув тизимини ташкил этиш бўйича методик; меъёрий ва бошқа кўрсатма материаллар; корхона ривожланишининг келажаги, корхона маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологияси; ишлаб чиқаришни тезкор бошқарув ва техник – иқтисодий режалаштиришни ташкил этиш; ишлаб чиқиш бўлинмаларининг функционал ва ишлаб чиқариш алоқалари, ИЧБАТни таркиби ва вазифалари; ИЧБАТ ва унинг бўлинмалари лойихаларини ишлаб чиқиш тартиби; ахборот узатиш ва қайта ишлаш воситаларини эксплуатацияси қоидалари ва белгиланиши;

масалаларни қуишиш тартиби ва уларни алгоритмлаш, дастурлаш ва ахборотларни механизациялашган қайта ишлаш асослари; дастурлаш тиллари; амалдаги шифрлаш, кодлаш, хисоблашлар тизими; техник хужжатлаштиришни расмийлаштириш ва ишлаб чиқиш тартиби; меҳнатни ташкил қилиш, иқтисодиёт асосларини, ишлаб чиқариш ва бошқарув асослари; меҳнат қонунчилиги асослари, меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидалари, техника хавфсизлиги; ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга карши ҳимоя.

**Малака талаби:** олий маълумотли инженер – иқтисодчи, инженер, ҳамда техник бўлиб соҳада маълум иш стажига (5 йил) эга бўлиши керак.

### ***Назорат саволлари***

1. *Курилишида бошқарувни автоматлаштиришининг мақсади нима?*
2. *Курилиш бошқарувидаги автоматик тизимни вазифалари.*
3. *Курилиш бошқарувидаги автоматик тизим ва тизимчалари.*
4. *Бошқарувнинг автоматик тизимида қўлланиладиган техник воситалар.*
5. *Бошқарувнинг автоматик тизимини яратишида тизимий ёндашии нима?*
6. *Бошқарувнинг автоматик тизимини тузиш қандай қисмлар ва босқичларга бўлинади?*
7. *Курилиш бошқарувидаги автоматик тизимни жорий қилишининг иқтисодий самарадорлиги қандай усуллар билан ҳисобланади?*
8. *Курилишида бошқарув автоматик тизими мутлоқ самарадорлиги қандай ҳисоблашади?*
9. *Бошқарув автоматик тизимида солиштирма самарадорлик қандай ҳисобланади?*

## **6.5. Бошқарув меҳнатини ташкил қилиш даражасини баҳолаш**

Ривожланган ва демократик томойиллар устун бўлган мамлакатда ҳукумат ва корхоналар ўртасидаги муносабат содда кўринишга ва демократик муносабатларга асосланади. Барча ҳолатларда ҳам корхона ва ташкилот ривожланиши устивор характерга эга бўлади. Корхона ва ташкилотларни ривожланишида бошқарув асосий ўринни эгаллайди. Демократик бошқариш принципига асосланган ташкилот ва корхоналарнинг ривожланиши уларнинг фаолиятини узоқ давом этишини, корхона ва давлат манфати нуқтаи назардан ижобий характерга эга бўлиш фанда асосланган. Шу сабабдан қурилишда бошқариш меҳнатини тўғри ташкил қилиш вазифаси корхоналар ва ташкилотлар ривожининг асосини ташкил этади. Корхона ва ташкилотни ривожланиши маълум даражада раҳбарларни аниқлаш, мутахассислар ва техник ишловчилар таркибини шакллантиришга боғлиқ. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри йўлга кўйиш раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимларга боғлиқ. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри йўлга кўйиш раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимларга боғлиқ. Раҳбар ва мутахассислар бошқариш методларини аниқлайди, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда ташаббускорлик вазифасини бажаради. Бошқарув меҳнати тушунчасини маълум даражада объект ёки унинг бир соҳаси сифатида тушуниш мумкин.

Агарда ҳар қандай меҳнатни икки шаклда, яъни жисмоний ва ақлий кўринишини ҳисобга олсак бошқарув меҳнати иккинчисига киради ёки ақлий меҳнат ҳисобланади. Гидротехника қурилиши бошқарув меҳнатида иштрок этувчилар сув хўжалигининг нозик томонларини, характерини, хусусиятларини билиши лозим. Усиз мувоффақиятга эришиб бўлмайди. Гидротехника қурилишини амалга оширилаётган қурилиш ишлари тегишли ташкилот ва корхоналар томонидан бажарилади. Бунда вазифаларни ружалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат каби функциялар амалга оширилади. Бошқарув меҳнатини таркибида ҳам икки

тизим мавжуд: бошқарувчи ва бошқарилувчи. Бошқарувчи тизим ўрнида раҳбар фаолият кўрсатади.

Дунё амалиётида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бошқариш меҳнати ва раҳбарга тўғридан тўғри боғлиқлиги асосланган. Раҳбарликнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятини баҳолаш замонавий раҳбарга хосдир. Бошқарув меҳнатининг ташаббускори ва назоратчиси муайян корхона раҳбаридир. Раҳбар мақсадни белгилашда катта ваколатга эга. Тўғри белгиланган мақсад ўз ечимининг ҳам тўғри ечилишдаги дастлабки омил ҳисобланади. Мақсадни амалга ошириш учун қўйиладиган вазифаларни ишлаб чиқиш, уни бажариш ҳамда назоратининг қанчалик даражада тўғри бажарилишининг ҳам бош масъулияти раҳбар зиммасида бўлади.

Бошқарув меҳнатининг ҳақиқий даражасини баҳолаш ва миқдорий анализ қуйидагиларни белгилайди:

- мавжуд бошқарув меҳнатини ташкил этишнинг критетияларини (чегараловларини) ўрганиш;
- мавжуд бошқарув меҳнатини ташкил қилишда эришилган даражасини ва нозик жойини аниқлаш;
- бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш бўйича ишланмалар тартибини асослаш ва танлаш ҳамда алоҳида тадбирларни жорий этиш.

Бошқарув меҳнатини ташкил этишнинг ҳақиқий даражасини умумий миқдори баҳолаш учун фанда маҳсус умумлашган кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Унинг таркибига бир қанча саволлар киритилган. Булар ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, техник, ижтимоий, санитар – гигиеник ва бошқа характеристикини саволлардир.

Жадвалдаги кўрсаткичлар меҳнатни илмий ташкил этиш асосида бошқарув меҳнатининг ҳақиқий даражасини аниқлаш имкониятини беради. Бу эса раҳбар учун ўз-ўзини танқидий нуқтаи назаридан таҳлил этиш, ўзининг бўш жойларини аниқлаш ва уни тузатиш учун, тезкор қарорлар ишлаб чиқиш ва бошқарув меҳнатига жорий этиш учун асословчи маълумот бўлади. Бундан

ташқари ҳар қандай корхона ва ташкилотдаги бошқарув меҳнатини баҳолаш учун услубий асос бўлади.

Гидротехника ташкилотларининг ҳақиқий даражасини 9та кўрсаткич бўйича аниқлаш мумкин, қайсики улар бошқарув меҳнатининг барча аппарати фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар комплексини ўз ичига олади. Бошқарув меҳнатини ташкил қилиш даражасини миқдорий баҳолаш 21 коэффицентни аниқлаш билан бажарилади.

Бошқарув меҳнатини ташкил қилишнинг умумий даражасини ошириш учун меҳнатни уюштириш ва тақсимлаш, иш жойини ташкил қилишни такомиллаштириш, иш ва дам олиш шароитини яхшилаш ва бошқалар бўйича чоралар қабул қилинади.

Бошқаришда меҳнатни ташкил қилишни даражаси ( $Y_0$ ) 0.69дан кам бўлмаслиги керак. У қуидаги ифода ёрдамида ҳисобланиши мумкин

$$Y_0 = \sum_{i=1}^n (Y_c : \Pi) \quad (6.14)$$

Бу ерда  $I$  – бўлим ва бўлинмалар сони,  $Y_c$ - ҳар бир бўлинмалардаги меҳнатни ташкил қилиш даражаси,  $n$  – бўлинмалар сони.

Ташкилот бошқарув аппарати ҳодимлари меҳнатини ташкил қилишни баҳолаш.

## 6.2-жадвал

Ҳисоблаш учун кўрсаткичлар				
Баҳолаш коэффицентининг тавсифи	Ҳисоблаш ифодаси	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Мисолий (пример-ный) меъёр
$K_c$ – иш вақтидан фойдаланишнинг экстенсив коэффиценти	$K_c = 1 - (\Pi : \Phi)$	$\Pi$ – иш вақтини йўқотиш Ф-иш вақтининг номинал фонди	%	X 100.0
$K_c$ -иш вақти сарфлари таркибининг рационаллик коэффиценти	$K_c = 1 - \sqrt{\frac{A}{\gamma_i - \gamma_o}} \gamma_o^2$	$\gamma_o$ – ишнинг маълум тури бўйича ҳақиқий вақт сарфи	%	Ҳар бир ишловчи учун берилади. Ҳар бир ишловчи учун

		$\gamma_i$ -ишининг маълум тури бўйича меъёрий вақт сарфи		берилади
$K_1$ -иш вақтидан фойдаланишнинг умумий коэффиценти	$K_1=K_3 K_c$	-	-	-
$Y_1$ -бошқарув аппарати ишловчисининг иш вақтидан фойдаланиш даражаси $Y_1 = K_1$				
$K_2$ – Структуралараро фаолиятни белгиланиш баҳоси коэффиценти	$K_2=\Pi_y:\Pi_0$	П <sub>y</sub> -тасдиқланган хужжатга эга бўлган мустақил бўлинмалар сони, П <sub>0</sub> -мустақил бўлинмаларнинг умумий сони	Дона Дона	- -
$K_3$ -ишловчилар орасида белгиланишини баҳолаш коэффиценти	$K_3-\Delta_p:\Delta_o$	$\Delta_p$ -инструкция бўйича тасдиқланган лавозимда ишловчилар сони Д <sub>0</sub> -ишловчиларнинг умумий сони	Киши киши	- -
$Y_2$ -Бошқариш субъектида меҳнатдан фойдаланишнинг даражаси $Y_2=(K_2+K_3):2$				
$K_4$ -бошқарувчанлик коэффиценти	$K_4-Y_{cp}:Y_n$	У <sub>ф</sub> бошқарувчанлик -нинг ҳақиқий меъёри У <sub>n</sub> -бошқарувчанлик меъёри	киши /киши	1:25 1:30
$K_\phi$ -хизмат кўрсатиш коэффиценти	$K_5=O_\phi:O_n$	У <sub>ф</sub> -бир мутахассислик лобарантининг ҳақиқий хизмат кўрсатиш Q <sub>n</sub> -меъёрий хизмат кўрсатиш	соат соат	X 0,45
$Y_3$ -бошқарув аппарати ишловчисининг юклангандик даражаси $Y_3=(K_4+K_5):2$				

$K_6$ -режалик коэффиценти	$K_6 = \Pi_i : \Pi_0$ $K_6 = \Pi_0 : \Pi_{op}$	$\Pi_i$ -иш режасига эга бўлган ишловчилар сони. $\Pi_0$ -ишловчиларнинг умумий сони $\Pi_{op}$ -умумий режага эга бўлган ишловчилар сони	Киши Киши Киши	- - -
$K_7$ -хужжатларнинг ишончлилик коэффиценти	$K_7 = 1 - (P_B : P_o)$	$P_B$ -бекор бўлган хужжатлар сони $P_o$ -хужжатларнинг умумий сони	Дона Дона	- -
У <sub>4</sub> -Бошқарув аппарати ишининг сифати ва режаликлигини тўлиқлик даражаси.				У <sub>4</sub> -( $K^{17} + K^2_6 + K_7$ ):3
$K_8$ -оргтехника воситаларини қўллашлик коэффиценти	$K_8 = C_\phi \cdot P_m \cdot C_n$ pc	$C_\phi$ - бир ишловчига тўғри келадиган оргтехника воситаларининг ҳақиқий сони. $C_n$ -бир ишловчига тўғри келадиган орг- техника воситалари- нинг режавий сони $P_m$ -механизациялашган иш ҳажми.	Сум Сум Киши-соат Киши-соат	
У <sub>5</sub> -Оргтехника воситаларини қўллаш даражаси У <sub>5</sub> = $K_8$				
$K_9$ – хизмат мебеллари ҳолати коэффиценти	$K_9 = M_\phi : M_h$	$M_\phi$ -мебелларнинг ҳақиқий ҳолати. $M_h$ -мебелларнинг меъёрий ҳолати.	Балл Балл	0 < $M_\phi < 5$ 5
$K_{10}$ – хизмат биносининг безатилганлик кофициенти	$K_{10} = Y_\phi : Y_h$	У <sub>φ</sub> -бинонинг ҳақиқий ҳолати У <sub>h</sub> -бинонинг меъёрий безатилганлиги	Балл Балл	x 5
$K_{11}$ – иш жойининг тузилиш	$K_{11} = \Pi_\phi : \Pi_h$	$\Pi_\phi$ -иш жойининг ҳақиқий тузилиш (планировкаси)	Балл	-x

коэффиценти		П <sub>н</sub> -иш жойининг меъёрий планировкаси	Балл	5
K <sub>12</sub> -хизмат майдони билан таъминланганлик коэффиценти	K <sub>12</sub> =Π <sub>φo</sub> ·Π <sub>no</sub>	Π <sub>φo</sub> -бир ишловчини хизмат майдони билан ҳақиқий таъминланганлиги Π <sub>no</sub> -бир ишловчининг хизмат майдони билиш меъёрий таъминланганлик	M <sup>2</sup> M <sup>2</sup>	-x 7.5
У <sub>6</sub> -иш жойини ташкил қилиш даражаси				У <sub>6</sub> =Σ(K <sub>9</sub> +K <sub>12</sub> ):4
K <sub>13</sub> -иш жойини ёритилганлик коэффиценти	K <sub>13</sub> =O <sub>φ</sub> :O <sub>n</sub>	O <sub>φ</sub> -ҳақиқий ёритилганлик O <sub>n</sub> -меъёрий ёритилганлик	Балл Балл	- 5
K <sub>14</sub> -ҳарорат тартиб коэффиценти	K <sub>14</sub> =T <sub>φ</sub> :T <sub>n</sub>	T <sub>φ</sub> -ҳақиқий температура тартиби T <sub>n</sub> -меъёрий ҳарорат	Балл Балл	- 5
K <sub>15</sub> -бинони рангли безатиш коэффиценти	K <sub>15</sub> =Ц <sub>φ</sub> :Ц <sub>n</sub>	Ц <sub>φ</sub> -ҳақиқий безатилганлиги Ц <sub>n</sub> -меъёрий безатилиш	Балл Балл	- 5
K <sub>17</sub> -осойишталик коэффиценти	K <sub>17</sub> =Ш <sub>φ</sub> :Ш <sub>n</sub>	Ш <sub>φ</sub> -ҳақиқий осойишталик Ш <sub>n</sub> -меъёрий осойишталик	Балл Балл	- 5
У <sub>7</sub> -мехнат шароитининг меъёрий санитар гигиенага тўғри келишлик даражаси				
У <sub>7</sub> =Σ(K <sub>13</sub> :K <sub>17</sub> ):4				
K <sub>17</sub> -кадрлар муқимлиги(стабил ьность)коэффицен ти	K <sub>17</sub> =1-( Ч <sub>y</sub> :Ч <sub>c</sub> )	Ч <sub>y</sub> -хисобот даврида ишдан бўшаган ишловчилар сони Ч <sub>c</sub> - ишловчиларнинг ўртacha сони	Киши Киши	X X
K <sub>18</sub> -мехнат интизоми	K <sub>18</sub> =1-( (Д <sub>п</sub> :Д <sub>o</sub> )	Д <sub>п</sub> -прогул хисобига йўқотилган киши-	Киши- кун	X

		кунлар миқдори До-иш кунларининг меъёрий миқдори	Киши- кун	X
K <sub>19</sub> - мажбуриятларни бажариш коэффиценти	K <sub>19</sub> =1-Ч <sub>h</sub> :Ч <sub>c</sub>	Ч <sub>h</sub> - мажбуриятларини бажармай маъмурий жазо олганлар сони Ч <sub>c</sub> - ишловчиларнинг ўртacha сони		
<b>У<sub>8</sub>-мехнат интизоми ва кадрлар муқимлиги даражаси</b> <b>У<sub>8</sub>-Σ(K<sub>17</sub>:R<sub>19</sub>):3</b>				
K <sub>20</sub> -олий ва ўрта маълумотли мутахассислар коэффиценти	K <sub>20</sub> =C <sub>оф</sub> :C <sub>оп</sub>	C <sub>оф</sub> - мутахассисларнинг ҳақиқий нисбати C <sub>оп</sub> - мутахассисларнинг режавий нисбати	Киши- киши	1:3
K <sub>21</sub> - ишловчиларнинг малака коэффиценти	K <sub>21</sub> =Ч <sub>кв</sub> :Ч <sub>c</sub>	Ч <sub>кв</sub> -Олий ва ўрта маълумотли ишловчилар сони. Ч <sub>c</sub> - ишловчиларнинг ўртacha сони		
<b>У<sub>9</sub>-ишловчилар малакаси ва тайёргарлик даражаси</b> <b>У<sub>9</sub>-Σ(K<sub>20</sub>+K<sub>21</sub>):2</b>				
У <sub>o</sub> -бошқаришда меҳнатни ташкил қилишнинг ҳақиқий даражаси $Y_o = \sum_{i=1}^n (Y_c : \Pi)$				

### ***Назорат саволлари***

1. *Бошқарув меҳнатининг бошқа фаолият турларидан фарқи нимада?*
2. *Бошқарув меҳнатининг таркиби тўғрисида нималарни биласиз?*
3. *Бошқарув меҳнати ва меҳнатни илмий ташкил этиши масаласи ўртасида қандай боғликлар бор?*

4. Меҳнатни ташкил этишида раҳбарнинг қадай ўрни?
5. Бошқарув меҳнатининг даражаси қандай кўрсатгичлар билан баҳоланади?

## **6.6. Гидротехника қурилишида сифатни бошқариш**

### **6.6.1.Гидротехника қурилишида сифат тушунчаси**

Қурилиш ишлаб чиқаришида инсон ресурси асосий ўринни эгаллади. Ҳамма масалаларни инсон ечади деган тушунча фанда мавжуд. Шу сабабдан қурилиш обьектлари ва иншоотларини режалаштиришда, қурилишида, уларни ишлатишда бажариладиган талабларни инсон, яъни ходимлар амалга оширади. Шу сабабли соҳада бажариладиган ишларни, қурилишларни ва олинадиган маҳсулотларнинг сифатини инженер техник ходимлар малакавий билим ва қобилияtlари билан узвий боғлиқ деб қараш мумкин.

### **6.6.2.Ходимлар сифатини бошқариш**

Қурилишда ходимлар тушунчаси – бу барча мутахассислар, раҳбар ходимлар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчилар ва маҳсус билимга эга бўлган ишчилардир. Ҳалқ хўжалигининг бошқа соҳаларидағи каби гидротехника қурилиши соҳасида ҳам ходимларнинг сифатини бошқариш ҳам давлат аҳамиятидаги масалаларидан биридир. Ҳар қандай мамлакатда ходимларни режалаштириш, улар ишини ташкил қилиш, улар фаолиятини доимий мувофиқлаштириш, улар устидан доимий мониторинг ва сифат назоратини олиб боришни давлатнинг функцияларидан бири сифатида қаралади. Сўнги йилларда Ўзбекистонда илмий даражали мутахассисларининг ўртacha ёши ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Масалан, Республикадаги академикларнинг ўртacha ёши 69.5 га тўғри келган. Шу каби кўрсаткичларни бошқа функционал вазифадагиларга ҳам келтириш мумкин.

Қурилиш ташкилотларида кадрлар сифатини назорат қилиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилади. (кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари ва

шунга ўхшашлар) ташкилий структурада вертикаль бўйича ўзидан юқорида турган ташкилот томонидан(масалан, қурилиш трести) белгиланган аттестацияни ўтказиши мумкин. Ходимларнинг аттестация натижалари бўйича лавозим вазифалари кўриб чиқилади. Ишлаб турган лавозимга тўғри келиши ёки келмаслиги аниқланади.

Мутахассисларни аттестациядан ўтказишда асосий эътибор уларнинг база билимлари замонавий янгиликлар билан қанчалик тўлдирилганлиги аниқланади. Замонавий технологиялар, ахбарот воситаларини ўз соҳасига ёки ўзини хизмат дорасида ўзлаштирилганлигига эътибор берилади. Сўнги йилларда кадрларни хорижий тилларни билиш даражасига ҳам эътибор берилмоқда. Шу билан биргаликда мунтазам ва функционал раҳбарларга сиёсий етуклик кўрсаткичи талаблари қўйилади. Раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётганлар ўз ишида давлат сиёсатини эътиборга олиш керак. Мунтазам ва функционал раҳбарлар тарбия устозлик ишларига ўз эътиборини қаратиши керак. Тажрибали ишчиларни устоз даражасига кўтариш, ёки кадр, ишчиларни тарбиялашга фаолиятини мослаштириши аттестация ҳайати томонидан эътиборга олинади. Ёшларсиз келажак порлок бўла олмайди. Буни ривожланган хориж мамлакатлари узоқ тарихдан билишади. Буни Япония, Корея, Малайзия, Олмония ва қатор Европа мамлакатлари, Америка қитаси мамлакатларининг кўпчилиги ўз давлат сиёсатига айлантирилган. Шу сабабдан ҳам юқоридагилар аттестация саволлари бўлиб ҳисобланади. Тегишли соҳа кадрлари мукаммал назарий ва амалий билимга эга бўлсагина ишлаб чиқаришда сифат талаб даражасида таъминланиши мумкин. Ишлаб чиқаришдаги сифатни бошқариш фаолиятининг асосий ташаббускори ва маъсул бажарувчиси корхона раҳбари ҳисобланади.

### **6.6.3. Қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилишни ташкил этиш**

Иншоотларни қуришда уларнинг сифатли бўлишини таъминлаш учун қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёни сифатли ташкил этилиши лозим. Шу сабабли, қурилиш сифатини бошқариш тизимида

қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини назорат қилишга катта эътибор қаратилади. Ўз ўрнида назорат турлари қуйидагиларга бўлинади: кириш назорати, операцион назорат, қабул қилиш назорати.

**Кириш назорати** ишчи чизмалар ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари сифатини, қурилиш майдончаси ва объектларига етказиб бериладиган қурилиш материаллари, конструкциялари, деталлари, маҳсулотлари, яrim тайёр маҳсулотлар, жиҳозлар, монтаж тугунларининг сифатини текширишни ўз зиммасига олади. Ишчи чизмалар ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари қурилиш-монтаж ташкилотининг ишлаб чиқариш бўлими томонидан назорат қилинади. Уларни текшириш мобайнида бино ва иншоотларнинг лойиҳаланган қисмларини тиклаш ҳамда алоҳида ишларни бажаришда чизма ва ҳужжатларнинг технологик жиҳатдан самаралилиги ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга оширишда техник шартлар талабларига жавоб берган ҳолда бино ва иншоотлар қисмларини қўздан кечириш имкониятлари мавжудлиги баҳоланади. Қурилиш майдони ва объектларига келтирилдиган қурилиш материаллари, конструкциялари, маҳсулотлари ва яrim тайёр маҳсулотлар сифатини баҳолаш бутун қурилиш даври мобайнида таъминот хизмати ва қурилиш участкаларининг ишчилари томонидан амалга оширилади. Уларга қурилиш майдони ёки объектларга етказиб берилган қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари мавжуд стандартлар ва техник талабларга мувофиқлигини текшириш юклатилган. Бунда конструкцияларни ташиш вақтида синмаганлиги, тайёрлаш жараёнида очик нуқсони йўқлиги қўздан кечириллади ҳамда буюмларга завод техник паспортлари берилганлиги ўрганилади. Қурилиш материалларининг сифатини баҳолашда, шунингдек, қурилиш ташкилотларининг қурилиш лабораториялари, бош технолог хизматлари ҳам иштирок этади. Цемент, битумли мастика сингари қурилиш материаллари лаборатория шароитида уларнинг маркаси, нави ва ҳужжатларда кўрсатилган кўрсаткичларга мослигини аниқлаш мақсадида синалади.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифатини операцион назорати ички техник назорат қилиш умумий тизими таркибидаги асосий назорат тури бўлиб хисобланади. Мазкур назорат иншоотларнинг бутун қурилиш даври мобайнида амалга оширилади ва унинг таркибига қуйидагилар киради: қурилиш-монтаж ишларини бажарувчиларини ўзини ўзи назорат қилиши, ишлаб чиқариш ходимларини операцион назорат қилиш. Ишларни бажаришдаги ўзини ўзи назорат қилиш конструкцияларни ўрнатиш, қурилиш конструкцияларини ҳамда иншоотларнинг элементларини тайёрлаш, бригадир, бўғин бошлиқлари, ижрочи-ишчилар томонидан белгиланган техник талаблар ва ишчи чизмаларга риоя этган ҳолда ишларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

Ўзини ўзи назорат қилиш сифати ишчилар малакавий даражаси ва уларнинг техник шартлар, стандартлар ва талабларни билиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Уста ва ишларни олиб борувчи ишчилар томонидан амалга ошириладиган опперацион назоратга ишларни қатъий тартибда фақат ишчи лойиҳаларга асосланиб бажаришни таъминлаш, яширин ва очик ойдин дефектларни ўз вақтида аниқлаш, уларни пайдо бўлиш сабаларини ўрганиш ҳамда бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш киради. Шу билан бирга линияли ходимлар вазифасига, даврий равишда қурилиш конструкциялари ва ускуналарини, бино ва иншоотларни қисмларини, алоҳида конструктив элементларини монтаж қилиш ҳамда қурилиш ва монтаж ишларини амалга оширишда уларнинг лойиҳавий белгига мослиги ва ўлчамларини геодезик назорат қилиш учун зарур бўлган ижрочиларни назорат-ўлчов асбоблари билан таъминлаш киради. Бажарилган ишларни операцион назорат этишда буюртмачи техник назорати ташкилот вакиллари ҳам иштирок этади. Ишчи лойиҳаларда кўзда тутилган вазифалар ўзгартирилганида, ишлаб чиқариш ишлари қоидалари бузилган ҳолатларда вакиллар қурилиш ишларини тўхтатиш ҳуқуқига эгадирлар. Яширин ишлар деб ном олган оралиқ ишларни қабул қилишда далолатномалаштириш зарур, сабаби ундан кейин амалга

ошириладиган ишлар тугатилганидан сўнг мазкур ишларни меъёрлар ва стандартларга мувофиқлигини аниқлаш учун конструкция қисман ёки тўлиқ бузилиши керак бўлади. Хусусан, бундай ишлар сирасига монолит темирбетон конструкцияларни барпо этишда арматураларни лойиҳавий белгига ўрнатиш, ғиштли деворларга дераза ва эшик блокларини откослар сувалгунига қадар ўрнатиш, грунтни қайта тўкишдан аввал пойdevорларга сувдан ҳимоя катламларини ўрнатиш ва бошқалар киради. Бундай ишларга кўздан кечириш ва назорат қилиш натижасига қўра яширин ишлар далолатномалари тузилади, уларга пудратчи ташкилотлар – ишларни бажарувчилар ва буюртмачи техник назорати органи вакиллари имзо чекадилар.

Объектлардаги қурилиш ва монтаж ишлари сифатининг қабул қилиш назорати ишчиларининг бригадаларидан, алоҳида ижрочиларидан бажарилган ишларни кейинги ижрочиларга топшириш учун ҳамда бажарилган ишларга ҳақ тўлаш учун, пудратчидан буюртмачи ҳақ тўлаш учун қабул қилишдан иборат. Сифатсиз бажарилган ишларга ҳақ тўланмайди, тузатишлар ва ўзgartиишлар киритишга тўғри келади. Пудратчи ташкилотлар ва буюртмачилар томонидан қурилиш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини ички назорат амалга оширилади, бундан ташқари архитектура-қурилиш назорати, давлат ёнгин хавфсизлиги назорати, давлат санитар назорати ва шу кабилардан иборат ташқи назорат ҳам амалга оширилади.

Архитектура-қурилиш назорати органлари ишларни бажаришга рухсатномалар беради, келишилган техник хужжатлар асосида ишларни боришини назорат қиласди, объектларни сифат бўйича қўйилган талабларга мослигини таъминлашга хизмат қиласиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда бошқа хужжатларга риоя этилаётганлигини ўрганади. Давлат ёнгин хавфсизлиги назорати органлари режада кўзда тутилган профилактик назоратдан ташқари қурилиш даврида бино ва иншоотларни лойиҳалаш, барпо этишда ва улардан фойдаланиш мобайнида ёнгиндан ҳимоя меъёрларга риоя этилганлигини назорат қиласди. Давлат санитария назорати органлари

қурилиш майдончасининг санитар ҳолатини назорат қилишдан ташқари қурилиш обьектларидағи санитария ва бошқа тизимларнинг меъёрларга мувофиқ фаолият юритаётганligини ҳам назорат қилади.

#### **6.6.4.Қурилиш сифати ва уни шакллантириш босқичлари**

Қурилиш сифати деганда, барпо этилган иншоотлар, белгиланган вазифасига қўра жамланган хоссалари мавжуд сифатларга айтилади, яъни барпо этилган иншоотлар қўйидаги асосий кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- функционал;
- иқтисодий;
- конструктив;
- эстетик.

Қурилиш обьектининг функционал сифат кўрсаткичлари қурилган иншоотларнинг белгиланган вазифасига қай даражада мослигини ва эксплуатация талабларига жавоб бериши ҳамда модернизация қилиш имкониятининг эҳтимоли билан аниқланади. Иншоотларнинг функционал сифат кўрсаткичларига уларнинг замонавий технологиялар талабларига жавоб бериши, тархий ечимларнинг ўзгартириш ва тархда технологик ускуналарни бошқача жойлаштиришнинг ҳамда иншоотни модернизация қилиш имконияти борлиги билан белгиланади. Иқтисодий сифат кўрсаткичлар қурилган ёки реконструкция қилинган корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, рақобатбардош, товар маҳсулотлари бозорида талабга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиши, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кам меҳнат ва хом ашё сарфлашга эришганлиги, бино ва иншоотларнинг қурилиши ва уларни эксплуатация қилишга кам ҳаражат сарфланиши билан белгиланади. Қурилишнинг конструктив сифат кўрсаткичлари авваламбор қурилган иншоотлар ҳамда уларнинг алоҳида қисмлари ва элементларининг ишончлилиги, мустаҳкамлиги ва устуворлиги билан аниқланади. Иншоотларда меъёр талабларига мос меҳнат қилиш ва яшаш санитар-маиший шароитлари, ҳаво ва сув ҳавзаларини ифлосланиши олдини олишга қаратилган ҳамда

атмосферага заарли моддалар ажралиб чиқишини олдини олишга имкон берувчи тозалаш иншоотларининг мавжуд бўлиши инобатга олинган лойихавий ечимлар ҳам конструктив сифат кўрсаткичлар қаторига киради.

Курилишдаги эстетик сифат кўрсаткичларига иншоотларнинг архитектуравий жиҳатдан бадиий ифодалилиги, шаклланган табиий ландшафт ва архитектуравий муҳитни сақлаб қолиш, дизайн эстетикаси ва шу кабилар киради. Курилиш сифатининг шаклланиш босқичлари. Курилиш сифатини таъминлашга қаратилган 4 та босқич мавжуд:

1. Турли вазифаларга эга бўлган иншоотларни куриш билан боғлиқ бўлган меъёрлар, стандартлар, қоидалар ва бошқа йўриқномаларни ишлаб чиқиш.
2. Курилиш обьектларини лойиҳалаш.
3. Курилиш конструкцияларини, деталлари ва буюмларини ишлаб чиқариш (тайёrlаш).
4. Курилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажариш.

Лойиҳалаш босқичида чукур муҳандислик-курилиш изланишлар олиб борилади, курилиш соҳасидаги ҳамда лойиҳаланаётган обьектга таалуқли соҳаларда сўнгги йилларда эришилган фан ва амалиётнинг сўнгги ютуқлари таҳлил қилинади ва инобатга олинади. Натижада янги курилаётган ва реконструкция қилинаётган иншоотларни лойиҳалашда энг замонавий илғор лойиҳа ва лойиҳавий-технологик ечимлар қўлланилади. Курилиш саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва ишлатиладиган қурилиш конструкциялари ва буюмлари ҳамда курилиш материалларининг сифати ва хоссалари иншоотлар лойиҳавий ечимларининг тежамлилигини белгилайди ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини таъминлаб беради. Курилиш-монтаж ишларининг сифати бино ва иншоотнинг қабул қилинган лойиҳавий ечимига қатъий риоя қилиб бажарилишига ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасига доир қабул қилинган Курилиш меъёрлари ва қоидаларига мослигига кўра аниқланади. Курилиш-монтаж ишларининг сифати биринчи навбатда

уларни амалга оширишда технологик интизомга риоя этилиши билан белгиланади. Қурилиш-монтаж ишлари сифат даражаси қўлланиладиган қурилиш материаллари, уларни тайёрлаш технологиялари, ишчи кадрларнинг малакавий даражаси, уларни техник мосламалар билан таъминланганлиги ва бошқа қатор омилларга боғлиқ.

Қурилишда сифатга қўйиладиган талаблар меъёрий хужжатларда аниқ-равshan белгиланган (КМК, ШНК, СНиП, Стандартлар). Сифатни назорати ишоот қурилишининг ишларини З та босқичида амалга оширилади. Лойиҳада, қурилиш жараёнида ва ишоот куриб битказилгандан сўнг. Функционал белгилар – булар технологик жараёнларни оптималлиги, ишнинг яхши меҳнат шароитига итоат қилиш, ишчиларни яшаш ва дам олиш шароитлари, табиат муҳофазаси ва хавфсизлиги кабилардир. Эстетик белгиларга ижтимоий – иқтисодий даражасини белгиловчи саволлар киради.

Лойиҳаларни буюртмачиси томонидан белгиланган мустақил эксперталар кўриб чиқади ва баҳолайди.

Гидротехника ишоотлари қурилишини амалга ошириш учун норуда материаллари, саноат маҳсулотлари, ярим фабрикатлар ва бошқа ҳар хил жиҳозларни техник талабларга тўғри келиш-келмаслиги текширилиши лозим. Масалан, қум, тош материаллари бетон тайёрлаш учун керакли мустақамликка эга бўлиши керак. Шу каби ёғоч, темир, темир бетон, жиҳозлар ҳам лойиҳавий талаб даражасига тўғри келиши уларни ишлатишда ишончлилигини ва хавфсизлигини таъминлайди.

Қурилишдаги ишларни назорат қилиш ёппасига ва танлаб ўтказилиши мумкин. Буларнинг қайси бирини қўллаш бажарилаётган қурилиш ишларини амалга оширишда қўлланилаётган йиғма жиҳозларни миқдори бўйича тўлиқ сифат назоратини олиб боришни тақозо этади. Бу ёппасига ёки тўлиқ назорат турига киради. Айрим иш турларида, масалан, ер, бетон ва шунга ўхшаш маълум миқдордан бир намуна олиб текширилади. Бундай

текширишни бир қанча қурилишни ташкил этувчилари бўйича ҳам амалга ошириш мумкин.

Технологик ёки операцион назорат асосан айрим маҳсулот берувчи бирламчи иш жараёнлари устида ўтказилади. У тўхтовсиз ишлаб чиқариш жараёнини ажralmas қисми сифатида амалга оширилади. Бундай назоратда ишлаб чиқариш жараёнидаги тақчиллик ёки етишмовчиликлар аниқланади. Бу эса уларни тузатиш учун тезкор чоралар кўрилишини белгилайди. Бундай назоратни техник ходимлар бажаради.

Айрим гидротехника иншоотлари қурилишида оралиқ назорат ҳам олиб борилади. Иншоотлар қурилиши давомида ёпилиб кетадиган қисмлар кўп учрайди. Бундай ҳолатда иншоот ёпилиб кетадиган қисмнинг сифати текширилиши ва расмийлаштирилиши керак. Бундай текширувлар асосан буюртмачи томонидан ёки унинг иштирокида амалга оширилади. Гидротехника йирик иншоотлари қурилишида ишга топшириш ёки қабул қилиш назорати ўтказилади. Вазирлик ёки бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан давлат комиссияси тузилади. Унинг таркибига буюртмачи, лойихачи, бажарувчи ҳамда иншоотни ишлатувчи ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Комиссиялар икки босқичда: дастлабки (техник) қабулни амалга оширувчи ишчи ва ишлаб чиқаришга қабул қилувчи давлат комиссияси ишлайди. Комиссиялар таркибида юқоридагилардан ташқари санитар, ёнғинга қарши кураш ва бошқа жамоат вакиллари бўлади. Ишчи комиссия буюртмачи томонидан қизиқувчи ташкилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда тузилади.

### **6.6.5.Ер ишлари сифатининг назорати**

Иншоотнинг нишаблиги (уклони) лойихада кўрсатилганига тўғри келиши керак. Уни объектда қуйидагича аниқланади.

$$i = \Delta H / L \quad (6.15)$$

бу ерда:  $\Delta H = H_1 - H_2$  яъни, ўлчанаётган масофанинг икки томонини (боши ва охири)орасидаги баландлик фарқи, L-ўлчанаётган масофа, м. Нишаблик асосан бўйлама иншоотлар (канал, йўл, ер сатҳи, коллектр зовурлар, тўғон ва бошқа шунга ўхшаш иншоотлар) учун қўлланилади. Буларнинг қийматини аниқлашда геодезик асбоблар; нивилер, теодолит ва бошқа шунга ўхшаш асбоблардан фойдаланилади.

Иншоотлар тикилиги (откос) бу обьектда қўйидагича ўлчанади:

$$m = L_{\text{ш}} / \Delta H \quad (6.16)$$

бу ерда:  $L_{\text{ш}}$ -қиялик (канал ёнбағри, тўғон ёнбағри ва шунга ўхшаш) горизантал проекцияси ўзунлиги, м  $\Delta H$ -қиялик(тиклик баландлиги (вертикал бўйича). Бунга масофа, бурчак ва баландлик кабиларни ўлчовчи геодезик асбоблардан фойдаланилади. Ер текислаш ишларида ернинг лойиҳа бўйича текислик даражаси геодезик асбоблар ёрдамида ўлчанади. Лойиҳа билан ҳақиқийнинг фарқи 2% дан ошмаслиги керак. Амалиётда ернинг текислик даражасини асбобсиз текшириш йўллари ҳам мавжуд. Бу қуйидагича амалга оширилади. Ер участкасининг сув кириши белгиланган нуқтадан контурнинг диоганали ва бўйлама кўнгдаланг эгатлар олинади. Улардан сув қуйилади. Сувнинг оқиши ва эгатларнинг ҳамда сув билан тўлишига қараб текислик даражаси баҳоланади.

*Грунт зичлиги* – грунт зичлиги иншоотлар қурилишида иншоот фундаментлари асоси грунтини, тўғонлар танаси грунти (тупроқ тўғони) йўл ва бошқа шунга ўхшаш иншоотлар қурилишида асосий эътибор бериладиган кўрсаткич ҳисобланади. Намуна олиш учун метал халқа ерга қоқиласди. Метал халқанинг ҳажми(ички) ўзгармас. Грунт массаси лаборатория торозисида ўлчанади ва массаси ҳажмига бўлинади.

$$p = \frac{m}{V_{\text{кол}}} \quad (6.17)$$

бу ерда: **m**-грунт массаси, кг:  $V_{\text{кол}}$ --халқа ички (ёки трунт) ҳажми,  $\text{см}^3, \text{м}^3, \dots$

Метал халқа асосан боғланган грунтлар учун ишлатилади. Боғланмаган грунтлар учун шурф қазиш усулини қўллаш тавсия этилади.

Босимли кўтарма (тўкма) иншоотлар қурилишида грунт сифатини аниқлаш учун намуна олиш.

### 6.3.-жадвал

Грунтлар	Намуна олиш	Аниқланадиган хусусиятлар	Текшириш намунасини олиш учун грунт ҳажми
Йирик кўшилмаларсиз қумоқ ва лойсимон	метал халқа ёрдамида	зичлик, намлик, фильтрация коэффиценти	100....200м <sup>3</sup>
Майда донадор, шағал йирик кўшилмалар билан	шурф ёрдамида	зичлик механик таркиб суришга қаршилик сиқилиши	200..400 м <sup>3</sup> 1000...2000 м <sup>3</sup> 22..50м.м <sup>3</sup>
Дренаж призмаси ва сузгичи учун		механик таркиб	25...50 м <sup>3</sup>

Грунт зичлигини аниқлаш учун саноатда юза гамма зичлик ўлчагич ва чукурлик гамма зичлик ўлчагич ишлаб чиқарилади. Улар электр ва магнит майдон хосил қилишга асосланган. Улардан биринчиси ер юзасидан 15см калинликдаги грунтни, иккинчиси чукурлиги 6м.гача ва атрофи ўқидан 15...20см масофа грунтнинг зичлигини ўлчашга мўлжалланган.

*Грунт намлиги.* Грунт намлиги уни ишлашда ишловчи механизмларнинг иш унумдорлигига, қурилаётган иншоотнинг сифатли чиқишига таъсир этади. Грунт намлиги унинг табиий ва қуритилгандан сўнги массаларининг нисбатини фоизда ифодаланишидир.

$$K_{вл} = (m_{исх}/m_{сух}) \cdot 100\% \quad (6.18)$$

бу ерда:  $m_{исх}$ -грунтнинг табий ҳолдаги массаси, гр;  $m_{сух}$ -грунтнинг қуритилгандан кейинги массаси уни лаборатория шкафи (печка) да  $100\ldots105^{\circ}\text{C}$ .да 4-6 соат давомида қуритилгандан сўнг лаборатория торозусида ўлчаб аниқланади.

Юкоридаги кўрсаткичларни иншоот қурилиши характери бўйича аниқланади. Иншоот қурилиши давомида, яъни, кўрсаткичлар қурилишининг ёпилиб кетадиган қисмларида аниқланади. Масалан, кўтарма грунт иншоотлари қурилиши даврида ҳар 20-30 см калинликдан намуна олиб аниқланади ва иншоот тўлиқ битказилгунча давом эттирилади.

#### **6.6.6.Бетон ишлари сифатини назорат қилиш**

Бетон ишлари сифатини назорат қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1.Боғловчи ва тўлдирувчи материаллар сифатини текшириш.

Боғловчи материаллар цемент ва сув. Цементнинг маркасини лойиҳага тўғри келиши текширилади. Сувнинг химиявий таркиби, яъни минераллашганлик даражаси. Сувдаги қуруқ қолдиқ (лаборатория шароитида ёки элётрон ўлчагичлар ёрдамида аниқланади)  $5\text{ g/l}$ .дан  $\text{SO}_4$  иони миқдори  $2,5\text{ g/l}$ .дан ошмаслиги керак.

Тўлдирувчи материаллар: Кум ва йирик тўлдирувчилар(шебен ёки шағал) уларнинг гранулометрик таркиби лойиҳада кўрсатилгандан кўпи билан 1,5% гача фарқ қилиши рухсат этилади, йирик тўлдирувчиники 3% гача фарқ қилишига рухсат этилади.

2.Бетон аралашмасини тайёрлаш вақтида назорат олиб борилади. Бунда миқдорлари(дозировка), бетон қоргичда аралаштириш ва ҳаракатчанлиги текширилади. Бу ишлар 1 смена давомида 2 марта бажарилиши тавсия этилади.

3.Бетон аралашмасини ташишда назорат олиб борилади. Аввало ташиш вақти давомийлиги аниқ ҳисобланиши керак. Бетон аралашмасини тайёрлашда қолипларга жойлаштириш ва зичлаш вақтини ҳисоблаганда бетоннинг

биринчи қатиш жараёни бошлангунча амалга оширилиши керак. Бетон аралашмаси сувини оқиб кетишига йўл қўймаслик керак. Совуқ иқлим шароитида аралашмани яхлаб қолишидан сақлаш зарур.


***Бетон аралашмасини блокларга жойлаштириши.***

4. Бунда қолиларни зичлиги ва мустаҳкамлиги таъминланиши лозим. Қолиларнинг бетон аралашмасини ёпишиб қолишига қарши ишлови сифатли амалга оширилиши керак. Уларнинг ўрнатилиши, арматуралар ва улар тузилмаларини тўғри жойлаштирилиши назорат қилинади.

5. Бетон аралашмасини зичлаш. Зичлашда бетон сувини ажралиб оқиб кетишига ва нотекис зичланишига йўл қўймаслик керак.

6. Бетон қотиши. Бетонни қатиш жараёнида ташқи ҳароратни ҳисобга олиб, унинг парваришини доимий назорат орқали таъминланади. Совуқ иқлим шароитида иссиқлик билан таъминлаш ёки унинг акси бўйича тадбирлар ўтказилиши назорат қилиб турилади.

7. Қолиларни қўчириш. Қолиларни қўчириш тузилмаларни юк тушмаган ҳолда 80%, юк тушган (70% дан юқори) ҳолда 100% мустаҳкамлигига эришмагунча амалга ошириш мумкин эмас.



6.8-расм. Курилиш объекти сифати элементлари.

8. Қуйилған бетон сифатини назорат қилиш. Бу икки хил усул билан амалға оширилади:

Механик усул. Бунда бетон механик яғни күч таъсир эттириш орқали текширилади.

Физик усул. Бунда бетонни текширишда ултратовуш билан ва радиометрик (изотоп) усуллари ишлатилади.

### *Назорат саволлари*

1. Гидротехника тармозининг сифатини кўрсатувчи белгиларни аниқланг.
2. Сифат назоратини мақсади нима?
3. Ер ишларини бажаршида унинг сифатини аниқлашда қандай усулларини биласиз?
4. Бетон ишлари сифатини назорат қилиши босқичлари қандай аниқланади?
5. Иниоотни ишга топширишида лойиҳа ташкилотининг иштироки қандай бўлади?
6. Иниоот қурилишида унинг сифатини бошқарувчи жавобгар шахс кимлар бўлиши мумкин?
7. Ер ва бетон иниоотларининг сифатини аниқлашида қўлланиладиган замонавий асбоб ускуналар тўғрисида нимани биласиз?

## **6.7. Гидротехника қурилиши ва эксплуатациясида хавфсизликни бошқариш**

**Калит сўзлар:** гидротехника, қурилиш, режалаштириш, ташкил қилиши, бошқарииш, прогнозлаш, назорат, мувофиқлаштириш, хавф, хавфсизлик, мухофаза, техника, восита, мутахассис, ходим, жароҳат, йўриқнома.

## **6.7.1. Гидротехника қурилиши ва эксплуатациясида хавсизликни бошқариш тўғрисида қисқача маълумотлар**

Гидротехника соҳасининг асосини гидротехника иншоотлари ташкил этади. Гидротехника иншоотларига Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги” хавфсизлиги тўғрисидаги(1999) қонунда тушунча берилади.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш –бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, саҳит саломадлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий –иктисодий, ташкилий ва, техниковий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича ишларни ташкил этиш қуидагилардан иборат:

- 1.Ходимларни касбий танловини ўтказиш.
  - 2.Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш.
  - 3.Меҳнат муҳофазаси бўйича тарғибот ишларини таъминлаш.
  - 4.Қўлланиладиган механизм, дастгоҳ ва ишлаб чиқариш воситаларини хавфсизлигини таъминлаш.
  - 5.Технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш.
  - 6.Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш.
  - 7.Меҳнат шарт-шароитларининг санитар –гигиенасини меъёрлаш.
  - 8.Ишловчиларни шахсий химоя воситалари(ШХВ) билан таъминлаш.
  - 9.Ходимларни оптимал иш ва дам олиш режимини таъминлаш.
  - 10.Ишловчиларни даволаш –профилактика хизмати билан таъминлаш.
  - 11.Ходимларнинг санитар-маиший таъминлашини меъёрлаш.
- Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш чора тадбирларининг амалга оширилиши, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга итоат этилиши устидан:

а) давлат назоратини-максус ваколатга эга бўлган давлат идоралари ва уларни инспекциялари;

б) жамоатчилик назоратини – касаба уюшмалари ташкилотлари назоратни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 4 августда 273-сон билан рўйхатга олинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий Низом талабларига биноан, корхоналарда қўлланиладиган назорат турлари:

- иш бошқарувчиси ва бошқа мансабдор раҳбарларнинг тезкор назорати;
- маъмурий-жамоатчилик(уч босқичли) назорати;
- меҳнат муҳофазаси хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат;
- бош мутахассислар хизматлари томонидан амалга ошириладиган назорат;
- жамоат назорати.

1. Иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари режалаштирилади. Унда олдиндаги вақт учун меҳнат муҳофазаси ишларининг сметаси кўрсатилади, у минимал иш ҳақининг ошиб бориши билан мутаносиб оширилиб борилади.

2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим(календар йил учун тузилади) жамоа шартномасига илова қилинади.

3. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналар, ташкилотлар ва муасасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этади ва уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларини молиялаштиришга сарфлайди.

Ташкилотга янгидан ишга киравчиларни корхона хусусиятига боғлиқ кириш ва иш жойидаги ҳамда ишлаб турган ходимларни белгиланган тартибда йўриқномадан ўтказади ва расмийлаштиради.

Ходимларга йўриқнома бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш “Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида”ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимлари текширишдан ўтмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

Ходимларни хавфсиз меҳнат усулларига ўқитишни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича умумий раҳбарлик ва жавобгарлик корхона раҳбарига юклатилади.

**Ходимларни кириш йўриқномасидан ўтказиш тартиби.** Корхонага ишга кирган ходимлар, бошқа ташкилотлардан шу корхонага ишлаш учун хизмат сафарига йулланганлар ва амалиётни уташ учун келган ўқувчилар кириш йўриқномасидан ўтади. Ходимларни кириш йўриқномасидан ўтказишни меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёки ушбу вазифа юклатилган бошқа бир ходим амалга оширади. Кириш йўриқномасидан тегишли меъёрий хужжатлар, китоблар ва кургазмали куроллар билан жиҳозланган Меҳнат муҳофазаси хонасида ўтказилади.

Кириш йўриқномасидан ўтган ходимлар маҳсус журналга қайд этилади.

Кириш йўриқномаси дастурини тузиш тартиби

1. Корхона тўғрисида умумий маълумот.

2. Меҳнатни муҳофаза қилиш.

**3. Техника хавфсизлиги:**

– хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш факторлари ва улардан ҳимояланиш, корхонадаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг асосий сабаблари;

- иш жойидаги ускуналар (техникалар) ва ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) талабига мослиги,
- тўусувчи, сақловчи ва огоҳлантирувчи ускуналар, хавфсизлик белгилари ва ранглари,
- электр токининг одам организмига тъсири, электр токидан тан жарохати олдини олиш чора тадбирлари,
- корхонага ва иш жойига қўйилган хавфсизлик талаблари.

#### **4. Ишлаб чиқариш санитарияси;**

- ишлаб чиқаришдаги асосий санитария-гигиена факторлари,
- меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар (теникавий ва ташкилий, санитария-гигиена хамда даволаш), шамоллатиш (вентиляция) ускунлари ва ёруғлик меъёрлари.

#### **5.Ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланиши;**

- корхоналарда шароити заарли ва хавфли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда Меҳнат қилувчиларга белгиланган меъёрларда маҳсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул бериш тартиблари,
- ушбу ҳимоя воситаларини меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) талабларига мослиги, уларни сақлаш, таъмирлаш, тозалаш, ювиш ва тўғри фойдаланиши.

#### **6. Корхонага ёнғин хавфсизлиги буйича қўйилган талаблар.**

#### **7. Биринчи ёрдам курсатиш.**


- ходимлар тан жарохати олганда, кислота ва ишқорлар натижасида куйганда, газдан захарланганда, электр токи тасирида жарохатланганда ва бошқа холларда биринчи ёрдам курсатиш.

#### **8.Техника хавфсизлиги йурикномаси талабларини бузганда ходимнинг жавобгарлиги каби масалаларни ўз ичига олган кириш йўрикномаси тузилади.**

## **9. Ходимларни иш жойида йўриқномадан ўтказиш тартиби**

- барча ходимлар кириш йўриқномасидан ташқари иш жойида хам йўриқномадан ўтишлари шарт;
- иш жойида йўриқномадан ўтказишнинг мақсади ҳар бир ходимни хавфсиз ва тўғри иш олиб бориш усулларига ўргатиш;
- иш жойида йўриқномадан ўтказишда ходимни механизмлар, дастгохлар ва ускуналарнинг тузилиши, хавфли ва хавфсиз жойлари хамда иш жойини ишга тайёрлаш жараёни билан таништирилади;
- иш жойида йўриқномадан ўтказиш ходимга бевосита раҳбарлик қилувчи бригадир (бўлинма) зиммасига юклатилади;
- йўриқномаларни ишлаб чиқиши ва йўриқномалар билан ишловчилар хамда иш жойларини таъминлаш меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки уни вазифасини бажарувчи раҳбарлардан бирига юклатилади;
- йўриқномадан ўтган ходимлар иш жойида йўриқномадан ўтказиш журналига қайд этилиб, тегишли имзолар қўйилиши билан расмийлаштирилади;
- ходимлар иш стажи ва малакасидан қатъий назар узоги билан 6 ойда навбатдаги йўриқномадан ўтказилиши шарт;
- ишлаб чиқариш технологияларида ўзгаришлар бўлганда, дастгохлар алмашганда ва бошқа ҳолатлар натижасида меҳнат шароитларида ўзгаришлар бўлганда, ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар содир бўлганда, хавфсиз меҳнат олиб бориш бўйича йўриқномаларга ўзгартиришлар киритилганда ва бошқа ҳолатларда навбатдан ташқари йўриқномадан ўтказилади;
- навбатдан ташқари йўриқномадан ўтказиш ҳам иш жойида йўриқномадан ўтказиш каби сабаблари кўрсатилган ҳолда журналга қайд қилинади.

Дунёда тўғонлар сони жами 47 мингдан кўпроқни ташкил этади



6.3-расм. Дунё мамлакатларида тўғонлар тўғрисида маълумот.

- шу сабабли, вақт ўтган сари, режага кўра бажариш лозим бўлган таъмирлаш ишлари амалга оширилмаса иншоот емирилиб, унга ёндош худудни сув босиш эҳтимоли ва хавфи орта боради.

### ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРДАГИ АВАРИЯЛАР САБАЛЛАРИ



6.4-расм. Гидротехник иншоотлардаги аварияларнинг асосий сабаблари.

Мұхандислик қидирувининг таркибіда жойнинг геологик, гидрогеологик, литологик, дарё гидрографи, иқлим шароити үрганилади. Бунинг асосида ишларни бажариш технологияси аниклананади. Буларни қанчалик аниқ бажарылғанлығы бўлажак иншоотни ишончлилик даражасини ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ишларни қатъий равшда меъёрий ҳужжатлар (ҚМҚ, ШНҚ)га асосланиб бажариш лозим.

### **6.7.2.Гидротехника қурилиши ишларини бажаришда хавфсизлик**

Қурилиш ишлари асосан механизмлар ёрдамида бажарилади. Механизмларни ва бошқа ишловчиларини ҳамда атрофдагиларни хавфлардан муҳофаза килиш тезкор қурилишнинг мувоффакиятини таъминлашнинг асосидир.

Гидроэнергетика ва гидротехника қурилиши асосан қурилиш майдонида амалга оширилади. Қурилиш майдони, асосий ва ёрдамчи объектларни, ишлаб чиқариш базасини, қурувчилар посёлкасини ўз таркибига олувчи майдондир. Йирик қурилиш майдонлари 200-500 га майдонни эгаллайди.

Қурилиш майдони таркибига кирган қурувчилар посёлкаси яшаш ва селетиб худуддан иборат бўлади. Селетиб худуд яшаш жойи атрофидаги яшил зоналар, хизмат корхоналари, маданий оқартув бинолари, йўл, ариқ ва бошқа иншоотлар ва бинолар жойлашган худуддир. У норматив (СНиП) бўйича посёлкадаги яшаш майдонига қараб аникланади.

Қурилиш майдонида ишлаб чиқариш базаси жойлаштирилади. Ишлаб чиқариш базасига омборхоналар, автобазалар, механизация базалари, қайта ишлаш корхоналари, ёқилғи қуиши станциялари, маданий-оқартув бинолари, инженерлик, коммуникациялари (электр, газ, сув, канализация, алоқа, тармоқлари ва бошқалар) жойлаштирилади.

Қурилиш майдонини ташкил қилиш лойиҳасини тузишда хавфсизлик нуқтаи назардан ёндошилади, метрологик, экологик ва иқтисодий томонолари ҳисобга олинади. Қурилиш майдонида қурилиш ички транспорти ва технологик транспорт ҳаракат қилади. Шунинг учун транспорт воситаларидан

бўладиган заарли факторларнинг қурувчилар посёлкасидаги таъсирини камайтириш учун ички транспорт йўлларини қаттиқ ёпқоплама билан қуриш, вақти вақти билан ювиб тозалаб туриш керак.

Курилиш майдонини жойлаштиришда сув тошқинларидан хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дарёнинг, ҳудуднинг гидрологик шароитини билиш керак, унинг асосида ишлаб чиқариш базаларини хавфсиз жойларга жойлаштириш лозим.

Курилиш майдони ҳудудининг геологик ва литологик шароитини ўрганиш керак. Курилаётган ишчилар яшаш уйлари, ишлаб чиқариш базаси объектлари, тоғ кўчиши, кўчки, ернинг чўкиши хавфларидан холи жойларга жойлаштирилиши керак.

Курилиш майдонида норуда материаллар кони, уни қайта ишлаш корхонаси, бетон заводи, ёқилғи қувиш станцияси ҳам шамол йўналиши бўйича жойлаштирилиши керак.

Курилиш майдонидаги бинолар ва иншоотлар горизонтал ва вертикал жойлаштирилади. Улар давлат геодезик нуқталари билан боғланади. Иншоот ва биноларни жойлаштиришда умумий хавфсизлик (ёнгин, электр, техника, экологик) талаблари эътиборга олиниши керак.

Ёнгин хавфини ҳосил қилишга сабаб бўладиган объектлар, яъни ёқилғи билан ишловчи ва шуғулланувчи корхоналар ёнгин хавфи юқори бўлган объектлардан шамол йўналиши бўйича узоқ бўлиши, электр ўтказгичлардан ҳимояланган бўлиши керак. Ёнфинга қарши чоралар кўрилиши лозим. Сув таъминоти тармоғида ёнгин гидрантлари қўйилиши, бинолар, ёнгин хавфи юқори бўлган объектлар ёнфинга қарши қўлланиладиган воситалар билан таъминланган бўлиши керак.

Ер ишлари механизация, гидромеханизация, портлатиш ва қўл кучи усуллари билан бажарилади. Қўл кучи билан бажариладиган ер ишлари ҳажми умумийдан ўртacha 1-2 фоизни, айрим мураккаб тузилмали иншоотларда 5 фоизгачани ташкил этади. Асосий ҳажм механизмлар, гидромеханизация ва

портлатиши усуллари билан бажарилади. Портлатиш усули асосан механик усул билан иш бажариш фронтини яратиш мақсадида қўлланилади.

Потенциал хавфларни очик хавфга айланиш ҳолатини камайтириш ёки бартараф қилиш яъни хавфсизлантириш мақсадида қуйидаги талаблар қўйилади:

- қурилишни лойиҳалашни сифатли бажариш, унда табиий шароитни тўғри ҳисобга олиш;
- қурилиш ташкилотида меҳнат муҳофазаси ишини керакли даражада йўлга қўйиш;
- механизм бошқарувчиларини ва унда ишловчиларнинг техника хавфсизлиги бўйича кераклича билимга эга бўлдириш;
- механизмларни ишлатиш ва ишчиларни иш фаолияти устидан доимий назоратини ўрнатиш.

Механизмларни ишлатишдаги, эксплуатациясидаги техника хавфсизлиги талаблари китобнинг алоҳида параграфида ёзилган.

Ер ишларини гидромеханизация усули билан бажаришда гидромонитор ва земснарядлар ҳамда землесослардан фойдаланилади.

Гидромонитор ва земснаядларни ишлатишда қуйидаги талаблар қўйилади.

- а) механизмларни ишлатиш бўйича махсус билимга эга бўлиш;
- б) гидромонитор қурилмаси ва забой ўртасидаги масофа  $L_{max}$  дан кўп ва  $L_{min}$  дан кам бўлмаслиги керак, бу ерда

$$L_{min} = L \cdot H_3 \quad (6.19)$$

бу ерда:  $L$  - қияликка, қазилаётган жойга яқинлашиш кўрсаткичи, унинг қиймати грунтнинг турига боғлиқ (1.3.....1.4).

$$L_{max} = (0,2:0,35) H_{раб} \quad (6.20)$$

бу ерда:  $H_{раб}$  – гидромонитордаги сувнинг ишчи босими, м.

в) қурилмаларни ишлатишда электр ўтказгичлар яхши ҳимояланган бўлиши керак;

- г) гидромониторни тавсия этилмаган грунтларда ишлатмаслик;
- е) механизмларда махсус ҳимоя воситаларисиз ва кийимларисиз ишламаслик ва бошқалар.

Землесос (ер сўрувчи) механизмлар сувда қайиқ каби сузиб сув остидан грунтни сўради, ташийди ва тўқади. Булар асосан сув манбаларининг тубини чуқурлаштириш, каналларини лойқадан тозалаш, сув манбаи етарли бўлган жойда сув билан лойқани тўкишни амалга ошириб қўттарма иншоотлар қуришда ишлатилади. Уларни электр ёки дизел двигателлар билан ишлатилади. Шу сабабдан землесос снарядларида ишловчиларга қўйидаги хавфсизлик талаблари қўйилади:

- а) земснарядларда ишлаш учун махсус билимга эга бўлиш;
- б) земснарядларнинг бутлиги, корпус қирғоқлари ишловчиларнинг сувга йиқилиш хавфидан ҳимояланган бўлиши;
- в) земснаряд комплекси ёнфинга қарши воситалар билан таъминланган бўлиши, ишловчиларнинг улардан фойдаланиш билимига эга бўлиши;
- г) электр ўтказгичлар яхши ҳимояланган бўлиши;
- д) куч қисмлари, юриш қисмлари, ричаглари ҳар доим тоза (ёғлардан ва чанглардан) бўлиши;
- е) лангар, қувурлар, трослар ва бошқа механизмлари кафолатланган иш муддатида бўлиши;
- ж) кечки сменаларда ишлаш учун ёритиш системаси қониқарли бўлиши;
- з) дизел двигателли земснерядларда газ тақсимлаш системасини соз бўлиши;
- и) механизмларни таянч мосламаларни ишга туширмасдан ишлатмаслик;
- к) ҳар бир механизмни ишлатиш йўриқномасида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилиши;
- л) ишловчиларни сувда ўзини бошқара билиши, чўкканларни кутқара билиши керак.

Гидромелиоратив ишларни бажаришда аҳоли пунктлари (ва коммуникацияларига бевосита яқин жойларда тупроқ) ҳамда йўл ёқаларидаги участкаларда иш олиб борилса, у ерлар тўсилган бўлиши лозим. Ер ости линиялари ва коммуникацияларига бевосита яқин жойларда тупроқ қазиш ишлари фақат қўлда белкурак билан бажарилади. Лом, пона ва пневматик қуроллар ишлатиш маън этилади.

Чуқурлиги 3 м. гача бўлган котлован ва траншеяларнинг тик деворларини маҳкамлаш инвентардаги шитлар билан қўйидагича баён қилинадиган талабларга кўра бажариш зарур. Башарти бундай шитлар йўқ бўлса, табиий намликка эга тупроқда (қумли тупроқдан бошқа) камида 40 мм. қалинликдаги тахтадан, қумли тупроқда ва ошиқча намликдаги тупроқда камида 50 мм тахтадан фойдаланишга йўл қўйилади, бу тахталар тик устунлар ўрнида хар бири 1,5 мм. масофада ўрнатилади, маҳкамлаш тиргаклари бир-биридан тик холда камида 1 м масофада ўрнатилади, уларнинг юқори ва пастки учларига белгилар қоқилади, маҳкамлаш устки тахтаси чуқурлик чеккасига камида 0,15 см қоплаб ўрнатилади.

Ўта намликка эга, қумли, ўрмонтус ва уйма тупроқларда котлован ва ҳандакларни тикка деворни маҳкамламасдан туриб қазиш ман қилинади.

Ёмғир, қор ва бошқа сувлар билан тўйинган лой тупроқда қазилган котлован ва траншеяларни қияликнинг тик қалинлиги жадвалда кўрсатилганидан 1:1 гача камайтириш зарур. Қияликнинг тиккалигини камайтириш хақида прораб акт тузиши шарт. Чуқурлиги 1 м.дан зиёд карьерларни экскаваторнинг тескари ковшли тури билан қазилади. Белкурак билан ишлаётганда механизм ишчи жиҳози остида ковлашга йул қўйилмайди. Табиий намликка эга ҳамда ер ости сувлари бўлмаган тупроқда катта чуқурликда маҳкамлаш воситаларисиз котлован ва ҳандаклар қазиётганда белгиланган нормаларни ҳисобга олиб қияликлар хосил қилиб ишлаш лозим. Ер ишларини портлатиш усули билан бажариш бу портловчи моддаларни портлашида содир бўлган энергияни ер ишларини бажаришга қўлланиши

тушинилади. Портлатиш ишларини махсус ташкилотлар бажаради. Портлатиш ишларини амалга оширишда умумий характерга эга бўлган қўйидаги хавфсизлик талаблари қўйилади:

а) портлатишда хавфли зонани аниқлаш керак, унда бегона кишиларни, машина механизмларини бўлишига йўл қўйилмайди, хавфли зонанинг радиуси қўйидагича ҳисобланади

$$R = K_1 * K_2 * \sqrt[3]{Q} \quad , \quad m \quad (6.21)$$

бу ерда:  $Q$ -бир вактда портрайдиган портловчи моддалар миқдори, кг;  $K_1$  – иргитиш кўрсаткичига боғлиқ коэффициент (йирик тош учун 3...5, шағал тош учун 7...9, сувга тўйинган грунт учун 20).

б) портловчи моддалар ташишда, ишлатишда хавфсиз ва кераклича қувватга эга бўлиши;

в) портлатиш ишларида иштирок этувчилар техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтиши;

г) портлатиш ишларида иштирок этувчи механизмларни унинг эксплуатация йўриқномасида кўрсатилган чекловлардан чиқмаслик.

Портлатиш ишлари бажарилаётган худудни хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаракатни огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгилардан фойдаланилади(расм).



6.5-расм. Портлатиш ишлари бажарилаётган худудга қўйиладиган огоҳлантирувчи белги.

Портлатиш ишларини бажаришда унинг босқичларига боғлиқ хавфсизлик ишлари амалга оширилади:

- техникаларни ишлатишда хавфсизлик;

- портловчи моддаларни сақлашда хавфсизлик;
- портловчи моддаларни ташишда хавфсизлик;
- портлатишда хавфли зонани ҳисоблаш;
- портловчи моддаларни ишлатишда хавфсизлик;
- портлатиш жараённіда хавфсизлик.

Гидроэнергетика ва гидротехника қурилишида бетон ишлари салмоқли үринни эгаллады. У иқтисодий томондан анча қиммат бўлади. Бетон ишларини амалга оширишда турли хил ишлар бажарилади. Бетон ишларида транспорт, хом ашёларни қазиб олиш, қайта ишлаш, тайёрлаш, жойлаштириш, зичлаш жараёнлари бажарилади. Аксарият ҳолатларда арматура ишлари ҳам бетон ишлари билан бир вақтда бажарилади.

#### **6.7.3. Қурилиш машиналари билан ишлашда хавфсизлик техникаси**

Қурилиш машиналари “Қурилишда хавфсизлик техникаси” (СНиП III - 4 - 80) талаблари ва машиналар тайёрловчи завод инструкциялари асосида ҳамда кранлар учун ишлаб чиқариш ишлари лойиҳасига таянган ҳолда ишлатилади.

Қурилиш машиналарини ишлатишда хавфсизлик техникаси талабларига риоя этиш жавобгарлиги бошқарма бошлиғи ва бош инженерга, шунингдек, уни ишлаётган инженер-техник ходимга юклатилади. Участка бошлиғи кранни ишлатишдан олдин қурилиш майдончасидаги хавфли зоналарга огоҳлантирувчи плакатлар ҳамда кран ёрдамида кўтариладиган юкларнинг рўйхати ва уларнинг оғирлиги кўрсатилган таблолар қўйиши лозим.

Қурилиш машинасини ишлатаётган мастер ёки прораб ҳар ойда бир марта кранга хизмат кўрсатаётган ходимлар (машинистлар ва стропалчилар) билан хавфсизлик техникаси бўйича сухбат ўтказиб, бу ҳақда маҳсус журналга қайд этиб боради. Шунингдек ҳар 10 кунда кран стреласини, ҳар ойда тара ва бошқа юк олувчи мосламаларни, ҳар 6 ойда юк кўтарувчи тросслар ҳолатини текшириб, журналга қайд этиб қўяди.

Минорали ва автомобиль кранларини фақат жавобгар шахс рухсат бериб, машинистнинг йўл ва рақасига имзо қўйилгандан кейингина ишлатишга киришилади. Шунингдек, электр узатиш линиялари яқинида ишлаётганда, таянчларга ўрнатилгандан машинистнинг йўл ва рақасига ёки навбатчилик журналига жавобгар шахс томонидан “Краннинг кўрсатилган жойга ўрнатилганини текширдим, ишлашга рухсат бераман” деб ёзиб қўйилади. Бу ишлар кран стреласи ишчи ҳолатига келтирилганга қадар бажарилиши керак. Электр узатиш линияси яқинида кранлар билан иш бажаришда район электр тармоғининг розилиги олинган иш бошлаш наряди бўлиши шарт. Бу наряд 4 нусхада ёзилиб, улар кран билан таъминлайдиган механизация бошқармаси маъмуриятига, туман электр тармоқлари бўлимига, кранчига берилади ва бир нусхада қурилиш бошқармасида сақланади.

Қурилиш майдончасида икки ёки ундан ортиқ кранлар ишлаётганда бир-бирлари билан тўқнашиб кетмаслиги учун уларнинг орасида 5 метрдан кам бўлмаган масофа қолдирилади ҳамда бу ҳақда кранчи ва строполчилар огоҳлантириб қўйилади.

#### 6.4-жадвал

Механизмларнинг қазилмага энг яқин келиш масофаси, м

Чуқурлик, м	Грунтлар			
	Қумоқ	Яirim қумлоқ	Қумлоқ	Лой
1	1.5	1.25	1	1
2	3.0	2.4	2	1.5
3	4.0	3.6	3.25	1.75
4	5	4.4	4	3
5	6	5.3	4.75	3.5

Уларнинг қазилма қирғоғига энг яқин келиш масофаси чегараланган.

Кранларни юмшоқ, лой ерга, қор ёки муз қоплаган жойларга ўрнатиш мүмкін эмас. Шамолнинг тезлиги секундига 15 метрдан ортганда ва қалин туман тушганда барча турдаги кранларни ишлатиш тұхтатилади ва уларнинг стреласи шамолнинг йўналишига мослаб кўйилади. Кранларни ремонт қилиш, мойлаш ва тозалаш ишларини фақат улар бутунлай тұхтатилгандан кейингина бажарилади.

## 6.5-жадвал

Механизмларнинг электр линиясига энг яқин келиш масофаси

Линиядаги кучланиш, кВт	Энг яқин масофаси, м.
1 гача	1.5 ўзгарувчан ток
1...20	2.0 ўзгарувчан ток
35...110	4 ўзгарувчан ток
150...220	5 ўзгарувчан ток
300 гача	6 ўзгарувчан ток
500 гача	9 ўзгарувчан ток
800 гача	9 доимий ток

Механизмлар (кран, экскаватор ва бошқалар) ишлаган вақтида электр линиясидан белгиланган меъёр(жадвал) масофада бўлиши керак.

Минорали кран темир йўл(рельслар) устига, рельслар эса текис ва яхшилаб шиббаланган ерга ўрнатилади. Кран ости йўли тўрттала томонидан 1,2 метр баландликдаги тўсиклар билан муҳофазаланади. Кран ости йўлидан ишчиларнинг ўтиши ёки бирон бир иш бажариши таъкиқланади. Кран ости йўли албатта ерга уланиши керак.

Госортехнадзор қоидаларига биноан юк қўтарувчи кранлар юк қўтариш қобилиятидан ортиқча юкларни автоматик тарзда қўтармаслиги учун мўлжалланган асбоблар краннинг оғишини кўрсатадиган стрелкалар ва товушли сигналлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Кранчилар бу асбоб ва сигналларнинг созлигини ҳамиша назорат қилиб туришлари зарур. Асбоблар

ишиламай қолганда ёки қран күнгилдагидай ишиламаётган ҳолларда кранчи дарҳол ишни тұхтатиши ва мутахассисларни чиқариши керак.

**Юклаш-тушириш ва тахлаш ишларини бажаришда хавфсизлик техникаси.** Қурилишда юклаш тушириш ишларини бажаришга ўн саккиз ёшга түлган, махсус үқув комбинатларида шу ихтисослық бўйича ўқуб, строполчи гувоҳномасига эга бўлган ва қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини тахлаш қоида ва нормаларини биладиган ишчиларгагина рухсат этилади. Строполчи аввало махсус кийим-бош, пойафзал, ҳимоя каскаси ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши лозим. Махсус кийим бошлар ихчам бўлиши, иш пайтида унинг ҳаракатига халал бермаслиги керак.

Юклаш тушириш ишлари асосан механизмлар ёрдамида бажарилади. Иш бошлашдан аввал строполчи юк кўтарадиган мосламалар ва тараларни техник жиҳатдан созлигини ва уларда завод номери кўрсатилган тахтача ва муҳр борлигини, шунингдек, уларнинг юк кўтариш қобилияти ва синаб кўрилган муддатларини текшириб қобилияти ва синаб кўрилган муддатларини текшириб кўради. Материал ва конструкциялар тахланадиган майдонча текис, шиббаланган, ёмғир ёкканда сувлар тўпланиб қолмаслиги учун бироз қия бўлиши, қишиш пайтида қор ва музлардан тозаланиши лозим.

Қурилиш конструкцияларини транспорт воситаларидан тушираётган пайтида ҳайдовчи кабинадан ташқарида бўлиши, строполчи эса конструкцияларни кранга илиб бергач ўзи хавфсиз жойга ўтиб сўнг кранчига “кўтар” ишорасини қилиш керак.

Конструкциянинг илмоғи қайрилиб қолган бўлса, уни лом ёки болға билан уриб тиклашга йўл қўйилмайди. Бу усул билан тикланган илмоқ мурт бўлиб қолиши ва юк кўтарилаётган пайтда синаб узилиб кеташи мумкин.

Қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни қурилиш нормалари ва қоидалари асосида тахламаслик, уларни дуч келган жойга ташлаб қўйиш, зарур огоҳлантирувчи белгиларни керакли жойларга ўрнатмаслик баъзан баҳтсиз ҳодисалар содир бўлишига олиб келади.

**Юклаш тушириш ишларидаги хавфсизлик чоралари.** Монтаж ишларидан күпинча юклаш-тушириш ишларини бажаришга юк құтариш механизмларидан фойдаланишга түгри келади. Электромонтаж ишларидан катта ёшдаги эркак кишиға 50 кгдан ортиқ бўлмаган оғирликни ташишга рухсат берилади, аёлларга 20 кг. Икки киши замбилда 80 кг құтариши мумкин. Ўсмирларга 1 кунда юк құтариш ортиш ишлари 2 соатдан ошмаслиги керак ва эркаклар учун 16 кг, қизлар учун 10 кг.дан ошмаслиги керак. Агар ёши 16 ёшдан кам бўлса нормалар икки марта камайтирилади. 50 кг дан ортиқ бўлган юкларни замбил, замбил ғалтак, блок, ғилдиракли аравачалар ёрдамида ташиш керак. 300 кг дан ортиқ юкни кран, погрузчик, телефонлар ёрдамида ортиш тушириш керак. Хамма персонал маҳсус ўқитилиши керак, инструктаж ўтиши, текширилиши керак.

Юк құтарувчи кран созлиги ва техникавий ҳолати талабга жавоб бериши керак:

- а) кранлар рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак;
- б) ишга тушириш учун рухсати бўлиши керак;
- в) кранлар ва бошқа юк құтарувчи механизmlар даврий равища синовдан ўтказилиши керак.

Қисман 12 ойда бир марта, тўла эса 3 йилда 1 марта капитал ремонтдан кейин, реконструкция қилингач, янги жойга монтаж қилингач навбатдан ташқари синовдан ўтказилади.

Юк құтариш механизмларда кучланиш остида бўлган ҳаво линиялар остида ишлаш ман этилади. Бундай линиялар яқинида ишлаганда хавфсиз масофада бўлиши керак:

Агар линия остида ишлар олиб борилиши зарур бўлса, улардан албатта вақтинча кучланиш олиниши керак. Агар машинага сим тушиб кетса, ёки тегиб кетса, машинани металл қисмларига тегиш мумкин эмас. Разряд натижасида ёнғин чиқса машинадан икки оёқда сакраб тушиб, икки оёқлаб сакраб узоқлашиш лозим.

**Электр ва электромонтаж ишлари хавфсизлиги.** Электр монтаж ишларида хавфсиз иш шароити яратилиши ва маҳсус жиҳозлардан фойдаланиш зарур.

Баландликка чиқиш учун нарвонлар, ҳавозалар, сўрилар қўлланади. Уларнинг баландлиги бажариладиган иш характеристига мос бўлиши керак. Уларни қийшайишига йўл қўйилмайди. Тираб қўйиладиган нарвонларнинг ва икки оёқли нарвонларнинг тепадан икки поғонасида туриб ишлаши ҳам ман қилинади. Нарвоннинг баландлиги 5 м дан ошмаслиги керак. Нарвонларни вақти-вақти билан синовдан ўтказиб туриш лозим. Бунинг учун нарвонни тираб (горизонтал билан 60-70 градус бурчак хосил қилиб) битта поғонасини ўртасига юк 20 минут осилади (6 ойда бир марта). Агар юк олинганда шу жойда деформация бўлса демак нарвонларни ишлатиш ман этилади. Агар ишлар 4 м дан ортиқ аммо 7 м дан паст баландликда олиб борилса, бунда кўчма ҳавозалардан фойдаланилади. Булар камида икки кишига мўлжалланган, майдончаси панжарали бўлган, роликлардан ғилдиратиб қотирилади, суришда эса уларнинг устида одамлар ҳам асбоблар ҳам юк бўлиши керак.

Агар 7 м дан юқори бўлган баландликда ишлар олиб борилса, бунда кўзғалмас ҳавозалардан фойдаланилади. Буларнинг тўсиқлари баландлиги энг камида 1 м бўлиши керак. Улар панжара билан тўсилган бўлиши лозим, панжара баландлиги 1 м дан кам бўлиши мумкин эмас ва майдончаларга маҳкамланган бўлиши шарт. Улар инвентар бўлиши лозим, яъни вақтинча иш жойида тайёрланган эмас, заводда тайёрланиб, синовлардан ўтказилиб ва паспортда белгилangan бўлиши керак. Баландликда ишлашга фақат инструктаж ўтган шахсларгина, 5 м дан ортиқ баландликда эса тиббиёт кўригидан ўтган шахсларгина қўйилади.

## **VII БОБ. ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШ СОҲАСИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Гидротехника қурилиши соҳаси кенг қамровли тушунча бўлиб ўз ичига кўплаб тизимларни бириттиради. Соҳада обьектларни лойиҳалаш, қурилиши, эксплуатацияси ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бу ишлар ҳам ўз навбатида тегишли қисмлар ва бўлимлардан иборатдир. Улар алоҳида фанлар сифатида назарий ва амалий бўлимлардан иборатдир.

Гидравлика асослари(**Tim Davie, 2008**) тўпламида дунё сув ресурслари тўғрисида маълумот берилган(жадвал).

**7.1-жадвал**

Дунё сув ресурслари тўғрисида маълумот


Шакли	Ҳажми, $\times 10^3$ км <sup>3</sup>	Умумийдан, фоизда
Oceans and seas(Океан ва денгиз)	1338000	96.54
Ice caps and glaciers(абадий музликлар)	24064	1.74
Er oсти	23400	1.69
Permafrost(музликлар)	300	0.022
Lokees(Кўллар)	176	0.013
Soil(грунт)	16.5	0.001
Atmosphere(атмосфера)	12.9	0.0009
Marsh/wetlands(ботқоқлик)	11.5	0.0008
Rivers(дарёлар)	2.12	0.00015
Biota(бошқа)	1.12	0.00008
<b>Total(жами)</b>	<b>1385984</b>	<b>100</b>

*FUNDAMENTALS OF HYDROLOGY. Second edition. Tim Davie.*

Тўпламда сувдан фойдаланиш методлари, воситалари, қурилмалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Унда табиатда сув айланиши, унга

таъсир қиласынан табиий ва сунъий факторлар түғрисида маълумотлар берилган.

**Saeid Eslamian** раҳбарлығыда тайёрланған “Мұхандислик гидрологиясы” китобида (Handbook of Engineering Hydrology, 2014y.) гидрология саволлари кенг ўрганилған. Бириңчи бўлим геоморфологик саволларни қамраб олган. Бўлим муаллифлари Emna Gargouri-Ellouze and Saeid Eslamian. Иккинчича бўлим Emery A. Copolla Jr., Anna Szidaroysky and Ferenc Zidarovszky лар томонидан ёзилган.



7.1-расм. Табиатда сув айланиш схемаси.

Бўлимда гидрологик жараёнларнинг кечиши ўрганилиб, у түғрисидаги материаллар берилган. Китобда иқлим ўзгариши ва гидрологик жараёнлар түғрисида маълумотлар келтирилган. Иқлим ўзгариши гидрологик хавфларни келтириб чиқариши мумкинлиги бўйича фикрлар келтирилган. Бунда ер сиртида, аниқроғи сув манбаларининг тартиби ўзгариб, шаҳарсозликка, биологик жараёнларга ва унинг асосида қишлоқ хўжалиги экинларини таркиби ўзгариши кўрсатилган. Тўпламда иқлим ўзгариши билан боғлиқ маълумотлар **Yang Hong, Li Liu, Lei Qiao, Predeep Adhikari, Rezaul K., Ole Mark, Saeid Eslamian, Mohammad Reza Farzendh** ва бошқалар томонидан тайёрланган. Шу билан биргаликда дарёлардаги тўғонлар, уларнинг таъсири, жилашиш схемалари түғрисида ҳам маълумотлар келтирилган. Иқлим ўзгаришида рискларни камайтириш масалалари кўрилган.

Гидрологик жараёнларни мониторинг қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш, уларни муддатлари ва вақтлари тўғрисида фойдали маълумотлар бор.


**Melvyn Kay** нинг амалий гидравлика(Practical Hydraulics, 2010y) каналлар ва улар билан боғлиқ қурилмалар ўртасидаги қонуниятларни ёритади. Масалан, тўлқинлар ўрганилган, иншоотлар, сув босимлари, насослар ва бошқа шу каби материаллар кенг ўрганилган, амалий мисоллар келтирилган.

**Gerd Morgenschweis** (Hydrometrie, 2010y) Гидрометрия китобида сув ўлчашнинг қурилилмалари, усуллари, воситалари, ҳисоблаш услублари тўғрисида маълумотлар 578 бет ҳажмда берилган. Улар Ўзбекистонда маълум бўлган воситалар ва усувлардан тубдан фарқ қилмайди. Сув сарфини ўлчашнинг асоси оқим тезлиги ва каналдаги сув кўндаланг кесими юзасини кўпайтиришга асосланган. Соҳадаги пириллоқларнинг (Вертушкаларнинг) турли хил тузилмалари берилган ва кўрсатилган. Электрга асосланган ўлчагичлар, қисқа тўлқинли асбоблар ёрдамида ўлчаш воситалари берилган.

**G.J.Hoffman, T.A.Howell, K.H.Solomon.** Management of Farm Irrigation Systems(2010) китоби 1040 бет ҳажмда ёзилган. 30 бобдан иборат. Суғориш тизими хўжалиги менежменти деб номланиб унда суғоришнинг тарихи, ривожланиши, иқтисоди, суғориш ишларини бошқариш, суғориш тизими иншоотлари конструкцияси ҳамда худудлардаги суғориш тизимлари тўғрисида маълумотлар берилган. Непал, Покистон, Шимолий Америка суғориш тизимларининг маълумотлари берилган. Уларнинг Ўзбекистондаги суғориш тизимлари ва улардаги иншотлардан тубдан фарқ қиладиган томоларини ажратиш қийин.




7.3-расм. Сув ўлчаш постлари.



7.4-расм. Сув сарфини ўлчашда осциллографнинг ишлаш схемаси.

**BRAJA M. DAS** нинг Principles of Geotechnical Engineering (2010) номли тўпламиининг материалларнинг қурилишга хос бўлган саволларини ўрганади ва улар бўйича маълумотлар берилган. Масалан, грунт зичлигини ўзгариши(расм) ўрганилган, уни ҳисоблаш формулалари келтирилган.



7.5.-расм. Грунт зичлигини ҳисоблаш схемаси ва кўрсаткичлари: 1-ҳаво; 2-сув; 3-туз.

## ГЛОССАРИЙ

**Мәхнатни ташкил қилиш** – бу бажарувчилар (ишчи инженер техник ходим ва хизматчилар) мәхнати билан боғлиқ бўлган асосий ишларни, мәхнатни илмий ташкил этиш талабларига мос келадиган шароитларда бажаришдир.

**Ишни ташкил қилиш** – бу маълум ишни инженер техник ходим раҳбарлигига жамоа томонидан бажаришдир. **Қурилишни ташкил қилиш** – бу кенг қамровли ва мураккаб йўналиш бўлиб иншоот комплекси бўйича барча ишларни бир бутун ўзаро боғлиқлигини таъминлашдир.

**Режалаштириш** – бу якуний мақсад бўйича барча аниқ имкониятларни хисобга олиб ишни бажариш муддати, кетма – кетлиги, тартибини аниқловчи тадбирларни олдиндан белгиланишидир. Уларни ишлаб чиқариш жараёни режелаштириш деб тушунилади.

**Бошқариш**-бу белгиланган вазифани бажариш мақсадида техник, иқтисодий, табиий ва бошқа қонунларга асосланиб ишлаб чиқариш жамоасига таъсир этишдир.

**Касб** – бу мәхнат фаолиятининг тури бўлиб у билим ва тажрибага боғлиқдир. Масалан, йиғувчи, машинист, қурилиш ишчиси ва бошқалар.

**Мутахассислик** – бу ишчининг тор доирасидаги маҳсус билимлари ва қобилиятидир. Бир касбга бир нечта мутахассислик ишчилари кириши мумкин.

**Меъёр** – бу мәхнат ховфсизлигини таъминлаган ҳолда, санитар – гигиеник талабларни қаноатлантирган ҳолда бир бирлик микдорда иш бажариш ёки бирлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт ёки ресурслар (материаллар, энергия, сув, мәхнат сарфи ва бошқа) микдорига айтилади.

**Қўшма корхоналар(СП)** –маҳаллий ва хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳамкорлигига шартнома асосида ташкил этилади, маблағ сифатида пулдан ташқари мол-мулклар ҳам бўлиши мумкин. Шартномада хўжалик

фаолияти ва фойдани тақсимлаш кўрсатилади. Корхона ўз кучини турли ташкилий юридик шакллар билан қўшилиши мумкин.

**Холдинг** –бу тадбиркорлик шакли бўлиб турли хил компаниялар акциялар пакетларини сотиб олиш йўли билан улар фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва дивидент шаклида даромад олиш мақсадида ташкил этилади.

**Уюшма(ассоциация)** юридик шахсларнинг мустақил хўжалик юритиши ва бошқарувини сақлаган ҳолда ихтиёрий бирлашувидир. Уюшма ихтиёрий равишда берилган вакиллардан фойдаланади.

**Концерн** –уюшмалардан катта масштаблиги билан фарқ қиласи, у ўз таркибига илмий тадқиқот, лойиха ишлаб чиқариш, ўз банкини киритади. Концерн йирик хўжалик вазифаларни ечади, илмий тадқиқотдан тайёр маҳсулотни ечишгача бўлган фаолиятни амалга оширади

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3 сентябр 1998 йилдаги 375-сонли қарори «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 5 август 2000 йилдаги 305-сонли қарори «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

3. Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисидаги» қонуни. Т.1999 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонуни. Т.2016 й.

5. ШНК 1.03.01-08. Состав, порядок разработки, согласования и утверждения проектной документации на капитальное строительство предприятий, зданий и сооружений. Утв. ГАС РУз от 24.06.2008. № 50.

6.ШНК 3.01.04-04. Приемка в эксплуатацию законченных строительством объектов. Основные положения. Утв. ГАС РУз от 25.06.07.№59

7.ШНК 4.01.16-09. Правила по определению договорной стоимости строительства в текущих ценах. Утв. ГАС РУз от 30.07.09. № 83.

8.И.Ахмедов. Сув хўжалиги қурилишни ташкил қилиш режалаштириш ва уларни бошқариш. Дарслик. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти Т.2010й. 268 б.

9. И.Ахмедов. Ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизлик. Ўқув қўлланма. Т., 2015. 171 б.

10.Ў.И.Хусанходжаев, И.Ахмедов. , Ш.Х.Байматов.Гидротехника қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш. Ўқув қўлланма. 1-2-қисм. Тошкент. ТАҚИ. 2018. 292 б.

11.М.М. Мирахмедов, Х.И.Юсупов, И.М.Махаматалиев, Э.А.Шомирзаев, А.Т.Илясов. Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш /Ўқув қўлланма//

Профессор М.М. Мирахмедов таҳрири остида. – Тошкент: ТТЙМИ, НФҚИ, 2017.

12.Дикман Л.Г., Дикман Д.Л. Организация строительства в США. – Москва: Изд АСВ, 2004. – 376 с.

13.В.И. Телешев Н.И. Ватин А.Н. Марчук М.В. Комаринский Производство гидротехнических Работ. (Часть 1) Москва-2012й

14.М.Г. Зерцалов Ю.Е. Хечинов Е.И Жохов Д.С. Конюхов Е.А. Корчагин А.В. Косолапов А.В. Манько Производство гидротехнических работ. (Часть 2) Москва-2012.

15.Афанасев В.А. Поточная организатсия строителства.-Л.: Стройиздат, 1990.

16. “Қуръони карим”. Чўлпон нашриёти. Ташкент. 1992. 544бет.

17.А. Кодиров. Узбекистон ирригация тарихидан лавхалар. Т.1998.

18.Ў. Хусанходжаев Ф. Давронов И. Ахмедов Гидротехника курилиш ишлари (дарслик) Т-2014, 280б.

19.Ў. Хусанходжаев Ф. Давронов И. Ахмедов Гидротехника курилиш ишлари (1-қисм) Т-2013.

20.Ў. Хусанходжаев Ф. Давронов И. Ахмедов Ш. Байматов Гидротехника курилиш ишлари (2-қисм) Т-2014.

21. Gerd Morgenschweis. Hydrometrie, 2010. 578p.

22.John Gerrard. FUNDAMENTALS OF HYDROLOGY. London and New York. 2012. 221 р.

23.Melvyn Kay (Practical Hudraulacs), 2010.

24.Saeid Eslamian.Handbook of Engineering Hydrology, 2014.

25.Tim Davie, FUNDAMENTALS OF HYDROLOGY. 2008.

26. Ljubomir Tanchev. Dams and Appurtenant.2010. 1096p.

Hydraulic Structures

27. P. Novak, A.I.B. Moffat and C. Nalluri, R. Narayanan. Hydraulic Structures.Fourth Edition. 2012. p.725.

28. World Bank (2011). Water Resources Management. Available at:  
<http://water.worldbank.org/water/topics/water-resources-management>.

29. Zare, S., and A. Bruland (2007). Progress of drill and blast tunnelling efficiency with relation to excavation time and cost. In: 33rd ITA World Tunnel Congress, Prague, Czech Republic, 5-10 May 2007, pp. 805-809.

30. G.J.Hoffman, T.A.Howell, K.H.Solomon. Management of farm Irrigation Systems. New York. 1992. 1040 p.

**Қушимча адабиётлар:**

1. И. Ахмедов, Г. Фирлина. Основы прогрессивных технологий конспект лекции ТИИИМСХ. 2000. 64с.

2. И. Ахмедов, Г. Фирлина, М. Ашрабова. Курилишда тармокли графилар ва улар ёрдамида тезкор бошқариш. Услубий кулланма. ТИҚХМИИ. 1999. 15с.

3. Ў.И.Хусанхўжаев, Ш.Х.Байматов. Производство бетонных работ при строительстве грунтовых плотин.(Методическое пособие) Т-2013.

4. СНиП (КМК) 4.02.01. – 96. Сборник 1. Земляные работы. Госкомархитекстрой Узбекистана. Т. 1996.

## МУНДАРИЖА

1	Кириш.....	3
I боб	Гидротехника қурилишини ташкил этиш ва режалаштириш тўғрисида умумий маълумотлар.....	7
1.1	Гидротехника қурилишини бошқариш ва режалаштириш. Унинг мақсад ва вазифалари тўғрисида умумий тушунчалар.....	7
1.2	Гидротехника бошқарув тизими тўғрисида тарихий маълумотлар.....	8
1.3	Курилиш жараёнларида меҳнатни илмий ташкил этиш.....	11
II боб	Қурилиш жараёнида техник меъёрлаш.....	19
2.1	Техник меъёрлаш тўғрисида умумий тушунча ва меъёрларнинг турлари.....	19
2.2	Лойиҳаланаётган иншоотлар, бинолар, ёки уларнинг навбатини қуришни бошланғич нархини шартномавий жорий нархларда аниқлаш.....	26
2.3	Ишчилар меҳнатини ташкил қилиш.....	28
2.4	Бригадалар ва звеноларнинг турлари.....	30
2.5	Асосий меъёрий ҳужжатлар.....	31
III боб	Қурилиш ташкилотларида бошқарувнинг ташкилий-хуқуқий асослари.....	34
3.1	Тадбиркорлик асослари.....	34
3.2	Қурилишда хўжалик ва подряд усуллари.....	38
3.3	Буюртмачиларнинг бошқарув органлари.....	39
3.4	Қурилишда мулкчиликнинг ташкилий шакллари.....	40
IV боб	Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш асослари.....	42
4.1	Қурилиш ташкилоти тизими ҳақидаги тушунча.....	42
4.2	Лойиҳа тўғрисида умумий тушунча ва унинг қурилишдаги аҳамияти.....	50

4.3	Қурилиш майдонини ташкил қилиш.....	61
4.4	Қурувчилар посёлкасини ташкил қилиш.....	71
4.5	Қурилишда сув чиқариш ва паstлатиш ишларини ташкил қилиш.....	82
4.6	Қурилиш транспортини ташкил қилиш.....	96
4.7	Гидротехника қурилишида моддий техник таъминотни ташкил қилиш. Қурилишни энерго манбалар ва сув билан таъминлаш.....	106
4.8	Қурилиш ишлаб чиқариш базалари.....	121
4.9	Қурилиш суви сарфини ўтказишни ташкил қилиш.....	134
4.10	Қурилишни оқим усулида ташкил қилиш.....	150
V боб	Гидротехник қурилишида режалаштириш.....	157
5.1	Календар режа тўғрисида умумий тушунча ва унинг аҳамияти.....	157
5.2	Қурилиш давомийлигини аниқлашнинг умумий принциплари ва объектни ишга тушириш муддати.....	158
5.3	Меъёрлар қўлланиладиган объектлар учун календар режани тузиш ва қурилиш муддатини аниқлаш.....	160
5.4	Меъёрлар қўлланилмайдиган йирик гидротехник объектлар учун қурилиш муддатини аниқлаш.....	161
5.5	Календар режани тузиш .....	164
5.6	Курилиш корхона ва ташкилотларида кадрларни режалаштириш.....	189
VIбоб	Гидротехника қурилишида бошқариш асослари.....	195
6.1	Бошқарув фаолияти ва унинг умумий масалалари.....	195
6.2	Бошқаришда раҳбарлик фаолияти.....	221
6.3	Бошқариш қарорлари ва уни ишлаб чиқиш.....	228

6.4	Қурилишда бошқаришнинг автоматик тизими (БАТ).....	237
6.5	Бошқарув меҳнатини ташкил қилиш даражасини баҳолаш.....	249
6.6	Гидротехника қурилишида сифатни бошқариш.....	256
6.7	Гидротехника қурилиши ва эксплуатациясида хавфсизликни бошқариш.....	270
<i>VII</i>	Гидротехника қурилиш соҳаси бўйича хорижий адабиётлар боб таҳлили.....	289
	Глоссарий.....	293
	Адабиётлар.....	295